ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

Ўқув-услубий мажмуа

ГУЛИСТОН 2012

***Ф.Бабажанова, ГУЛДУ** катта ўқитувчиси**, З.Эшонқулова,** Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи*

“ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ” ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА
Гулистон 2012 йил.

Ушбу ўқув-услубий мажмуада мавзуларнинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айрим жиҳатларини чуқур эгаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалга татбиқ этиш йўл-йўриқлари таҳлили қайд этилган

Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи педагогик кенгашининг 2011 йил 28 августдаги 1-сонли мажлис қарори билан маъқулланган. Ўқув-услубий Кенг аши томонидан (-баённома, 2012 й.) нашрга тавсия қилинди.

Масъул муҳаррир: Педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳ.Абдукаримов
Тақризчилар: катта ўқитувчи Ш.Усмонова, ўқитувчи О.Абдумўминова

Данный учебно-методический комплекс, расскрывает научные и практические стороны формирования педагогического мастерства будущих специалистов.
В нём отражены основные компоненты педагогического мастерства, её формирование и внедрения в практическую деятельность педагогов.
Учебно-методический комплекс рекомендуется к изданию Методическим Советом (протокол № __ от, 2012 г.)

Ответственный редактор: доц. Х.Абдукаримов

Рецезенты: старший преподаватель Ш.Усманова,
преподаватель О.Абдумуминова

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ 4
1-МАВЗУ: ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ. ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ 18
2-МАВЗУ: ОИЛА ХУСУСИДА ШАРҚ МУТАФАКИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ. НИКОҲ ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ 25
3-МАВЗУ: ОИЛА ТАСНИФЛАНИШИ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОИЛАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ 43
4-МАВЗУ: ЎСМИРЛИК ЁШИДАГИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ 48
5-МАВЗУ: МУҲАББАТ ПСИХОЛОГИЯСИ 61
6-МАВЗУ: НИКОҲ ОЛДИ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ 69
7-МАВЗУ. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ 85
8-МАВЗУ: ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ. АЖРАЛИШ, УНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ 95
9-МАВЗУ: РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ –ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ (СОҒЛОМ ОИЛАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ) 106
10-МАВЗУ: ОИТС (СПИД) ВА ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ 118
11-МАВЗУ: ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ОИД ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТЛАР. 127
ГЛОССАРИЙ 140
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 144

КИРИШ

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади - бу фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар билан аждодлар ворислиги ва давомийлигини ҳамда ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз И.А.Каримов оиланинг туб моҳияти ҳақида гапириб: "Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб этишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор", дэган эдилар.

Дарҳақиқат, оила - ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мэроси равнағини таъминловчи тарбия масканидир. "Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган" . Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи бўлиб ҳисобланади. "Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади... Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир". Ота-оналар муносабатларда намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади).

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирларининг асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳаётий мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насиҳатлар кўринишида баён этилган.

Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштараклиги туфайли жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Оилавий ҳаёт жамият тараққиётида ва фарзандларнинг камолотида учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Президентимиз И.А.Каримов ва давлатимиз раҳбарлари томонидан ҳозирги даврда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас, албатта "Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор".

Жумладан, 1994 йил бутун дунё жамоатчилиги ва халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан "Халқаро оила йили" деб эълон қилиниши, 1998 йил Республикамизда "Оила йили" деб белгиланиши ва буларнинг узвий давоми сифатида 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2002 йил "Қарияларни қадрлаш йили", 2003 йил "Обод маҳалла йили" ва 2004 йил "Меҳр ва мурувват" йили деб номланиши бунинг ёрқин далилидир. 2011 йил 8 декабр кунида ҳам бежиз кириб келаётган 2012 йилни "Мустаҳкам оила" йили деб эълон қилинмади. Бу эса ҳар бир педагог-тарбиячини ўсиб келаётган ёш авлоднинг онигида мустаҳкам оила ҳақида тушунча ҳосил қилиши, унинг педагогик-психологик, маънавий-аҳлоқий жиҳатларини тушунтириши, уларда оила муқаддаслиги тушунчасини шакллантириши зарур.

Ана шундай халқаро аҳамиятга молик тадбирларнинг кун тартибида туриши оила ҳаёти, ундаги шахслараро муносабатлар мустаҳкамлиги ва унинг фаровонлиги каби масалалар ижтимоий психологиянинг асосий категорияси ва шахслараро муносабатнинг асоси сифатида ниҳоятда долзарб муаммо эканлигидан далолат беради.

"Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради". Кўриниб турибдики, оилавий ҳаёт масалалари ҳозирги давр фани тадқиқот йўналишининг устувор соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Республикамизда "Оила" илмий-амалий марказининг ташкил этилиши ҳамда ҳукумат томонидан "Оила кодекси" (1998) қабул қилиниши бугунги кунда оилаларнинг мустаҳкам ва барқарорлигини сақлаш учун қилинаётган муҳим амалий ишлардан ҳисобланади.

Афсуски, оила-никоҳ муносабатларининг ҳозирги даврга келиб заифлашиб бораётганлиги дунёнинг деярли кўпчилик мамлакатларида: Америка Қўшма штатлари, Англия, Франция, Германия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия ва бошқа қатор давлатларда яққол намоён бўлмоқда ўзбек оилалари ҳаётида оила-никоҳ муносабатларининг заифлашуви ва унинг бузилишлари юқорида қайд этилган давлатлардагига қараганда анча кам бўлса-да, афсуски ажралишнинг асоратлари оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасида ниҳоятда аянчли оқибатлар, нохуш ҳолат ва ҳодисалар келтириб чиқараётганлиги кузатилмоқда. Демак, оилаларнинг бузилиши ва унинг оқибатида юзага келадиган турли хилдаги асоратлар ижтимоий психология ва этнопсихология фанларининг тадқиқот предмети сифатида кенг ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон психологлари томонидан ўзбек оилаларига хос муаммоларни ўрганиш юзасидан бир қатор муваффақиятли илмий изланишлар олиб борилган. Ана шу илмий ишларда оила-никоҳ муносабатлари, ёшларни оилавий ҳаётга

тайёрлаш, ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи муҳим сабаблар, ажралишлар ва уларнинг салбий асоратлари каби бирқатор масалалар ҳар томонлама ўрганилиб таҳлил қилинган .

Бироқ, юқоридаги илмий изланишларда оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Аслида оилавий турмушда юзага келадиган муаммолар, ҳатто оиланинг бузилиши ва унинг салбий асоратлари, ҳамма-ҳаммаси ундаги шахслараро муносабатлар таъсирининг натижаси эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, оила барқарорлиги, бахтли ва фаровон турмуш кечириш, албатта, шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли, айнан шу муаммо юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ **фанидан**
академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув дастури

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенг ашининг 2010 йил 9 октябрдаги 2-сонли йиғилиш баёни қарорига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 21 октябрдаги 396 -сонли буйруғи билан тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди.

Психология фанлари доктори, профессор
Ғайрат Шоумаров умумий таҳрири остида

Тузувчилар:
И. Ҳайдаров - психология фанлари номзоди, доцент
Н. Соғинов - психология фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:
Б. Умаров - психология фанлари доктори
У.Қодиров- психология фанлари номзоди, доцент
С.Мадалиева – 1-Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси
М.Махмудова – Чилонзор матбаа коллежи ўқитувчиси
Нашрга тайёрлади:

Н Чиниқулов –Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ушбу оила психологияси фанидан ўқув дастури академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари ва ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, оила психологияси фани замонга хос тарзда янги билимлар асосида жадал ривожланиб бораётган, жамият тараққиёти ва маънавий барқарорлик учун керак бўлган илмий фаннинг амалий соҳасидир. Бу ўқувчи ёшлар оилавий ҳаёт ва ундаги мураккаб ўзаро муносабатларнинг қонуниятлари, механизмлари ва оилага психологик хизмат кўрсатиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, оила психологияси фан тармоғи сифатида бўлғуси ота-оналар томонидан ўзлаштирилиши уларнинг мустақил оилавий ҳаётга тайёр бўлишлари ва фуқаролик жамиятининг ёшларини оилани муқаддас билишга ўргатиш орқали уларни маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Дастурда келтирилган мавзулар айнан шу мақсадга асосланиб тузилган.

Инсоният тарққиётининг ҳозирги босқичида оила муаммоларини ўрганиш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларининг долзарблиги. Шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни. Оила, соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш. Ўзбекистон Республикасида оила масаласини қўйилиши ва ҳукумат томонидан чиқарилган Ўзбекистон Конституциясида оила. «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да оила масаласи. «Оила» илмий-амалий Марказининг юзага келиши, мақсад ва вазифалари, Ўзбекистонда «Оила Кодекси»ни қабул қилиниши, унинг мақсад ва вазифалари, 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилиниши ҳамда Президент асарлари ва маърузаларида оила масаласиги эътибор берилиши ҳақидаги маълумотларни ўқувчи ёшларга етказиш мақсадида ушбу дастур тузилган.

1-мавзу: Оила психологиясининг умумий асослари

Оила психологияси фанининг предмети-оиланинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ташкил этиши, жамиятнининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шахснинг маданий такомиллашувига, шахларни бир-бирига қўядиган талаблари ошишига ва шахслараро муносабатнинг нозиклашувига олиб келади. Бунинг дебочаси сифатида севги, мухуббат, оила ва оилавий муносабатлар юзага келади бу эса ўз навбатида оила психологиясининг илмий тақиқот предмети сифатида ўрганилиши талаб этилади.

Оила психологияси фанининг вазифаси –оила психологиясига доир энг муҳим билимларни бериш ва улар асосида тегишли малакалар кўникмаларни шакллантириб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Оиланининг шахсни шаклланишидаги роли ҳақида ёшларга тасаввур бериш, ёшларга оилавий ҳаётга кузатиладиган ўзгаришлар ҳақидаги илмий билимлар билан таништириш, ёшларга оилавий ҳаётда бўладиган муаммолар, қонуниятлар ҳақида илмий тасаввур билан тарбиялаш, уларни бу жараёнларга тайёрлаш, ёшларни оилавий ҳаётда юзага келадиган, муаммоларга конструктив тус беришга, деструктив йўналишлардан сақланишга ўргатиш, ёшларни муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона чиқиш малакаларини ўргатиш, ёшлар ўзларининг турмуш ўртоқларини тўғри танлаш малакаларини шакллантириш, ёшларни жинсий ҳаётга илмий асосда тайёрлаш, ёшларга оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи билим ва малакаларини шакллантириш, ёшларни оилавий мулоқатга

тайёрлаш, ёшларни оилани режалаштиришга ўргатиш каби вазифалар ўқувчиларга берилиши кўзда тутилган.

2-мавзу**: Оила хусусида шарқ мутафакирларининг қарашлари**

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг диққат марказида асосий масалалардан бири бўлиб келган. Абу Носир Фаробий, Абу Райҳон беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Хотам ибн Той, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фахриддин, Муқимий, Фурқат, Яавқий, Увайсий, Нодира, Абдуруф Фитрадт, Абдулло Авлоний каби шарқ мутафакирларнинг оила хусусидаги доно фикрларининг баёни берилади.

Қадимги замонларда ибтидоий жамоа тузуми даврларида эркак ва аёл муносабатлари хусусиятлари. Никоҳ оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиши. Инсоний ҳиссиёт, севгининг биологик асоси. Эркак ва аёл жинсий муносабатларининг шаклланиши. Эркак ва аёл муносабатларида юзага келган «табу»лар. Никоҳнинг дастлабки турлари. Эндогам оила. Экзогам оила. Уруғлараро никоҳ.

Дастлабки жуфтли никоҳларнинг юзага келиши. Эгалитар никоҳ (24-25 минг йиллар муқаддам). Хусусий мулкчиликнинг юзага келиши ва унинг никоҳ оила муносабатларининг шаклланишига таъсири. «Совға айрбошлаш». Индивидуал жуфт никоҳнинг юзага келиши. Жуфт оила. Оилавий ролларнинг юзага келиши. Никоҳ оила муносабатларининг ижтимоий бошқарила бошланиши. Моногам оила турининг юзага келиши.

Инсоният тараққиётининг кейинги формацияларида никоҳ оила муносабатларининг ривожланиши. Ижтимоий тарихий тузумларда эр-хотинлар, оила аъзолари муносабатлари характерига қўядиган талаблари. Ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиётининг оилавий муносабатлар характерига таъсири. қулдорлик тузумида оилавий муносабатлар характери. 8-март байрамининг юзага келиши (қадимги Рим).

Патриархат полигам (кўп хотинлилик), моногам оилалар. Фамилия (лот. фомил – бир одамга тегишли қуллар), нуклеар (лот. нуклеус – ядро) оилалар. Индустриал жамиятда нуклеар оилаларнинг ўрни.

Оила ва жамият муносабатлари. Оила аъзоларининг ижтимоий муносабатлари. Оиланинг жамиятдаги муносабатларга ва жамиятнинг оилага таъсири.

Никоҳ оила муносабатларининг эволюцияси

Никоҳ оила муносабатлари, оилавий ҳаёт психологиясига, ҳозирги замон оиласида кузатиладиган кўплаб ҳолатларга психологик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, уларнинг илдизи никоҳ-оила муносабатлари эволюциясининг узоқ ўтмиши билан боғлиқдир. Никоҳ-оила муносабатлари эрамиздан олдинги иптидоий даврлардан биологик эҳтиёж сифатида пайдо бўлиб, аста-секинлик билан гуруҳлар, қабилалр, уруғчилик ва асосан онгли одамларнинг пайдо бўлиши, деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида, никоҳ-оила муносабатлари, эр-хотин оила боқувчи эркак ва аёл муносабатлари шакллана бошлайди.

Махсус манбаларда қайд этилишича, қуръон, ҳадис ва бошқа муқаддас китобларда оила масалаларининг ёритилиши. Ўтмиш мутафаккирларининг оила моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари. Ал-Бухорий, Бурхонуддин Марғиноний, Ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг оила, оилавий муносабатлар ҳақидаги қарашлари.

Оила никоҳ ҳақида тушунча. Оила бирлигини таъминловчи омиллар: ўзаро севги, оиланинг барча аъзоларининг аҳлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ўзаро масъулияти, ўзаро тушуниш ва эмоционал (ҳиссий) боғлиқлик, яқинлик. Оила аъзолари ўртасида эмоционал тэнгликни таъминлаш-оила аъзолари ўртасида ишончли мулоқот, бир-бирини аҳлоқий, маънавий, ҳиссий қўллаб-қувватлаш, уларда хотиржамликни (хавфсизликни) ҳис қилишни таъминлаш.

3-мавзу: **Оиила таснифланиши. Ҳозирги замон оилаларининг турлари**

Ҳозирги замон оиллари қандай турларга эга эканлиги ва ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш, уларга хос муаммоларни ўрганиш, оилавий ҳаётга рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш имконини беради.

Оилалар тузулишига кўра бир неча турларга бўлиниши, тўлиқлигига кўра, бўғимлар сонига кўра, болалр сонига кўра, эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра, эр-хотиннинг маълумоти савиясига кўра, оиланинг ёшига кўра, қудаларнинг ижтимоий-иқтисодий мослигига кўра, регионал жиҳатига кўра, никоҳдан қониқганлик савиясига кўра, оилада эр ёки хотин етакчилигига кўра, оилада , эр-хотин муносабатларига кўра, эр-хотин миллатига (Байналминал) кўра ва бошқалар.

Ўзбек оиласининг юқоридаги ижтимоий-психологик классификацияси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги замон оиласининг асосий вазифалари

Ҳар бир оила жамиятниг бир бўғини сифатида, жамият олдидаги маълум бир вазифани бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифалари ҳақида гапирганда булар қуйдагилар:

Оиланинг иқтисодий вазифаси
Оиланинг репродуктив вазифаси
Оиланинг тарбиявий вазифаси
Оиланинг коммуникатив вазифаси
Оиланинг рекреатив вазифаси
Оиланинг фелитстологик вазифаси
Оиланинг регулятив вазифаси
Оиланинг релаксатсия вазифаси

Иқтисодий - уй хўжалигини юритиш, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини самарали қондирилишини таъминлаш. Фарзандни дунёга келтириш ва вояга етказиш жараёнида оиланинг жамиятга келтирадиган иқтисодий фойдаси.

Репродуктив - жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш.

Тарбиявий - маданий мэросни авлоддан авлодга узатиш, ёш авлодни тарбиялаш жамиятнинг маданий мэросини сақлаб туриш.

Коммуникатив - оила аъзоларининг мулоқотга ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Реактив - ўзаро жисмоний, моддий,маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила-аъзоларининг дам олишини ташкил этиш вазифаси.

Фелицитологик - шахсий бахтга эришишга интилиш (фелицито-италянча бахт). Инсоннинг том маънодаги бахтга эришишида оиланинг тутган ўрни.

Регулятив - бошқарув, ёш авлодни ижтимоий назорат қилиш ва катталарнинг маънавий-аҳлоқий, сексуал ҳулқини назорат қилиш ва бошқариш.

Релаксация ва психотерапевтик - касб фаолиятида сарфлаган куч қувватини оилада қайта тиклаш ва эмоционал зўриқишлар, руҳий танглик, стрессларнинг олдини олиш. Руҳий зўриқишларни бартараф этиш.

Булар ҳақида шарқ мутафакирларидан Ал-Бухорий, Бурхонуддин Марғиноний, Ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний асрларида ҳамда, ғарб социолог олимлар У.М.Свердлов, В.А.Райсенсов, В.П.Ключников, С.Д.Лаптенко, Н.Г.Юркевич ва А.Г.Харчев ва бошқаларнинг илмий тақиқотларида оиланинг ижтимоий вазифалари ўз аксини топган.

4-мавзу: **Ўсмирлик ёшидаги ўғил ва қизларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари**

Психология фанининг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш ўсмирлар психологияси бевосита ўсмир ёшдаги болалар психологиясининг ривожланиш хусусиятлари, қонуниятлари, механизмларини яққол намоён этади. Қарама-қарши жинсга нисбатан муносабатларнинг шаклланиш ёши.

Ўсмирлик даври ҳақида тушунча, бу давр янгиликлари. Ўсмир психологияси. Бу даврда ўсмирнинг ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатлари. Ўсмир организмида рўй берадиган психофизиологик ўзгаришлар: жинсий балоғатга этиш, эндокрин система фаолияти хусусиятлари ва уларга боғлиқ равишда ўсмир ҳулқи, руҳиятида кузатиладиган ўзгаришлар.

Ўсмирларда шахслараро муносабатларнинг ёш психологик хусусиятлари. Ўсмирлар автономиялари. Ўсмирларда дўстлик ҳисси. Аралаш жинсли гуруҳларнинг шаклланиши.

Ўғил ва қиз болаларда балоғатга этишнинг «ўз муддати» дан эрта ёки кеч рўй беришининг ўғил ва қиз болалар руҳиятига, ҳулқига таъсири. Жинсий балоғатга этиш босқичлари.

Менструация циклида қиз болалар ва аёллар руҳиятида рўй берадиган ҳолатлар.

5-мавзу: **Муҳаббат психологияси**

Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг фикрлари. Севги-муҳаббат туйғуларининг турлари. қиз ва йигитлар орасидаги ўзаро ҳиссий муносабатларнинг турлари. Муҳаббат босқичлари. Муҳаббат ва ёш. Муҳаббат ва мижоз (мижоз билан ҳиссиётнинг ифодаланиши орасидаги боғлиқлик). Муҳаббатнинг қай даражада ифодаланишининг киши яшаётган шароит, муҳит, ижтимоий-аҳлоқий ва миллий мезонларга боғлиқлиги. Севги ҳисларини бошидан

кечираётган шахснинг ахлоқий покланиши. Муҳаббат белгилари: «биргалик эффекти», идрокнинг идеаллашуви, альтруизмнинг кескин ифодаланиши, муҳаббат кучига чексиз ишониш, севгилисида бошқалар кўрмаган жиҳатларини кўриш, муҳаббат ҳиссининг намоён бўлиши. Севги меъзонлари. Севгининг фаслий ўзгариши. Рашк ва муҳаббат ҳислари. Рашк туйғуси, унинг кўринишлари.

6-мавзу**: Никоҳолди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсири**

Никоҳолди омиллари классификацияси. Никоҳга етуклик: жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик. Оила қуриш ёши. Никоҳгача танишиш муддати, шарт-шароитлари. Ёш оилаларнинг юзага келишида миллий урф-одатлар, анъаналар ва совчиликнинг ўрни. Никоҳолди омилларининг оила мустаҳкамлигига таъсири.

Оила қуриш мотивлари. Севги, моддий манфаатдорлик (ҳисоб) ёки стереотип бўйича оила қуриш ҳамда уларнинг оила мустаҳкамлигига таъсири. Ёш келин-куёвларнинг ижтимоий келиб чиқишлари, маълумот кўрсаткичлари ва бошқа шу каби никоҳолди омиллари.

Ёшларнинг бўлажак оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ва уларнинг оила мустаҳкамлигига таъсири.

7-мавзу**: Оилада шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологияси**

Оилада мулоқот. Оилавий мулоқотларнинг ўзига хос қонуниятлари. Мулоқот маданияти. Оилавий мулоқот маданиятининг кўринишлари.

Мулоқот жараёнида юзага келадиган тўсиқлар психологик, вазиятли, мазмуний ва мативацион.

Оилавий муносабатлар психологияси. Ёш оилада эр-хотин муносабатлари динамикаси. Эр-хотин муносабатлари ривож-ланишининг нотекислиги. Ёш келин-куёвларни оиланинг бошқа аъзолари билан бўладиган муносабатлари. Келинларнинг янги оилага мослашиши. Оила қургандан сўнг келин ва куёвнинг ижтимоий мавқеининг ўзгариши. Эр-хотин муносабатларининг ўзига хослиги, эр-хотинлик муносабат-лари.

8-мавзу: **Оилавий низолар психологияси. Ажралиш, унинг сабаб ва оқибатлари**

Эр-хотин муносабатларида низоли вазиятларнинг юзага келиши. Оилавий низолар турлари. Низоларнинг ижтимоий-психологик тавсифи. Оилани мустаҳкамловчи (конструктив), оилавий муносабатларни бузувчи (деструктив), тор доирадаги (эр-хотин ўртасидаги) ва кенг доирадаги (бошқалар ҳам иштирок этадиган) низолар.

Эр-хотин низоларининг динамикаси (қарама-қаршилик-ларнинг юзага келиши, низоли вазият, низоларнинг кечиши, низодан сўнги вазият). Оилавий муносабатларда «тескари воронка» тамойили.

Оилавий муносабатларда низоларни юзага келтирувчи ва оилавий муносабатларнинг бузилишига олиб келувчи сабаб, баҳона ва омиллар.

Низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари.

Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар. қайнона-келин ўртасидаги низолар. қайнона-куёв ўртасидаги келиш-мовчиликлар.

Ажралиш ва унинг оқибатлари. Ажралишнинг ўзига хос ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятлари.

Ажралиш сабабалари, омиллари. Ажралиш оқибатлари. Уларнинг салбий асоратларини камайтириш масалалари.

9-мавзу**: Репродуктив саломатликнинг ижтимоий –психологик жиҳатлари (соғлом оилани режалаштириш усуллари)**

Контрацептив воситалар ва уларнинг турлари ҳақида тушунча. Анъанавий усуллар, бола эмизиш, жинсий алоқани тўхтатиш, презерватив, диафрагма ва цервикал қалпоқчалар, спемацид воситалар, гормонал сақланиш воситалари ва бошқалар ҳақида тушунча. Контрацептив воситалардан фойдаланиш усуллари. Контрацептив маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик ва ҳудудий хусусиятлари.

10-мавзу**: ОИТС (СПИД) ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларнинг ечимлари**

ОИТС ва жинсий касалликларни дунёдаги тарқалганлик ҳолати. ОИТС ва жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг ижтимоий омиллари. Мазкур касалликларни оилага, шахснинг шахслараро муносабатларига, касб фаолиятига, жинсий қувватига, психосоматик ҳолатига ҳамда наслига таъсири.

ОИТС ва жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг юқиш йўллари ва воситалари. Мазкур касалликларни эркак ва аёлларда ифодаланишининг ўзига хос хусусиятлари. Уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар.

11-мавзу**: Оилавий муносабатларни ўрганишга оид психодиагностик тестлар.**

Оила психодиагностикаси ҳақида тушунча. Оилавий муносабатларни психологик ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Оилани ўрганиш психодиагностик методикаларининг афзалликлари ва камчиликлари. Уларга қўйиладиган талаблар. Никоҳ-оила муносабатларини ўрганувчи методлар. Никоҳ олди омилларини ўрганиш методикалари ва улардан фойдаланиш масалалари. Суҳбат, анкета, кузатиш, эксперт баҳолаш.

Конкрет психодиагностик тестлар: Севги ва ёқтириш майли шкаласи, бу катта севгими ёки энгил-елпи ёқтиришми. Сиз уни қай даражада севасиз, Севги-муҳаббатга лойиқмисиз, Никоҳга маънавий тайёргарлик тести, Турмушга чиқиш учун тайёрмисиз. Характерларнинг мос тушушини аниқлаш тести. Ёлғизлик даражасини аниқлаш,

Саволнома. Сизнинг шахсий ҳаётингизда бахт борми?, Сиз рашкчимисиз?, Сиз рашк қилиш керак эмаслигини яхши биласиз, лекин ... , Сиз яхши хотинмисиз?, турмушга чиқишга тайёрмисиз?, Сиз уни қанчалик севасиз?, Сиз ўзингиздан розимисиз?, Севармикан?, севмасмикан?, Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?, Одамларга ёқасизми?, Сиз турмуш ўртоғингизни яхши биласизми?[1], Сиз бир-бирингизга мос тушасизми?, айтингчи Сиз бахтлимисиз?, Ҳаётга муносабатни аниқлаш ва бошқалар. Бу методикалар ёрдамида амалий машғулотлар ўтказиш[1].

[1] Мазкур курс бўйича назарда тутилган амалий машғулотлар мавзуга оид психодиагностик методикалар воситасида мавзуга оид материал йиғиш, шунингдек мавзу материалларини муҳокама қилиш, савол-жавоблар, давра суҳбатлари, мутахассислар билан учрашув, аноним саволларга жавоб, муаммоли вазиятларни мустақил ечиш тренинглар тарзида ўтказилади.

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Фаннинг мақсади: Оила психологияси фани предмети бўйича ўқувчи ёшларни оилавий ҳаёт ва ундаги мураккаб ўзаро муносабатларнинг қонуниятлари, механизмлари таништириш.

Фаннинг вазифалари: шарқ алломаларининг оилага берган баҳолари, унинг таркиб топиши, шаклланиши, мустаҳкамланиши, энг юксак даражага этишининг шарт-шароитлари ва қонуниятларини ўргатиш;

Ўқувчиларда илмийлик, тадқиқотчилик, ижодкорлик, компьютер саводхонлиги, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилдириш.

Таълим сифатини ошириш учун техник воситалар: аудио-видео, кино материаллари, компьютерлар, видеопроектор, слайтлар, бадиий асарлардан парчалар; замонавий педагогик технологиялардан, хусусан интерфаол методлардан ўринли фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. “Мия ҳужуми”, “Карточканинг яримини топ”, шунингдек, “Венн халқачалари”, “Инсерт”, “Кластер”, “ФСМУ””Т-СХЕМА”,каби методлардан фойдаланиш тавсия этилади.

<u>Маърузаларда:</u>

1. Тақдимот – қоидалар, жадваллар, асосий тушунчалар намойиш этилади ва изоҳланади.

***2.* Мунозара (баҳс)** – эркин ва ҳар хил фикр билдириш асосида билим эгаллаш.

***3.* Муаммоли савол ва вазифалар** – илмий-назарий маълумотлар баён этилишида муаммоли савол ва вазифалар таҳлил этилади..

***4.* БхБхБ** – маъруза (охирида) сўнгида билган, билиб олган ва билишни ҳохлаган маълумотлар жадвали тўлдирилади.

***5.* Тезкор савол-жавоб (Блиц - сўров)** - асосий савол тушунтирилганда ёки мавзу охирида аниқ саволларга қисқа ва лўнда жавоблар олиш.

<u>Семинар машғулотларида:</u>

1. Ақлий ҳужум – тез ва ҳар хил фикрларни жамлаш ва тўғрисини аниқлаш.

2. Муаммоли вазиятлар – кўникмаган, ҳар бир талабанинг ўзига хос билим ва дунёқараши, топқирлиги аниқланади.

3. Иерархия – оддийдан-мураккабга, аниқдан ноаниққа ва уларнинг тескарисини амалга ошириш орқали мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатиш.

4. Мулоқот – тингловчиларнинг диққатини ўзига жалб этиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, эркин ва мустақил фикр алмашинади.

***5. Муҳокама* –** бирор назарий қараш, ғоя, фикр, таълимот ҳақида ҳар ким ўз қарашларини баён этади.

6. Шахсий фикр – аниқ вазият, жараён ва олинган хулоса тўғрисида фикр билдиради, ўзгалар фикри билан солиштиради ва ютуқ-камчиликларни аниқлайди.

7. Кластер – асосий тушунча тармоқларга бўлиб чиқилади.

8. Пинборд – тахтада ёзиб, ютуқ-камчиликлар таҳлил қилинади.

9.Бошқарув – маълум фаолиятни ташкил этиш жараёнида иштирокчиларни бошқариш кўникмалари аниқланади.

10. Кейс – стади – аниқ вазият, ҳодисаларнинг моҳиятини таҳлил этиш ва аниқлаш.

III. “ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ” фаннинг ўқитиш технологиясининг концептуал асослари

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимэдиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. “Оила психологияси ” фанни ўқитишнинг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қуйидагилардан иборат.

“ Оила психологияси” фанининг **асосий мақсади** бўлажак мутахассисларга педагогик фаолиятнинг психологик асоси ҳақида тўла билим бериш, уларда шахс шаклланиши жараёнида психологик билим малакаларини шакллантиришдан иборат.

« Оила психологияси» фанни ўқитишнинг **вазифалари:**

- Оила психологиясини ўрганиш тарихига оид маълумотлар бериш;
- Оилавий хаёт, ёш хусусиятлари, уларнинг психологик жиҳатлари ҳақида тўла маълумот бериш;
- талабада оила психологияси фани ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Мазкур курсни ўрганиш натижасида талаба қуйидагиларни **билиши** зарур:

- Оила психологияси тарихи, Шарқ ва Ғарб олимлари, адиблари, жамоат арбобларининг бу борадаги қарашлари;
- Ўсмирлик даврининг ўзига хос хусусиятлари;
- педагогик бошқарувга қўйиладиган талаблар;
- таълим ва тарбия масалаларининг психологик асослари;
- таълимда психологик хизматнинг мазмун ва моҳияти;
- педагогик фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини.

мазкур курс маъруза ва семинар машғулотлар шаклида ўрганилиши назарда тутилган. Маърузаларда талабаларга бу фанга оид назарий маълумотлар берилса, семинар машғулотлар давомида педагоги муносабат кўникмаларини ҳосил қилишга эътибор қаратилади.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини

ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукаммал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Диалогик ёндашув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тэнглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визиуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

Ўқитиш васиталари*:* ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-комуникация технология воситалари кенг кўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари*:* тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

Бошқариш усуллари ва тартиби*:* ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириқлари ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

Ўқув режасида фанга ажратилган соатлар миқдори ва дарс турлари бўйича тақсимоти

№	Фан бўлимлари ва мавзулар	Умумий юклама, соат							
		Дарслар тури бўйича соатлар тақсимоти							
		Ҳаммаси	Жами	Назарий	Амалтй	Лабора-тория	Семинар	Курс ши (лойиҳас	Мустаки ш
1	Оила психологиясининг умумий асослари	3	2	2	-	-	-	-	1
2	Оила хусусидаги шарқ мута-факкирларининг қарашлари	6	4	2	1	-	1	-	2
3	Оила таснифланиши	6	4	2	1	-	1	-	2
4	Ўсмирлик ёшидаги ўғил ва қизларнинг узига хос психологик хусусиятлари	6	4	2	1	-	1	-	2
5	Муҳаббат психологияси	4	3	2	1	-	-	-	1
6	Никоҳ олди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсири	6	5	2	2	-	1	-	1
7	Оилада шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологияси	4	3	2	1	-	-	-	1
8	Оилавий низолар психологияси. Ажралиш, унинг сабаб ва оқи-батлари	6	4	2	2	-	-	-	2
9	Репродуктив саломатликнинг иж-тимоий - психологик жиҳатлари (соғлом оилани режалаштириш усуллари)	6	4	2	1	-	1	-	2
10	ОИТС (СПИД) ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг иж-тимоий - психологик муаммолари ва уларнинг ечими	7	5	3	-	-	2	-	2
11	Оилавий муносабатларни ўрга-нишга оид психодиагностик тестлар	3	2	-	2	-	-	-	1
	Жами:	**57**	**40**	**21**	**12**		**7**		**17**

1-МАВЗУ: ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ. ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Фанни ўқитиш технологияси:
Оила психологияси фани предмети мақсади ва вазифалари мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **Дарснинг мақсади:** **Таълимий:** Оила психологияси фани предмети мақсади ва вазифалари тўғрисида тушунча бериш **Тарбиявий:** Оила психологияси фани ҳақида тушунча бериш орқали ўқувчилардаги аҳлоқ-одоб тарбиясини шакллантириш **Ривожлантирувчи:** Оила психологияси тўғрисидаги тасаввурларини ривожлантириш **Дарснинг тури:** Назарий маълумот бериш. **Дарс жихози:**Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. **Дарснинг боғланиши:** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих **Дарснинг бориши:** Саломлашиш, хона тозалиги текшириш, давоматни аниқлаш, оила психологияси тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш, янги мазуни баёни, уйга вазифа бериш. **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Оила, психология, предмет,фан-техника тараққиёти. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Оила психологияси тушунчасига таъриф беради. • Оила психологияси моҳиятига изоҳ беради. • Оила психологияси таркибий қисмларини тавсифлайдилар. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, ФСМУ, тақдимот.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **Талабаларга муаммоли савол беради** **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**

	чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Оила психологияси фанининг мақсади дэганда нимани тушунасиз? 2. Оила психологияси ўқув курсининг вазифалари нималардан иборат? **4.2.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. «Оила психологияси фани предмети мақсади ва вазифалари» мавзуси юзасидан турли хил кўргазмали қуроллар тайёрлаш. **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Оила психологияси фанининг мақсади
2. Оила психологи яси фанининг вазифалари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Оила, психология, предмет,фан-техника тараққиёти, этнопсихология, жамият.

Мавзунинг баёни:

Оила психологияси ўқув курсининг мақсади сиз ёшларни оилавий хаётга тайёрлашдан иборатдир.

Маълумки, инсоният жамияти тараққий етиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса, шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, юнг яқин бўлган жилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради.

Оила психологияси фанининг предмети-оиланинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ташкил этиши, жамиятнининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шахснинг маданий такомиллашувига, шахларни бир-бирига қўядиган талаблари ошишига ва шахслараро муносабатнинг нозиклашувига олиб келади. Бунинг дебочаси сифатида севги, мухуббат, оила ва оилавий муносабатлар юзага келади бу эса ўз навбатида оила психологиясининг илмий тақиқот предмети сифатида ўрганилиши талаб этилади.

Оила психологияси фанининг вазифаси–оила психологиясига доир энг муҳим билимларни бериш ва улар асосида тегишли малакалар кўникмаларни шакллантириб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Оиланининг шахсни шаклланишидаги роли ҳақида ёшларга тасаввур бериш, ёшларга оилавий ҳаётга

кузатиладиган ўзгаришлар ҳақидаги илмий билимлар билан таништириш, ёшларга оилавий ҳаётда бўладиган муаммолар, қонуниятлар ҳақида илмий тасаввур билан тарбиялаш, уларни бу жараёнларга тайёрлаш, ёшларни оилавий ҳаётда юзага келадиган, муаммоларга конструктив тус беришга, деструктив йўналишлардан сақланишга ўргатиш, ёшларни муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона чиқиш малакаларини ўргатиш, ёшлар ўзларининг турмуш ўртоқларини тўғри танлаш малакаларини шакллантириш, ёшларни жинсий ҳаётга илмий асосда тайёрлаш, ёшларга оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи билим ва малакаларини шакллантириш, ёшларни оилавий мулоқатга тайёрлаш, ёшларни оилани режалаштиришга ўргатиш каби вазифалар ўқувчиларга берилиши кўзда тутилган.

Инсоннинг тирик мавжудод сифатида ҳаракатда бўлиш турли хил эҳтиёжларни амалга оширишни тақозо этади. Улардан баъзи бирларини мустақил амалга оширилса, баъзиларини эса фақатгина ким биландир биргаликда амалга ошириш мумкин. Агар никоҳ пайдо бўлган даврларда хўжалик ишлари, иқтисодий ишлар, авлод қолдириш ва тарбиялаш функциялари аҳамиятли бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб психотерапевтик функциялар, эмоционал қўллаб-қувватлаш функцияларининг аҳамияти кучаймоқда. Эр-хотинлик муносабатлари ҳозирги замонавий кўринишда экзистенционал мазмунга эришганлик позициясидан баҳоланади ва эр ва хотин ўртасидаги психологик муносабатлар кўринишида намоён бўлади. Никоҳ бўлиши учун асосийси ҳис-туйғулар ҳисобланади. Айнан севги-муҳаббат ҳислари оила қуришга ундайди (олиб келади). Ҳатто шубҳали бўлган “ҳисоб-китобли никоҳ”да ҳам севги пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳар бир одам ноёб ва такрорланмасдир, ушбу ноёбликнинг иккинчи томони ёлғизлик қисматидир (инсоннинг ўз шахсий хусусиятларини такрорланмаслигини ва турмушини ноёблиги).

Инсоннинг ўз турмуш тарзини ноёблиги ва шахсий хусусиятлари ва кўринишларини такрорланмаслигини англанганлиги ёлғизликни энгишга ундайди. Кимдир уни тушуниши, қабул қилиши ва кимгадир керак бўлиши керак. Инсон севиш ва севилишни хоҳлайди. Буни эса у никоҳ ва оиладан топишни мўлжаллайди, таҳмин қилади.

Оила психологияси бўйича чет эл психологлари томонидан жуда катта изланишлар қилинган. Шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам кўплаб ибратли, кузатиш ва тажрибалар асосида чиқарилган хулоса ва тавсиялар мавжуд. Шунга қарамасдан ушбу фан етарли даражада тан олинмаган ва методик томондан таъминланганлиги ҳам кам даражада бўлган. Ҳатто фаннинг ушбу тармоғига келажаги йўқ ва мустақил фан эмас дэган нописандлик билан қарашлар ҳам бўлган. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: оилани ўрганиш бўйича экспериментал методикаларни қўлланалиши қийин кечиши, шахсий тажрибалар ишонарли эмаслиги, сўровнома методларини ишончлилиги камли ва ҳоказолар. Психологик билимлар фундаментал фанга асосланган ҳолда яъни, шахс, фаолият, гуруҳлар, психик ривожланиш қонуниятларига таянади. Оила психологиясига эса жиддий қаралмаган.

Фақат 1960 йилларнинг охири ва 1970 йилларни бошларидан бошлаб никоҳ ва оилакўпгина фанларда тадқиқот предмети бўла бошлади, шу жумладан

психологияни ҳам. Бошида никоҳ ва оила муаммоси асаб ва психик касалликлар профилактикаси масалалари бўйича мутаҳассислар ва оиладаги тарбия муассасалари бўйича мутахассислар эътиборини торта бошлади. Кейинги йилларда эр-хотинлик ҳаёти муаммолари ва ота-она ва бола муносабатлари коррекцияси бўйича психологик консультациялар амалий психологияда ривожлана бошлади

Замонавий оилаларни ривожланиш динамикаси объектив ва субъектив қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган бир ҳолатда, никоҳ ва оилани ўрганиш шахс ва ижтимоий психологияда ниҳоятда долзарб эҳтиёжга айландики, у ҳам бўлса мавжуд оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда қонуниятларни излаш мақсадида.

Психологик билимлар тизимида оила психологияси ўрни.

XXI аср шароитда инсонни ўз ёлғизлигини қандай энгиши кераклиги, қандай қилиб ўзга одам билан мустаҳкам ва гармоник иттифоқ тузиш ва қандай қилиб бутун умр давомида сақлаб туриши масалалари бўйича кескин саволлар турибди. С.Л.Рубинштейн бу ҳақда жуда тўғри фикр айтган (7-бет, 4-қатор).

Оила психологиясини бошқа фанлар билан алоқаси

Оила кичик гуруҳ сифатида, эмоционал муносабатлар тизимининг аҳамиятлиги бўйича ва ижтимоий институт сифатида шахс психологияси, фанда ижтимоий психология фанида ва социология фанида ҳам ўрганилади. Бола ва ота-она муносабатлари, тарбия стили, боланинг оилада ривожланиши ёш даврлари ва Оила психологияси нинг асосий ўрганиш предмети ҳисобланади. Оилавий низолар конфликтология фанида жуда чуқур таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган. Оила барбод бўлиши психологик жароҳотларни, оилавий ролларни патологиясини келтириб чиқариши клиник-психологларни ва психотерапевтларни диққатини ўзига тортади. Шу билан бирга яқин бўлган психология фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Лекин шу билан бирга психологиянинг бир-бирига яқин фанлардаги умумий қизиқишлар билан бирга фарқ қилувчи хусусиятлари ҳам кўринади. Агар социологлар ва ижтимоий психологлар гуруҳларни (катта ва кичик) ўргансалар, оила психологияси эса шундай ғаройиб бир бутун вужудга келган – оилага кирувчи индивидларни ўрганади. Бунга оиланинг ўз аъзоларини ривожланишига таъсирини ва индивиднинг оила ривожига ва мавжудлигига таъсирини ўрганиш киради.

Оила ичидаги ўзаро алоқалар бошқа ҳар қандай гуруҳ ичидаги ўзаро алоқаларга қараганда бошқача бўлиб – у қариндошлик ришталари билан боғлангандир. Эр-хотин ўзаро муносабати таҳлил қилинар экан, социологлар диққат марказида никоҳ тенденциялари, ажралишлар, оила сиёсати таҳлили турса, оила психологлари эса, нима сабабдан одамлар бир-бирларини ёқтириб қолишади, қандай қилиб бир-бирлари билан келишиб, мослашиб яшаб кетишади дэган муаммоларни тадқиқ қилиш туради. Индивиднинг шахсий ҳаёти социал психологга қараганда оила психологини кўпроқ қизиқтиради. Шахсни тадқиқ қилувчи психологлар ўз диққатларини индивидларнинг фарқалари ва уларнинг ички индивидуал механизмлари эса оила тизимида пайдо бўлган ва ўсиб ривожланаётган индивидга ўз диққатларини тўплайдилар.

Булардан ташқари оила психологияси психология фанининг тадқиқот методларидан фойдаланади. Кузатиш, сухбат, интервью,анкета,тест методлари оила психологиясида ҳам унумли фойдаланилади.

Оила психологияси ўқув предмети сифатида: актуал муаммоллар

Инсоннинг, одамзоднинг тирик мавжудод сифатида мавжудлиги турли хил эҳтиёжларни амалга оширишни талаб қилади. Улардан баъзиларини вояга етмаган одам томонидан мустақил қондирилса, баъзиларига эса фақатгина ким биландир биргаликда эришиш, амалга ошириш мумкин. Агар никоҳ жорий пайдо бўлган пайтдан бошлаб (эркак ва аёлнинг бирлашганидан) иқтисодий, хўжалик, авлод қолдириш, тарбиявий функциялар аҳамиятли бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб ҳамма жойда оиланинг психотерапевтик ва эмоционал (ҳиссий) қўллаб-қувватлаш функциясининг аҳамияти кучаймоқда.

Эр-хотинлик ўзининг замонавий кўринишида ҳаётий мазмунга (экзистенционал) эришганлик нуқтаи назаридан баҳоланади ва эр-хотинлар ўртасидаги психологик муносабат сифатида намоён бўлади.

Никоҳ (оила қуриш) учун ҳис-туйғулар зарур бўлади. Ҳатто “ҳисоб-китобли никоҳлар”да ҳам севги пайдо бўлиши мумкин.

Ҳар бир одам ноёб такрорланмас бўлиб, бу ноёбликнинг орқа томони эса азалий тақдирий ёлғизлик бўлади. Ўзининг ноёб ва такрорланмаслигини одамнинг борлигини ноёб эканлигини ва ўз шахсини, сифатларини ва хусусиятларини такрорланмас, ўзгача эканлигини англаб этиши уни ёлғизликни энгишга ундайди. Кимдир уни тушуниш, қабул қилиши, кимгадир зарур бўлиши керак. Одам севиши ва севимли бўлиш қаттиқ истайди. Буни у фақатгина никоҳ ва оилада топишга умид (таҳмин) қилади.

Оила психологиясига олдинлари унча эътибор берилмаган. Методикалар билан жуда кам қуролланган эди. Фақатгина 1970 йиллар бошларида никоҳ ва оила бир нечта фанларнинг махсус тадқиқотлар предметига шу жумладан, психологиянинг ҳам тадқиқот предметига айлана бошлади. Оила муаммоларига эътибор энг аввало психик ва асаб касалликларини профилактикаси ва оиладаги тарбия муаммолари туфайли олимларни диққатини тортди. Кейинги йилларда оила маслахатхоналарида оилавий ҳаёт муаммолари ва ота-она ва бола муносабатлари коррекцияси ривожланиб бормоқда.

Психологик билимлар тизимида оила психологиясининг тутган ўрни

Оилани ўрганиш бўйича психологлар томонидан киритилаётган кўпгина тенденциялар, назарий таклифлар, никоҳ ва оила модели моҳиятини яратишга интилишлар оила психологиясини психологик билимлар тизимида тутган ўрни ва уни долзарб эканлигини чуқурроқ ўйлаб кўришни тақозо этади.

XXI асрга келиб инсоният олдида қандай қилиб ўз ёлғизлигини энгиши, ўзга киши билан қандай қилиб мустаҳкам, гармоник, иттифоқ тузиш ва қандай қилиб бу иттифоқни узоқ йиллар, бутун умр давомида сақлаш каби муаммолар кескин турибди. Бу ҳақда С.Л.Рубинштейн тўғри фикрни айтган: “Инсон ҳаёти асосини, ўзагини ўзга киши , одамларга бўлган муносабат ташкил қилади. Инсон “юраги” унинг бошқа одамларга бўлган муносабатларидан тўқилган; унинг баҳоси, баҳоланиши одам қандай инсоний муносабатларга интилишига қараб, одамларга ва ўзга кишига қандай муносабат ўрната олишига қараб аниқланади. Инсоннинг

бошқа одамларга бўлган муносабати асосида инсон ҳаётини таҳлил қилиш психологияни асосий ядросини ташкил этади”.

Оила ҳакида алоҳда фан йўқ. лекин оиланинг турли жиҳатларини ўрганиш билан 10 дан ортиқ фанлар шуғулланади. Бу фанлар қуйдагиларни ўз ичига олади. Этнография - никоҳ оила муносабатларини халқлар турмуш тарзининг бир табакаси сифатида ўрганади.

Аҳолишунослик - демография - аҳолининг ҳамда унинг асосий бўғини бўлмиш, оиланинг турли хил муаммоларни сиёсий-ижтимой, иқтисодий ва тарихий жараёнлар асосида ўрганади.

Иктисод фани билан статистика фани, оила бюджети оила ишлаб чиқариши, оилавий истеъмолни, меҳнат тақсимотини, оиладаги хўжалик иқтисодий муносабатларни тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Психологиянинг вазифаси - асосан никоҳ-оила муносабатларида намоён буладиган хиссиёт, тасаввур урф-одатларни руҳий ходисаларнинг ижтимоий табиий манбаларини ўрганишдан иборат.

Оила педагогикаси - оиланинг болаларга кўрсатадиган таъсирини оиладаги тарбия қонуниятлари, воситаларини ота ёки онанинг болага таъсири, оила ва унинг бошка тарбия муассасаларининг ўзаро муносабатини аниклашдир.

Тиббиёт фани - никоҳнинг физиологик жиҳатларини ва уларнинг окибатларини, оиланинг оила аъзолари соглигига таъсири тадқиқ қилади.

Хуқуқшунослик - оила никоҳ ва оила туғрисидаги қонунларни ва оиланинг ижтимоий хаётга муносабатини урганиб хукукий коидаларни асослаб беради. Оиланинг вужудга келиши узок ўтмиш билан Ўрта Осиё халкларида оиланинг энг дастлабки тарихий шакли патреархал оила тарзида вужудга келган. Бу оила айни замонда жамиятнинг асосий ишлаб чикариш жамоаси ҳам булган. Шунинг учун оилавий муносабатларга хар бир оила аъзоларининг хатти-харакатларига алоҳида эътибор берилган. Патриархал оила, эрамиздан олдинги бир минг йилликларда вужудга келган. Унинг ривожланган даври эрамизнинг биринчи асрига туғри келади. Эрамизнинг бир минг йиллиги урталарида кичик-кичик оилалар таркиб топа бошлади.

Никоҳ-бу эркак билан аёл уртасидаги муайян иттифокнинг ва бу иттифокнинг жамият давлат томонидан тан олиниши ва маъкулланишининг тарихий шаклидир

Узбекистон Республикасининг «Оила кодекси» (1998 йил 30 апрелда тасдикланган) 2-булим 3 бобга асосан никоҳ тузиш таркиби ва шартлари масалаларини ёритишга каратилгандир. Жамият никоҳ воситаси билан эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради. эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида аҳлокий мажбуриятлар ўрнатади.

Никоҳ сўзи- (арабча-қўшилиш) узбек тилига араблардан кириб келган. Узбекистон Республикаси Нико.х ва оила кодексининг 13-моддасига биноан никоҳ фуқоролик холатини далолатномаларининг рўйҳатидан ўтказиш юклатилган давлат органларида кайд этилади, шундай никоҳгина хукук ва мажбуриятни вужудга келтиради. Узбекистон Республикасида никоҳни унинг ижтимоий моҳияти, мақсадига. кўра оилани мустахкамлаш эҳтиёжини ёш авлодни аҳлоқи, сиҳат-саломатлигини хисобга олиб, бир қатор шартларга амал килган ҳолда тузиш зарурлиги белгиланади: бу талаблар никоҳдан ўтиш шартлари дейилади

а) Никоҳдан ўтувчи шахсларнинг ўзаро розилиги (Узбекистон Республикасининг Никоҳ ва оила кодекси 17-моддаси)

б) Никоҳ ёшининг белгиланиши (Узбекйстон Республикасининг Никоҳ ва оила кодексининг 18 - моддасида 1 8-ёш йигитлар, 17-ёш қизлар).

Халкимизда никоҳ энг аввало арши аълода ўкилиб, кейин ерда, дэган нақл беҳуда айтилмаган. Ота-боболаримизнинг азалий тушунчалари бўйича, никоҳ илоҳий ахд, оила муқаддасдир. «Хотинларингиз-зироатларингиздир» дейилади. Куръони Каримнинг Бакара сураси - 223 оятида. Никоҳдан ўтиб оила қуришдан асосий мақсад инсон авлодининг давомийлигидир. Никоҳга киришда янглишмаслик, мустахкам оила ташкил топишга олиб келади. Аҳил тотув яшаш, ҳалол меҳнат мухаббатга асосланган оила жамиятнинг муносиб авлод, ахлоқи пок жамият ишига, тараққиётимизга, мустакиллигимизга садокатли инсон тарбиялаб етказишда мухим роль ўйнайди.

Қадимдан Шарқ оилалари йигит-кизларни оилавий турмушга тайёрлашга алоҳида эътибор берганлар йигитлар алоҳида, кизлар алоҳида махсус энага-тарбиячилар томонидан тарбияланганлар.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг қарорига биноан 1994 йил «Хажаро оила йили» деб эълон килинди, Республикамизда 1998 йил «Оила йили, 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон килинди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек оила жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатмизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро хурмат ва каттик тартиб булмаса, оиланинг барча аъзолари уз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан мехр-окибат курсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида курилади, узнинг куп асрлик мустахкам ва маънавий таянчларига эга булади. Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эхтиёжлари ва кадриятлари шаклланади. Узбекларнинг аксарияти узининг шахсий фаровонлиги туғрисида эмас, балки оиласининг кариндош-уруглари ва якин одамларининг, кушниларининг омон-эсонлиги туғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қуяди. Бу эса энг олий даражада маънавий кадрият, инсон қалбини гавхаридир. Юртбошимизнинг бу фикрлари ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятининг асосини ташкил этади. Юртбошимизнинг тараққиётида жамиятимиз асоси- ўзбек оилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий холатида мухим роль ўйнамокда, чунки оилаларннш хар томонлама юксалиши жамиятнинг юксалиши демакдир.

Худди шу маънода келажагимиз бўлмиш ёш авлод ва унинг тараққиёти давлат аҳамиятига молик масаладир. Иккинчи томондан жамиятнинг оила ва оилавий тарбияга булган талаби ҳам кун сайин ортиб бормокда. Ота-оналарнинг оилада болаларни хар томонлама етук-баркамол тараққиётига оид лаёкатни ошириш хозирги куннинг долзарб масаласидир. Узбек оиласининг дунёдаги бошка оилаларга ухшаш томонлари куп. лекин шу билан бирга унинг узига хос жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Ўзбек оилаларининг узига хос томони - хаё-ибонинг кучлилигидадир. Маънавиятсиз моддий фаровонликка ҳам умумтараққиётга ҳам эришиб булмайди. Маънавий қашшоқлик миллий таназзулга олиб боради. Ноҳалол аёлдан ҳалол бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришдаги иштирокидан, фаолият натижасидан қониққанлидир.

Оиладаги психологик муҳит - бошқа ҳар қандай группада бўлган қонунлардан таркиб топади. Бироқ оилада иш бирмунча мураккаброкдир. Унда кишилар ўз ҳаётининг кўпроқ қисмини ўтказади. Улар бир-бирлари билан кўпроқ самимий туйғулар ва муносабатлар орқали боғлангандир. Оила бахтининг асосида

оиланинг психологик муҳити ётади. Оиланинг психлогик муҳитига эр-хотинларнинг ҳам, умуман кишиларга ҳам оила аъзоларига ва бир-бирларига бўлган муносабатлари таъсир қилади.

Социалог-психологлар бахтли ва бахтсиз оилаларда эрнинг ўзига ва хотинига бўлган муносабатларнинг хусусияларини аниқлаганлар. Улар қизиқарли фактларга эга бўлдилар. Оиладаги психолгик муҳит эр-хотин қизиқишларининг умумийлиги билан характерланади, энг муҳими уларнинг иккаласи ҳам қизиқиш билан ҳисоблаша билишларида ва эътибор бера билишларидадир. Эр-хотин катта ижтимоий муаммо ва талаблар билан яшайдиган оилаларгина бахтли бўлишлари мумкин.

Оиладаги қулай ахлоқий-психологик муҳит эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзоларида ўзига ишониш, кишиларга ишониш, қувноқлик, вазминлик каби фазилат ва туйғуларни шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Психологик муҳит кишиларнинг мувофиқлигида янада аниқ намоён бўлади. Кишилар бир-бирлари билан мувофиқлиги, аввало ҳаётнинг қадри, қизиқишлари, эмоционал кўрсатмаларининг умумий тарзи ҳамоханглиги назарда тутилади, натижада оилада бир-бирини тушуниш, бошқаларнинг қадрини ҳам, шунингдек инсонни қандай бўлса шундайлигича қабул қилади. Оила аъзоларида психологик қулайлик ишончлилик, ҳимояланиш, бир-бирининг муомаласидан қатноатланиш мувофиқликнинг ички мубъектив кўрсатгичидир.

Кишиларнинг номувофиқлиги оила аъзоларинингг бир-бирлари билан муомалада ва ўзаро ҳаракатда бўлган эҳтиёжларининг чегаралганлигидадир.

Муҳокама учун саволлар:

3. Оила психологияси фанининг мақсади дэганда нимани тушунасиз?
4. Оила психологияси ўқув курсининг вазифалари нималардан иборат?

2-МАВЗУ: ОИЛА ХУСУСИДА ШАРҚ МУТАФАКИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ. НИКОҲ ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ.

Фанни ўқитиш технологияси: Оила хусусида шарқ мутафакирларининг фалсафий қарашлари. никоҳ оила муносабатларининг эволюцияси мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашлари ҳамда никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашлари ҳамда никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси ҳақида тушунча бериш орқали ўқувчиларни оилага нисбатан меҳр-муҳаббат рухида тарбиялаш	**Ўқитувчи**

	Ривожлантирувчи: Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашлари ҳамда никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси тўғрисидаги тасаввурларини ривожлантириш ***Дарснинг тури:*** Назарий маълумот бериш. ***Дарс жихози:***Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих ***Дарснинг бориши:*** Саломлашиш, хона тозалигини текшириш, давоматни аниқлаш, уйга вазифани текшириш, янги мазуни баёни, уйга вазифа бериш. ***Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:*** мутафаккир, эволюция, формация. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашларига таъриф беради. • ҳамда никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси моҳиятига изоҳ беради. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, ФСМУ, тақдимот.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **Талабаларга муаммоли савол беради** **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг қандай фалсафий қарашларини биласиз? 2. Никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси дэганда нимани тушунасиз? **4.2.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. «Оила психологияси фани предмети мақсади ва вазифалари» мавзуси юзасидан турли хил кўргазмали қуроллар тайёрлаш.	**Ўқитувчи, 10 минут**

	5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	

Асосий саволлар:

1. Оила хусусида шарқ мутафакирларининг қарашлари
2. Никоҳ оила муносабатларининг эволюцияси

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: мутафаккир, эволюция, формация, никоҳ.

1-савол. Оила хусусида шарқ мутафакирларининг қарашлари

1-саволнинг баёни.

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг диққат марказида асосий масалалардан бири бўлиб келган. Абу Носир Фаробий, Абу Райҳон беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Хотам ибн Той, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фахриддин, Муқимий, Фурқат, Яавқий, Увайсий, Нодира, Абдуруф Фитрадт, Абдулло Авлоний каби шарқ мутафакирларнинг оила хусусидаги доно фикрларининг баёни берилади.

Қадимги замонларда ибтидоий жамоа тузуми даврларида эркак ва аёл муносабатлари хусусиятлари. Никоҳ оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиши. Инсоний ҳиссиёт, севгининг биологик асоси. Эркак ва аёл жинсий муносабатларининг шаклланиши. Эркак ва аёл муносабатларида юзага келган «табу»лар. Никоҳнинг дастлабки турлари. Эндогам оила. Экзогам оила. Уруғлараро никоҳ.

Дастлабки жуфтли никоҳларнинг юзага келиши. Эгалитар никоҳ (24-25 минг йиллар муқаддам). Хусусий мулкчиликнинг юзага келиши ва унинг никоҳ оила муносабатларининг шаклланишига таъсири. «Совға айрбошлаш». Индивидуал жуфт никоҳнинг юзага келиши. Жуфт оила. Оилавий ролларнинг юзага келиши. Никоҳ оила муносабатларининг ижтимоий бошқарила бошланиши. Моногам оила турининг юзага келиши.

Инсоният тараққиётининг кейинги формацияларида никоҳ оила муносабатларининг ривожланиши. Ижтимоий тарихий тузумларда эр-хотинлар, оила аъзолари муносабатлари характерига қўядиган талаблари. Ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиётининг оилавий муносабатлар характерига таъсири. қулдорлик тузумида оилавий муносабатлар характери. 8-март байрамининг юзага келиши (қадимги Рим).

Патриархат полигам (кўп хотинлилик), моногам оилалар. Фамилия (лот. фомил – бир одамга тегишли қуллар), нуклеар (лот. нуклеус – ядро) оилалар. Индустриал жамиятда нуклеар оилаларнинг ўрни.

Оила ва жамият муносабатлари. Оила аъзоларининг ижтимоий муносабатлари. Оиланинг жамиятдаги муносабатларга ва жамиятнинг оилага таъсири.

Никоҳ оила муносабатлари, оилавий ҳаёт психологиясига, ҳозирги замон оиласида кузатиладиган кўплаб ҳолатларга психологик нуқтаи назардан

қараладиган бўлса, уларнинг илдизи никоҳ-оила муносабатлари эволюциясининг узоқ ўтмиши билан боғлиқдир. Никоҳ-оила муносабатлари эрамиздан олдинги иптидоий даврлардан биологик эҳтиёж сифатида пайдо бўлиб, аста-секинлик билан гуруҳлар, қабилалр, уруғчилик ва асосан онгли одамларнинг пайдо бўлиши, деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида, никоҳ-оила муносабатлари, эр-хотин оила боқувчи эркак ва аёл муносабатлари шакллана бошлайди.

Махсус манбаларда қайд этилишича, қуръон, ҳадис ва бошқа муқаддас китобларда оила масалаларининг ёритилиши. Ўтмиш мутафаккирларининг оила моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари. Ал-Бухорий, Бурхонуддин Марғиноний, Ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг оила, оилавий муносабатлар ҳақидаги қарашлари.

Оила никоҳ ҳақида тушунча. Оила бирлигини таъминловчи омиллар: ўзаро севги, оиланинг барча аъзоларининг аҳлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ўзаро масъулияти, ўзаро тушуниш ва эмоционал (ҳиссий) боғлиқлик, яқинлик. Оила аъзолари ўртасида эмоционал тэнгликни таъминлаш-оила аъзолари ўртасида ишончли мулоқот, бир-бирини аҳлоқий, маънавий, ҳиссий қўллаб-қувватлаш, уларда хотиржамликни (хавфсизликни) ҳис қилишни таъминлаш.

Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, "Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган".

Дарҳақиқат, Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фахруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий осиёда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилгандир.

Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий мэросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртаклари, достонлари, афсоналари, ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мэрос эканлигини кўрамиз.

Чунончи, ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва эпосларида мардлик, ҳалоллик, камтарлик, ишонч, севгига-садоқат, дўстлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, ҳамфикрлилик, орасталик, гўзаллик, оқиллик, эътиқод, ҳурмат-эҳтиром, оила шаъни ва ғурурини ҳимоя қилиш, туғилган жойига муҳаббат, эзгуликка интилиш, ҳалол ва пок яшаш улуғланган. Бу воқеликни биз Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Ойсулув, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби қатор ўзбек халқ достонларининг қаҳрамонлари мисолида кўришимиз мумкин.

"Қадимий эпосларда аёллар билан эркаклар тэнг ижтимоий мавқэга эга шахслар сифатида гавдаланади, аёллар эрларидан қолишмайдиган жасоратли қилиб тасвирланган" .

Севиб турмуш қуриш, севгида вафодорлик, оилавий тотувлик каби инсоний хислатлар ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек уруғлари ва элатларининг характерли хусусияти сифатида сақланиб қолган.

Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган "Қуръони Карим" ва Ҳадисларда ҳам оилавий турмушнинг ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонунлар ёритилган. Исломда бўлажак оиланинг вужудга келишига алоҳида эътибор берилган. Шариат бўйича никоҳдан ўтишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим бўлган. 1.Никоҳланувчи-ларнинг ўзаро розилиги. 2.Никоҳ ёшига тўлиш. 3.Никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш. 4.Келин учун қалин ва маҳр тўлаш. 5. Диний эътиқод бирлиги. 6.Никоҳланувчилар яқин қариндош бўлмаслиги. 7.Табақа бўйича тэнглик. 8.Никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши.

Бу шартларга риоя қилиниб тузилган никоҳгина қонуний ҳисобланиб, тарафларни тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминлаган.

Қуръони Каримнинг оятида оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила рўзғор тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Қуръони Каримдан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳатто аждодларимизнинг муқаддас дини ҳисобланган зардуштийликда ҳам никоҳ ва оилавий бурч масаласи муҳим ахлоқий ўринда турган. Зардуштийликда кўп хотинлилик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга этган қиз ота-она ва жамоанинг раъйини писанд қилмай, қасддан турмушга чиқмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Агар эркак киши шу йўлни тутса, унга тамға босилиб бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. "Авесто"да қайд қилинишича, эркак аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим эди. Бундан ташқари, мазкур муқаддас китобда оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам диққатга сазовор мулоҳазалар

мавжуд. Шунингдек, унда никоҳ ва талоқнинг (ажрашишнинг) ўзига хос мезонлари бирма-бир келтириб ўтилган.

Зардуштийликнинг ахлоқ меъёрлари мажмуида аёллар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, туҳмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Умуман Зардуштийликда ҳам, Исломда ҳам никоҳда икки томон тэнг ва муносиб бўлиши айтиб ўтилган. Никоҳ тартиблари ва ҳаётий тажрибаларига кўра, келин ва куёв насл насабда, ижтимоий мавқеда, билим-савияда, дид-фаросатда, илм-эътиқодда, мулкдорликда бир-бирларига яқин бўлиши маъқул топилган. Шу боис, Шарқ халқларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларнинг тэнгини топиб уйлантиришга жиддий эътибор берилган. Айниқса, қизларни оилавий турмушга тайёрлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оиланинг муқаддас эканлиги, уни авайлаб-асраш айнан уй бекаларига боғлиқлиги ҳақида аждодларимиздан бизгача етиб келган насиҳатнома, панднома ва ҳикматномаларда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қимматли насиҳатлар ҳикоя қилинади.

Жумладан, турк олими Юсуф Товаслий тўплаган "Ҳикматлар хазинаси"даги келин бўлувчи қизга бериладиган она насиҳати кишининг эътиборини ўзига тортади. Унда она турмушга чиқаётган қизига қуйидагиларни насиҳат қилади: "Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдир, ўгит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Оллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан, бу қонунни ҳеч ким буза олмайди". Шу сабабли сен туғилиб ўсган ва вояга этган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сэнга қул бўлсин. Сен унга ер бўлки, у сэнга осмон бўлсин !

Айтганларимга амал қилсанг эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, масъуд, бахтиёр ва саодатли турмуш кўрасизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки оила бизнинг ҳам, эрингнинг ҳам оиласи) ҳузур-ҳаловатда ва бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда икки оилада ҳам ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандек бўласан.

Қизим! Энди сэнга айтадиган ўн ўгитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут;

1.Қаноат соҳибаси бўл. Ўз холингга шукур қил. Яъни, эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукур этмоқликдир, ҳолига шукур этмаган ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди.

2.Эрингга итоат қил, қил дэган ишларини қил, қилма дэганини қилма! Яъни, эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганингда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ

солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3.Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер!. Яъни, уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут, шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4.Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хушбўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирканишга сабаб бўлади. Шуни яхши билгилки, тозалик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5.Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6.Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асабларнинг бузилиши, хафақонлик одамларнинг эҳтироси, муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7.Эрингни моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг, мол, дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эрингни, мол, дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига этиш демакдир.

8.Эрингни қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни, эрингни қариндошлари ва яқинларига ҳурмат - унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш - эрингни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9.Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10.Эрингни динига тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сэнга кин сақлаб, охири душман бўлади. У сэнга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижоди ва диний ғоялар ҳамда ҳикматномалар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга кўчиб сайқаллашган ҳолда сақланиб келган бўлса, халқимиз орасидан этишиб чиққан донишманд ва алломалар эса ана шундай қимматли маълумотларни халқ анъаналари ва қадриятларига таянган ҳолда ўз асарларида ёритган ҳолда илмий-маданий мэрос сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганлар. Улардан бири - жаҳон илм-фани ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир олим Абу Наср Форобийдир.

Абу Наср Форобий (873-950) жамият тараққиёти қонуниятларини ва инсон камолоти босқичларини, инсонлар яшаш жараёнида бахт-саодатга эришув йўлларини ўзининг машҳур асари "Фозил одамлар шаҳри"да баён этади. Форобий оқил инсонлар ҳақида гапириб, "Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар" дэган эди.

Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон муаммолар ва келишмовчиликлар бўлмаслигига ишора қилади. Унинг ғояларида оиланинг тўлиқлиги, унда қарор топган соғлом маънавий муҳитнинг аҳамиятини акс эттирадиган фикрлар ҳам мавжуд. "Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради" ёки "одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир. Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар (бизнингча, оила) фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси (бизнингча, оила жамоаси) фазилатли жамоадир".

Форобий кераксиз урф-одатлардан (ҳозир ҳам оилавий ҳаётда, эр-хотин муносабатларида учрайди) воз кечиш, бахт саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб шундай дейди: Раҳбарлар (эр ёки хотин) "ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишни талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай энгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди". Ёки "Бахт саодатга эришув йўлида нимаики (билим, ахлоқ, касб-ҳунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур".

Биз тадқиқотларимизда ўрганадиган муаммо нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Форобийнинг инсон камолоти, унинг жамиятдаги, оиладаги ўрни, ёшларнинг вояга этишига таъсири тўғрисидаги фикрлари, инсонлар жамоасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам ҳақидаги ҳикматлари ҳозирги оилавий турмуш масалаларини ечишда, ундаги муносабатларни тўғри йўлга қўйишда фаровон турмуш кечириш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўз ижтимоий қарашларини акс эттирган яхлит ижтимоий таълимот яратмаган бўлса-да, лекин у ижтимоий масалалар бўйича ўзининг нуқтаи назарини кўпгина қомусий асарларида изҳор этишга ёки улар юзасидан танқидий фикрлар айтишга ҳаракат қилган. Абу Райҳон Берунийнинг муайян қарашлари оилавий турмуш, оила ва никоҳ, оилавий қадриятлар ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларига хосдир. Бундай ишораларни Беруний ҳикматларида ҳам учратамиз. "Яхши хулқ яхшилик аломатидир"."Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди". "Тэнглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди оилавий муносабатларда ана шундай ҳикматларга амал қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Беруний ўрта Осиё, Қадимги Юнон ва Ҳинд халқлари ҳаётини яхши билгани учун улар амал қиладиган урф-одатлар, қадриятлар ва миллий маданиятларининг ўзига хос томонларини таққослаб таҳлил қилади. Ушбу таҳлиллар оила-никоҳ, оиладаги ўзаро муносабатларга ҳам хосдир. Жумладан, у оилаларнинг "полигамия" (эркак ёки аёл бир пайтнинг ўзида биттадан ортик эр ёки хотинга эга бўлишига йўл қўйиладиган никоҳ шаклини билдиради) тури ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. Масалан, Жанубий Ҳиндистон маданиятида туд эркаклари биологик нуқтаи назардан оталикни ўрнатиш билан қизиқмаганлар. Уларда болага оталик расмини амалга ошириш чоғида ўқли камонни ҳомиладор

аёлга тантанали суратда берган эркак боланинг отаси ҳисобланган. Агар кейинчалик бошқа бир эркак болага оталик қилишни хоҳлаб қолса, бу расм аёлнинг навбатдаги ҳомиладорлигида такрорланган. Бу маълумотлар изланувчиларда ижтимоий тарихий тараққиёт давомида оилавий турмушнинг такомиллашуви, оила-никоҳ муносабатларининг барқарорлашуви ва моногамия оила турининг келиб чиқиши тарихи ҳақида илмий тасаввурлар шаклланишига ёрдам беради.

Беруний қарашларида оилавий муносабатлар барқарорлигининг етакчи омиллари оқиллик ва меҳнатсеварликнинг аҳамияти ҳақида ҳам қимматли фикрлар мавжуд."Муайян вазифаларни бажариш зарурияти инсон фаолиятининг бир умрга яшаш қоидасидир. Инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришидан, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади. Зеро, инсон ўз ҳоҳишига меҳнат туфайли эришган".

Ушбу муаммога оид мулоҳазалар Абу Али Ибн Синонинг (980-1037) "Донишнома", "Рисолаи ишқ", "Тиб қонунлари", "Уй хўжалиги" каби қатор асарлари Марказий Осиё халқлари ахлоқ-одоби, тарбия психологияси, фалсафа ва табобат оламида алоҳида ўрин тутади. Ибн Сино оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, аввало оила бошлиғи эрнинг олдидаги масъулиятли вазифаларга эътиборини қаратади. Унинг фикрича, биринчи навбатда эр оиладаги тарбиявий ишларга доир ҳам назарий, ҳам амалий маълумотларга эга бўлиши шарт. Шундагина, у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олади. Эр-хотин муносабати тэнглик ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши ҳақида тўхталиб, "Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакни яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир" деб ёзади Ибн Сино.

Ибн Сино оилавий муносабатлар мароми оиладаги тинч тотувлик, меҳр-мурувват, оила ғурури ва шаъни кўп жиҳатдан аёлларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳақида кўп ёзган. Жумладан, "Оила хўжалиги" асарида аёллар ахлоқан энг мақбул, юқори инсоний фазилатларга эга бўлмоқлари лозим, деб ёзади. Мазкур асарнинг "Аёлларнинг яхши фазилатлари ҳақида" номли бўлимида уларнинг қуйидаги фазилатлари баён қилинади; аёл ақлан доно, уятчан, иболи, иффатли бўлиб, кўп гапирмаслиги лозим; у эрига бўйсунмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак; инжиқ бўлмаслиги, ўз иффат ва обрўсини тўкмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, виқор ҳиссини кўрсатмаслиги, ўз ишларини яхши, ўз вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан ишлатмоғи лозим; ўз хулқ-атвори билан ўз эрининг қалбида ҳадиксираш ҳиссига ўрин қолдирмаслиги керак ("Ибн Сино ва тадбири манзил".

Мутафаккир олимнинг соғлиқни сақлашга доир рисолаларида жинсий алоқаларнинг меъёрлари, унга қатъий амал қилиш, жинсий алоқаларда ўзгаришнинг сабаблари, уларни йўлга қўйиш тадбирлари ҳақида ҳам қимматли кўрсатмалар берилган. Унинг фикрича, эр-хотин уларни ёдда тутиши ва унга амал қилиши оилавий муносабатлар барқарорлигига ижобий таъсир этади. Шунингдек, Ибн Сино "китоб уш-шифо" асарида оила инқирози ва бузилишига сабаб бўладиган омилларни ҳам кўрсатиб ўтган.

Буларга: 1.Агарда эр ва хотинликдан дунёга фарзанд келмаган бўлса.

2.Агарда хотин эрига ҳиёнат қилиб, унинг эътиборини пасайтирса.

3.Хотин киши тарбиясиз бўлса-ю, тарбия олишни истамаса.

4.Эр ва хотин бир-бирларига ёқмайдиган характерли бўлса.

Кўриниб турибдики, Ибн Сино асарларида оила-никоҳ ва оилавий турмушда эр-хотин муносабатларини ибратли мисоллар асосида ёритган ҳамда аёллар мавқеи ундаги муносабатларда муҳим ўрин тутишини асослаб берган.

Кайковус қаламига мансуб Қобуснома асари (1082-1083 йилларда ёзилган) Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳурдир. Қобусномада қатор ибратли ва ҳаётий панд насиҳатлар билан биргаликда "ишқ ва унинг одатлари зикрида", "хотин олмоқ зикрида" ҳам қимматли маълумотлар берилган. "Эй фарзанд, то кишининг таъби латиф бўлмагунча ошиқ бўлмағусидир, нэдинким ишқ бёшак таъби латифликдан пайдо бўлур. Ҳар нарсаки таъби латифликдан пайдо бўлса, ул бёшак латиф бўлур". Бу ерда инсоннинг қалби тоза, пок ва ахлоқан юксак бўлса, унинг кўнгли, сифат ва фазилатлари ҳам, ҳиссий кечинмалари ҳам соф ва чиройли бўлишига ишора қилинган. "Бас, агар ошиқ бўлсанг шундоқ кишига бўлгилки, ул маъшуқаликка лойиқ бўлсин". Бунда бўлғуси эр-хотиннинг никоҳигача даврда бир-бирини кўриб-билиб, синаб маъшуқанинг оқила, ораста, тежамкор, саранжом-саришта, бола тарбиясини, уй-рўзғор ишларини ўрнига қўядиган камтарин ва эрига садоқатли бўлиши назарда тутилади.

Эй, фарзанд, агар хотин олмоқ тиласанг, ўз ҳурматингни яхши сақлагил. Гарчи мол азиз бўлса ҳам хотин ва фарзандингдан дариғ тутма. Аммо хотинни пок дил, фарзандни фармонбардор ва меҳрибон тутгил бу иш сенинг қўлингдадир. Бу ўринда хотинга хос муносабатда бўлиш эрнинг ихтиёрида эканлиги огоҳлантирилган.

Хотин талаб қилсанг, хотинни молини талаб қилмагил, хотин пок нихол (тоза табиат ва пок дил) бўлсин. Кадбону (уй бекаси ва ишчан хотин) эрига дўст бўлгай. Ҳаёлиғ, тақвадор, тили қисқа, молни яхши сақлагувчи бўлсин. Дебдурларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур. Бунда эса бўлғуси турмуш ўртоғини танлашда эрнинг олдидаги масъулият ва латиф хотин бўлишга хос фазилатлар баён қилинган.

Агар сен хотининнга рашклик қилмасанг, у сэнга самимият билан муносабатда бўлур. У сэнга ота-онанг ва фарзандларингдин ҳам мушфиқроқ бўлур ва сэнга ундин дўстроқ киши топилмас. Агар унга ғайрроқ (рашк, қизғаниш) кўргузсанг, сэнга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас. Бунда эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини зиддиятларнинг шаклланишига олиб келувчи сабаблар ва омиллар ҳақида гап боради.

Юсуф хос Ҳожибнинг машҳур асари "Қутадғу билиг" (бахт саодатга йўлловчи билим) да эр ёки хотин танлашда унинг қайси сифат ва фазилатларига эътибор бериш зарурлиги, инсон шахсига хос сифат ва фазилатларнинг оилавий ҳаётни бошқаришдаги роли, ўрни ва аҳамияти, эр-хотин ўзаро муносабатларининг меъёрлари, фаровон турмуш кечиришнинг муҳим шартлари ҳақида қимматли фикрлар айтилганки, улар ҳозирги оила турмуши ва эр-хотин муносабатлари учун ҳам аҳамиятлидир. Асарда "Сен хотин олсанг, ўзингдан қуйисини ол, зоти

олийсига боқма, сен қул бўлиб қоласан". Асли, уруғи ҳамда зоти яхши бўлсин, уятли, андишали, покизасини истагин.

Юзи чиройини истама, хулқи яхшисини иста, феъл-атвори яхши бўлса, сенинг юзингни ёритади. Феълу-атвори яхши бўлса, у тўкис бўлади. Феълу-атвори тўғри бўлса, жуда муносиб бўлади, хотин чиройи хулқдир, буни билган билади.

Агар яхши андишали аёл топишга муяссар бўлсанг, бой берма (дарҳол олгин) эй эзгу киши андишали, покиза бўлса, ундай киши асл бўлади. Сен хотиннинг андишали-ақллисини иста, эй доно, андишали, ақлли хотин топилса - фаросат, андиша, бойлик, чирой, насл-насаб жам бўлади. "Сен хотинни қадрли тут, нима сўраса муҳайё эт".

Асарда хотин билан бир қаторда эр ҳам билимдон, фаросатли, ақл-идрокли, зукко бўлиши, оила тартибини сақлаш ва уни юритишда интизомли (интизом ўрнатувчи), уни кузатиб бориши кераклиги, оиланинг иқтисодий жиҳатдан тўкислигини таъминловчи, хотинига ва фарзандларига меҳрибон, хушмуомалали, тўғри сўз бўлиши унинг фаровонлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллар эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Алишер Навоий (1441-1501) "Маҳбуб ул қулуб", яъни "қалблар севгилиси" ва "Вақфия" асарларида оилавий турмуши билан боғлиқ эр ва хотиннинг вазифалари, бурчлари, ўзаро муносабат-мулоқот маданияти, уларнинг мувофиқлиги ва номувофиқлиги, унинг оқибатлари ҳақида қимматли насиҳат ва маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, Алишер Навоий "Маҳбуб ул қулуб" асарининг 37 фасл "уйланганлик ва хотинлар тўғрисида" аёлнинг фазилатлари ва унинг оиладаги ўрни ҳақида қуйидагиларни ёзади; "эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур, уй безаги ундан ва уйланганнинг (эрнинг) тинчлиги ундан.

Ҳусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса, жон озиғидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзғор керак яроғи тартибли ва саранжомли бўлади. Ана шундай турмуш ўртоғи бўлса - ғам кулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва ҳамроҳинг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса, ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳар бир бало келса, кўмакдошинг ул. Кўнглинг ғамидан ул ғам чекади.

Носоз жуфт уй учун ҳам очиқ ва ҳам яширин қўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса, руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса куёвнинг кўнгли яраланади, ёмон ишлик бўлса, эрга юз қаролик келади. Майхўр бўлса, уй ободонлиги йўқолади ва бузуқи бўлса уй ичи расвогарликка айланади".

Алишер Навоий мазкур асарида (11 қисмида) ҳар бир киши учун зарур бўлган яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида қаноат, сабр, тавозуъ ва одоб, ишқ, вафо, ҳаё, юмшоқ кўнгиллилик ва бир қатор ёмон иллатлар тўғрисида қимматли маслаҳатлар беради.

Алишер Навоийнинг фикрларини психологик нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, ўша замонларда ҳам, ҳозир ҳам йигит ва қизларнинг ўзларига ҳар томонлама мос турмуш ўртоқ танлаши, уларда зарур сифат ва фазилатлар мужассамлиги оиланинг бахти ва фаровонлигидир. Бир-бирига номуносиб эр ёки хотин оиланинг таназзулидир.

Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) ўзининг ҳаётдан олган сабоқлари, тажрибалари асосида инсонпарварлик, ижтимоий ҳаёт, оилавий одоб, адолат, ҳалоллик, софдиллик, тўғрилик, ростгўйлик ҳақидаги фикрларини қизиқарли ҳикоялар, ривоятлар, панду-насиҳатлар ёрдамида баён этган. У салбий ахлоқий хислатларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаёти ва жамият учун катта зарар олиб келишини қатор ибратли ривоятлар билан кўрсатади. Коши-фий жамиятда, одамлар ўртасида ва оиладаги ўзаро муносабатларда ахлоқ меъёрлари бўлиб, бу меъёрлар инсонларнинг хулқ, феъл-атворларини тартибга солиб турадиган ахлоқий талаблардир, деб баҳолайди. У ижобий хислатларнинг кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади. Инсоний фазилатлар; сабр, ҳаё, иффат, покизалик, собитқадамлик, сахийлик, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, хушёрлик, олийҳимматлилик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалилик, иззат-ҳурматни билиш, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб, уларнинг аҳамияти ва оқибатларини айтиб ўтади.

Ўз даврининг етук уламоси Ризоуддин ибн Фахруддин эр-хотин муносабатларининг софлиги нақадар муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда бу масалага шундай ёндашади. "Гўзал муомалали бўлмоқ ислом шариатининг биринчи қоидаларидандир. Гўзал муомаланинг энг лозим қисми хотин билан бўлажак муомаладир.Қуръони Карим хотинлар билан гўзал мушоират этишга буюргандир. Бундай муомала этувчи эрнинг дунёси тузук, охирати роҳат бўлур.

Хотинга гўзал муомала қилувчи олий табиатли эрлар шариату ақл тарафидан ман этилган нарсаларга хотинларини йўлламайдилар ва энг азиз боласига бўлган меҳру-шафқати даражасида оқибат кўрсатиб, хотинларини барча машаққатдан сақлайдилар, қурбилари етмаган хизматга буюрмайдилар".

Оилавий ҳаёт ва ундаги муносабатлар бобида Аҳмад Донишнинг қарашлари алоҳида эътиборга лойиқдир. У ўзининг "Нодир воқеалар" асарида оилавий ҳаётнинг турли жабҳалари никоҳ одоблари, уйланиш шартлари, ишқ-муҳаббат ва севишганларнинг одоби, қайнона-келин низолари, фарзандларга васият, касб-ҳунарларнинг фойдаси ҳақида қимматли фикрларни баён этган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон муайян ёшга этгандан кейингина унда уйланиш ва оила қуришга зарурат ҳосил бўлади. Бу даврга келиб инсон оила никоҳ муносабатлари, оилавий ҳаёт қувончлари ва ташвишларидан бохабар, оилавий бахт, фарзанд тарбияси, эр-хотинлик ва ота-оналик бурчларини тушуниб этгандирлар. Аҳмад Дониш уйланиш шартларига ўша давр учун хос бўлган хислатли турмуш қурувчиларнинг бирон-бир касб соҳиби эканлигини, уй-жой соҳиби бўлишини, оила ва оилавий ҳаёт масалаларини эгаллаб олганликларини назарда тутади. Ўша даврга хос уйланиш шартлари (қиз томонидан қўйилган) янги оиланинг фаровонлиги, тўкислигини таъминлайдиган омиллардан ҳисобланган.

Аҳмад Дониш ўша даврдаги уйланишнинг мақсади ва мотиви ўзига хослиги, шунга қарамай, хотинларнинг ҳам эркаклардай иззат нафси борлиги, улар ўзларини эркаклардан кам тутмаслиги, шунинг учун уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини айтиб ўтади. Аҳмад Донишнинг қарашларида ҳам оиланинг бахти, оила фаровонлиги унинг мустаҳкам ва барқарорлиги хотинга, унинг ахлоқий ва маънавий камолотига боғлиқдир.

XX аср Туркистон жадидчилигининг улкан намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат "Оила" номли асарида фарзандлар тарбияси, қизлар ҳам илм олиш кераклиги ва бу соҳада ота-онанинг вазифалари, уйланиш ва уйланмаслик, уйланишда қандай хотин танлаш лозим, бўлажак эр-хотин биринчи марта нималарга эътибор бериши лозимлиги, эр-хотиннинг қандай яшамоқлари хусусида оиланинг маишати ва идораси, эр хотинга хос сифат ва фазилатлар тўғрисида ҳаётий маълумотларга таяниб илғор ғояларни илгари суради. У "миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир, қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади", деб ёзади (10; 8).

Фитрат мазкур асарининг уйланишда қандай хотин танлаш лозим мавзусида "эр хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафарида бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғлари бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта, энг аввало, бир-бирларини камоли диққат ва тажриба юзасидан имтиҳон қилишлари зарур. Хотин эркак ҳолидан ва йигит қиз аҳволидан яхшигина хабардор бўлиб, кейин турмуш қуришлари лозим" деб огоҳлантиради. Фитратнинг фикрича, уйланиш учун яна тўрт нарсага алоҳида эътибор бериш лозим: мол, насаб, ҳусн ва имону-эътиқод. "Уйланиш орзусида бўлган эр билан хотиннинг мол (бойлик)лари ва насаблари тақрибан бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда эр билан хотин бир-бирларига тэнг бўлмай, ҳаётини мудом азобга қўяди".

Шарқ мутафаккирларининг маънавий мэросидан бундай мисолларни адоқсиз давом эттириш мумкин. Кўриниб турибдики, оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсири масаласига Шарқ мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари алоҳида эътибор билан қараганлар.Уларнинг асарларида оиланинг муқаддаслиги, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, оила муқаддаслигини белгиловчи муҳим миллий-маданий ва миллий-психологик омиллар кўрсатиб ўтилган.

Айниқса, оиланинг асосини ташкил этувчи эр ва хотинга хос сифат ва фазилатларнинг шаклланган бўлиши, улар оилавий бурч ва вазифаларини садоқат билан адо этишлари, бир-бирига меҳрибон ва кечиримлилиги энг муҳим қадрият сифатида эъзозланади.

Оила барқарорлигини белгиловчи шахслараро муносабатлар таъсирига хос қимматли маълумотлар ҳозирги оилавий турмуш ва унинг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон оиллари қандай турларга эга эканлиги ва ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш, уларга хос муаммоларни ўрганиш, оилавий ҳаётга рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш имконини беради.

Оилалар тузулишига кўра бир неча турларга бўлиниши, тўлиқлигига кўра, бўғимлар сонига кўра, болалр сонига кўра, эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра, эр-хотиннинг маълумоти савиясига кўра, оиланинг ёшига кўра, қудаларнинг ижтимоий-иқтисодий мослигига кўра, регионал жиҳатига кўра, никоҳдан қониқганлик савиясига кўра, оилада эр ёки хотин етакчилигига кўра, оилада , эр-хотин муносабатларига кўра, эр-хотин миллатига (Байналминал) кўра ва бошқалар.

Ўзбек оиласининг юқоридаги ижтимоий-психологик классификацияси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги замон оиласининг асосий вазифалари

Ҳар бир оила жамиятнинг бир бўғини сифатида, жамият олдидаги маълум бир вазифани бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифалари ҳақида гапирганда булар қуйдагилар:

- Оиланинг иқтисодий вазифаси
- Оиланинг репродуктив вазифаси
- Оиланинг тарбиявий вазифаси
- Оиланинг коммуникатив вазифаси
- Оиланинг рекреатив вазифаси
- Оиланинг фелицстологик вазифаси
- Оиланинг регулятив вазифаси
- Оиланинг релаксация вазифаси

Иқтисодий - уй хўжалигини юритиш, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини самарали қондирилишини таъминлаш. Фарзандни дунёга келтириш ва вояга етказиш жараёнида оиланинг жамиятга келтирадиган иқтисодий фойдаси.

Репродуктив - жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш.

Тарбиявий - маданий мэросни авлоддан авлодга узатиш, ёш авлодни тарбиялаш жамиятнинг маданий мэросини сақлаб туриш.

Коммуникатив - оила аъзоларининг мулоқотга ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Реактив - ўзаро жисмоний, моддий,маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила-аъзоларининг дам олишини ташкил этиш вазифаси.

Фелицитологик - шахсий бахтга эришишга интилиш (фелицито-италянча бахт). Инсоннинг том маънодаги бахтга эришишида оиланинг тутган ўрни.

Регулятив - бошқарув, ёш авлодни ижтимоий назорат қилиш ва катталарнинг маънавий-аҳлоқий, сексуал ҳулқини назорат қилиш ва бошқариш.

Релаксация ва психотерапевтик - касб фаолиятида сарфлаган куч қувватини оилада қайта тиклаш ва эмоционал зўриқишлар, руҳий танглик, стрессларнинг олдини олиш. Руҳий зўриқишларни бартараф этиш.

Булар ҳақида шарқ мутафакирларидан Ал-Бухорий, Бурхонуддин Марғиноний, Ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний асрларида ҳамда, ғарб социолог олимлар У.М.Свердлов, В.А.Райсенсов, В.П.Ключников, С.Д.Лаптенко, Н.Г.Юркевич ва А.Г.Харчев ва бошқаларнинг илмий тақиқотларида оиланинг ижтимоий вазифалари ўз аксини топган.

2-савол. Никоҳ оила муносабатларининг эволюцияси.

2-саволнинг баёни.

Оилавий муносабатлар икки киши эр ва хотин орасидаги ҳиссиётларга асосланиб шаклланади. Агар ҳиссиётлар ортда қолиб, ҳаёт муаммолари устун келиб, эр ўзини терговчи сифатида тутса, хотини доимий тэрос остида ушланса, ёки хотини доимо моддий муаммолар, бойлик, рўзғор ҳисоб-китобини қилиб эрни

доимо тергаса бир-бирларига бўлган ҳис-туйғу йўқолиб кэтади. Инсон баъзида ўзига яқин бўлган одамларни тушунмайди. А.Грин ўзининг асарларидан бирида “Бизнинг ички дунёмиз қамдан-кам одамни қизиқтиради”, дейди.

Эр ва хотин бир-бирларини жуда яхши биладиган, тушунадиган – деб ўйлашади. Аслида эса яқин одамни ички дунёсини кўра билиш уни тушунишни хоҳлашмайди. Эр ва хотин турмуш қуриб, жисмонан бир-бирига яқинлашгани билан қалбан яхшилик бу бошқа нарса. Бу яқинликка эришиш учун унга интилиш, қизиқиш ва яқин одами билан доимо суҳбатда бўлиш, суҳбат орқали уни ички дунёсига кира олиш керак. Бу муносабатлар қизиқувчан, эркин ва тэнг ҳуқуқли инсонлар орасида пайдо бўлади. В.А.Сисенко оилавий муносабатларни мустаҳкам ёки сустлигини асоси эр ва хотин бир-бирларини кўнглини ола билишидадир деб биладилар. Уларнинг бир-бирига бўлган меҳрида, бир-бирини ҳоҳлашида, тушунишида ва оилада доимо яхши кайфият, кулги бўлишидадир.

Муносабатларни самимийлигига ва турмушнинг бузилишига В.Сатирнинг фикрига қуйидаги қўрқувлар сабаб бўлади:

1. Мен ҳато қилиб қўйишим мумкин.
2. Кимгадир қилиғим ёқмаслиги мумкин.
3. Кимдир устимдан кулади.
4. Кимдир мени мақтанчоқ деб ўйлайди.
5. У мени ёмон деб ўйлайди.
6. Бирор-бир айбим борлигини билиб қолишади.
7. У мени ташлаб кэтади.

Аммо, кимки бу фикрларни ўзидан четласа, эркин тутса ва ўз устидан кулишидан қўрқмаса, муносабатлар осонлашади.

Инсон турмуш қуришдан олдин бу ҳаётда ўзининг дунёқарашига эга бўлади. У ўзи учун азиз ва қимматли нарсаларни белгилаб қўяди, шунинг учун ўз ёнида тушунадиган, унинг ғурурига тегмайдиган дунёқараши устидан кулмайдиган, таъна қилмайдиган кўпинча чқин бир инсон бўлишини истайди.

У бошқа ўзига яқин инсондан уни дунёқараш, ғурурини, ҳаётдаги ўрнини, ҳурмат қилишини хоҳлайди. Фақат шундай инсонгина турмуш ўртоғи била олиши ва шундагина мустаҳкам оила қуриши мумкин.

Оилани мустаҳкамловчи икки муҳим факторни В.А.Сисенко белгилаб беради:

1. Ижтимоий-иқтисодий, моддий таъминланганлик даражаси ва вақт ажратилиши.
2. Ижтимоий-психологик фактлар оилавий ҳаётдан мамнун бўлиш даражаси.

Шу икки фактор оилани мустаҳкам қилишда В.А.Сисенко асосий шарт деб билади. Эр-хотиннинг бир-биридан узоқлашиши ёки бир-бирини тарбиялашга уриниш оилавий муносабатларни бузилишига олиб келади. А.Кроник бир қатор сабабларни кўрсатиб ўтади. Улардан:

– бошқа одамлар ҳаётида аралашиши;
– ўз қадрини билмаслик (ўзини ерга уриш);
– бир-бирининг жинсига, характерига тўғри келмаслик.

Лекин, энг яхши йўл бу қийинчиликларни бирга энгиш, эр қоқилса хотин терговчи, хотин қоқилса эр терговчи бўлиш оилани сақлашга олиб келади.

А.Н.Толстой “Анна Каренина” романида “Ҳамма бахтли оилалар бир-бирига ўхшайди” ва ҳар бир бахтсиз оила ўзича бахтсиз дэган сўзлар билан бошлайди.

Бир “Суф” ривояти бўйича “Бир қари ит ёш итнинг ўз душманини тишлаш билан овора бўлаётганини кўриб – нима қилаяпсан деб сурабди – Мен ҳаёт фалсафасини топдим, ўрганиб чиқдим. Мен ҳаётда итлар учун энг яхши нарса, бахт эканини тушундим. Менинг бахтим эса думимда, шунинг учун думумни тутсам бахтим ўзим билан бўлади дебди. Бунга жавобан қари ит – ука, мен бу фалсафа билан олдиндан танишман. Мен ҳам бахт бу энг яхши нарса ва менинг бахтим думумда эканини тушундим. Лекин мен нима қилсам ҳам, қаерга борсам ҳам бахтим ёнимда, думум мен билан бирга бўлишини англадим ва унинг кетидан қувишни бас қилдим, дебди”.

XXI асрда бахт учун қувиш янги йўналиш олди. Одамлар бахт ёнида яқнлигини сезишмай қолишди.

Эркаклар бир йўналишда, хотинлар бошқа йўналишда бахт излашади. Улар тўхтаб бир-бирларига эътибор қилишга бир йўналишда ҳаракат қилишга вақтлари йўқ.

А.А.Кроник ва С.А.Крониклар муносабатдаги ҳиссиётларни сақлашда қуйидагиларни таклиф қилади.

1. Хотиралар оилавий, биргаликда ўтказилган яхши муносабатлар ўтказилган яхши муносабатлар, яхши кунларни асраш.
2. Биргаликда ўтказилган йилларга, кунларга, дақиқаларга ижодий ёндашиш, ҳозирги кун билан яшаш.
3. Биргаликда келажакка интилиш, умумий режалар тузиш, шундагина биргаликдаги ҳаёт қизиқарли, ёрқин ва мустаҳкам бўлади.

Оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда қўшимча факторларга:

1. Эр-хотиннинг оилани сақлашга интилиши.
2. Оилани мафаати йўлида келишиб иш қилиш.
3. Оилавий ишларда ташаббус кўрсатиб, ўз ҳиссасини иккаласи ҳам баравар қўллаши.
4. Мавжуд бўлган муаммоларни оилани унутмаган ҳолда у билан биргаликда ечиш.
5. Қийин ва оғир кунларда бирга бўлиш бир-бирини қўллаб қувватлаш.
6. Эр-хотин ташқи кўринишида эстетик жозибаликни сақлаш. Оилада ўзини тута билиш.
7. Оилада ишонч, қувонч, меҳр-оқибат шароитини яратиш каби факторлар киради.

Кўпчилик тўйдан олдин ҳаракат қилиб, қўнгил олиб, тўй ўтгандан сўнг бўлди. Энди мақсадга эришилди деб, ҳаракатни сусайтиради. Лекин аксинча, ҳамма эътибор ҳаракат тўйдан кейин бошланиши керак, чунки арзимаган нарса, ҳаттоки кийимга, ўз кўринишига эътиборсизлик кўнгил қолишига олиб келади. Тўйдан сўнг оилада умумий қизиқишлар бўлишига ҳаракат қилиш керак, бу оилани мустаҳкамлайди. Фундаментни шакллантиради. Болалар оилани мустаҳкамлайди, лекин умумий маънавий қизиқишлар ҳам бўлиши керак. Оила бахтли бўлишида турмуш қурганлар бир-бирларига дўстона муносабатда бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ёшликда турмуш қуриб, йиллар давомида икки шахс бир-бирига боғланиб қолади. Улар бир-бирини тарбиялайди, бир-бирини ўрганади.

Дэвид Бернс оилавий муносабатларни салбий ривожланишида қуйидаги сабабларни келтиради.
1. Бир-бирига қатъиян қарама-қарши фикр юритиши (оқ ва қора).
2. Ҳодиса ва турмушдаги юзага келадиган воқеаларни кўпириб, юзга солиш (Ҳар доим шунақа қиласан, ҳеч қачон бўлмайди).
3. Турмуш ўртоғини доимо танқид қилиш, уни камчиликларини юзига солиш.
4. Ҳамма нарсага салбий қараш тэсари буриш (бу ишинг ҳеч қачон яхши бўлмайди).
5. Дунёда бўладиган ишларга ҳис-туйғу билан жавоб бериш.
6. Сўз билан кўпиртириш (хоҳлайман, менга ёқади, мен қилишим керак).
7. “Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ”.
8. Бошқаларнинг қилиғига тамға босиш (у ўзи шунақа).
9. Қўлидан келмаган нарсалар учун айбини ўзига олиш.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтиш керакки, севги формуласи ҳар ким учун ўзиники бўлади. Бу формулани ҳар ким ўзича тузади ва шу формулага асосан яшайди.

Бугунги кунда никоҳ ва оилада муҳим ўзгаришлар юз бераётганини рад этиш қийин. Булар кенг роқ ижтимоий ўзгаришларни ўзида ифодалайди.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича "бахтли оила" ва "фаровон турмуш" ни таъминловчи муҳим жиҳатлар тўғрисидаги ўспиринлар тасаввури билан оилалилар тасаввури ўртасида кескин фарқ мавжуд. Бу ҳолат айниқса оиланинг маънавий ва моддий ҳаёти тўғрисидаги тасаввурларда ёрқин намоён бўлади. Никоҳдан кейинги ҳаёт эр-хотиннинг ўз турмуш тарзи ва тажрибалари ёрдамида ўзларининг бахтли оилаларини қуришга ундайди ва бу ижтимоий воқеликни улар реал тушуна бошлайдилар.

Бахтли оила масалалари билан шуғулланган етакчи социолог ва психолог олимлар унинг 11 та энг муҳим шарт-шароитлари мавжудлигини аниқлаганлар:
1. Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши.
2. Алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги.
3. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик.
4. Фарзандлар.
5. Никоҳ мустаҳкамлигига ишонч.
6. Оилада бўш вақтни қизиқарли ўтказиш.
7. Ўзига ёққан иш билан таъминланганлик.
8. Маълумотнинг мослиги.
9. Иш жойининг қулайлиги.
10. Яхши дўстларнинг мавжудлиги.
11. Эр-хотиннинг эркинлиги.

Тадқиқот таҳлилларига кўра, қайси бир оилада ана шундай имкониятлар мавжуд бўлса, у оилани бахтли оила дейиш мумкин, унинг аъзолари эса бахтиёр ва фаровон турмуш кечираётганликларидан дарак беради .

Тадқиқот таҳлилларига кўра, яна шу нарса маълум бўлдики, оилада бахтли ва фаровон турмуш вужудга келиши учун юқорида келтирилган шарт-шароитлар ўз аҳамиятига кўра эр билан хотин учун бир хил эмас. Масалан, "Эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши", "алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги", "моддий яхши таъминланганлик", "фарзандлар" ва "қизиқарли иш" аҳамиятига кўра, эрда

бошқача, хотинда эса бошқача баҳоланган. Эр биринчи ва иккинчи ўринга "алоҳида уй-жой билан таъминланганлик" ва "моддий яхши таъминланганликни", кейин бошқаларини қўйса, хотин эса биринчи ва иккинчи ўринга "эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниш", "фарзандлар" ва сўнгра эса "алоҳида уй-жой", "моддий яхши таъминланганлик" ҳамда "қизиқарли иш"ни қўяди. Бундан кўриниб турибдики, бахтли ва фаровон оила мазмунини таъминлашнинг энг муҳим томони ҳаёт ва фаолиятнинг зарур шарт-шароитлари ва болалар оила иттифоқи барқарорлигининг муҳим мазмун-моҳиятини ташкил этади.

С.В.Ковалевнинг таъкидлашича, ёшларда оилавий ҳаёт ва турмуш тарзига хос тўғри тасаввурлар етарли эмаслиги сабабли турмуш қурганларида оила-никоҳ муносабатларидан қониқмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ёшлар ўсиб улғаядиган ва ўқиш жойларида уларни оилавий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, уларда бахтли оила ва фаровон турмушни таъминлайдиган зарур сифат ва фазилатларни шакллантириш, уларни бўлғуси оила тўғрисидаги романтик, ширин хаёллардан, ҳар хил чалғишлардан қутқариш билан боғлиқ тарбиявий шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги қимматли маслаҳатларни илгари суради .

Оилавий муносабатлар барқарор бўлади, қачонки:

1. Мақсад, болалар тарбияси билан боғланган бўлса;
2. Мақсад, эр-хотиннинг шахс сифатида янада ривожланиб боришини асосласа;
3. Мақсад, оила учун зарурий нарсаларни, уйни шинам ва орасталигини таъминлашга қаратилган бўлса.

Кўриниб турибдики, оила барқарорлиги-оила аъзоларининг ўзаро ҳурматга, севги-муҳаббатга, жавобгарлик - бурч ҳиссига ва эр-хотиннинг психологик ва жинсий ўзаро мослигига асосланган жуда мураккаб, кўп қиррали ва кўп даражали муносабатлари натижасидан иборатдир.

Оилада шахслараро муносабатлар маданиятининг шаклланганлиги оила аъзоларининг жамиятда ўз ўрнини, қадрини топишга ўз истак ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратади. Агар унда оилавий муносабатлар етарли даражада шаклланмаган бўлса ёки шаклланмаса унда турли муаммолар ва низолар шаклланади. Оилада тотувлик йўқолади ва унда нохуш психологик муҳит ҳосил бўлади. Оила аъзолари жамиятда ҳам ўз ўринларини топа олмайдилар. Энг муҳими шуки, бундай ҳолат фарзандлар камолотига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг қандай фалсафий қарашларини биласиз?
2. Никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси дэганда нимани тушунасиз?
3. Оилавий муносабатлар барқарор бўлишига асосий сабабларни таъснифланг.
4. С.В.Ковалев ёшларда оилавий ҳаёт ва турмуш тарзига қониқмаслиги сабабларини нимада деб кўрсатган?
5. Бахтли оиланинг 11 та энг муҳим шарт-шароитларига таърифва тасниф беринг.
6. Дэвид Бернс оилавий муносабатларни салбий ривожланишида қуйидаги сабабларни келтиради. Улар қайсилар?

3-МАВЗУ: ОИЛА ТАСНИФЛАНИШИ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОИЛАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Фанни ўқитиш технологияси: Оила таснифланиши. ҳозирги замон оилаларининг турлари мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** хозирги замон оилалари билан оилаларнинг турлари тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** хозирги замон оилаларида ижобий муносабатларни шакллантириш. ***Ривожлантирувчи:*** хозирги замон оилалари ҳақида фикр мулоҳазаларини ривожлантириш. ***Дарснинг тури:*** Назарий маълумот бериш. ***Дарс жихози:***Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих ***Дарснинг бориши:*** Саломлашиш, хона тозалигини текшириш, давоматни аниқлаш, уйга вазифани текшириш, янги мазуни баёни, уйга вазифа бериш. ***Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:*** мутафаккир, эволюция, формация. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • хозирги замон оилаларига таъриф беради. • хозирги замон оилалари муносабатларининг моҳиятига изоҳ беради. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, ФСМУ, тақдимот.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **Талабаларга муаммоли савол беради** **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**

	3.4. Умумий хулосага келинади.	
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг қандай фалсафий қарашларини биласиз? 2. Никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси дэганда нимани тушунасиз? **4.2.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. «хозирги замон оилалари, уларнинг турлари» мавзуси юзасидан турли хил кўргазмали қуроллар тайёрлаш. **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Замонавий оила психологияси
2. Оиладаги муҳит ва шахслараро муносабат
3. Оила турлари

1-савол баёни.

Оила жамиятнинг асосий институти ҳисобланиши, у тарбия ўчоғи сифатида шахснинг шаклланишида муттасил иштирок этади. Оиланинг ижтимоий аҳамиятига молик функциясини таъминланишида ундаги ижтимоий психологик муҳит, шахслараро муносабатлар, субъектларнинг камолот даражаси белгилайди. Агар роллар, статус ва ўзаро ҳамжиҳатлик инқирозга юз тутган ҳолатда оиладаги психологик муҳитни тасаввур қилишни ўзи мураккабдир. Оилада шахслараро муносабатларнинг ўзига хос томонлари унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Албатта, бу ҳолатни асословчи омилларни тадқиқ қилишда қуйидагича йўл тутишни лозим топдик:

Ҳозирги замон оилаларида инқироз шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ёритиш. Оилада шахслараро муносабатларда тэнгликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари (феноменлари)ни очиб бериш.

Замонавий оилалардаги ижтимоий психологик муҳит, у билан жамиятнинг ўзаро уйғунлиги, субъектларнинг мақсад ва маслакларининг бирлиги, қадриятлар даражасининг сақланаётганлиги, этник ва маданий муҳитнинг ундаги муносабатларда сақланиши, авлодлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, ижтимоий кутишлар, роллар тақсимоти сўзсиз инқирозларни олдини олишга пухта замин ҳозирлайди.

Бугунги кунда оила муаммосига алоқадор масала унинг барқарорлигини таъминлаш, ундаги инқирозли ҳолатларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга дават этади. Қуйида шу хусусида мулоҳаза юритилади.

Ҳозирги замон оиласи “моногам” оилалардан иборат. Ёш авлод ҳаётининг кўп қисмини ўз оиласида ўтказади. Шу боисдан бола турмушнинг мураккаб томонлари билан худди шу ота-она масканида танишади. Шунинг учун ҳам оила жамиятнинг бошланғич ячейкаси сифатида болаларнинг ахлоқи, юриш-туриш, хатти-ҳаракати, эътиқод ва дунёқарашига тарбиявий таъсир кўрсатиши ҳамда уларни турмуш қуришга тайёрлаб бориши лозим. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида йигит ва қизлар аста-секин камол топиб борадилар.

Ҳозирги замон оиласидаги анъаналар ва турли маросимларниг ижобий таъсири кучли бўлиб, халқимизнинг ўзоқ ўтмишидаги аҳлоқий ҳислатларини ифодаловчи меҳмондўстлик, инсонпарварлик, хушфеъллик, илтифотлилик, болажонлик, уй ва ҳовлини озода сақлаш, боғу-роғлар барпо этиш, халқ сайиллари ва мавсумий байрамларини биргаликда ўтказишда ўз ифодасини топади. Психологик муҳит – бу гуруҳдаги, колллективдаги кишиларнинг психологик ҳолати, кайфияти, муносабатларини йиғиндисидир. Психологик муҳитлар жуда кўп, аммо уларнинг барчасини икки категорияга, қулай ва ноқулай категорияларга бўлиш мумкин. Группа ёки коллектив муҳити қуйидагилар билан аниқланади: группа ёки жамоа учун ташкил қилинган ўқиш, меҳнат фаолиятининг ҳар қандай турида қониққанлик, ходимлар ва раҳбарлар билан бўлган муносабатларда – ўзаро бир-бирини тушунишдан, барқарор кайфият, эмоционал ҳолат, ҳар кимнинг эмоционал муваффақиятининг даражасидан жипслашганликдан коллектив аъзоларни бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришдаги иштирокидан, фаолият натижасидан қониққанлидир.

Оиладаги психологик муҳит – бошқа ҳар қандай группада бўлган қонунлардан таркиб топади. Бироқ оилада иш бирмунча мураккаброқдир. Унда кишилар ўз ҳаётининг кўпроқ қисмини ўтказади. Улар бир-бирлари билан кўпроқ самимий туйғулар ва муносабатлар орқали боғлангандир. Оила бахтининг асосида оиланинг психологик муҳити ётади. Оиланинг психлогик муҳитига эр-хотинларнинг ҳам, умуман кишиларга ҳам оила аъзоларига ва бир-бирларига бўлган муносабатлари таъсир қилади.

Социалог-психологлар бахтли ва бахтсиз оилалларда ўзига ва хотинига бўлган муносабатларнинг хусусияларини аниқлаганлар. Улар қизиқарли фактларга эга бўлдилар. Оиладаги психолгик муҳит эр-хотин қизиқишларининг умумийлиги билан характерланади, энг муҳими уларнинг иккаласи ҳам қизиқиш билан ҳисоблаша билишларида ва эътибор бера билишларидадир. Эр-хотин катта ижтимоий муаммо ва талаблар билан яшайдиган оилаларгина бахтли бўлишлари мумкин.

Оиладаги қулай ахлоқий-психологик муҳит эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзоларида ўзига ишониш, кишиларга ишониш, қувноқлик, вазминлик каби фазилат ва туйғуларни шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Психологик муҳит кишиларнинг мувофиқлигида янада аниқ намоён бўлади. Кишилар бир-бирлари билан мувофиқлиги, аввало ҳаётнинг қадри, қизиқишлари, эмоционал кўрсатмаларининг умумий тарзи ҳамоханглиги назарда тутилади, натижада оилада бир-бирини тушуниш, бошқаларнинг қадрини ҳам, шунингдек инсонни қандай бўлса шундайлигича қабул қилади. Оила аъзоларида психологик

қулайлик ишончлилик, ҳимояланиш, бир-бирининг муомаласидан қатноатланиш мувофиқликнинг ички мубъектив кўрсатгичидир.

Кишиларнинг номувофиқлиги оила аъзоларинингг бир-бирлари билан муомалада ва ўзаро ҳаракатда бўлган эҳтиёжларининг чегараланганлигида кўринади. Бундай кишиларнинг бир-бирлари билан ажралиши ва бегоналаниши юз беради.

Мувофиқликнинг турлари:

1. Кишиларнинг ғоявий-аҳлоқий бирлиги.
2. Социал-психологик мувофиқлик эр-хотиннинг маълумоти, ёши умумий маданий савиясидаги фарқлар кўпинча социал-психологик номуфоқликни келтириб чиқаради. Умумий маданият даражаси шахснинг камолот даражаси аҳамиятга эгадир. Оила асосий вазифаларини амалга оширшидаги ҳамжиҳатлик ҳам оиладаги социал-психолгик мувофиқликка боғлиқдир.
3. Психологик ва психофизиологик мувофиқлик бу кўпинча эр хотиннинг характери ва темпераменти билан белгиланади.

Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса ҳисобланади. Ҳар бир оиланинг ички ҳуқуқий, иқтисодий муносабатларига хеч ким беҳуда аралашишга ҳақли эмас. Шу сабабдан оила муқаддас ва дахлсиз ҳисбланади. Рамзли қилиб айтилганда, оила ўзига хос кичик бир мухтор давлатдир, лекин оила жамият ташқарисида эмас, оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маънавий муносабатлар билан белгиланади. Уларнинг таъсирида ўзгариб ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Оилавий муносабатлар жонли, ўзгарувчан жараёндир. Оилада ўзаро ахлоқий муносабатларнинг асосини эр-хотиннинг ўзаро ишончи ташкил этади. Беруний, ахлоқ-одоб эгаси бўлувчи инсон энг аввало ўзининг юриш-туриши, муомала мадниятида, ҳаёт кечиришида, оила барқарорлигида намуна бўлиш кераклигини ўқтиради. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб оилани мустаҳкамлаш, оналик-болаликни муҳофаза қилиниши учун тинмай қайғурмоқда. Ўзбекистон 1998 йил – “Оила йили”, Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” ҳамда 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилинганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистонда ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлиги, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган жараён амлага оширилмоқда. Ҳар бир оила ҳар бир меҳнаткаш тинч-тотувлик ва тўкин-сочин яшаса республикамиз озод ва бой бўлади, гуллаб яшнайди. Ота-оналар ва болалар ҳар тарафлама жипслашган оила бирлигини ташкил этади. Улар ўртасида жуда яхши оилавий муносабатлар мавжуддир, бу шахслар оиланинг ядросини яъни ўзагини ташкил этади.

Ўзагининг ижтимоий мазмунига қараб, оила 3 та гуруҳдан ташкил топади:

1. Оиланинг асоси – никоҳ
2. Никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин
3. Эр-хотин муносабатлари оқибатида фарзанд

Типик оилавий муносбатлардан ташқари болали ёлғиз она билан унинг боласи ўртасидаги бошқа қариндошлар ўртаисдаги муносабатлар, баъзи ҳолларда фарзандликка олинган, тарбияга олинганлар ўртасидаги муносабатлар ҳам оилавий муносабатларни ташкил этади.

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар жамиятнинг тарқалган муносабатларидир. Оилавий муносабатлар ахлоқий нормалар билан тартибга солинади.

Ҳозирги замон “моногам” оиласи ўз навбатида тузилиши, таркиби, моҳияти ва бошқа хусусиятларига кўра бир қатор турларга бўлинади:

1. Тўлиқлигига кўра: тўлиқ, нотўлиқ, қайта тузилган (иккинчи никоҳ) оилалар.
2. Бўғинлар сонига кўра: нуклеар (ота-она ва боллардан иборат) ва кўп бўғинли, икки ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи оилалар.
3. Болалар сонига кўра: фарзандсиз, бир болали, 2 болали, 3-4 болали ва 5 дан ортиқ болали оилалар.
4. Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра ишчилар деҳқонлар хизматчилар ва зиёлилар ҳамда аралаш типдаги оилалар.
5. Эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра: олий, ўрта махсус, ўрта тугатилмаган, ўрта махсус, ёрдамчи мактаб маълумотига ва турли савиялардаги маълумотга эга бўлган оилалар.
6. Оиланинг ёшига кўра: ёш оила – 1 йилгача, 3-5 йилгача, 6-10 йилллик турмуш тажрибасига эга бўлган ҳамда ўрта ва етук оилалар.
7. Қайлиқларнинг ота-ота оиласи, яъни ота-онасининг моддий таъминланганлик даражаси мос келиши ёки катта тафовутнинг мавжудлиги.
8. Регионал жиҳатларга кўра: шаҳар, кишлоқ ва аралаш типдаги оилалар.
9. Никоҳдан қониққанлик савиясига кўра: ажарлиш савиясида, қуйи, ўрта ва никоҳдан қониққанлик даражаси юқори савиядаги оила
10. Оила ёки эркак етакчсилигига кўра эр етакчи бўлган ёки хотин етакчи бўлган ҳамда эр ва хотин етакчилигидаги оила.
11. Оилада эр-хотин орасидаги муносабатларга кўра: авторитар, демократик, либерал ва аралаш типдаги оила.
12. Эр-хотинларнинг миллатига кўра бир миллатли ёки байналминал оилалар. Баналминал оилаларни 2 га бўлиш мумкин:

- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирган миллат вакиллари орасида никоҳ, мас: ўзбек-тожик, ўзбек-татар
- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирмаган миллат вакиллардан иборат никоҳ: ўзбек-рус, украин-немис

13. Юридик расмийлаштирилганлигига кўра:

- Синовдаги оила – бирга яшайди, лекин никоҳдан ўтмаган
- Расмийлаштириш арафасидаги никоҳ
- Никоҳдаги оила
- Никоҳдан ташқари оила

Муҳокама учун саволлар:

1. Оиланинг ижтимоий аҳамиятига молик функциясини нималар белгилайди?
2. Ҳозирги замон оиласи “моногам” оилалардан иборат. Бу қандай оилалар?
3. Психологик муҳит – бу нима?
4. Оиладаги психологик муҳитга таъриф беринг.
5. Социалог-психологлар ўз тадқиқотларида нималарни аниқлаганлар?
6. Мувофиқлик – бу нима?
7. Мувофиқликнинг турларини санаб беринг.
8. “Оила йили” йили деб нечанчи йил белгиланган?

9. Ўзагининг ижтимоий мазмунига қараб, оила 3 та гуруҳдан ташкил топади. Уларни сананг ва таъриф беринг.
10. Оиланинг асосини нима ташкил этади?
11. Ҳозирги замон “моногам” оиласи ўз навбатида тузилиши, таркиби, моҳияти ва бошқа хусусиятларига кўра бир қатор турларга бўлинади. Уларга таъриф беринг

4-МАВЗУ: ЎСМИРЛИК ЁШИДАГИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Фанни ўқитиш технологияси: Ўсмирлик ёшидаги ўғил ва қизларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **Дарс мақсади:** Талабаларга ўсмирлик ёш даври хусусиятларини очиб бериш. Ўсмир ўқувчилари билан тарбиявий ишларни ташкил этиш жиҳатларини кўрсатиш. **Идентив ўқув мақсади.** 1. Ўсмирлик ёш даврининг бошқа ёш даврларидан фарқини ва эътиборга мойиллигини тушунтиради. 2. Ўсмир ёш даврини онтогенездаги ўрнини ажратиб кўрсатади. 3.Ўсмир психикаси ўсишини ҳаракатга келтирувчи кучларни изоҳлайди. 4. З. Фрейднинг Ўсмирлик ёш даври ҳақидаги таълимотларини таккослаб фарқлайди. **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ўсмир, ўз -ўзини бошқариш, назорат қилиш,ўқиш даври,етакловчи фаолият, акцелирация, Ўсмир эҳтиёжлари ва қарама-қаршиликлар, ўсмирлик даврида жинсий етилиш, ички секреция безлари, ўсмирлик давридаги кечирмалар.Ўсмир шахснинг хусусиялари, тарбияси қийин ўсмир тоифалари. 1.4.**Дарс шакли:** гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**

3	**Гурухда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** -Нима учун ўсмирлик даври «портлаш» даври, деб аталади? -Ўсмирларда ўқиш фаолияти етакловчилик ролини йўқотади, сабаби нимада? -Нима сабабдан ўсмирлик ёш даврида ота-онанинг референтлик даражаси сусаяди? Фикрингизни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Ўсмир организмининг био-физиологик усиш хусусиятларин тушунтириб беринг. • Ўсмирлик даврида пайдо бўладиган янги кечинмаларининг физиологик сабабларини ёзма равишда тахлил қилинг. • Ўсмир хаётида натўғри одатларини келтириб чиқариши эхтимоли бўлган ижтимоий хаётдаги манбаларни кузатиб, хулосалар чиқаради. • Ўсмир организмида пайдо бўладиган ўзгариш қайси орган функцияси билан кўпроқ боғлиқ. • а) марказий нерв систэмаси. б) юрак. в) ўпка. г) ўт пуфаги. д) ички секреция безлари. • Ўсмирлик даври қайси ёшларга тўғри келади? • Ўсмир организмида қандай ўзгаришлар рўй беради? • Ўсмирлик автономиялари нима ва унинг қандай турлари фарқланади? • Менструал сикл нима ва у қандай кечади? • Жинсий балоғатга етиш дейилганда нима тушунилади? • Жинсий балоғатга етишнинг эрта ёки кеч юзага келиши • ўсмир руҳиятига қандай таъсир қилади? • Ўсмирлик даврида қандай ҳис-туйғулар муҳим ҳисобланади? • Ўсмирлик даврида дўстлик ҳиссининг аҳамияти қандай? • Ўсмир учун севги-муҳаббат ҳисларининг белгилари қандай бўлади? **4.2.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**

5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (30-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Ўсмирлик даври ҳақида тушунча
2. Ўсмир организмида рўй берадиган ўзгаришлар
3. Ўсмирлик автономиялари.
4. Жинсий балоғатга этиш.
5. Ўсмирнинг ақлий камолоти.

Таянч иборалар:

Ўсмир, ўз -ўзини бошқариш, назорат қилиш,ўқиш даври,етакловчи фаолият, акцелирация, Ўсмир эҳтиёжлари ва қарама-қаршиликлар, ўсмирлик даврида жинсий етилиш, ички секреция безлари, ўсмирлик давридаги кечирмалар.Ўсмир шахснинг хусусиялари, тарбияси қийин ўсмир тоифалари.

Дарс мақсади:

Талабаларга ўсмирлик ёш даври хусусиятларини очиб бериш. Ўсмир ўқувчилари билан тарбиявий ишларни ташкил этиш жиҳатларини кўрсатиш.

1-мавзуга оид муаммо:

-Нима учун ўсмирлик даври «портлаш» даври, деб аталади?

-Ўсмирларда ўқиш фаолияти етакловчилик ролини йўқотади, сабаби нимада?

-Нима сабабдан ўсмирлик ёш даврида ота-онанинг референтлик даражаси сусаяди? Фикрингизни асосланг.

Идентив ўқув мақсади.

1. Ўсмирлик ёш даврининг бошқа ёш даврларидан фарқини ва эътиборга мойиллигини тушунтиради.
2. Ўсмир ёш даврини онтогенездаги ўрнини ажратиб кўрсатади.
3.Ўсмир психикаси ўсишини ҳаракатга келтирувчи кучларни изоҳлайди.
4. З. Фрейднинг Ўсмирлик ёш даври ҳақидаги таълимотларини таккослаб фарқлайди.

1-савол. Ўсмирлик даври ҳақида тушунча

Психология фанининг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш ёш психологияси фани бевосита инсон психологиясининг намоён бўлиши ва ривожланишини турли ёшларда қандай кечиш хусусиятлари, қонуниятлари, механизмларини ўрганади. Психологик хусусиятларни намоён бўлишининг ёш хусусиятлари

ўрганилар экан, шуни назарда тутиш керакки, ёш психологиясида турли ёш даврлари бир-биридан сезиларли фарқланади. Булар: чақалоқлик, илк болалик, мактабгача таълим ёши, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, илк ёшлик, ёшлик, етуклик ва кексалик даврларидир. Бу даврларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, сифатларга эга бўлиб, улар бир-биридан одамнинг хронологик ёш кўрсаткичларига кўрагина эмас, балки шу даврда инсон руҳиятида кечадиган ҳодисалар, рўй берадиган ўзгаришлар, унинг руҳиятидаги умумий қонуниятларга кўра ҳам фарқланади. Биз ўсмирлик даври психологияси ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўсмирлик даври инсонни болаликдан — ёшликка ўтувчи ва ўз навбатида бошқа даврлардан ўзининг нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан

фарқланиб турувчи даврдир. Бу давр тахминан болаларнинг 5—8-синфларда ўқиш пайтларига тўғри келади ва 11—12 ёшдан 14—15 ёшгача бўлган давр оралиғида кечади. Айрим болаларда бу давр 1—2 йил эртароқ ёки кечроқ кузатилиши ҳам мумкин. Ўсмирлик даври айрим махсус психологик адабиётларда «ўтиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби номлар билан ҳам аталади. Бу даврнинг «оғирлиги», «кескинлиги», «мураккаблиги» нималар билан асосланади? Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмининг физиологик ҳолатларида, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарамақарши бўлган турли хил анъаналар кузатилади. Бу даврга келиб бола енди «бола» эмас ва шу билан бирга ҳали «катта» ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф етиб боради. Унинг қизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, баҳолаши, қадриятлари ўзгаради. Унинг учун ўз «мен»и ва шу «мен»нинг аҳамияти ортади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўсмирлик ёши қайси даврларни ўз ичига олади:

А) 6 ёшидагин 10 -11 ёшгача.

Б) 10 -11 ёшидагин 15 -16 ёшгача.

В) 16 ёшидагин -18 ёшгача.

Г) 4 ёшидагин -6 ёшгача.

Д) 18 ёшидагин -21 ёшгача.

2. Ўсмирлик ёш даврига эътиборини кучайтириш зарурлигининг асосий сабабларини санаб ўтинг ва тушунтиринг.

3. Ўсмир психикасини ҳаракатга келтирувчи кучларни ажратинг.

А) қарама -қаршиликлар тизими.

Б) Биологик усишдан тезлашиш.

В) Эҳтиёжларни ўзгартириш.

Г) Етақловчи фаолиятнинг мазмунини ўзгартириш.

Д) А ва Г.

4. Ўсмир психикасини ҳаракатга келтирувчи кучларни фарқланг ва изоҳлаб беринг.

5. З.Фрейднинг Ўсмирлик ёш даври ҳақидаги таълимотларни таккосланг ва бахо беринг.

2-савол. Ўсмир организмида рўй берадиган ўзгаришлар

Дарс мақсади:

Ўсмирлик ёш даврида рўй берадиган жисмоний ва физиологик ўзгаришлар ҳақида маълумот бериш. Шу ёш давридаги ўқувчилар билан муомала муносабатларда эътибор бериш зарур бўлган жиҳатларни ҳисобга олишга ўргатиш.

2-саволга оид муаммолар:

-Ўсмирлик даврида гавда номутанносиб ривожланади. Сабаби нимада деб ўйлайсиз?

-Ўсмирликда қарама-қарши жинсга қизиқишни ортишининг сабаби нимада?Фикрингизни асосланг.
-Ўсмирлик даврида турли салбий характердаги гуруҳларга аъзо бўлиш эҳтимоли кучли. Сабаби нимада?

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўсмирлик ёш давридаги биологик усиш хусусиятларини тушунтириб беради.
2. Ўсмирларнинг ўпкасини, тириклик сиғимини айтиб беради ва ажратади.
3. Ўсмирлик ёш даврида пайдо бўладиган кечирмаларнинг сабабларини тахлил қилади.
4.Ўсмир хаётида салбий одатларни келтириб чиқариш эхтимоли бўлган ҳолатларнинг манбаларини исботлайди.

2-савол баёни.

Ўсмир организмида рўй берадиган ўзгаришлар шундан иборатки, бола ривожланишининг айни шу даврида биологик, физиологик етуклиги борасида туб ўзгаришлар амалга ошади. Физиологик ривожланиш ва жинсий балоғатга этиш жараёнининг янги босқичи бошланади. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгариши билан бошланади. Бу даврда гипофиз безининг вазифалари фаоллашади. Унинг олд қисмидан ажралиб чиқадиган гармон организм тўқималарининг ўсиши ва бошқа муҳим ички секреция безлари (қалқонсимон без, буйрак усти ва жинсий безлар) ишлашини кучайтиради. Уларнинг фаолияти ўсмир организмида кўплаб ўзгаришларни юзага келтиради, жумладан бўй ўсишининг кескин тезлашиши (бир йилда ўғил болаларда 4—5 см, қизларда 3—4 см ўсиши кузатилади), жинсий балоғатга этиш (жинсий органларнинг ривожланиши ва иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши амалга ошади. Бу жараёнлар қиз болаларда 13—15 ёшларда нисбатан жадал кечади.

Жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишнинг акселерациялашуви кузатилаётган ҳозирги вақтда айрим қизлар 9—10 ёшда, ўғил болалар эса 11—12 ёшларида жинсий балоғатга этишнинг бошланиш босқичида бўлиши мумкин. Бўйнинг ўсиши, вазннинг ортиши, кўкрак қафасининг кенг айиши — буларнинг барчаси жисмоний ривожланишнинг ўсмирлик ёшига хос хусусиятларидир. Шулар туфайли ўсмирнинг ташқи кўриниши боланинг ташқи кўринишига қараганда фарқ қилади: тана пропорсияси катталарга хос кўринишга эга бўлади. Шунингдек ўсмирнинг юз тузилиши ҳам ўзгариб, бош суягининг юз қисми жадал ривожлана боради. Ўсмирлик ёшида 3 — Оила психологияси умуртқа поғонасининг ўсиши бўйнинг ўсиш темпидан орқада қолади. Чунки 14 ёшгача умуртқа поғоналари ўртасидаги оралиқлар тоғайлар билан тўлган бўлади, бу эса ортиқча жисмоний зўриқиш, тана ҳолатининг нотўғри туриши туфайли умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланишга мойиллигини билдиради. Умуртқа ривожланишини бузилишининг энг кўп ҳолати 11—15 ёшларга тўғри келади ва айни шу ёшларда рўй бериши мумкин бўлган дефектларни ҳам бартараф этиш ҳам осон кечади. 20—21 ёшларга етиб тоз суякларининг ўсиши якунланади (шу даврда қизларнинг жинсий органлари ҳам этилади). Мускул вазни ва мускул кучларининг ортиши жинсий балоғатга этишнинг охирларида нисбатан жадалроқ амалга ошади. Бунда ўғил болаларда мускулларнинг ривожланиши эркакларга хос типда, қиз болаларнинг юмшоқ тўқималари эса аёлларникига хос типда амалга

ошади. Бу эса ҳар бир жинс вакилига ўзига хос эркаклик ва аёллик сифатларини беради. Бу жараёнларнинг ниҳоясига этиши эса ўсмирлик давридан кейин амалга ошади. Мускул кучларининг ортиши ўсмир жисмоний имкониятларини кенг айтиради. Буни болалар жуда яхши англайдилар ва уларнинг ҳар бири учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ўсмир мускуллари катталарникига қараганда тез толиқувчан бўлади ва давомли кучланишларга дош беролмайдиган бўлади. Шунинг учун спорт ва жисмоний меҳнат билан шуғулланишда буни инобатга олиш лозим. Турли орган ва тўқималарнинг ўсиши юрак фаолиятига ҳам юқори талаблар қўяди. Ўз навбатида юрак ҳам қон томирларига қараганда тезроқ ўсади. Бу жараён юрак-қон томир систэмаси фаолиятидаги функсионал бузилишларга сабаб бўлиши, юрак уришининг тезлашиши, қон босимининг ортиши, бош оғриғи, бош айланиши, тез толиқувчанлик кабилар кўринишида намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, ўсмирлик даврида ички секреция безлари фаолияти билан боғлиқ равишда организмда кескин ўзгаришлар рўй беради. Айниқса қалқонсимон без ва жинсий безлар ажратиб чиқарадиган гормонлар организмда модда алмашинишининг катализатори вазифасини бажаради. Чунки эндокрин ва нерв системалари бир-бирига узвий боғлиқдир. Шунга кўра ўсмирлик даври бир томондан қувватнинг кескин ортиши ва иккинчи томондан патоген таъсирларга ўта сезгирлиги билан характерланади. Шунинг учун ақлий ёки жисмоний ортиқча толиқиш, узоқ муддатли асабий зўриқиш, аффектлар, кучли салбий ҳиссиётлар (қўрқиш, ғазаб, хафагарчилик) эндокрин бузилишларга (менструал циклнинг вақтинча бузилишига) ва нерв систэмаси вазифасининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай бузилишлар таъсирланувчанликнинг ортиши, ўзини тута билмаслик, паришонхотирлик, ишда маҳсулдорликнинг пасайиши, уйқунинг бузилиши кабиларда намоён бўлади. Ўсмирлик даврида эндокрин ва нерв системалари фаолиятининг болалик даврида мавжуд бўлган мувозанати бузилади, янгиси эса ендигина ўрнатилаётган бўлади. Бундай қайта қурилишлар албатта ўсмирнинг ички ҳолати, кайфияти, руҳиятига таъсир кўрсатади ва кўпинча унинг умумий нотурғунлигига, таъсирланувчанлигига, сержаҳллигига, ҳаракат фаоллигига, вақти-вақти билан ҳамма нарсаларга бефарқ бўлиб қолишлиги ва ланжлигига асос бўлади. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши кўпинча қизларда менструал цикл бошланишидан бироз олдинроқ ёки цикл даврида кўпроқ кузатилади. Жинсий балоғатга этиш ва жисмоний ривожланишдаги ўсиш ўсмир руҳиятида янги психологик тузилишларнинг юзага келишида муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бу ўсмир учун жуда сезиларли бўлган ўзгаришлар бўлиб, улар ўсмирнинг катта бўлганини ҳис қилишининг юзага келишининг обектив манбаси бўлиб хизмат қилади (унинг асосида ўсмир ўзининг катталарга ўхшашлигини ҳис қилади). Иккинчидан, жинсий балоғатга этиш бошқа жинс вакилига қизиқишни ривожлантиради, янги кечинма, ҳиссиёт, туйғуларни юзага келтиради. Ўсмирнинг ички бандлиги ва янги таассуротлар, кечинмаларга муносабати даражаси уларнинг ўсмир ҳаётидаги ўрни кенг ижтимоий шароитлар билан, ўсмир ҳаётининг конкрет индивидуал шароитлари, унинг тарбияси ва мулоқоти хусусиятлари билан белгиланади. Бу ўринда ўсмир шахси шаклланишига фақат катталар учун мўлжалланган китоблар ва кинофилмлар салбий таъсир кўрсатиши мумкин.. Буларнинг барчаси, шунингдек ўртоқлари билан севги ва жинс муаммолари ҳақида гаплашишлари ўсмирларда одамлар муносабатларининг

интим жиҳатларига кўтаринки қизиқишни юзага келтириши, эротик анъаналар ва илк сексуалликни ривожлантириши мумкин. Ҳар иккала жинс ўсмирлари учун бу даврда илк романтик ҳисларнинг юзага келиши «биринчи муҳаббат»га дуч келиши, биринчи бўсаларни олиш кабилар меъёрий ҳол ҳисобланади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўсмир ўпкасининг тириклик сигими:

(ўғил бола) (киз бола)

а) 1999-2000 мл, 1980 -1990 мл

б) 2600-2700 мл, 1800 -2000 мл

в) 1600 -1800 мл, 2300-1900 мл

г) 1990 -2700 мл, 1800-2600 мл

2. Ўсмир организмининг био-физиологик усиш хусусиятларин тушунтириб беринг.

3. Ўсмирлик даврида пайдо бўладиган янги кечинмаларининг физиологик сабабларини ёзма равишда тахлил қилинг.

4. Ўсмир хаётида натўғри одатларини келтириб чиқариши эхтимоли бўлган ижтимоий хаётдаги манбаларни кузатиб, хулосалар чиқаради.

5. Ўсмир организмида пайдо бўладиган ўзгариш қайси орган функцияси билан кўпроқ боғлиқ.

а) марказий нерв систэмаси. б) юрак. в) ўпка. г) ўт пуфаги. д) ички секреция безлари.

3-савол. Ўсмирлик автономиялари.

Дарс мақсади:

1. Ўсмирлик ёш даври акцелирацияси ҳақида маълумот бериш. Шу масалага талуқли бўлган назариялар билан таништириш, уларнинг моҳиятини тушинтириб бериш.

2.Таълим-тарбия жараёнида акцелирация хусусиятларини эътиборга олишга ўргатиш.

3- саволга оид муаммо:

- Нима сабабдан ўсмирлик даврида балоғатга этиш тезлашади. Фикрингизни асосланг.
- Балоғатга этишнинг тезлашишига қуёш нурининг таъсири бўлиши мумкинми, урбанизациянингчи?

Идентив ўқув мақсади (вазифалар).

1. Акцелирация ва автономиялари ҳақида маълумот беради.

2. Акцелирация ва автономиялари ҳақидаги турли таълимотларни оргументлайди.

3. Акцелирация ва автономиялари ҳақидаги назарияларни таққослайди ва ёзма хулоса чиқаради.

4. Акцелирация назарияларини ажратиб чиқади, таҳлил қилади.

3-савол баёни

Ўсмирнинг инсон шахсининг камол топишида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўсмирлик даврида ғоят катта аҳамиятга эга бўлган психологик ўзгаришлар рўй беради, боланинг муайян ижтимоий турмуш шароитида кейинги камол топиши учун зарур таълим-тарбия таъсирида барқарор, мустахкам из қолдирувчи ижобий ҳислатлар намаён бўлади. Таркибий равишда изчил вужудга келаётган психик ўзгаришлар, шаклланаётган фазилатлар ва шахснинг усиши, аввало мазкур

ёшидагиги ўғил -кизлар фаолиятларининг (етакчи ва ёрдамчи фаолият турлари укиш, меҳнат ва уйин кабилар назарида тутилади) хусусиятига бевосита боғлиқдир. Ўсмирнинг бошқа ёш даврларидан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар ҳис -туйғу ва иродавий сифатларида ўз ифодасини топади. Ўсмир кичик мактаб ёшидаги ўқувчидан фарқли равишда хаётни илк бор шахс сифатида фаол илмий билишида иштирок эта бошлайди.

Шахснинг ҳар тамонлама, уйгун ривожланишига меҳнат фаолиятини салмоқли тасир кўрсатади. Ўсмирларнинг синф ва мактаб ер участкасидаги меҳнат фаолияти ўз моҳияти билан зарур ахборот ва маълумотлар, мураккаблашиб, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, меҳнат самарасидан, маҳсулидан лаззатланиш ҳис-туйғуларини шакллантира бошлайди. Жамоа бўлиб амалга ошириладиган ўйинлар ва уларнинг кенг кўламда ўтказилиши ўтиш даврида вужудга келадиган қийинчиликларни энгиллаштиришга хизмат қилади.Ўйин фаолиятида ўсмирда юксак аҳлоқий ҳис туйғуларни вужудга келтиради, матонатлик, жасурлик каби фазилатлар шакланиши учун қулай шароит яратилади. Мазкур фаолият ўсмирнинг ақлий жиҳатидан фикр юритишига, ўз ҳис туйғусини бошқаришига, жисмоний камол топишига туртки вазифасини ўтайди. Ўйиннинг ҳар -хили билан машғул бўлиш ўсмирни фахимлашга, эслаб қолишга, бирор ишни амалга оширишдан олдин уни режалаштиришга ва диққатни бир неча объектга тахсимлашга одатлантиради. Зийраклик, тезкорлик, фаросатлик каби мухим хусусиятлар, ҳислатлар ҳам уйин ва спорт машгулотларида таркиб топади.

Лекин мазкур назария амалий маълумотларни тулик, атрофлича ифодалашни таказо этади. Шунниг учун ушбу назарияда масалага ёндашиш яккол кўзга ташланади. Агар ижтимоий шароит чуқур ва амалий жиҳатдан ёритилиб берилса, унинг тасир кучи янада ортиши мумкин.

Ижтимоий акцилерия назарияси. Бу илмий назариянинг асосчиларидан бири, йирик физолик олим А.А. Маркосяндир. Унинг таърифлашича ҳозирги кишидаги билимлар хажмини XX аср ярмидаги кишиларнинг билимлари хажмига таққослаш орқали болалардаги ўсиши жараёнини аниқлаш ижтимоий акцелерия дейилади. Болалардаги акцелериянинг сабаби: биринчидан ота -оналарнинг умумий савияси юксалгани, умумий ўрта таълимнинг амалга ошгани; иккинчидан ижтимоий турмушда ахборот воситалари тармоғининг кенг айгани, яъни радио, телевизор, театр, кино, концерт заллари, маданият марказлари, ўқувчилар саройлари ва уйлари, ёш техниклар ва табиатшунослар станцияларининг, улардаги иштирокчиларнинг кўпайгани; учинчидан китоб, журнал, махалий матбуот қўллами ва сифатининг ўзгариши ва хоказолардир.

Бизнингча мана шу омиллар қаторига шахслараро муносабатларнинг тўғри йўлига қуйилиши, одилона мулоқатга ўргангани, жамоа ва гуруҳларда ижобий психологик муҳит яратилгани, асабийлашиш, парокандаллик камайганини ҳам кушиш мақсадга мувофикдир.

Юкорида кўрилган акцелерация назарияларини алоҳида олиб қараса, мазкур жараённи тушинтириш моҳияти тораяди. Шунинг учун уларнинг ижобий жиҳатларини танлаб муайян, тизимини барпо этиш ва акцелерациянинг моҳияти ва уни келтириб чиқарувчи омилларни тушинтириш мумкин.

Ўсмирлик даврининг характерли хусусиятларидан яна бири —бу даврда ўсмирларда кузатиладиган ўсмирлик автономияси ҳолатидир. Ўсмирлик автономиясининг ҳуқуқий автономия, эмоционал автономия, маконий автономия каби турлари фарқланади. Маълумки, бола дунёга келган кундан бошлаб кимнингдир қарамоғига муҳтож бўлади. Ота-онаси ва бошқа яқинлари уни озиқлантиради, кийинтиради, тарбиялайди ва болани мунтазам назорат остида тутади. Улар болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турадилар ва бола бундай қўллаб-қувватлаш, далдаларга муҳтожлик ҳис етиб туради. Ўсмирлик даврида эса бола ўз ҳаётини, хавфсизлигини таъминлаш борасида нисбатан мустақилликка еришади. Энди у ўзини-ўзи ҳимоя қила олиши, лозим бўлса ўзи ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилиб, етарли даражада даромад қилиши, ўз эҳтиёжларини мустақил равишда ўзи қондира олиши мумкин бўлади. Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий автономия айни вақтда бола ўсмирлик ёшига этиши билан унга қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши билан характерланади. Бу даврда бола юридик шахс ҳисобланиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Мабодо бу даврда ўсмир ота-онаси ажралиб кетгудек бўлса, бу ҳолатда ўсмирнинг қаерда ва ким билан қолиши бола хоҳишига қараб ҳал этилади. Шунингдек бола бу даврда ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда расмий равишда жисмоний меҳнат билан шуғулланиши ҳам мумкин. Лозим бўлса, улардан ўз хаттиҳаракати, қилиқлари учун жавоб бериши ҳам талаб қилинади. Шу каби ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиш ва бундан ўсмирнинг хабардорлиги унинг ҳуқуқий автономиясининг юзага келишини таъминлайди. Бундай автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулиятлилик ҳиссини юзага келтиради. Ўсмирлик автономияларидан яна бири — эмоционал автономиядир. Маълумки бола дунёга келган ондан бошлаб у онаси ва атрофидагиларнинг эмоционал, ҳиссий қўллаб-қувватлашига, меҳр-муҳаббатини намоён қилишига, еркалашига эҳтиёж ҳис қилади. Шунинг учун ҳам илк болалик ёшидаги, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни суюб, еркалаб уларни қучиб, бошини силаб, ёқимли гаплар ва муомала билан уларга ҳиссий яқинлик намоён қилинса, улар бундан қувониб, хурсанд бўладилар ва еркалаётган шахсга нисбатан талпинадилар. Буни ёш болаларнинг онасига суйкалиши, уларнинг пинжига суқилиши, уларга еркаланиши ҳолларида кузатишимиз мумкин. Шунингдек, болалар ўз тэнгдошлари билан бўладиган

ўзаро муносабатларида низо-тортишувларга дуч келганида ва айниқса, тэнгдошларидан «жабрланганда», «энгила бошлаганидан», ота-онасидан ва атрофидаги яқинларидан эмоционал далда, ҳиссий қўллаб-қувватлаш кутади ва бу борада уларга мурожаат қилади. Агар ўз вақтида шу ҳиссий далдани ола олса, ўзини еркин, тетик, ғолиб ҳис қилади ва улар билан қувониб юради.

Ўзининг кичкинагина ҳаётида дуч келган «муаммолари»ни ҳал қилишда катталар ёрдамига муҳтожликни ҳис қилади, улардан мунтазам фойдаланишга интилади. Ўсмирлик даврида эса аксинча, ўсмир енди «ёш бола» эмас, енди у «катта одам» катта одам эса мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши керак. Бу даврда катталар ёрдамига мурожаат қилиш тэнгдошлар томонидан қораланади. Ва буни ўсмирнинг ўзи ҳам хоҳламайди. Бу даврда ўсмирларга катталар томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, еркалашлар ериш туюлади. Енди улар ўзларини еркалаб, силаб сийпашларини, «арзимаган

нарсалар» учун катталар томонидан билдириладиган олқишларни «ёқтирмайди». Енди улар атрофдагиларни ҳиссий қўллаб-қувватлашларидан холироқ бўлишга, ўз муаммоларини ўзлари шахсан ҳал қилишга интиладилар. Олдинлари кўчада, боғчада, мактабда юз берган воқеалар ҳақида уйидагиларга шикоят қилиб ота-онасидан ёрдам сўраган бўлсалар, енди оиладан ташқарида биронтасидан дакки эшитиб, калтак еб келган тақдирда ҳам бу ҳақда ота-онасига билдирмасликка ҳаракат қилади ва имкон қадар ота-оналарини унинг «ишларига» аралашмасликларини хоҳлайди. Буларнинг барчаси ўсмирларда бевосита кузатиладиган эмоционал автономиянинг таъсиридир. Ўсмирларда кузатиладиган автономия ҳолатининг яна бири маконий автономиядир. Бунга кўра ўсмирлар имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолишга, бирон-бир ишни бажараётган ёки бирон-бир жойда бўлган вақтларида имкон қадар ёлғиз бўлишга, айниқса, ўз ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга, ўз ўй-ҳаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиб қолади. Суҳбатлашса ҳам асосан ўз тэнгдошлари, яқин ўртоқлари билангина мулоқотда бўлиб ўз ота-онаси билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлишга интилиб ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Айни вақтда ўсмирда кузатилаётган бу ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган айрим ота-оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, улар билан олдингига қараганда кўпроқ қизиқиб қоладилар. Бошқача қилиб айтганда уларнинг автономиясига «бостириб кирадилар». Буни эса ўсмирлар ёқтирмайди. Бундай ҳолатлар ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларида келишмовчиликлар, низоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин. Юқорида қисман тўхталиб ўтганимиздек ўсмир руҳиятида кузатиладиган характерли хусусиятлардан бири уларнинг ўта таъсирланувчан, жиззаки, қўрс, сал нарсага хафа бўлиши унинг ҳиссий нотурғунлиги ифодасидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келиш сабабларидан бири бевосита жинсий балоғатга этиш, ички секреция безлари, айниқса жинсий безлар вазифаларининг фаоллашуви ва шулар билан боғлиқ ҳолда ўсмир организмида рўй берадиган психофизиологик ўзгаришлар билан боғлиқдир. Маълумки, ўсмирлик даврида ўсмирнинг «мен»и қайтадан шакллана боради. Унинг атрофидагиларга, айниқса, ўз-ўзига бўлган муносабати, қизиқишлари, қадриятлари йўналиши кескин ўзгаради. Унинг ўз шахсига бўлган эътибори кучаяди. Ўсмирлик даврида шахс егоцентризми бошқа даврдагиларга қараганда энг юқори даражага этади. Бу даврда ўсмир ўз шахсиятини бошқалардан устун қўядиган, ўзига кўпроқ бино қўядиган бўлиб қолади. Шу даврда ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам шунчаки катталарга тақлид қилиб эмас, балки том маънода ўзининг хатти-ҳаракатини назорат қилиш, ўзининг юриш-туриши, кийиниши, ташқи кўринишига астойдил эътибор бериш, пардоз-андоз билан шуғулланиш каби ҳолатлар кузатилади. Бироқ бу даврдаги эндокрин систэмаси фаолияти, епофиз, жинсий секреция безлари ажратиб чиқарадиган гормонлар таъсири остида ўсмир организмида ва тана тузилишида ўзгаришлар рўй беради. Унинг тана тузилиши пропорсияси бузилади (у нисбатан бесўнақайроқ бўлиб қолади), товушлари ўзгариб, дўриллаб қолади. Жинсий балоғатга этишнинг бошланиши билан юзларига ҳуснбузар чиқа бошлайди. Буларнинг барчаси ўсмир учун кутилмаган, унча хуш келмайдиган ҳолатлардир ва айнан ана шу ҳолат ўсмирнинг таъсирланувчанлигини, жиззакилигини ортишига олиб келади. Шу даврда ўсмирнинг ташқи кўриниши, шахсиятига оид

билдирилган арзимаган ножўя гап унинг учун жиддий салбий кечинмаларга асос бўлиши мумкин.

Назорат топшириклари:

1. Балоғатга эришиш, жинсий етилишдаги ва ўсишдаги тезлашиш қандай номланади?

А) Адаптация. Б) Акомодация. В) Абстакция. Г) Амнезия. Д) Акцелирация.

2. " Акцелирация одамларнинг овкатланиши, истеъмол қилинаётган озуқаларда дармон -дорилар миқдорининг кучайиши сабабли вужудга келади". Ушбу таълимот қайси назария оқимига таълуқли.

А) Гелиоген назарияси. Б) Уробизация назарияси. В) Нутритив назарияси.

Г) Нурланиш назарияси. Д) Ижтимоий назария.

3. Акцелирация ҳақидаги турли таълимотларнинг моҳиятини айтинг, фарқланг.

4. Акцелирация назарияларини тахлил қилиб чиқинг, таққосланг.

5. Акцелирация назарияларини умумлаштириб, ёзма хулоса чиқаринг.

4-савол. Жинсий балоғатга этиш.

Жинсий балоғатга этиш ҳақида тушунча. Ўсмирлик даврида кузатиладиган характерли ҳолатлардан бири жинсий балоғатга этишдир. Жинсий балоғатга этиш қандай амалга ошади. Жинсий безлар ва у билан боғлиқ бўлган жинсий белгилар бола ҳали она қорнидалигидаёқ пайдо бўлади ва бола туғилганидан бошлаб то ўсмирлик давригача жинсий ривожланишни белгилаб беради. Жинсий безлар ва уларнинг вазифалари болани ривожланиш жараёнининг яхлитлиги билан узвий боғлиқ бўлади. Онтогенетик тараққиётнинг маълум бир босқичида жинсий ривожланиш кескин жадаллашади ва физиологик жинсий етуклик амалга ошади. Жинсий

ривожланишнинг тезлашиши ва жинсий балоғатга этиш даври жинсий балоғатга этиш даври деб аталади ва у аксарият ҳолларда ўсмирлик ёшига тўғри келади. Қиз болаларнинг жинсий балоғатга этишиши ўғил болаларга қараганда 1—2 йил илгарилаб кэтади. Жинсий балоғатга этиш нисбатан индивидуал характерга эга бўлиб, у вақти ва темпига кўра турли болаларда турлича кечиши мумкин. Жинсий балоғатга этиш муддати ва унинг жадаллиги турлича бўлиб, у кўплаб омилларга: саломатлик ҳолати, овқатланиш характери, иқлим, маиший ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ. Бунда наслий хусусиятлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ноқулай маиший шароитлар, етарлича ва тўғри овқатланмаслик, уларда зарур витаминларнинг этишмаслиги, оғир ёки қайталанувчан хасталиклар жинсий балоғатга этиш даврини кечиктириб юборишга олиб келиши мумкин. Одатда катта шаҳарларда ўсмирларнинг жинсий балоғатга этишиши қишлоқ жойлардагига қараганда эртароқ амалга ошади.

Жинсий балоғатга этиш даврида гипофиз ва қалқонсимон безлар ажратиб чиқарадиган гормонлар таъсири остида ўсмирда бўйининг ўсиши, иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши, овознинг ўзгариши, мускул кучларининг ортиши, тананинг айрим қисмларини жун босиши, кўкрак безларининг ривожланиши кабилар кузатилади. Жинсий балоғатга этиш босқичлари. Жинсий балоғатга этиш текис кечадиган жараён эмас. У маълум бир босқичларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ички секреция безларининг ва бутун

организмнинг ўзига хос вазифалари билан характерланади. Бу босқичлар бирламчи ва иккиламчи жинсий белгилар мажмуи бўйича белгиланади.

4-савол. Ўсмирлик ёшида шахснинг шаклланиши.

Дарс мақсади:

Ўсмир шахсининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маълумотларни бериш: Ўсмирлар билан муомала -муносабатларнинг моҳиятини англашга ўргатиш.

4- саволга оид муаммолар

- Ўсмирни қайта тарбиялаш мумкинми?
- Тарбияси оғир ўсмирни тарбиялашда қандай ижтимоий кучларни кўрсатиш мумкин?
- Ҳар доим ҳам ўсмир ички ҳоҳиш истаклари билан ташқи талаб мос тушадими?

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўсмирлик даврида шакланадиган маънавий аҳлоқий сифатларни санаб боради, айтади.
2. Ўсмир шахсига ёндашишнинг ўзига хос хусусиятлврини аниқлайди;
1. 3. Ўсмир шахсини тадқиқ этган психолог -педагогларнинг қарашларни таккослайди.

4- савол баёни

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътикод, нутаий назар, принцип, ўзлигини англаш, бахолаш ва хоказолар шаклланадиган давр ҳисобланади. кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасоддифий, ихтиёрсиз орзу -истақлари билан ҳаракат қилса, Ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътикод ва шахсий нуқтаий назари асосида ташкил қила бошлайди.

Ўсмир шахсининг таркиб топишида аҳлоқ, ўзига хос онг алоҳида аҳамият касб этади. Бунда ўқувчиларнинг аҳлоқий тушунчаларни ўзлаштириш ва уларни турмушга тадбик этиши мухим роль ўйнайди. Умум -инсоний ҳислатларни шаклантириш жараёни ўқувчидаги ишонч ҳақида, нуқтайи назарнинг қарама -қаршиликларига дуч келади. Ўсмир шахсини таркиб топишида унинг атроф -муҳитга, ижтемоий ҳодисаларига, кишиларнинг муносабатини ҳисобга олиш лозим. Чунки ўсмирда юксак инсоний туйғуларнинг шаклланиш суръати, барқарорлиги угил болалар билан кизларга бирмунча фикрланишини таъкидлайди.

В.А. Крутецкий ва Н.С. Лукиннинг фикрича, хақиқий ўртоқлик ва чинакам дўстлик -мардоновор ўртоқлик ва талабчан дўстликдир. Бундай ўртоқлик ва дўстлик амалий ёрдамни ўртоғининг хатоларини тўғри, самимий ва очиқ танкид қилишни таказо этади.

Ўсмирнниг синф жамоаси хаётида қатнашиш учун интилиш ғоят катта аҳамиятга эга. Синф жамоаси аъзоларнинг ўзаро ёрдам, бирдамлик, ҳамдардлик, бўйсуниш одати, шахсий ва ижтимоий кизикиш одатлари, ривожлари.

Назорат топшириқлари:

1. Қуйида берилган сифатлардан қайсилари ўсмирлик даврида шаклланади ва англанилади. Мехрибонлик нуқтаи назар, Принциплилик йўналиш

Дунёқараш	ўзлигини англаш
Эътикод	тартиблийлик

Катъиатлилик самимийлик, дилкашлик.
2. Ўсмир шахсини рагбатлантириш ва жазолаш усуларини аниқланг.
3. Ўсмир шахси хусусиятларини тадқиқ этган ишларини тахлил қилинг.
4. Катталик хусусиятларини таркиб топиши жиҳатларини аниқлаб, топиш жиҳатларини аниқлаб, ёзма баён қилинг.

5. Ўсмирнинг ақлий камолоти.

Дарс мақсади:

Ўсмир ақлий камолатини хусусиятларини очиб бериш.

Аклий камолот хусусиятларини тарбия жараёнида эътиборга олиш.

5- саволга оид муаммолар

- Ўсмир ақлий камолати хусусиятлари қандай омилларга боғлиқ деб ўйлайсиз?
- Ўсмир интелектини мукаммаллаштириш мумкинми?
- Ўсмир мавҳум тарзда ижодий фикрлаш имкониятига эгами? Фикрингизни асосланг.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўсмир ақлий камолоти хусусиятларини айтиб беради.
2. Ўсмир ақлий камолотини тўғри ривожлантириш учун зарур бўлган имкониятни изоҳлайди.
3. Ўсмир ақлий камолоти хусусиятларини текшириб кўради.
4. Ўсмир тафаккури хусусиятларини ўзга ёш даври тафаккури жиҳатлари билан солиштиради.

5-савол баёни:

Ўсмирнниг жисмоний ўсиш ва жинсий етилиши уларнинг психикасида кескин ўзгаришларни вужудга келтиради. Кичик мактабдаги болаларда эндигина ривожланиш босқичига кутарилган интелект ўсмирлик даврида янада такоминлашади. Тафаккурнинг ривожланиши интелектни қўшимча маълумотлар билан боитади.

Маълумки, арифметикдан алгебрага ўтиш умумлаштиришнинг юкори босқичига кўтарилганини билдиради. Бинобарин, мазкур ҳолда мавхумлашган сонлар қайтадан мавхумлаштирилади. Умумлаштирилган нарса, ҳодисалар қайтадан умумлаштирилади, натижада "Мавхумни мавхумлаш" "умумлашмани умумлаштириш" дэган илмий тушунчалар вужудга келади.

Ўсмир ўқувчилар ўрганаётган фан асослари, аввало уларнинг мавхум тафаккурини ўстиришга қаратилади. Унинг ақлий фаолияти хусусиятларидан бири -мавхум тафаккурининг ривожлантиришидир.

Мактаб таълим ва мустақил билим олиш фаолияти таъсири остида ўсмирда аналитик-синтетик фаолият жадал суръат билан ривожлана бошлайди. Шунинг учун унда сабаб ва натижани изоҳлаш ўқуви мустахкамланиб боради. Ўқувчи материалининг мухим белгиларини ажратишга, кенг маъноли умумлаштиришни малга оширишга ҳаракат қилади. Таълим жараёнида анчагина мавхум тушунчалар, масалан, математика-нуқта, чизик, тэнглик.., физикада-куч, солиштирма огирлик, тезлик, ампер, вольт..., географияда -экватор, кутб, кенг лик, узунлик, зона, плато..., тарихда -қул, давр, шахсий мулк, бойлик, эксплатация ва хоказолар вужудга келади.

Ўсмирлик даврида ўқувчиларга аналитик -синтетик фаолият етарлича ривожланмагани, фикр юритиш усуллари тўлиқ эмаслиги учраб туради.

Назорат топшириқлари:
1. Ўсмирлик ёш даври тафаккури хусусиятини ажратинг.
А). Кўргазмали ҳаракат.
Б). Кўргазмали образли.
В). Мавхум тушунчалар хосил қилиш.
Г). Математик -ижодий тафаккур.
Д). Ихтиёрий, мантиқий хулосалар чиқариш.
2. Ўсмир ақлий камолоти хусусиятларини изоҳлаб беринг.
3. Ўсмир ақлий заковатини тўғри ривожлантириш учун зарур бўлган имкониятларни ёзма изоҳлаб беринг;
4. Ўсмир тафаккури хусусиятларини бошқа ёш давр тафаккури жиҳатлари билан солиштиради ва хулоса чиқаради .
5. Ўсмирлик ёш даври психологик жиҳатларига бахо беринг.
Талабалар учун мустақил иш топшириклари:
1. Ўсмирлик ёш даври психологик жиҳатларни кузатиб хулосалар ёзинг.
2. Ўсмирлик ёш даври шахсини шакилланишидаги психологик қонуниятларни аниқлаб, бахо беринг.
Адабиётлар рўйхати:
1. Э. Гозиев «Умумий психология» Т, 2010 й.
2. М.Г. Давлетшин "Оила психологияси асослари" Т, 1990й.
3. В. Вохидов "Болалар пихологияси" Т, 1980й.
4. Д.И. Фельдштейн "Психология современного подроска" М, 1987г.
5. С. В. Ковалёв "Психология современной семьи" М, 1988г.
6. А.И. Аржанова "Психологиядан мустақил ишлар" Т, 1969й.

5-МАВЗУ: МУҲАББАТ ПСИХОЛОГИЯСИ

Фанни ўқитиш технологияси: Муҳаббат психологияси мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг фикрлари. Севги-муҳаббат туйғуларининг турлари тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг фикрлари. Севги-муҳаббат туйғуларининг турлари ҳақида тушунча бериш орқали ўқувчилардаги аҳлоқ-одоб тарбиясини шакллантириш ***Ривожлантирувчи:*** Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг фикрлари. Севги-муҳаббат туйғуларининг турлари тўғрисидаги тасаввурларини ривожлантириш	**Ўқитувчи**

	1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: севги, муҳаббат, юксак туйғулар, рашк, хасад, хавас, оила. 1.4.**Дарс шакли:** Амалий машғулот, гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** -Нима учун ўсмирлик даври «портлаш» даври, деб аталади? -Ўсмирларда ўқиш фаолияти етакловчилик ролини йўқотади, сабаби нимада? -Нима сабабдан ўсмирлик ёш даврида ота-онанинг референтлик даражаси сусаяди? Фикрингизни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг қандай фикрларини биласиз? 2. Севги-муҳаббат туйғуларининг турларини санаб беринг. **4.2.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (30-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг фикрлари.
2. Муҳаббат туйғуларининг турлари

Янги мавзуни қисқача баёни:

Кишилик жамияти юзага келибдики, инсонлар орасидаги ижобий ва салбий муносабатлар барча кишиларнинг диққат марказида муҳим масалалардан бўлиб

келган. Шунинг учун бу масалалар қадим замонлардан бошлаб халқ оғзаки ижоди намуналарида, достон, қўшиқ ва эрта кларда, донишмандларнинг фикр ва қарашлари сифатида ўзига хос равишда муносабат билдириш ва таҳлил қилиш обекти бўлиб келган. Қайси мутафаккир ёки олим, шоир ёки ёзувчининг асарларини олиб кўрманг, уларнинг ҳеч қайсиси ўз ижодий фаолиятида инсон ҳиссиётларининг энг кучли ва сирлиси, сержило ва сеҳрлиси ҳисобланган муҳаббатни четлаб ўта олмаган. Инсоният бор экан, муҳаббат одамни сирли туйғулар оламига етаклаган, уни энгиб бўлмас ғовлардан ўтишга ва чўққиларни забт этишга ундаган, уни рағбатлантирган, унга бахтиёр онларни туҳфа этган. Ҳатто ўлим тўшагида ётган кишига ҳам умид бағишлаб, ҳаёт нашъасини сурдирган, оддий кунларига камалак жилоларини арғумон этган, унинг атроф-муҳитни ҳамда ўзлигини идрок қилиши учун туртки бўлган. Шахс руҳиятида ҳатто ўзига ҳам номаълум бўлган қудратни кашф этган. Кўҳна ва ҳамиша навқирон ҳисобланган бу инсоний туйғу ҳаммага баробар азиз ва муқаддасдир. Шарқда қадимги Хитой илмий қарашларида Конфуций таълимоти, Ҳиндистонда Будда, Ислом оламининг муқаддас Қуръон ва ҳадисларида инсонлар орасида яхши инсоний муносабатларини қарор топтириш лозим эканлиги айтиб ўтилган. Деярли бир даврда, бошқа-бошқа жойда Ҳиндистонда Будда, Хитойда Конфуций таълимотларида бир ғоя, қараш шаклланганини кузатиш мумкин: «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга раво кўрма». Конфуций мэросида асосан одамлар орасидаги муносабат, инсонпарварлик, дўстлик, инсонни севиш жиҳатларига кенг ўрин берилган: «Одамларни севиш ва илиқ муносабатда бўлиш дэганда ўзини инкор этиш эмас, балки бошқа одамларни ҳам, ўзини ҳам бир хил кўриш керак» эканлиги талқин этилган.

Ислом оламининг муқаддас китоби Қуръонда инсоний муносабатларни тушуниш учун инсонлар томонидан фақат яхшилик, езгулик, дўстликни амалга ошириш кераклиги (79-оят, Нисо сурасида), инсонлар орасида фақат ва фақат яхши муносабатлар амалга ошириш лозимлиги (160-оятда), бундай муносабатларни амалга ошириш эса яхшилик аломати эканлиги 63, 98, 139-оятларида баён этилган. Ҳадисларда эса яхши инсоний муносабатларни қай йўсинда олиб бориш лозимлиги тушунтирилади: «Ораларингда салом беришни тарқатинглар, бир-бирларингга муҳаббатларинг зиёда бўлади» (142-ҳадис); шунингдек катта ёшдагиларга эътиборли бўлиш (373-ҳадис); илм аҳлига эътиборли бўлиш (141-ҳадис), ота-оналар ва фарзандларга меҳрли бўлиш каби муносабатлар асосий мавзу сифатида ёритилади.

Яхши инсоний муносабатлар ва у билан боғлиқ ахлоқ, одоб, тартиб-қоидалар Ўрта Осиё мутафаккирларининг ўрганиш, кузатиш ва муносабат билдириш масалаларидан бўлиб келган. Абу Али Ибн Сино ўзининг «Донишманднома» асарида ҳар бир киши бахтли бўлиши учун ўзидаги ахлоқи, одоби, юриш-туриши ва атрофдагиларга муносабатини ижобий қилиши кераклигини уқтиради. Абу Али ибн Сино ўз асарларидан бирида кучли муҳаббатни изоҳлар экан, уни касаллик сифатида таърифлайди ва «даволаниш» йўлларини кўрсатиб ўтади: муҳаббат ўтида қийналиб азоб чекаётган икки қалбни бирлаштиришни маслаҳат беради. Шунингдек у яна маълум обектив сабабларга кўра, яъни динидаги, саломатлигидаги, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидаги ва шу каби тафовутларга асосланиб қалбларни бирлаштириш имкони бўлмаса, унда одамнинг руҳий

хусусиятларига кўра турлича даво чораларни қўллашни тавсия этган. Масалан, ҳиссиётни бошидан кечираётган одамни севгилисидан совутиш, ҳиссиётни заифлаштириш, ҳиссиётни бошқа шахсга кўчириш, чалғитиш, органик эҳтиёжларни қондириш орқали муҳаббат ҳисларни сусайтириш шулар жумласидандир.

Абу Райҳон Беруний эса инсоннинг ташқи қиёфаси, унинг ахлоқий қиёфаси билан узвий боғлиқлигини, кишидаги олижаноблик ва орасталик инсонлар билан муомаласида муҳим ўзак эканлигини асослайди. Юсуф Хос Ҳожиб инсонлар билан дўст бўлиш учун асосий калит «бу тилдир, тил туфайли киши ўз илми, ақлига жило беради. Сўзни ўйлаб сўзлаш, унинг улуғ бўлишига олиб келади, ёки ўйламай сўзланса, унинг қадрини туширади» каби фикрлари орқали инсоний муносабатларда муомалага юқори эътибор бериш кераклигини уқтиради.

Хожи Аҳмад Яссавий ҳикматларида эса ҳар бир инсоннинг орзуси инсонлар билан яхши муносабатда бўлиш, дўст орттириш, севиш ва севилиш эканлиги кўрсатиб берилган. Файласуф шоир Умар Хайём рубоийларда икки киши орасидаги муносабатларда бир-бирига дўстлик, меҳр кўрсатиш, эътибор бериш шу инсонларнинг шахс сифатида ривожланишига катта замин яратиши ифодаланади. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида ахлоқ-одобга лойиқ инсон икки фазилатига эга бўлмоғи лозимлиги ва бу фазилатлар таркибида муомала одоби, инсонларнинг ўзаро бир-бири билан хуш мулоқотлиги, дўстлиги кабиларни киритади. Мутафаккирнинг фикрича, инсонга уни гўзал амаллар қилиши учун йўналтириладиган одат маҳсули бўлишига етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақланганлиги билан белгиланади. Одобни эса у бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида: «Шундоқ кишини дўст тутингинки, сэнга унинг суҳбатидан роҳат ецин. Шунда уни қабул қил, чунки ошиқлик бошқа ва дўстлик бошқадир», — дейилган бўлса, «Хотамнома» асарида эса сахийлик, тўғрилик, ростгўйлик, севги ва садоқат, одамлар ўртасидаги дўстлик ва мурувват, тинчлик ва фаровонлик каби эзгу ғоялар тараннум этилган. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида киши хулқ-атворида намоён бўладиган одоб ва тавозе дўстлик пайдо бўлишида энг асосий шарт сифатида қарайди: «Тавозе — кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади, одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозе — дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшанда ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади». Шарқ мутафаккирлари асарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг бой ва сермазмун мэрослари ўзига хос энциклопэдия ҳисобланади. Бу мэросни биз ўқиб, ўрганиб шу кунларда ҳам уни ҳаётга татбиқ этиш кераклигини тан оламиз. Қадимги юнон файласуфи Афлотун (Платон) ўз диалогларида инсондаги ҳислардан бўлмиш севги-муҳаббатнинг маъносини тушунтириб дейди: «Муҳаббат ҳисси мангу, нэгаки у на туғилганини, на мағлубиятини, на кўпайганини, на камайганини билади». Афлотун муҳаббат ҳақидаги фикрларини ривожлантириб, одамлар унинг ҳақиқий аҳамиятини англаб етмасликлари, «агар улар муҳаббатнинг ҳақиқий кучини ва қудратини англаб этганларида эди, улар унинг учун буюк ҳайкаллар қуриб, катта қурбонликлар келтирар эдилар...», дейди. Афлотун қарашларига кўра севги ва муҳаббат туйғулари инсондаги тана гўзаллигини кўриш билан чекланмайди, бунинг учун

қалб гўзаллигини ҳам тушуниш лозим эканлиги, муҳаббат йўлида ўзига хос билимлар ва йўл эгалланиши кераклиги уқтирилади. Деярли йигирма олти аср аввал айтилган бу фикр ва қарашлар бизнинг давримизда ҳам ўз ижтимоий аҳамиятини, қадрини ва қимматини йўқотмагандир.

Арасту (Аристотел), қадимги юнон файласуфи биринчи навбатда муҳаббат туйғусида оила ва жамият учун фойда қидиради, масалан, оилада муҳаббатнинг мақсади дўстлик эканлигини уқтиради. Арасту фикрича, севгидаги дўстлик ҳиссий интилишга нисбатан эътиборлироқдир, севги шу туфайли аксарият ҳолда дўстликдан келиб чиқади. Агар у кўп ҳолда дўстликдан келиб чиқса, демак, дўстлик севгининг мақсади эканлиги аён бўлади. Қадимги рим сўз устаси, файласуфи Марк Тулий Сицерон эса бу туйғуни қандайдир мавҳумлик деб қарайди. Бу инсонда телбалик, ақлсизликни вужудга келтиради, шунинг учун ундан сақланиш лозим эканлигини уқтиради. Сицерон: «Агар муҳаббат табиий ҳиссиёт бўлганида эди, у ҳолда ҳамма севарди, доимо севарди, ўйламасдан, уялмасдан, тўйинмасдан севарди». Юнон ахлоқпарвар файласуфи Плутарх қарашларида инсонийлик ва маърифат ғоялари мужассамлашган. Унинг фикрлари асосан оилавий муносабатларни барқарор олиб боришга, шахснинг ўзини билиб олиб бошқаларга муносабат кўрсатиши кераклигига қаратилгандир. Унинг фикрича, севиш севилишга нисбатан анча маъқулдир, чунки, севиш орқали киши кўп нуқсонлардан, хатолардан халос бўлиши, атрофидагиларни бошқача тушуниши ва бошқача муносабатда бўлишга қодир бўла олишига куч топа олади.

Ғарб файласуф мутафаккирларининг қарашлари ва асарларида, диний қарашларда севги, дўстлик каби эмоционал муносабатлар ва ҳиссиётлар мавзуси марказий ўринни эгаллаган. Бироқ уларда илгари сурилган илмий ғоялар бу ҳисларнинг инсон учун аҳамияти ёки зарарини таъкидлаш билан, шу тушунчаларга таъриф бериш даражасида қолган.

2. Муҳаббат ва унинг турлари

Шуниси таассуфланарлики, ҳозирги кунга қадар муҳаббат тушунчасига ягона илмий таъриф, тавсиф берилмаган, бевосита унга бағишланган илмий асарлар ниҳоятда кам. Кишилар онгида бўлгани каби бадиий асарларда ҳам муҳаббат ҳақидаги турлича, кўпинча бир-бирига зид фикр ва таърифларни учратиш мумкин. Баъзи муаллифлар эса муҳаббат ҳисларини соф руҳият компоненти сифатида баён етиб, ундаги физиологик компонентни инкор этадилар. Физиологик компонент ҳайвонларга хос бўлган органик эҳтиёжларни қондиришдан иборат инстиктнинг ифодаланиши сифатида идрок этилади. Шу сабабли ҳам улар одам ҳайвоний ҳирсдан, жинсий интилишлардан озод бўлиши керак деб ҳисоблашади ва муҳаббат ҳисларига бирёқлама ёндашишади. Классик асарларда жумладан қадимги ҳинд трактатида муҳаббатга бирмунча тўлиқ таъриф берилади: «Ақл майли ҳурматни туғдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хоҳишни туғдиради. Ақл, қалб ва тана бир бўлиб севги муҳаббатни туғдиради». Волтер: «Севги-муҳаббат — бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танага бир вақтнинг ўзида ҳужум қилинадиган энг кучли, завқли ҳис-туйғу улардан биридир», — деб таъриф беради. Бу таърифларни ўзаро таққослаш ва руҳий таҳлил қилиш, севги муҳаббатда зарурий руҳият компоненти билан бир пайтда физиологик компонент ҳам ҳисобланади.

Қадимги юнонлар севги-муҳаббатни қандай йўналишда кетишига қараб икки турга — «эрос» ва «агапе» га бўлганлар, ваҳоланки, улар муҳаббатнинг икки муҳим томонидир, яъни «эрос» — муҳаббат обектига эга бўлишга, уни ўзиники қилиб олишга қаратилган бўлса, «агапе» — ҳиссиётни бошидан кечираётган шахснинг ҳиссиёт обектига ўзини бағишлашдир. Ана шу ҳиссиёт ҳар бир одамда учрайди. Шу ҳиссиётларда қайси бири устунлик қилишига қараб, кишидаги муҳаббатни, аниқроғи ҳиссиётни бошидан кечираётган шахсни ва унинг муҳаббатдаги истиқболини ҳам олдиндан айтиб бериш мумкин. Башарти «агапе» устунлик қилса, ҳиссиётнинг умри узоқ бўлиши ва аксинча «эрос» устун бўлса, тез орада ҳиссий қониқиш содир бўлиб, бундай одамдаги муҳаббат ҳисларининг умри ниҳоятда қисқа бўлиши мумкинлиги кузатилади. Севги-муҳаббат туйғуларини Д.А. Ли бир неча турларга бўлади:

1. **ЭРОС** — кучли севги-муҳаббат ҳислари бўлиб, бу ҳислар асосида ётган мотив муҳаббат обектига жисмоний эга бўлиш. Бунда жинсий интилиш етакчилик қилади.
2. **ЛЮДУС** — севги ҳисларини унчалик чуқур бўлмаган муҳаббат ўйини сифатида идрок қилинадиган, севги ҳислари обекти осон алмашиши мумкин бўлган тури.
3. **СТОРГЕ** — ташқи кўринишидан кучли ифодаланмаган, аммо ишончли муҳаббат — дўстлик тури.
4. **ПРАГМА (Л+С)** — людус ва сторгелардан иборат доимо онг назоратида бўлган, севган шахсининг манфаатларини кўзлаган мақсадлари асосида юзага келган севги ҳисларидир.
5. **МАНИЯ (Е+Л)** — эрос ва людусдан иборат бўлиб, севган киши севги обектидан тобелиги билан характерланади. Аммо эрос ва людусдан бу турнинг фарқи севган шахсда ўзига ишонч ҳислари етарли бўлмайди.
6. **АГАПЕ (Е+С)** — эрос ва сторгелар йиғиндисидан иборат кучли ифодаланадиган севган киши муҳаббат обектига ҳамма нарсасини ва ҳатто ўзини ҳам бағишлашга тайёр бўлган ҳислар тури ва ҳоказо. Кузатишларга кўра эркакларнинг севги муҳаббат ҳисларида кўпроқ қисмини эрос ва людус, аёлларда эса прагма, сторге ва мания турлари ташкил этади.

Ўсмир ва ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болаларда кўпроқ мания тури, катта ёшдагиларда эса бошқа турлар кузатилади. Бир шахснинг ҳаётида муҳаббатнинг юқоридаги бир неча турлари алоҳида кузатилиши мумкин. Баъзиларда эса фақат битта тур учрайди. Бизнинг фикримизча, муҳаббат турлари севган ва севилган кишиларнинг ёшига, ҳуснига, маълумотига, маданий савиясига, жамиятда тутган мавқейига, ҳаёт тарзига, дунёқарашига, қайси муҳитда тарбия кўрганлигига, характерига, жинсий ҳулқига, қарама-қарши жинс ҳақидаги тасаввурига, нерв систэмасига, миллий психологик хусусиятларига боғлиқ. Баъзи йигит ва қизларда севги ҳислари бир турда бошланиб, маълум вақтдан сўнг ўзга турига ўтиши мумкин. Масалан: «Эрос» турида 4 — Оила психологияси бошланиб «агапе» га айланиш ёки «людус» тарзида юзага келиб, «сторге» турига ўтиши мумкин. Агар муҳаббат турига назар ташлайдиган бўлсак, эркин муҳаббатнинг шаклланиши ўрта асрларга тўғри келади. Хусусий мулкчиликнинг равнақи, антагонистик синфларнинг мавжудлиги, аёлларнинг ҳуқуқсизлиги эркин муҳаббатнинг равнақ топишига тўсқинлик қилади. «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва

Ширин», «Ромео ва Жулетта» кабиларни эркин муҳаббатнинг юзага келиши ва унинг тақдири ҳақидаги илк асарлар деб айтиш мумкин.

Тараққий этган жамиятда янги тартибларга асосан юзага келган оила, эркак ва аёл ўртасидаги мавжуд тэнгсизликларни йўқотиш муҳаббатнинг юқори даражада равнақ топишига зарурий шарт-шароит яратади. Лекин афсуски, баъзи ёшлар «эркин ҳаёт», «эркин муҳаббат» каби руҳият омилларини нотўғри тушуниб, маънавий ахлоқсизликка майл қўйишяпти, инсонлар ўртасидаги энг нозик бўлмиш жинсий муносабатлардан эса «бойлик орттириш», «гўзал ҳаёт» кечириш манбайи сифатида фойдаланишмоқда. Бу ахлоқий тубанлик, носоғлом дунёқараш оқибатидир. Бу ҳол баъзи оилаларда маънавий тарбия масаласи унутиб қўйилганлигининг, айрим таълим-тарбия муассасалари ва уларнинг педагогик жамоаларининг ўз вазифаларини етарли даражада уддалай олмаётганликлари натижасидир.

3. МУҲАББАТ ВА ЁШ

Муҳаббат онтогенезига назар ташланганда севги ҳиссининг илк куртакларини боғча ёшидаги болаларда ҳам кўриш ва буни ҳар бир тарбиячидан сўраб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин табиийки, бу ҳали тўлақонли муҳаббат бўла олмайди. Болаликдаги севги ҳисларида физиологик компонент, яъни жинсий интилиш деярли бўлмайди. Улардаги ҳиссиётнинг аксарият қисми руҳий компонентдан иборат. Мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муҳаббат ҳислари эса бирмунча фарқ қилади. Ўспиринлик ёшидаги қиз болаларда руҳий компонент жинсий компонентдан устунлик қилса, ўғил болаларда ҳиссиёт дивергенцияси — бўлиниши кузатилади. Яъни улар муҳаббат ҳисларини битта қизга нисбатан бошидан кечирсалар, жинсий интилишни катта ёшли аёлга нисбатан ҳис этадилар, улардаги ҳиссиёт икки обектга бўлинади. Бу фақат ўғил болаларга хос бўлиб, қизларда бундай ҳол кузатилмайди. Ўсмирлик ёшида ўғил болаларда гиперсексуаллик натижасида уларнинг ҳиссиётида жинсий интилиш устунлик қилади ёки унинг аҳамияти кескин ортади. Қиз болаларда эса руҳий компонентнинг устунлиги сақланиб туради. 17—25 ёшлардаги йигит-қизларда ўз жуфтини топишга интилиш ва ҳирс кескин ортади. Севиш ва севилишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёшлар ёрини тезроқ қидириб топишади ва оила қуришади, баъзан бундай ёшлар қисқа вақт ичида ажралишга ҳам улгуришади. 25 ёшдан кейин қизларнинг оила қуриш имкониятлари анча камайиб боради. Унда бўлғуси куёвга (йигитга) нисбатан талабчанлик ошиб, танқидий қараш кучаяди. Енди унда ҳисларга берилиш камайиб, унинг ўрнига бўлғуси ёрига бутунлай бошқача қарай бошлайди. Бундай руҳий ўзгаришлар йигитларда ҳам кузатилади, аммо қизлардан фарқли равишда уларнинг оила қуриш, уйланиш имкониятлари камаймайди, аксинча бирмунча ортади. Чунки бу ёшда уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртини ёки ўрта-махсус билим юртини битириб, маълум бир ихтисосни эгаллаган, меҳнат фаолиятини бошлаган бўладилар. Яъни оилани мустақил тебратиш имконига эга бўладилар. Муҳаббат ҳислари эркак ва аёлларда ўзига хос шаҳвоний ҳирс уйғотади. Эркак кишида деярли доимо физиологик компонент устунлик қилади. Жинсий интилиш, жинсий ҳаёт улар ҳиссиётида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Йигит севган қизининг ташқи кўринишига кўпроқ эътибор беради. Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга қизлар ҳам бефарқ қарашмайди. Бу хусусиятларнинг йигит томонидан идрок етилиши аёл учун катта

аҳамиятга эга. Аммо шу билан бирга аёлларнинг эркаклардан фарқ қилувчи томонларидан бири шундаки, улар кўпроқ йигитнинг бўй-бастига, хулқига, муомаласига эътибор берадилар. Эркакларда жинсий (физиологик) интилиш устунлик қилгани учун уларда ҳиссий қониқиш тезроқ юзага келса керак, деб тахмин қилинади. Аёлларда эса аксинча, руҳий интилиш етакчи бўлгани учун уларнинг муҳаббат ҳислари эркакларникидек тез орада сўнмайди ва нисбатан узоқ давом этади. Аммо сўнгги йилларда аёллар ҳиссиётида, жумладан, муҳаббатда ҳам жинсий ҳаётнинг ва унинг асоси ҳисобланган жинсий интилишнинг аҳамияти кескин ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. 13—14 ёшли ўғил болаларнинг 40%и, қизларнинг 26%и илк севги ҳисларини бошидан кечираётган ёки кечирган бўладилар. Бу ҳол 15—16 ёшли ўғил болаларда — 17%, қизларда 30%, 17—24 ёшли йигитларда — 10%, қизларда — 9%ни ташкил қилади. А.Р.Лемехова (1973) қизлар ва йигитлар орасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиб, уни уч турга бўлади.

1. Уйғун тур — бунда қиз ва ўғил болаларда ахлоқий тушунчалар шаклланган, ҳиссиёт маданияти ривожланган бўлиб, улар муҳаббатга, қарама-қарши жинсга, оилавий ҳаётга бирмунча аниқ қарашади.

2. Оилавий романтик тур — бунда муҳаббат, жинслар орасидаги муносабатлар ҳаётдан юлинган ҳолда, ниҳоятда идеаллаштирилиб олинган бўлиб, ҳаётдаги мавжуд борлиқ билан тўқнашганда эса барча тасаввурлари парчаланиб, руҳан тушкунликка учрайди.

3. Маънавий камбағал тур — бунда ёшлар муҳаббатни нотўғри тушунадилар. Муҳаббатда маънавий яқинликни, руҳий омилнинг аҳамиятини кўра билмайдилар. Муҳаббатда асосий ролни жинсий яқинлик ўйнайди, деб биладилар. Бундай тоифадаги ёшлар кўп ҳолларда жинсий ҳаётни эрта бошлайдилар. Ўғил ва қиз болаларнинг турли ёш босқичларидаги ўзаро муносабатларни ўсиб ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагича яққол ифодаланган манзарани кўришимиз мумкин. Боғча ёшидаги қизлар ўғил болалар билан бирга ўйнаш жараёнида жуда яқин муомалада бўладилар, бир-бирлари билан дўстлашадилар. Ҳатто баъзан болаликнинг илк севги ҳисларини ҳам бошларидан кечиришади. Бу албатта, уларнинг катталарга ҳавас қилиши, уларга тақлиди оқибатида келиб чиқади. Бошланғич синфлардан ўсмирлик ёшигача ўғил болалар кўпинча ўғил болалар билан, қиз болалар эса қиз болалар билан яқин муносабатда бўлиши туфайли жинсларнинг бир-бирларидан узоқлашиши кузатилади. Ўсмирлик ёшидан бошлаб улар орасида яқинлашиш майли пайдо бўла бошлайди. Ўсмирликнинг биринчи даврида болалар ўзаро бирор нарсадан қўрққан тенгдошига «қиз боламисан,

Муҳокама учун саволлар:

3. Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг қандай фикрларини биласиз?
4. Севги-муҳаббат туйғуларининг турларини санаб беринг.

Уйга вазифа бериш: «Севги-муҳаббат ҳақида донишмандлар, мутахассис олимларнинг фикрлари. Севги-муҳаббат туйғуларининг турлари» мавзуси юзасидан турли хил кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва мавзунм такрорлаш орқали мустаҳкамлаш.

6-МАВЗУ: НИКОҲ ОЛДИ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ

Фанни ўқитиш технологияси:Никоҳ олди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсири мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Ёшларга никоҳ олди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсири тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** Никоҳ олди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсирини тушунтириш орқали уларда мустаҳкам оила эгалари хусусиятларини тарбиялаш. ***Ривожлантирувчи:*** никоҳ олди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсири тўғрисидаги тасаввурларини ривожлантириш ***Дарснинг тури:*** Семинар машғулоти. ***Дарс жихози:***Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих ***Дарснинг бориши:*** Саломлашиш, хона тозалиги текшириш, давоматни аниқлаш, оила психологияси тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш, янги мазуни баёни, уйга вазифа бериш. **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** хавас, оила, қизиқиш, макон, эр-хотин, омиллар. 1.4.**Дарс шакли:** Амалий машғулот, гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** -Нима учун ўсмирлик даври «портлаш» даври, деб аталади?	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**

	-Ўсмирларда ўқиш фаолияти етакловчилик ролини йўқотади, сабаби нимада? -Нима сабабдан ўсмирлик ёш даврида ота-онанинг референтлик даражаси сусаяди? Фикрингизни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Никоҳ олди омиллари дейилганда нимани тушунасиз? 2. Никоҳга, оилавий ҳаётга етуклик нима? Уни қандай жиҳатлари фарқланади? 3. Никоҳ ёши нима? У қандай белгиланади? 4. Никоҳ мотивлари нима? Унинг қандай турлари фарқланади? 5. Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатининг никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсири бор? 6. Бўлажак эр-хотиннинг танишиш шартлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигидаги аҳамияти нималардан иборат? 7. Ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир қилади? **4.2.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (30-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Никоҳга етуклик хусусиятлари
2. Никоҳ ёши хусусиятлари
3. Никоҳ қуриш мотивлари хусусиятлари
4. Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатлари
5. Бўлажак эр-хотинларнинг танишиш шартлари
6. Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: хавас, оила, қизиқиш, макон, эр-хотин, омиллар.

1-савол. Никоҳга етуклик хусусиятлари

Оила деб аталмиш муқаддас макон, «оила қасри» нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Агар шу пойдевор етук, мустаҳкам бўлса, унинг устида қурилган иморат ҳам кўркам, ёруғ, унда истиқомат қилувчиларга қулайлик, хотиржамлик, тинчлик, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган бўлади. Ҳеч бир девор ёки уй пойдеворсиз бўлмаганидек, Сизнинг қуражак оилангизнинг ҳам ўзига хос пойдеворлари бор. Улар шу оиланинг юзага келишига, қурилишига асос бўлган никоҳ олди омилларидир. Агар шу никоҳ олди омилларининг оилани юзага келишига таъсири ноўрин бўлса, у шошилинч, бўш, қийшиқ қурилса, унинг устига ўрнатилган оила иморатининг девори ҳам қийшиқ ва омонат бўлиб бораверади ва у шу иморатнинг бир куни келиб қулаши, бузилиб кетиши хавфини туғдиради. Бундай пойдевор устига қурилган иморат қулаб тушмагани, бузилиб кетмагани тақдирда ҳам унда истиқомат қилувчиларга хотиржамлик, тинчлик, қувонч бахш ета олмайди. Улар доимо қандайдир бир хавотирда, ҳадикда, ноқулайликда, хижолатда яшашларига тўғри келади. Хўш, шу пойдеворлар яъни никоҳ олди омиллари нималардан иборат? Гап никоҳ олди омиллари ҳақида борар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, шу ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «йетилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабларига қай даражада жавоб бера олишлиги назарда тутилади. Никоҳга етуклик тушунчаси ҳам ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб борувчи, касб-ҳунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан янги чўққиларга еришиб борувчи мавжудотдир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятга етуклиги ҳақида гапирилганда «етуклик» тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам одамнинг «етуклиги», айниқса никоҳга, оилавий ҳаётга «етуклиги» ҳақида гапирилганда бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган стандарт, ўртача меъёр, маълум бир шартли «ўлчов бирлиги», кўрсаткичлар ва шу кабилар сифатидагина фойдаланилади. Масалан, барча ўқув юртлари (мактаб, лицей, коллеж, институтлар) учун битириш имтиҳонлари (давлат имтиҳонлари тизими, диплом ишлари ҳимояси тизимлари кабилар) мавжуд бўлади ва улар ёрдамида битирувчилар томонидан ўзлаштирилган ўртача билимлар ва малака йиғиндисини аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса уларга кейинчалик яна ўқишни давом эттириш ёки маълум бир мутахассислик бўйича ишлаши мумкинлиги ҳақида маълум бир ҳуқуқ беради. Шу нуқтайи назардан олинганда

Никоҳ олди омиллари:

1. Оилавий ҳаётга етуклиги.
2. Оила қуриш мотивлари.

3. Никоҳгача танишиш муддати.
4. Никоҳ қуриш ёши.
5. Никоҳ қуриш шартлари.
6. Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари.

«етуклик» — ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига йетилганликнинг сифатий ва миқдорий характеристикасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Одамнинг никоҳга, оилавий ҳаётга етуклиги масаласи эса ўта мураккаб бирон-бир қатъий меъёр билан ўлчаб бўлинмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир. Шу келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ никоҳ олди омиллари қай даражада мураккаб характерга ега бўлган муаммолардан эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳозирги замон оиласининг ижтимоий психологик муаммоларини ёритишга бағишланган психологик адабиётларда никоҳ олди омилларининг турлича шакллари, кўринишлари фарқланади. Қуйида Сизнинг эътиборингизга уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотларни ҳавола этамиз.

Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги; уларнинг оила қуриш мотивлари; уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини танишлиги) шартлари ва шароитлари; уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта, бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу Билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фарқланади. Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга ега бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар бироз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага ега эмаслиги билан характерланади. Жинсий йетилиш қатъий жинсий эҳтиёжларнинг шаклланишига олиб келади. Бу даврга келиб болаларда иккиламчи жинсий аломатлар намоён бўла бошлайди. Жинсий секреция безларининг фаоллиги ортади. Қиз болаларда ойлик сикллари (менструация), ўғил болаларда поллюциялар рўй бера бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, уларда пубэртат давр бошланади. (Бу давр ҳақида ва унинг хусусиятлари ҳақида 4-мавзуда батафсил маълумотлар берилган). Демак бу даврга келиб болаларнинг моддий ва маънавий қизиқишларининг ўсиб бориши билан бир қаторда жинсий эҳтиёжлар шахс фаоллигининг кучли манбаларидан ҳисобланиб, у турли психологик ва ижтимоий шаклларда намоён бўла бошлайди. Жинсий майлнинг, жинсий эҳтиёжнинг юзага келиши одамни биологик ривожлана бошлашининг ўзига хос босқичидир. Улар бола руҳиятининг ривожланишига, уни шахсининг шаклланишига, ҳаёт фаолиятининг бошқа жиҳатларига катта таъсир кўрсатади. Жинсий ҳаётнинг кўплаб муаммоларини нафақат ёшларга, балки узоқ вақт оила қурган, фарзандли бўлган катта ёшлиларга ҳам тушунтириб ўтиш лозим бўлади, чунки уларда ҳам шу асосда кўплаб жиддий низолар юзага келиши мумкин. Жинсий муносабатлар масаласи ўта нозик масаладир, бу борада кўпинча «ёлғон, бачканаларча уятчанлик»ка дуч келинади.

Баъзи бир ота-оналар ва ўқитувчилар ҳатто маориф раҳбарлари ҳам мактабда жинсий тарбия бериш масаласига еътироз билдирадилар ва «Жинсий тарбия, жинс масаласига оид барча зарур маълумотлар биология курсларида берилган, бунинг устига «ота-боболаримиз бундай жинсий саводхонликсиз ҳам бинойидек яшаганлар», — қабилида мулоҳаза юритадилар. Албатта, бундай нуқтайи назар ўта қолоқ, бугунги кун никоҳ-оила муносабатлари талабларини, ҳозирги замон оиласи вазифаларини ҳисобга олмай чиқарилган хулосалардир. Айнан шунақа йўллар билан ёшларга жинсий тарбиядек ўта нозик ва зарур масалалар юзасидан берадиган ҳар қандай санитар-гигийеник оқартув маълумотларнинг аҳамияти бутунлай камситиб келинмоқда. Бу эса миллионлаб ўсмирларнинг жинсий балоғатга йетишиш вақтида ғафлатда қолишларига ва бунинг оқибатида айрим ҳолларда ҳаётда тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишига олиб келишига сабаб бўлмоқда. Ҳеч нима билан асосланмайдиган хавотир, ҳадик, гоҳида эса ҳақиқий ваҳима заминида ўсмир хулқида турли хил оғишлар, нерв-физиологик бузилишлар юзага келиши мумкин. Буларнинг барчаси санитар-гигийеник тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва жинсий тарбияни берилмаганлигининг натижасидир. Бу масала айниқса бизнинг етносимизда ўта жиддий моҳият касб этадиган масаладир.

Жинсий тарбия масаласига кўпинча ё алоҳида эътибор талаб қилинмайдиган ва ҳеч қандай қийинчиликни юзага келтирмайдиган, ҳар бир ёш гуруҳи учун осонгина ўзлаштириш мумкин бўлган, ёки ўта шахсий, интим, кўпчилик орасида, айниқса болалар орасида муҳокама қилиб бўлмайдиган масала тарзида қаралади. Шу каби мулоҳазалар қатор мамлакатларда, айниқса собиқ иттифоқда жинсий тарбияга оид материалларни, бунга тааллуқли тадбирларни мактаб дастуридан чиқариб ташланишига асос бўлган. Бу ўринда жинсий тарбияни, организмнинг фаолияти ҳақидаги бугунги кунда ҳар бир одам ўзлаштириши, билиши зарур бўлган санитар-гигиеник, психогигийеник маълумотлар билан узвий боғлиқ тарзда қаралиши мақсадга мувофиқдир. Оилавий ҳаётда эса жинсий ҳаёт психологияси ҳақидаги билимларга эга бўлиш ўта муҳим аҳамиятга ега бўлган масаладир. Турли мутахассислар томонидан берилган маълумотларни комплекс таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир тўртинчи ажралишган эр-хотинларда (ажралишларнинг 29%ида) жинсий мутаносибликнинг у ёки бу тарзда бузилиши (эр-хотиннинг жинсий номутаносиблиги) сабаб бўлмоқда. Албатта, ўзаро севги, ишонч ва ҳурмат ҳислари, қизиқишлар ва ниятларнинг умумийлиги ҳислари қисқа вақт оралиғида юзага келган ва шунга кўра шошилинч оила қурган жуфтларга жинсий ҳаёт психологияси борасидаги билимлар ўз-ўзидан ёрдам бера олмаслиги мумкин. Бундай тезликда, қисқа вақтда (совчилар, қариндошлар орқали бир-икки ҳафтадаёқ) юзага келган оилалар миқдори, айниқса, сўнгги йилларда бизнинг миллат вакиллари ўртасида ортиб бормоқда. Ёшларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ёқтириши ва ижобий эмоционал ҳислари комплексисиз бу билимларнинг самараси паст бўлади. Улар фақат эр-хотинлар бирбирларини ёқтирганлари, бир-бирлари учун жозибали бўлган ҳолатлардагина, эр-хотинларининг интим ҳаётини мувофиқлаштиради. Бошқа томондан никоҳдаги жинсий ҳаёт психогигиенаси муаммоларидан қандайдир «бўлмағур, уят нарса» сифатида воз кечиш ҳам керак эмас. Чунки, кўпчилик ҳолларда жинсий ҳаёт психогигийенаси соҳасидаги илмий билимлар ёш эр-хотинлар га йўл қўйилиши

мумкин бўлган аянчли хатолардан қутулишга ва шу билан ўз никоҳларини сақлаб қолишларига ёрдам бериши мумкин. Шундай қилиб, жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтайи назаридан етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга жинсий етуклиги дейилганда унинг физиологик нуқтайи назардангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди, бундан ташқари одам жинсий ҳаёт психогигийенаси борасида ҳам зарур илмий психологик билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам ега бўлмоғи зарур. Бу эса шубҳасиз алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараёндир. Ёшларни никоҳга жинсий етуклик масаласидан ташқари юқорида келтириб ўтилганидек яна бир нечта ижтимоий етуклик турларини фарқлаш мумкин. Булар: жинсий, фуқаролик, касб-ҳунар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва психологик етукликлардир. Буларнинг орасида ёшларнинг жинсий (физиологик) етуклиги бошқаларига қараганда анча эрта амалга ошади, қуйида бу масалаларга боғлиқ равишда яна қандай муаммолар мажмуининг юзага келиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз. Фуқаролик, ҳуқуқий етуклик — бу одамнинг ҳуқуқий жиҳатдан балоғатга йетиш ёши билан, у ҳуқуқий жиҳатдан оила қуриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига ега бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади. Бизнинг мамлакатимизда бу 18 ёш деб кўрсатилган. Бу вақтда у Конституцияда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдалана оладиган бўлади. 18 ёшни шахснинг ҳуқуқий **етуклик ёши** деб ҳисоблаш мумкин.

Касб-ҳунар етуклиги — бу ҳам анча мураккаб тушунчадир. Унинг мураккаблиги шундаки, бир томондан у қандайдир билим юртини, ўқув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Бироқ одам у ёки бу билим юртини (коллеж, лицей, техникум, институтни) битирганидан кейин ўзи танлаган касби бўйича бир неча йил ишлаб кўриши керак бўлади ва шундан кейингина унинг касб-ҳунар етуклиги ҳақида гапириш мумкин. Шу билан бирга баъзи бир касблар бўйича 19—20 ёшлардаёқ касб-ҳунар етуклигига эришиш мумкин бўлса, бошқаларда масалан хирург-врачликда кечроқ 29—30 ёшга етганда бунга эришиш мумкин. Шахсни етуклигининг яна бир жиҳати ижтимоий-иқтисодий етукликдир. Бунда одамнинг ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан мустақил таъминлай ола билишлиги назарда тутилади. Ёшларни оила қуришларида, уларнинг иқтисодий мустақиллиги алоҳида аҳамиятга ега. Бу ўринда ҳам турлича ёш чегаралари мавжуд, ёшларниниг айримлари 18—19 ёшидаёқ ота-онаси оиласидан иқтисодий мустақилликка эришиши мумкин, бошқалари эса 25—30 ёшларида ҳам ота-оналарининг моддий ёрдамидан фойдаланадилар. Бу етуклик жиҳатлари орасида шахснинг маънавий ва ахлоқий етуклиги ҳақида гапириш энг мураккабидир. Чунки бу жиҳат ҳақида аниқ бир мезон ва тавсиф ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Шундай қилиб, «етуклик» тушунчаси ўзича кўплаб жиҳатларни мужассамлаштиради. Шуни айтиб ўтиш жоизки «етуклик» тушунчаси, албатта маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан узвий боғлиқдир. «Ҳаётий билимларни ўзлаштириш», «Ҳаёт университетларидан» ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Бунга

мавжуд ижтимоий шароит, жамоатчилик ва ижтимоий тартибнинг таъсири катта. Маълумки олдинги вақтларда, айниқса уруш йиллари болалар катталар ҳам ҳамма вақт уддалай олавермаган ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечирганлар. У вақтларда 12—14 ёшданоқ болалар оналарига оилани таъминлашда ёрдам берганлар. Шунингдек шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, кам фарзандли ва кўп фарзандли оилаларда, нуклеар ёки кўп табақали оилаларда ўсаётган болаларнинг ҳам оилани моддий, ижтимоий таъминотига ҳисса қўшиш, бу ишлар билан шуғулланиш муддатлари ва миқдори турличадир. Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турлича жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир бир ёш, вақт оралиғини кўрсатиши мутлақо мумкин эмас. Бунинг устига ҳаётни, бизни ўраб турган атроф оламни билиш ўз навбатида чексиздир. Шунга қарамай ижтимоий ва иқтисодий етукликнинг маълум бир минимум чегараларини белгилаб олиш мумкин, яъни шундай ҳаётий тажриба, билимлар «минимуми» мавжудки, уларсиз бирон-бир ёшни, йигит-қизни том маънода етук деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мана юқорида келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ «етуклик» тушунчаси нақадар кенг тушунча эканлигини кўрсатиб турибди. Шунга қарамай биз ундан фойдаланишга мажбурмиз. Чунки у никоҳнинг мустаҳкамлигини белгилаб берувчи муҳим шарт-шароитларни, вазиятларни ўзида мужассамлаштиради. Гап шахснинг психологик етуклиги ҳақида боргудек бўлса, бунда даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу ҳушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак. Афсуски, кўпинча ёшлар ўз қобилиятларини орттириб баҳолаб, ўз олдиларига еришиб бўлмайдиган мақсадларни қўйиб олиши ҳолларига дуч келинади. Айниқса, оилавий ҳаётни тасаввур қилиш, унда ўз ўрнини баҳолаш масаласида ёшларимиз кўпроқ хатога, ўзларини орттириб баҳолашга, оилавий ҳаётдан мумкин бўлганидан кўпроқ нарсани кутиш ҳоллари кўпроқ кузатилади. Натижада муваффақияцизликлар, пушаймон бўлишлар, асаб бузилишлар юзага келади. Психологик етук шахс эса аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ва усулларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билишлиги, яъни ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда гормоник муносабатларнинг ўрганилишига имкон беради. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар Билан ўринли муносабатда бўла олиш — шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир. Ёшлар оила қураётганларида бу хусусиятлар ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Албатта, бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Улар олдинги ҳаёти давомида унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади.

Психологик етуклик, шахс хулқини турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқа

одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли ҳал етишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қараши, позицияси бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида ҳимоя қила олишидир.

Никоҳ олди омиллари орасида энг характерлиларидан яна бири оила қураётган ёшларнинг ёш хусусиятларидир. Чунки бу кўрсаткичлар ҳам никоҳ мустаҳкамлигида ҳал қилувчи аҳамиятга ега. Қуйида шулар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

2. НИКОҲ ЁШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Демографик нуқтайи назардан олинганда, оила қуриш маълум бир кишиларнинг эмас, балки бутун бир авлоднинг оила қуриши назарда тутилади. Бу ўринда тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, авлод ёш жиҳатдан қанчалик катта бўлса (унинг ёши қанчалик юқори бўлса), у биз кўриб чиқаётган жиҳатларнинг ҳар бири бўйича кўпроқ етук бўлади. 20—24 ёшдаги ёш гуруҳини ўзига бирлаштирган ёш гуруҳи, 20 ёшдан кичик бўлган авлодга қараганда кўпроқ ҳаётий тажрибага эга бўлади. Биринчи авлод вакилларида ижтимоий-иқтисодий етуклик даражаси юқорироқ бўлади, чунки айнан шу ёшда кўпчилик ёшлар ўрта ёки олий ўқув юртларини тамомлаган, у ёки бу касб-ҳунарни егаллаган бўладилар. 25—29 ёшларда эса 20—24 ёшдагиларга қараганда, ижтимоий-иқтисодий ва касб-ҳунар етуклиги бўйича янада юқорироқ даражага ега бўладилар. Ҳозирги замон демографиясида кенг фойдаланиладиган Ушбу кўрсатиб ўтилган каби статистикалар ва ёш гуруҳлари ёшларнинг ижтимоий етуклигининг турли жиҳатларини ижтимоий психологик таҳлил қилиш учун жуда ноқулай ҳисобланади. Чунки ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ёшларнинг катталашуви, вояга етиши жуда жадал амалга ошмоқда. Юқоридагича гуруҳлашга кўра бир демографик ёш гуруҳига кирган 20 ва 24 ёшлиларнинг етуклиги сифат жиҳатидан турли даражага эгадирлар. 25 ва 29 ёшдагилар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. 29 ёшга келиб касб-ҳунар етуклиги ниҳоясига етади ва бу даврга келиб аксарият ёшлар оила қуриб бўлган ва хатто фарзандли бўлишга ҳам улгуришади. Шундай қилиб, 29 ёшдаги ёшлар 25 ёшдагиларга қараганда ҳаётий тажрибаларига кўра ҳам ва бошқа асосий компонентларга кўра ҳам сезиларли даражада фарқланиб туради. Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»да эркак ва аёллар учун минимал никоҳ ёши сифатида 18 ёш кўрсатилган. Бу ёшни маҳаллий ҳокимият қарорига кўра алоҳида истисноли ҳолатларни ҳисобга олиб, аёллар учун бир ёшга қисқартириш мумкин. Турли мамлакатларда урф-одатлар ва миллий анъаналарга боғлиқ равишда эркак ва аёлларнинг турлича минимал никоҳ ёши белгиланган. Масалан, эркаклар учун у 14 ёшдан (Ирландия, Испания ва Лотин Америкасидаги айрим давлатларида) 21 ёшгача (Полша, Австрия, Германия ва айрим Скандинавия давлатларида) бўлган давр орасига тўғри келади. Аёллар учун минимал ёш одатда ёки эркаклар билан тенг деб, ёки улардан бир неча ёш кичик деб белгиланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларни вояга етиш масаласи, уларнинг никоҳга етуклиги кўрсаткичлари айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши ва нотурғундир. Одамнинг аҳлоқий ва маънавий

қиёфаси, унинг шахсий таъби, диди, одатлари ҳаёт давомида бир неча бор ўзгариши мумкин. Ҳозирги даврда билимлар ва ҳаётий тажрибани йиғиш ғоят юқори жадалликда амалга ошиб бормоқда. Шунга кўра 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган даврни оила қуриш учун гармоник давр деб ҳисоблаш қийин. Чунки бу даврда ёшларнинг ўзига бевосита боғлиқ бўлмаган кўплаб объектив шароитларни, қарама-қарши ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, ёшларда жинсий етилиш 14—16 ёшларда, ҳуқуқий етуклик — 18 ёшда, касб-ҳунарни эгаллаш ва касбий етуклик кўп ҳолларда 28—30 ёшларга келиб юзага келиши мумкин. Ота-оналарга боқиманда бўлмаслик даражадасида иқтисодий мустақилликка эришиш еса, одатда 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган вақт оралиғида амалга ошади. Кўпинча катта авлод вакиллари, ёшларни етук эмасликда, ҳаётга тайёр эмасликда айблайдилар, лекин айни пайтда бундай

йетилмасликнинг объектив сабаблари ва шарт-шароитлари эътибордан четда қолади. Ёшларни ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга тўлиқ киришиб кетишлари учун уларга кенг кўламдаги рақобат бардош билимларни, касб-ҳунар кўникмаларини бериш зарур бўлади. Ёшлар эгаллашлари лозим бўлган билимлар ҳажми ҳар ўн йилда икки мартага ортиб бормоқда. Ижтимоий, маънавий ишлаб чиқариш ва илмий техник тажрибани келгуси авлодга узатиш жараёни шу даражага борганки, у ҳар бир ёшни ҳаётга тўла иқтисодий тайёрлаш учун камида 12—15 йил ўқишини тақозо қилади. Баъзида бу муддат камлик қилиб, у 18—20 йилгача узайиши мумкин (ўрта мактаб + коллеж (лицей) + олий ўқув юрти + аспирантура). Ижтимоий, иқтисодий, маънавий, илмий ва техник тараққиёт жараёнларининг кечиши ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва касбҳунар, техник етуклигининг кечикиб кетишига олиб келмоқда. Масаланинг иккинчи томони, ёшларни ижтимоий етилиши босқичлари ва фазаларида объектив қарама-қаршиликларнинг юзага келиши ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларни амалга оширишда бу ҳаётий ҳақиқатни доимо назарда тутиш лозимлигидир. Қуйида шундай қарама-қаршиликларнинг бири ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бунинг учун бундан 70—100 йиллар олдинги даврдаги вазиятларни бугунги кунларимиз билан солиштириб кўрамиз. У вақтларда мамлакатимиз аҳолисининг 80—85% ини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган ва бутун аҳолининг деярли шунча қисми деҳқончилик, чорвачилик, косиблик ва бошқа ҳунармандчилик билан машғул бўлган. У вақтларда деҳқон, чорвадор, косиб-ҳунарманд йигит 16—17 ёшида жинсий балоғатга етган ва бу вақтга келиб у унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик ёки чорвачилик малакаларининг деярли барчасини егаллаб улгурган ва бу соҳада мустақил фаолият олиб боришга тайёр бўлган. Агар у 18—22 ёшида уйланса, оила қурса, унда унинг жинсий балоғатга йетиши, меҳнатга тайёрлиги ва оилавий ҳаётни бошлаш омиллари ўртасида унчалик катта фарқ бўлмаган. Бугунги кунларимизда эса биз мутлақо бошқача вазиятни кузатамиз. Акселерация жараёни ва бошқа омиллар туфайли болаларда жинсий балоғатга йетиш, уларнинг бундан 70—100 йил олдинги тенгдошларига қараганда 2 йилларга эрта рўй бермоқда. Шу билан бир вақтда махсус таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш ва иқтисодий мустақилликка эришиш камида 22—25 ёшга ва ундан кейинга сурилиб кетяпти. Ёшларнинг жинсий балоғатга етишиши ва уларнинг тўла иқтисодий мустақилликка эришиш вақти ўртасида камида 5 йилдан 10 йилгача узилиш юзага келиб қолмоқда. Бу ҳолат, олдинги авлодларда

кузатилмаган бир қатор мураккабликларни ва уларга боғлиқ равишда рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Келтириб ўтилган ушбу никоҳ олди омиллари билан бир қаторда никоҳ мустаҳкамлигида ҳал қилувчи аҳамиятга ега бўлган омиллардан яна бири — оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ қуриш мотивлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидир. Қуйидаги мулоҳазалар ана шу хусусда боради.

3. НИКОҲ ҚУРИШ МОТИВЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Никоҳ олди омилларидан яна бири — шу никоҳ қурилишига асос бўлган никоҳ мотивларидир. «Мотив» ибораси психологияда маълум бир хулқ, фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч, туртки, манба, асосни билдиради. Хўш, оилалар қандай мотивлар туфайли юзага келиши мумкин? Психологик адабиётларда бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари фарқланади. Лекин улар умумлаштирган ҳолда учта классификацияга фарқланади. Булар: севги туфайли оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бирбирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан, сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, оила қуриб етишадилар. Мотивларнинг иккинчи классификацияси моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли оила қуриш. Бунда ёшлар оила қурар эканлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда: «Агар шу йигитга турмушга чиқсам, бой-бадавлат яшайман» ёки «Шу қизга уйлансам, унинг ота-онаси ёрдамида маълум бир мансаб, мавқега еришаман», — деган фикрлар асосида ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар. Шу каби ҳисобга олинадиган нарсаларни кўплаб санаб ўтиш мумкин. Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири — стереотип бўйича оила қуриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам кузатилмаслиги мумкин. Улар оила қурар эканлар, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қурганликлари сўралса, одатда «Ҳамма тэнгдошларим уйланаётганди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётганди, мен ҳам турмушга чиқдим!» қабилида жавоб берадилар. Хўш, шу санаб ўтилган учала мотив: севги, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича қурилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлади, яъни қайси мотив никоҳ оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлайди? Албатта, бу саволга ёшларнинг аксарияти, биринчи мотивни, яъни севги мотивини танлаб жавоб беришади. Чунки улар севги туфайли оила қуриш никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи энг ишончли, мустаҳкам пойдевор деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, севгининг оила мустаҳкамлигидаги ўрни беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, севги — бу ўта қудратли кучдир. У туфайли инсон нималарга қодир эмас?! Инсоният ўз тараққиётида эришган энг юксак чўққилар ҳам севги туфайлидир. З.Фрейд таъкидлаганидек: «Севги — бу инсониятни ҳайвонот оламидан суғуриб олган кучдир!». Инсон яратган буюк мўжизаларнинг барчаси севги туфайлидир. Бу айтилганлардан кўриниб турибдики, севги туфайли оила қуриш бахтли ва мустаҳкам никоҳнинг асосини таъминлайди. Албатта, севишиб турмуш қурган жуфтларнинг аксарияти энг бахтли оилавий ҳаёт кечирадилар. Лекин статистик маълумотларга қараганда, оилалар ажралишининг кўпчилик қисми ҳам худди шу севишиб оила қурган жуфтларга тўғри келар экан.

Хўш, нега энди севишиб оила қурган жуфтлар оилавий ҳаётларида ҳамма вақт ҳам бахтли бўлавермайдилар? Нега кечагина бир-бирларини севиб, бир-бирларисиз яшай олмаслигига тўла амин бўлган ёшлар бугун никоҳларини бекор қилиш ҳақида судга ариза бераяптилар? Уларнинг севгисига нима бўлди? Севги — ўзи нима? У бор нарсами ёки йўқми? Бу ўринда ҳақли равишда «Севги оилавий ҳаётнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам берадими ёки халақит қиладими?», деган савол туғилади. Бу каби саволлар азал-азалдан ёшларни, умуман инсониятни қизиқтириб келган саволлардир. Бу ҳақда ўтмиш мутафаккирларимиз, олиму, шоир, ёзувчиларимизнинг асарларидан, халқимизнинг доно маънавий меросларида баъзан бир-бирига қарама-қарши бўлган кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин. Севги, агарда у ҳақиқий бўлса, севишганлар бир-бирларини ҳурмат қилиб, тушуниб, эъзозлаб, авайлаб, керак бўлса бири иккинчисининг бахти, шодлиги, қувончи, манфаати учун ўз манфаатидан воз кечиб, ўта нозик бўлган туйғу севгини ҳар куни, ҳар доим парвариш қилиб яшасалар, унда севги уларнинг муносабатларини янада яқинлашишига, уларнинг оилавий ҳаётининг мустаҳкамланишига ва биргаликдаги ҳаётларида энг олий завқ-шавқларни ҳис қилишларига асос бўлиши мумкин. Бу эса албатта, ёшлардан сабр-тоқат, чидам, ўз севгисини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, «жафо чекиш»ни талаб қилади. Шундагина севги ўзининг лаззатли меваларини бериши, ўзининг куч-қудратини кўрсатиши мумкин. Албатта ҳар бир йигит-қиз ўзаро оила ришталарини боғлар экан, улар ўз ҳаётларидаги бу муҳим воқеага умид, орзу билан ёндашуви табиий. Агар севишганлар оила қурганларидан кейин «муродмақсадимга эришдим» деб севгисини ҳимоя қилишни, уни парвариш қилишни унуца, унинг учун курашмаса, қаровсиз қолган ҳар бир нозик ниҳол нобуд бўлганидек, энг нозик туйғу бўлган севги ҳам нобуд бўлади. Шундан сўнг севги номи билан қилинган орзу-ниятлар саробга айланади, ёшларнинг оила, никоҳ, севги фонида шаклланган тасаввурлари «нотўғри» бўлиб чиқади. Оқибатда оилавий ҳаётдан кутган нарсалари қолиб кетиб, мутлақо кутмаган нарсаларига дуч келишлари кузатилади. Бундай ҳолатда севги ёшларнинг бахтига, уларнинг оилавий ҳаёти мустаҳкамлигига халақит бериши мумкин. Навбатдаги мотив моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришдир. Бу мотивнинг оила мустаҳкамлигига таъсири унинг кейинчалик қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Оила қуришдан олдин ёшларнинг ҳисобга олган, кўзда тутган нарсаларининг ҳаммаси рўёбга чиқаверса, бу мотив маълум даражада никоҳ мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Афсуски, оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам ёшлар кутганидек бўлавермайди. Бу ўринда Л.Н.Толстойнинг: «Бадиий асарларда, романларда, киноларда сюжет воқеалар ривожланиб бориб, охирида ҳаммаси тўй билан, яхшилик билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча, ҳамма нарса тўйдан кейин бошланади», — деган фикрини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам оилавий ҳаётда кутилган ҳисобга олинган нарсаларга ҳамма вақт ҳам еришиб бўлавермайди. Ниманидир ҳисобга олиб оила қурган ёшларнинг оилавий ҳаётда ана шу ҳисобга олганлари амалга ошмай қолгундек бўлса, унда уларнинг оилавий ҳаёти ғурбатга, турган-битгани азобга, низо-жанжалга айланади. Улар учун бундай оилада яшагандан кўра яшамагани афзал кўринади. Бу ҳам охир-оқибат оилаларнинг инқирозига ва «ҳисоб» пойдевори устига қурилган иморатнинг қулашига олиб келади. Статистик

маълумотларга кўра, юридик жиҳатдан энг мустаҳкам, турғун оилалар стереотип бўйича оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Бундай оилаларда ажрашишлар миқдори олдинги икки мотив асосида қурилган оилаларга қараганда жуда кам кўрсаткични ташкил қилади. Чунки улар «ҳамма қатори» оила қуришган. Қарашса-ки «ҳамма бинойидек яшаяпти» — булар ҳам яшайверишади. Бу мотив асосида қурилган оиладаги эр-хотинлар ўта бахтли ҳам, ўта бахциз ҳам бўлмайдилар. Лекин биргаликдаги ҳаёт туфайли эр-хотинўртасида бир-бирларига мослашиш, бир-бирини тушуниш, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат юзага келиб, улар ривожланиб юқорида айтганимиздек, севги-муҳаббат даражасига ўсиб йетиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, бу тоифа оилаларни нафақат расмий, юридик жиҳатдан, балки эмоционал, психологик жиҳатдан ҳам турғун бўлишини таъминлаши мумкин. Энди юқорида берилган саволни яна такрорласак: қандай мотив асосида оила қурган маъқул? Севишибми? Моддий ёки ўзга манфаат асосидами? Стереотип бўйичами? Бу ўринда ёшларимиз енди бироз ўйланиб қолишлари мумкин. Севги туфайли дейилса, унинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришнинг оқибатлари маълум. Стереотип бўйичами? Унда эҳтирос, жўшқинлик етишмаяптику? Ёшлик ғурури, жўшқинлик буни қабул қила олмайди. Бундай саволларга, бундай ўйларга жавобни бугун ёшларнинг мактаб, лицей, коллеж парталарида ўтирган вақтида, беришнинг айби йўқ. Чунки Сизнинг оила қуришингизга ҳали бир неча йил бор. Шу фурсатни бой бермасдан яхшилаб ўйлаб, фикр-мушоҳада юритиб олишингиз мумкин. Лекин ёдда сақлангки: бу масалаларни оила қуриб бўлингандан кейин ўйлагандан кўра ҳозир яхшилаб ўйлаб, энг мақбул бир фикрга келиб олган маъқул. Чунки бу масалалар ва бу саволларнинг йечими мактабда ўтиладиган бошқа фанлар бўйича бериладиган топшириқ, вазифа, масалаларнинг йечимини топишдан ҳам мазмун, ҳам моҳият, ҳам кўлам жиҳатдан кескин фарқ қилади. Бу фанлардан берилган жумбоқларни ечиш ёки йеча олмаслигингиз Сизнинг ҳаётингизда ва тақдирингизда унчалик ҳал қилувчи рол ўйнамаслиги мумкин, лекин ўзингизнинг бўлажак оилангизга оид муаммоларни ҳозирдан тўғри ҳал етиб боришга ўрганишингиз ва уларнинг энг мақбул жавобларини топишингиз келгусида ўзингизнинг ва яқинларингизнинг тақдирини ҳал қилинишида муҳим аҳамиятга ега. Бу борада бефарқлик, беэътиборлик, таваккалчилик билан йўл тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу масала нафақат Сиз учун шахсий аҳамиятга эга бўлган, балки жамият, давлат, халқ, миллат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Сиз бу масалани ўзингиз учун муваффақиятли ҳал етиб, мустаҳкам оила қуриш билан бирга бутун бошли яхлит организм-жамиятнинг соғлом бир ҳужайрасини яратган бўласиз. Сизларга ҳам оила қуришда, албатта, севиб-севилиб оила қуришингизни тилаб қоламиз, негаки фақат севги туфайлигина инсон ўзига ато етилган энг олий, инсоний завқ-шавқлардан баҳраманд бўлиши мумкин. Оилавий ҳаётдаги завқ-шавқлар эса ўз-ўзидан, ғойибдан берилмайди. Бунинг учун курашиш, интилиш, севгининг «қаҳратон қишу», «жазирама ёзларига», азоб-уқубатларига бардош бериш, унинг синовларидан муваффақиятли ўтиш ва уни берилган умрнинг охиригача парвариш қилиб, сақлаб қолишга ва умрнинг якунида уни фарзандларга, келажак авлодга энг муқаддас мерос қилиб қолдиришга ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир одам у хоҳ она бўлсин, хоҳ ота бўлсин, ўз фарзандларига уларнинг отасини,

онасини севишдан-да ортиқроқ мерос қолдира олмайди. Фарзандларингизга қандай мерос қолдиришни ҳозирданоқ, ҳали ўзингиз фарзанд эканлик вақтингизданоқ, қатъий ўйлаб олинг.

4. НИКОҲГАЧА ТАНИШИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

Никоҳ олди омиллари классификациясида қайд етиб ўтилган омиллардан яна бири ёшларни оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганликлари, улар қандай шароитлар ва шартларга кўра танишиб оила қуришларидир. Бу омиллар никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир кўрсатиши мумкин. Албатта, оила қуришдан олдин бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини маълум бир муддат бўлажак ер ёки хотин сифатида билиб юрсалар, бир-бирларининг шахсий хусусиятлари, индивидуал сифатлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, шахсий йўналганликлари ҳақида адекватроқ тасаввур ва маълумотларга ега бўлсалар, бу тасаввур ва маълумотлар уларга биргаликдаги ҳаётларида бир-бирларини тушуниб, бир-бирларига мослашиб кетишларига ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирги ёшларимизга жуда яхши маълумки, оила кодексига биноан никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг бир ой (аниқроғи 33 кун) муҳлат берилади. Мабодо, шу фурсат мобайнида улар ўз ниятларидан қайтиб қолгудек бўлсалар, уларнинг талаби қондирилиб, кўзда тутилгандек, никоҳ қайд қилинмайди. Ҳеч бир яширадиган жойи йўқки, республикамизда истиқомат қилаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам никоҳдан ўтишга оид мавжуд қонун-қоидалардан йетарли даражада хабардор эмаслар ва айрим ҳудудларда ҳамма вақт ҳам бу қоидаларга амал қилинавермайди. Лекин ёшларимиз айниқса, Сиз — ўқувчи ёшларимизга никоҳ-оила муносабатларининг қонуний жиҳатларидан ҳам хабардор бўлиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Хўш, шу фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари томонидан берилган 33 кун муҳлат ёшларимизнинг бир-бирларини мумкин қадар билиб олишлари учун етарлими? Бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини тўла билиб олишлари учун қанча вақт керак? Бу ерда гап бирор-бир буюмни, техника ёки компютерни эмас, одамни билиш ҳақида кетаяпти. Психологларнинг таъкидлашича, одам бу энг мураккаб билиш объектидир. Уни ҳеч қачон ва ҳеч ким мутлақ ва батафсил била олмайди. Чунки у ҳар куни ривожланишда, шаклланишда, ўсишда, ўзгаришда бўлган мураккаб биологик, физиологик, психологик, ижтимоий психологик, ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган энг олий ва шу билан бирга энг мураккаб мавжудотдир. Унинг сир-синоатлари коинот сир-асрорларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Шунинг учун бир йил, ўн йил бирга ўқиган ёки болаликдан бирга ўсган бирон-бир ўртоғингизнинг хулқида, хатти-ҳаракатида кузатиладиган айрим ҳолатлар ҳозиргача ҳам Сизни ҳайрон қолдириши ёки одамлар бир умр бирга яшаб бир-бирларида кутилмаган ҳолатларни, хулқатвор ифодаланишини кўриши мумкин. Булардан кўриниб турибдики, одамни тўла-тўкис билиб бўлмайди. Лекин бирга турмуш қуриб, яхши яшаб кетиш учун лозим бўлган минимум билимларга ега бўлиш учун бўлажак турмуш ўртоқлар бир-бирларини қанча вақт билишлари керак? Кўпчиликда «қанча кўп бўлса шунча яхши-да», деган жавоб хаёлга келиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, никоҳгача танишиш муддатининг қисқалиги — мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг ўтказган тадқиқотларимиз оила қургунга қадар бир-бирларини бир ой ва ундан кам вақт билган эр-хотинлар миқдори ажрашиб кетган эр-хотинлар орасида кўпчиликни

ташкил қилишини кўрсатди. Шунингдек, бир-бирларини оила қургунга қадар 5—10 йил ва ундан кўп вақт билишлари ҳам бўлажак эр-хотинларга бир-бирларига нисбатан ҳиссийликнинг ўтмаслашиб қолишига олиб келиши ҳам мумкин экан.

Психологик адабиётларда бўлажак эр-хотинсифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билишлик муддати энг мақбул муддат деб кўрсатилади. Бу вақтда йигит-қизлар бир-бирлари ҳақида нисбатан билиш мумкин бўлган билимлар, маълумотлар минимумига

ега бўлишга улгуришлари мумкин. Албатта бу вақтни ҳам идеал вақт деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ерда муҳими ёшлар бир-бирларини қандай жадалликда, қандай мақсадда, қандай восита, усуллар ёрдамида ва қандай «кўз» билан ўрганишлигидадир. Маълумки севишганлар нафақат бир-бирларига, ҳатто оламга ҳам «рангин кўзгу» орқали қарайдилир. Севиклисининг ҳатто камчиликлари, нуқсонларини ҳам фазилат деб қабул қиладилар. Тўйдан кейин эса ҳатто айрим фазилатлар ҳам камчиликдек кўринади. Шунинг учун ёшларимиз бир-бирларига (айниқса, камчиликларига) тўйдан олдин иккала кўзлари билан, тўйдан кейин эса яримта кўз билан қарашлари лозим. Яъни тўйдан олдин бирбирларини яхшилаб, синчиклаб ўрганишга ва тўйдан кейин айрим камчиликларига ҳам эътибор бермасликка одатланишлари лозим.

5. БЎЛАЖАК ЭР-ХОТИНЛАРНИНГ ТАНИШИШ ШАРТЛАРИ

Никоҳ олди омилларининг характерлиларидан яна бири ёшларнинг танишиш шартларидир. Улар ҳам ўз навбатида турли-туманликка эга. Кимдир ўқиш, иш жойида, кимдир ўзи, кимдир бирор-бир ўртоғи, дугонаси, қариндоши, кимдир совчилар ёрдамида,

кимдир кўчада, жамоатчилик жойларида, транспортда, турли маросимлар, тўйлар, кечалар, ўтиришлар ва ҳоказо шартшароитларга кўра танишишлари мумкин. Албатта, буларнинг ҳаммасида шу ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, маънавий-ахлоқий жиҳатлари, маданияти, тарбияси, шу ёшлар яшаган ҳудуд, ундаги миллий урф-одатлар, анъаналар, этник хусусиятлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек оиласининг этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёш оиланинг юзага келиш шартлари орасида кенг тарқалганларидан бири совчилик туфайли оилаларнинг юзага келишидир. Чунки бизда деярли барча оилаларнинг юзага келиши йигит томонидан келинникига совчилар бориши билан бошланади. Бунда ёшлар бир-бирларини олдиндан билишлари, севишлари, шунчаки учрашиб қолиши ёки совчилар орқали қидириб келин топишидан қатъи назар албатта, келинникига совчилар бориши никоҳнинг юзага келишидаги этник шарт, расм-русум, урфодатлардан бири ҳисобланади. Буларнинг барчасини никоҳ мустаҳкамлигида ўзига хос ўрни бор. Агар ёшлар ўзлари совчилар ёрдамисиз бир-бирлари билан танишган, бир-бирларини топишган бўлсалар, бунда улар биринчи навбатда, танлаган одамининг ўзларининг кўнглига, дидига, идеалига мос келиши ёки келмаслигига эътибор берадилар. Бу албатта, келгуси ҳаёт учун муҳим аҳамиятга ега бўлган омиллар ҳисобланади. Лекин бу ўринда ҳамма ёшларимиз ҳам ўзларига ва бўлажак турмуш ўртоғига адекват баҳо бера олмасликлари, ўз «тэнги»ни топишда адашишлари, бу борада уларнинг «ёшлиги» ҳаётий тажрибаларининг етишмаслиги кабилар уларга халақит бериши ҳам мумкин. Агар улар соғлом фикрлай оладиган, юқорида айтиб ўтганимиздек, оилавий ҳаётга

психологик етук бўлсалар, уларнинг хатога йўл қўйиши, адашиши эҳтимоллари кам бўлади. Агар шошма-шошарлик

қилсалар, «етти ўлчаб бир кесмасалар» шак-шубҳасиз омадсизликка учрашлари мумкин.

Умуман ўзларига жуфт танлашда психологик етукликка асосланган ҳолда, етук нигоҳ билан ва масъулият билан ёндошиб ўзлари мустақил равишда жуфт танлаши ёшларда кейинчалик ўз қарорлари учун масъулиятлиликни ҳис қилиш, ўз оиласи мустаҳкамлиги учун курашиш, ҳатти-ҳаракат қилишни, унинг муваффақияти учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни таъминлайди. Ёшларимизни қарорларининг етуклиги, қатъийлиги улардаги оилавий ҳаёт учун, ўз оиласи учун масъулиятлилик, жавобгарликнинг юқори бўлиши ҳисси ҳам оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омилдир. Халқимизнинг этник хусусиятларига хос бўлган никоҳнинг юзага келиш шартларидан бири — совчиликдир. Совчилик ҳам азал-азалдан шаклланиб келган миллий қадриятларимиздан биридир. Унинг ҳам ўзига яраша талаблари, шартлари, масъулияти мавжуд. Совчиликка борилганда совчилар бўлажак эр-хотинлар, қудаларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг бир-бирларига қай даражада мос келишлик жиҳатларини пухта ўрганиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Совчиликда суриштириш орқали бўлажак келинкуёв, унинг оиласи, авлоди ҳақида ҳар томонлама маълумотлар олишга ҳаракат қилинади. Умуман совчиликнинг миллий, этник, анъанавий амалларига, талабларига риоя қилиш ҳам никоҳ мустаҳкамлигининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам совчилик масалаларига ўтмишда катта эътибор берилган ва совчиликка энг тажрибали, мулоҳазакор, оқил одамлар танланган. Бироқ ҳозирги вақтда совчилик талабларига амал қилмаслик, уни қўпол бузиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. Ҳозирги вақтда совчиликка борилар экан, танланажак келиннинг, бўлажак қайнона ёки совчи бўлиб борган одамнинг дидига қай даражада мос тушиши, унинг ота-онаси, ҳар иккала оиланинг моддий ижтимоий ҳолати, мавқейи кабиларга кўпроқ эътибор берилиб, бу жараёнларнинг бош сабабчилари, бўлажак келин ва куёвнинг манфаатлари, уларнинг бир-бирларига мос келиши ёки келмаслиги жиҳатлари унутилиб қўяётганлик ҳолларини ҳам кузатишимиз мумкин. Бундай вазиятларда шубҳасизки, ёшларнинг ўзларини оилавий ҳаётлари ҳақидаги масалаларини ҳал етишдаги иштироклари, уларнинг фикри, бунга нисбатан муносабатлари ҳисобга олинмай қолиши мумкин. Бу эса уларга қурилажак оила мустаҳкамлиги, унинг манфаати учун масъулиятлилик, жавобгарлик ҳисларининг шаклланмаслигига, оилавий ҳаётда қийинчилик, мураккаблик, турли тўсиқларга (уларнинг бўлиши муқаррар) дуч келиб қолинганда, жавобгарликни совчилар, бу оиланинг юзага келиш масаласини «ҳал қилган» бошқа бир одам зиммасига юклаш, уни айблаш ҳолларини юзага келтириши мумкин. Бу каби ҳолатлар шубҳасиз, ёш оила мустаҳкамлигига жиддий хавф туғдиради.

6. ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР

Оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир етувчи никоҳ олди омилларидан яна бири — ёшларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларидир. Уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигининг бош гарови ҳисобланади. Афсуски, ҳамма вақт ҳам ёшларимизнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги

тасаввурлари реалликка мос келавермайди, балки у аксарият ҳолларда реалликдан тубдан фарқ қилади. Ҳинд афсоналаридан бирида ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ва уларнинг реалликка нисбатини қиёслашга мос келадиган ажойиб бир ривоят мавжуд. Ривоятда айтилишича, туғилганидан кўзи ожиз бўлган тўрт нафар кўрга «Қаршингларда фил турибди, сизлар уни умуман кўрмагансизлар, лекин уни бориб ушлаб, пайпаслаб ўрганиб чиқингларда, сўнг фил қандай махлуқ эканлигини айтиб беринглар», — дейилган. Кўрлар бориб филни «ўрганиб» қайтишганларидан сўнг улардан фил қандай ҳайвон эканлиги сўралганда, улардан бири: «Фил — бадани дағал, дарахтга ўхшаган ҳайвон» — дебди, иккинчиси уни инкор этиб: «Йўқ, фил ердек юмалоқ, одамнинг қулочи етмайдиган бир ҳайвон» — дебди.

Учинчиси еса, уларни икковларини ҳам инкор қилиб: «Фил ичи тешик узун, йўғон ичакка ўхшайдиган ҳайвон» — дебди. Тўртинчиси еса: «Фил ёйиқ япалоқ катта баргга ўхшаган

ҳайвон» — деб жавоб берган эканлар ва уларнинг ҳар бири ўз фикрини маъқуллайман, ўтказаман деб бир-бирлари билан жанжаллашиб қолган эканлар. Чунки уларнинг бири филнинг оёғига, иккинчиси — қорнига, учинчиси — хартумига ва тўртинчиси — қулоғига тўғри келиб қолиб ўзларининг имкониятлари доирасида филни тасаввур қилган эканлар. Худди шу тўртта кўзи ожиздек ёшларимиз ҳам оилавий ҳаётни бутун борлиғича, тўла, яхлит тасаввур қила олмайдилар, бунинг имкони ҳам йўқ. Оқибатда оилавий ҳаёт ҳақида турли тасаввурларга эга бўлган ёшларимиз оила қургудек бўлсалар, ўз тасаввурларини реалликка айлантириш, яъни жуфтига ҳам шундай эканлигини уқтиришга ҳаракат қиладилар. Ва улар ҳам юқоридаги кўзи ожизлардек ҳар бири «ўзича ҳақ» бўла туриб, бир-бирлари билан жанжаллашиб, келиша олмай қолишлари мумкин. Ёшини танигандан бошлаб эртаклар руҳида, бадиий фильмлар, романлар, афсона, ривоятлар руҳида тарбияланган ёшларимизда ҳамма вақт ҳам оилавий ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурлар шаклланавериши мумкин эмас. Оммавий ахборот воситалари орқали, телекўрсатувлар, радиоешиттиришлар орқали ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида берилаётган материалларда, оилавий ҳаётни бир ёқлама, фақат ижобий томондан талқин қилиш ҳоллари ҳам кўп кузатилади. Бу каби ҳолатлар ҳам ёшларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг нотўғри шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Кўпчилик ёшларимиз, айниқса муваффақиятли оилаларда тарбия топган ёшлар, оила қуриш арафасида бўлар эканлар аксарият ҳолларда ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун ўз ота-онаси оиласини идеал қилиб оладилар. Чунки улар шу оилада тарбияланар эканлар, «есларини таниганларидан буён» отаонасининг низолашиб тортишганларини, бир-бирларини ҳурматсиз қилганларини эслай олмайдилар. Бундай оилаларда ота-оналар ҳам ўзларининг ўзаро муносабатларидаги нохуш жиҳатларини фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Ёки уларнинг ўзаро муносабатларида рўй бериши мумкин бўлган низоли дамлар, бир-бирларига мослашиш жараёнлари никоҳнинг бошида, ҳали фарзандлари дунёга келмасларидан олдин бўлиб ўтиб кетган. Болалар эса улар турмушининг фақат яхши, тинч-тотув, аҳил-иноқлик, бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли, ибратли жиҳатларидангина хабардор бўладилар. Шундай оила қуришни тасаввур қилган ёшларимиз, оила қурганларидан сўнг ўзлари кутгандек турмуш кечира олмасалар, никоҳнинг дастлабки энг нозик,

мураккаб, қийин, янги ижтимоий вазиятлар, шароитлар, бир-бирларига мослашиш жараёнларида юзага келган қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммолар олдида есанкираб қолиб, оила қуришда «адашганликлари»дан нолиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оилавий ҳаёт, эр-хотинмуносабатларини фақат бир ёқлама ва фақат яхши томондангина кўрсатавериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Уни имкон қадар бутун борлигича: баландпасти-ю ширин-аччиғи, роҳат-фароғати-ю азоб-уқубати, қоронғи кечалари-ю ёруғ кундузлари билан кўрсатган маъқул. Шундагина ёшларимизда оилавий ҳаёт ҳақида нисбатан адекватроқ тасаввур шаклланиши мумкин. Бу борада оиладаги катта ёшли оқил кишилар ёшларга ҳаётда кўприк бўлмоғи, уларнинг босиб ўтган кўп қиррали ҳаёт йўли фарзандларига сабоқ бўлиши керак. Улар ёшларимизни мустақил, етук бир шахс сифатида қабул қилиб, оилавий ҳаётнинг пастбаландлари ҳақида тўла-тўкис маълумотлар бериши мақсадга мувофиқдир. Токи ёшларимизнинг оилавий ҳаётлари пойдеворига қўяётган илк ғиштлари тўғри ва мустаҳкам қўйилсин.

Муҳокама учун саволлар:

1. Никоҳ олди омиллари дейилганда нимани тушунасиз?
2. Никоҳга, оилавий ҳаётга етуклик нима? Уни қандай жиҳатлари фарқланади?
3. Никоҳ ёши нима? У қандай белгиланади?
4. Никоҳ мотивлари нима? Унинг қандай турлари фарқланади?
5. Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатининг никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсири бор?
6. Бўлажак эр-хотиннинг танишиш шартлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигидаги аҳамияти нималардан иборат?
7. Ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир қилади?

7-МАВЗУ. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Фанни ўқитиш технологияси: Оилавий муносабатлар психологияси мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Оилада мулоқот. Оилавий муносабатлар психологияси тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** Оилада мулоқот. Оилавий муносабатлар психологияси ҳақида тушунча бериш орқали ўқувчилардаги аҳлоқ-одоб тарбиясини шакллантириш ***Ривожлантирувчи:*** Оилада мулоқот. Оилавий муносабатлар психологияси таъсири тўғрисидаги тасаввурларини ривожлантириш ***Дарснинг тури:*** Назарий маълумот бериш.	**Ўқитувчи**

	Дарс жихози:Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Психологик таъсир, вербал таъсир, паралингвистик таьсир, новербал таъсир. 1.4.**Дарс шакли:** Амалий машғулот, гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** -Нима учун ўсмирлик даври «портлаш» даври, деб аталади? -Ўсмирларда ўқиш фаолияти етакловчилик ролини йўқотади, сабаби нимада? -Нима сабабдан ўсмирлик ёш даврида ота-онанинг референтлик даражаси сусаяди? Фикрингизни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: *1.* Оилада мулоқот ҳақида нималарни биласиз. 1. Оилавий муносабатлар психологияси дэганда нимани тушунасиз. 2. Одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнини кўрсатинг. А) Меҳнат. В) Таълим. С) Муносабат. Д) Ўйин. Е) Малака. 3. Муносабатнинг қуйидаги учта жиҳатини кўрсатинг, номланг ва улар моҳиятини очиб беринг. 4. Педагог ва Ўқувчилар жамоаси ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мазмунан ахборот	**Ўқитувчи, 15 минут**

	айрибошлашдан ўқув-тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатлиликни ташкил этишдан иборат системаси усуллари ва малакалари қандай номланади? 5. Муносабат ва фаолиятининг бирлиги нимадан намоён бўлади? 6. Муомала турларини таснифланг. Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг. Инсон ҳаёт фаолиятидаги аҳамиятини айтинг. 7. Муомала воситаси нима? Унга боғлиқ равишда халқ мақол ва топишмоқларидан намуналар келтиринг. **4.2.** Фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (30-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Оилада мулоқот ҳақида тушунча бериш.
2. Оилавий муносабатлар психологияси.
3. Эр-хотин муносабатларининг ўзига хослиги
4. Эр-хотинлик муносабатлари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Психологик таъсир, вербал таъсир, паралингвистик таьсир, новербал таъсир.

Янги мавзуни қисқача баёни:

Одамлар ўртасидаги мулоқот ва унинг умумий қонуниятлари одам турмуш тарзининг барча жабҳаларида бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатининг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Одамнинг ақли, иродаси, ҳиссий маданияти, тарбияланганлиги, назокатлилиги ва шу кабиларнинг барчаси мулоқот туфайли шаклланган хислатлардир. Шу билан бирга уйқусизлик, бош оғриғи, неврозлар, инсултлар, инфарктлар ва бошқа турли касалликлар, шунингдек ичкиликка, гиёҳванд моддаларга ружу қўйиш, ҳатто ўз жонига қасд қилиш кабилар ҳам шу мулоқотнинг натижасидир. Ривоятларда айтилишича, доно Езоп ўз хўжайинининг «Менга аввал, дунёдаги энг мазали, ширин таомни келтир ва ундан сўнг аксинча энг бемаза, ярамас таомни келтир», — деб буюрганида, у ҳар иккала сафар ҳам қайнатилган тилни келтирган экан. Демак, тил, мулоқот инсон ҳаётида ундан қандай фойдаланиш, уни қандай ишлатиш, қандай ташкил қилишга қараб, унинг учун энг азиз, энг қадрли бўлиши ёки аксинча энг фожиали бўлиши ҳам мумкин. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида одамлар кундалик мулоқотининг тезлашуви, аҳоли зичлигининг ортиб бориши, одамлар турмуш тарзининг жадаллашуви, уларнинг руҳий зўриқиш ва таъсирланувчанлигининг кучайиб бориши каби ҳолатлар бугунги кунда одамларнинг мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлишини тақозо этади.

Мулоқот маданияти. Мулоқот маданиятига биринчидан, ўз-ўзини билиш ва бошқа одамларни тушуна олиш қобилияти, яъни уларнинг психологик хусусиятларини тўғри баҳолай олиш, иккинчидан, уларнинг хулқи ва ҳолатларига нисбатан мос (адекват) муносабат билдира олиш, учинчидан, ҳар бир одамга

нисбатан унинг шахсининг индивидуал хусусиятларига энг маъқул келадиган мулоқот шакли, усули ва стилларини танлай билиш киради. Мулоқот маданиятини ошириш учун одамда илк ёшликдан бошлаб бошқа одамларга ҳурмат ва самимият билан муносабатда бўлишни, уларга ҳамдардлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик қилиш қобилиятларини шакллантириб бориш керак бўлади. Мулоқот энг аввало одамни одам томонидан идрок қилишидан бошланади, унда дастлабки ўзаро баҳолаш амалга ошади, дастлабки ҳиссий-интеллектуал муносабатлар шаклланади ва шундан сўнг тегишли мулоқот шакли амалга оширилади. Бу жараёнда одам ҳақидаги маълумот, идрок етилаётган одамнинг ҳаётий тажрибаси, у ёки бу муносабат шаклини ёқтириши ёки ёқтирмаслигини юзага келтирадиган бевосита эмоционал муносабатлар муҳим рол ўйнайди. Мулоқотда буйруқ оҳангининг устунлиги, дўқ-пўписа оҳангида кескин шаклда муомалада бўлиш, суҳбатдош номига тез-тез билдирилиб туриладиган еътирозлар, унинг хатти-ҳаракати ва фикрларидан норозиликни ифодалаш, йўл бермаслик ва тажовузкорликни намоён қилиш, оилада ўзаро рақобат (ёки ҳукмронлик-бўйсинувчанлик) муносабатларини юзага келтиради.

Бефарқлик, эътиборсизлик, қўполлик, бемеҳрлик, беҳурматлик кабилар оиладаги самимий мулоқотга путур етказади. Агар аксарият ҳолларда илтимослардан, маслаҳатлардан, ўзаро келишувли савол-жавоблардан, ўз ниятистакларини, хатти-ҳаракатларини хотиржамлик билан баён қилиш усулидан фойдаланилса, агар оилада ўзаро ёрдам, ўзаро тушуниш, бир-бирларига ён бериш одат бўлса, унда бундай оилаларда дўстона муносабатлар ўрнатилади, оилавий ҳаёт учун энг мақбул бўлган психологик муҳит юзага келади.

Одамлар ўртасида бир-бирларини тушунишнинг этишмаслиги кўпинча мулоқотдаги тўсиқ, шахслараро муносабатларни бузилишининг сабаби бўлиб ҳисобланади. Бизлар бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатларимизда нима учундир, ўзимизнинг фикр-ўйларимиз, ниятларимиз суҳбатдошимизга аён деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари ҳамма одамлар ҳам болалигидан бошқа одамларнинг эмоционал ҳолатларини ҳис қилиш, уларни кўриш, улар билан ҳисоблашиш, уларни тушунишга интилишга ўргатилавермайди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолатларда ҳатто бир-бирига энг яқин, бир-бирига зид манфаатларга эга бўлмаган одамлар ҳам ҳаётда бир-бирига нохушликларни етказиши мумкин. Албатта, бу ишларни улар бир-бирларига ёмонлик, ёвузлик қилиш ниятида, ёки ўзлари ёвуз одамлар бўлганликлари учун эмас, балки, шунчаки бир-бирини тушунмаганликлари «нима қилаётганликларини билмаганликлари» учун содир этадилар. Шунга ўхшаш ҳолатлар одамларнинг ўзаро муносабатлари, мулоқотларида ўзига хос тўсиқ вазифасини бажаради.

2. МУЛОҚОТ ЖАРАЙОНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТЎСИҚЛАР

Ижтимоий психологлар мулоқот жараёнида юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларнинг қуйидагиларини фарқлайдилар: психологик, вазиятли, мазмуний ва мотивацион тўсиқлардир.

Психологик тўсиқ — бу шеригига маъқул тушмай қолиш, тушунилмай қолишдан қўрқиш, у томондан инкор етилиш ва калака қилинишдан ёки кескинликдан қўрқиш, энг эзгу ҳисларини ва ниятларини самимий изҳор этишига жавобан қўполлик билан жавоб берилиши мумкинлигидан хавотирланиш кабилар туфайли

интеллектга оид, меҳрибонликка оид, кучга оид шахсий имкониятларини намоён қилиш ва амалга оширишга халақит берувчи, ўзига ҳос ички психик тормоздир.

Вазиятли тўсиқлар — бу суҳбатдошларнинг бир хил вазиятни турлича тушунишлари, унга турлича ёндашишлари билан боғлиқ.

Мазмуний тўсиқлар — одатда суҳбатдошини тушунмаганлик туфайли, унинг мазкур жумласи қандай маънода айтилгани, у қандай фикрни илгари сураяпти, нимани назарда тутаяпти, нимага олиб боради ва шу каби мулоҳазаларга бориш туфайли юзага келади.

Мотивацион тўсиқлар — шундай вазиятларда юзага келадики, бунда гапираётган одам ё ўзи баён қилаётган фикрнинг мотивини етарлича англай олмайди ёки у атайин уларни (асосий мотивни) яширишга ҳаракат қилаётган бўлиши мумкин.

Булардан ташқари мулоқотга тўсиқ бўлиб, суҳбатдошларни психологик маданиятлилик нуқсонларидан бири, яъни уларнинг на эшитишни ва на тинглашни билмаслиги, «тескари алоқанинг» йўқлиги хизмат қилиши мумкин. Одамлар ўртасидаги суҳбат кўпинча уларда ақлнинг этишмаслиги туфайли эмас, балки уларнинг худбинлиги туфайли: ҳар бири ўзи ҳақида ёки ўзини қизиқтирадиган масалалар ҳақида гапиришга интилишлиги туфайли кутилганидек амалга ошмай қолиши мумкин. Оқибатда битта «ақлли» диалог ўрнига, иккита беҳуда, ҳатто зарарли монолог амалга ошади. Шунинг учун ҳам мулоқотга, суҳбатлашиш санъатига ўрганиш, ижтимоий-психологик маданиятни эгаллаш, ўзи, ўз кайфияти ва ҳиссиётларини бошқара олиш, билим ва малакаларини ишлаб чиқиш, ўз гапи билан суҳбатдошини қизиқтира олиш қобилиятини ривожлантиришга еришиш керак. Бироқ, бунинг учун биринчи навбатда ҳар қандай мулоқотнинг умумий қоидаси: бошқа одамларнинг, ўз суҳбатдошларининг

эҳтиёжлари, хоҳишларини қондира оладиган одамгина ҳурматга ериша олишлигини ёдда тутиши лозим.

3. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Ёш оилаларда эр-хотин муносабатлари ўзига хос ҳудудий, этник, жинсий, ёш ва индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлган эр-хотин муносабатлари шаклланишининг энг нозик ва ҳал қилувчи шакли ҳисобланади. У ёки бу ёш оилага хос бўлган эр-хотин муносабатлари бошқа бир эр-хотинга мос келмаслиги

мумкин. Чунки ёш оилани юзага келтирган эр-хотинлартурли хил шахслараро муносабатлар тизими, турлича таомилга эга бўлган оилаларда тарбияланган, шахс сифатида шаклланган индивидлардан ташкил топади. Лекин шунга қарамасдан махсус психологик тадқиқотларда ва улардан олинган натижалар асосида ёзилган илмий психологик адабиётларда ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишининг умумий механизмларга оид тегишли маълумотлар келтириб ўтилган. Умуман ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг қай тарзда ривожланиши аввало шу ёш оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ олди омилларининг характерига, шу оилаларнинг юзага келиш шарт-шароитлари билан узвий боғлиқдир. Булар ҳақида олдинги мавзуда қисман тўхталиб ўтдик. Албатта, ёш оила юзага келар экан, улар бир-бирларини севиб турмуш қуришганми, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, совчилик, ҳисоб туфайлими ёки стереотип бўйичами, қандай

бўлишидан қатъи назар никоҳнинг илк кунларида уларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ўзаро муносабатларида, эр-хотин ўртасидаги шахслараро муносабатларда эмоционал кўтаринкилик, ҳиссий ранг-баранглик даражаси юқори бўлади. Бир-бирларини маълум бир муддат севишиб оила қурган жуфтларда бундай эмоционал кўтаринкилик даражаси ниҳоятда юқори бўлади. Чунки улар бир неча йил кутиб, интилиб яшаган, висол дамларига ниҳоят этишган бўладилар. Бундай жуфтлар никоҳи бошида эр-хотин ўртасидаги шахслараро муносабатларда кўтаринкилик, бир-бирларига эмоционал интилиш жуда юқори даражада бўлади. Нафақат севишиб оила қурганлар, балки деярли барча мотивларга кўра оила қурган ёшларда ҳам никоҳнинг бошида эр-хотин ўзаро муносабатларида бир-бирига яқинлик, бир-бирини қадрлаш, ҳурмат қилиш нисбатан юқори бўлади. Уларнинг бир-бирларига, ўз никоҳларига, ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари ҳақидаги ният, орзу, умидлари езгу, ижобий бўлади. Чунки ҳеч ким ва ҳеч қачон эрта га бўлажак турмуш ўртоғим, янги оиламнинг янги аъзолари билан низо-жанжалга бораман, улар билан уришаман ва охир-оқибатда оилам бузилиб, ажрашиб кетаман, деб оила қурмайди (Айрим ҳолларда мажбуран оила қурганлар бундан мустасно). Инсон оила қурар экан аҳил-иноқ яшаб, мурод-мақсадга этишишни орзу қилади, никоҳ арафасида ва никоҳ кечаси ҳам барча яқин биродарлар, қариндош-уруғлар, тўйга таклиф буюрган меҳмонлар ёшларга эзгу ниятлар билдирадилар. Шунингдек, ёшлар оила қуриш арафасида ва никоҳларининг дастлабки кунларида турмуш ўртоғи тимсолида, ўзининг шу орзу-истакларига, мурод-мақсадларига этишишда ёрдам берувчи, уни қўллаб-қувватловчи, уни ҳар сония, ҳар онда тушунувчи ўз табиатига яқин одамини тасаввур қилади ва унга имкон қадар шундай ижобий, илиқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Бироқ ҳаётда, айниқса, оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам одам кутганидайин бўлавермайди. Оилавий ҳаётнинг ўзига яраша нотекисликлари, паст-баландликлари, мураккабликлари, муаммолари бўлади. Шундай мураккабликлардан бири ёш эр-хотиннинг янги ижтимоий статусга, мавқэга: эр, куёв, уйланган, оилали йигит, хотин, келин, турмушга чиққан аёл ролларига, ўзлари учун янги бўлган ижтимоий муҳитга, янги оилага мослашиш жараёни билан боғлиқ. Хўш бу янги шароитларга мослашиш жараёни кимда қандай кечади? Албатта, бу жараён эркакларда аёлларга нисбатан енгилроқ кечади. Чунки улар, ўзбек оиласининг этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аксарият ҳолларда ернинг уйида, унинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан яшайди. Яъни йигит уйланганидан кейин ҳам ўз оиласида, ўз яқинлари ва ўзи учун олдиндан одат бўлиб қолган оилавий, шахслараро муносабатлар тизимида қолади. Аёл кишининг эса никоҳдан кейинги ҳолати, олдингисидан кескин фарқ қилади. Биринчидан, у ўзи учун деярли янги бўлган, олдингисидан тубдан фарқ қиладиган муҳитга тушади. У ўзига хос шахслараро муносабатлар тизими, роллар тақсимоти, ўзига хос «хулққа» эга бўлган ўзининг қизлик оиласидан, бошқа бир оилага, бошқача бир шахслараро муносабатлар тизимига эга бўлган янги оилавий муҳитга тушади. Ундаги мавжуд турмуш тарзи олдингисига мос тушмайди, бундаги оилавий роллар тақсимоти ҳам олдингисига ўхшамайди, у ердаги маълум бир ишни бажариш тартиби, у ёки бу ишга қўйиладиган талаблар ҳам олдингисига ўхшамайди. Бунинг устига ёш оилада ёш келин зиммасига юклатиладиган вазифалар ҳам уни қизлик вақтида бажарадиган ишларидан ҳам

миқдор, ҳам мазмун жиҳатдан тубдан фарқ қилади. Янги ижтимоий шароитга мослашиш жараёнининг ўзбек оилаларида аёл киши учун қийин кечишининг асосий сабабларидан яна бири унда ёш келин юқорида айтиб ўтилган вазиятларга тушиши билан бирга уларда бу янги оилада келин ўзини «бегона» деб ҳис этишидир, яъни ундаги «бегоналик еффекти»нинг мавжудлигидир.

Юқорида келтириб ўтилганлардан кўриниб турибдики, ёш оила юзага келганидан сўнг унда эр-хотин муносабатларининг «кутилганидек» ривожланишига халақит қиладиган кўплаб ижтимоий психологик, этник, ҳудудий, жинсий омиллар борки, ёшларимиз буларнинг барчаси ҳақида олдиндан хабардор бўлишлиги ва уларнинг

салбий таъсирларини юмшатиб, ижобий жиҳатларини ривожлантиришга тайёр бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, энг эзгу ниятлар билан оила қурган ёшларда эр-хотиннинг шахсий муносабатлари бахтга қарши яхшидан ёмонга қараб ривожлана бошлайди. Чунки никоҳнинг бошида кузатиладиган эр-хотин ўртасидаги кўтаринки эмоционал яқинлик аста-секинлик билан пасайиб, улар ҳиссиётларининг ўтмаслашуви рўй беради. Бу ҳолатлар албатта ҳар қандай оилада шахслараро муносабатлар ривожланишининг ўзига хос динамикасини ташкил қилади. Бу ҳолатдан воқиф бўлиш ва унинг ўзгаришларига тайёр туриш ёш оилаларда юзага келиши мумкин бўлган айрим кўнгилсизликларнинг олдини олишга асос бўлади.

1. ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Эр-хотинларнинг оиладаги мулоқоти, шахслараро мулоқотнинг умумий қонуниятларига бўйсуниш билан бирга, даставвал ишдан ташқари, бўш вақтларини биргаликда ўтказиш билан шартланган ўзига хос хусусиятларига ҳам эга. Ҳамкасблар, ўртоқлар, дўстлар ва севишганлар ҳамма вақт ҳам бирга бўлиш имкониятига эга эмаслар, қайтанга, ўз мулоқотларини ўзлари хоҳлаган вақтларида бироз камайтириб, ҳатто узиб (тўхтатиб) қўйишлари ҳам мумкин (учрашувга бориши лозимлигини «унитиб» қўйиш, кутилмаганда «жуда банд» бўлиб қолиши

мумкин ва ш.к). Эр-хотинларэса кўпинча бундай имкониятлардан маҳрумдирлар. Улар бир хонадонда, кўпинча бир хонада бирга бўлишга «маҳкум» этилган. Албатта, бу гаплар кўпчилик ёшларимизда (айниқса, бир-бирларини севувчи ёшларда) тушунмовчилик, ишонмаслик, еътироз туғдириши мумкин, чунки улар, ўзинг учун азиз, севимли бўлган одам билан бирга бўлиш, унинг ёнида бўлиш «мажбурияти» бу энг орзиқиб кутилган орзунинг рўёбга чиқиши-ку деб ҳисоблашлари мумкин. Бироқ бу «маҳкумлик» билан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин эмас. Турли аҳоли турар жойларида, маҳаллаларда, қўни-қўшнилар ўртасида кўпинча фақат аёллардан ёки фақат эркаклардан иборат «компаниялар» ҳам беҳудага юзага келавермайди. Қадимий, афсонавий Спарта қонунчилигида эр-хотинларни ишқий муносабатларининг совуқлашиб кетишидан сақлаш мақсадида уларнинг мулоқотлари имкон қадар чегаралаб қўйилган. Унга кўра ерлар хотинларидан ажратилган ҳолда, яъни эр ва хотин бошқа-бошқа яшаганлар ва улар фақат овлоқ жойлардагина, «бегона кўзлардан» яширин тарзда учрашиб туришлари мумкин бўлган. Бу тадбир нафақат Спарта жангчилари ўзларининг жанговар руҳларини йўқотмаслиги, ўзларининг ёш хотинлари билан машғул бўлиб қолмасликлари учунгина эмас эди. Бунда «тақиқланган мева» эффектидан фойдаланилган. Учрашишларнинг қийинлиги, худди тузсиз таомга туз,

зираворлар қанчалик маза берганидек, эр-хотинларнинг бир-бирларига ҳиссий яқинлигини сезиларли даражада кучайтиради, никоҳ ришталарини мустаҳкамлайди. Ёки Шекспирнинг қаҳрамонлари Ромео ва Жулетталар ҳам, агар улар унаштирилганларидан сўнг барча қулайликлари билан алоҳида «кошона» берилганда эди, улар ўзларини бошқача тутган бўлишарди. Доимий мулоқот бир хиллик кўринишини юзага келтиради, табиийки, бундан ҳаётдаги кундалик икир-чикирлар кўпаяди, айни вақтда чуқур ҳиссиётлар ўз обектининг яқинлиги туфайли кундалик одатлар шаклини олади. Одамлар бир-бирларидан бироз муддат айри яшашса ҳаммаси жойига тушади: муҳим тўсиқлардек туюлган нарсалар арзимаган майда-чуйдаларга айланиб қолади, қисқа муддатли ҳижрон таъсирида чуқур ҳиссиётлар кучаяди ва яна ўзига яраша кучга эга бўлади.

Эр-хотин мулоқоти, муомаласининг ўзига хос нозик жиҳатларидан яна бири уларнинг бир-бирлари билан етарли даражада интим муносабатларда бўлишлигидир. Бу албатта, уларнинг ўзаро муносабатида шубҳасиз ўз изини қолдиради. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бизни болаликданоқ олган ўзига хос тарбиямиз жинсий муносабатлар, жинсий мулоқотга номаъқул уят, гўёки ахлоқсиз ҳодисадек қарашга мажбур қилади. Биз жинсий мойилликни узоқ вақт бир ёқлама паст, шармандали, одам ҳиссиёти учун ноўрин нарса деб атаб келганмиз (баъзилар ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди). Нима учун шундай бўлган? Чунки у ҳайвонлар учун ҳам одам учун ҳам умумий. Бироқ, очлик ҳам, чанқоқлик ҳам ҳайвонларда қандай бўлса, одамда ҳам шундай бўлади. Аммо бизнинг ахлоқ ва одатларимиз, маънавиятимиз доирасида улар ҳақида нафақат ошкора гапириш, балки уларга бўлган эҳтиёжларни бошқаларнинг иштирокида, кўз ўнгида қондириш мумкин, яъни улар одамларга хос деб қабул қилинган. Нима бўлган тақдирда ҳам биз ўзимизнинг «ҳайвоний» табиатимиздан барибир қутула олмаймиз. Бунда ҳаммаси бу ҳисларнинг юзага келишига эмас балки, уларни қачон, қаерда, қандай шароитда ва қандай тарзда намоён қиламиз, биз уларга сўзсиз бўйсунадиган қуллармизми ёки мулоҳазакор ва меҳрибон хўжайинлармизми, мана шунга боғлиқ. Одамлар оила қуришар, никоҳдан ўтишар эканлар, табиийки, сексуал муносабатларга киришадилар. Энди никоҳдан кейин бу «мумкин». Бироқ болаликдан жинсий алоқа, жинсий акт ҳақида қандайдир бир «ёмон» нарса деб тасаввур қилиб тарбияланганлик, айрим эр-хотинларга онг остида бўлсада, халақит қилади ва бу баъзан уларнинг бир-бирларига ахлоқсиз қилиқларни қилишда ўзига хос шерик деб қарашга мажбур қилади. Вақт ўтиши билан эр-хотинларнинг бир-бири олдидаги «сир асрорлари тобора очилиб» бораверади. Афсуски, шу бир-бирлари учун ошкоралашиб бориши фақат маълум бир зарурий чегарадагина амалга ошади. Озода, мулойим, эҳтиёткор йигит енди ўзига қарамайдиган, бефаросат, қўпол ерга айланади. Озода, бежирим, дид билан кийинадиган, камтарин, нозик қиз, бўлажак келин енди беўхшов кийинган, ўзига қарамайдиган, вайсақи хотинга айланади. Унинг олдинги жозибаси, гўзаллиги гўёки «йўқолади». Ҳар бир халқда, ҳар қайси замонда гўзалликнинг ўзига хос белгилари, эталонлари бўлади. Гўзаллик ва гўзал эмаслик ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан сўзсиз ўзгаради. Бироқ, умумхалқ томонидан қабул қилинган ва еътироф этилган гўзаллик эталонлари билан бир қаторда индивидуал, шахсий, хусусий эталонлар ҳам бўлади. Айтишларича, бойўғли қушларнинг орасида энг гўзаллари унинг болалари эканлигидан мақтанар экан, чунки «уларнинг

ҳаммасининг қулоқлари узун, боши катта, умуман ўта гўзал» экан. Ким билади, бу борада кабутар нима деган бўлар экан. Айнан шу сабабга кўра халқ ичида типратикон ўз боласини юмшоғим, қўнғиз боласини оппоғим дейди, — дэган мақол бор. Шунинг учун маълум бир намунага ўзини уриш, ўзини ўшандай бўлишга мажбурлаш керак эмас. Ҳар жойнинг ҳам ўз тош-у тарозуси, ўлчами мавжуд. Хотинини севувчи ер учун унинг хотини (ёки эрини севувчи хотин учун унинг ери) умумий эталонга мос келадими ёки йўқми, бундан қатъи назар кўпинча энг гўзал, чиройли, келишган одам деб тасаввур қилинади. Айнан мана шу гўзалликни ўзига хос «зираворлар»: кийимлар, соч турмаги, хаттиҳаракат, имо-ишоралар, қилиқлар, сўзлар ва шу кабилар билан сақлаб қолиш керак бўлади. Уни нафақат «халқ ичида» балки уйда ҳам сақлаш керак.

Интим муносабатлар. Бу нафақат сексуал муносабат, нафақат жинсий алоқа, балки анча очиқ, яқин, маънавий мулоқотдир. Интим (французз тилида — интиме — «яқин», «қулай», «кўнгилдан», лотинчада интимуз — «чуқур», «чин дилдан») мулоқотлар дейилганда, психологияда шундай мулоқотлар тушуниладики, унда одам бошқа одам олдида қандайдир бир ижтимоий ролни (раҳбар ёки ходим, сотувчи ёки врач ва шу каби) бажарувчи эмас, балки айнан «ягона» шахс сифатида — нодир, такрорланмас мавжудот сифатида намоён бўлади, бунда у мутлақо ошкора, очиқ, ҳеч нарсадан қўрқмай, ўзининг ички олами, ўзининг барча хусусиятларини уялмасдан намоён қила олади. Бундай мулоқотда суҳбатдош одамлар ўртасида чуқур ва кенг ўзаро ошкоралик (жисмоний, психологик, шахсий, маънавий) амалга ошади. Бунда суҳбатдошларнинг танаси, фикри, ҳиссиёти, характери ва ҳаётий режалари, қадриятлари ва фикрлари очилади.

Интим муносабатларга севги, дўстлик, душманлик, ёлғизлик кабиларни киритиш мумкин. Бироқ интим мулоқотлар нафақат исталган мулоқотлар сифатида, балки хавфли, «қўрқинчлироқ» мулоқотлар сифатида ҳам идрок қилиниши мумкин. Бу мулоқотлар тушуниш ва ҳамдардликка, ўзаро қўллаб-қувватлаш, далда бериш, бир-бирини тушунишга бўлган эҳтиёжларни қондиради. Шу билан бирга эр-хотин ўртасидаги мулоқот жараёнида томонлар ўз ҳиссиётларини, ички кечинмаларини жиловлашга, фош бўлиб қолишдан, пинҳоний туйғуларини очилиб қолишидан ҳайиқиш ҳисси намоён бўлади. Шунинг учун айрим одамлар мулоқотда кўпчилик томонидан қабул қилинган мулоқотлар даражасида қолишга ҳаракат қиладилар. Бунинг боиси, аввало одамнинг ички кечинмаларини ошкора қилиб қўйишдан қўрқиш ёки жуфти олдида ўзини «фош» қилиб қўйишни хоҳламаслик, ўзини пинҳоний, ҳатто ўзи ҳам ўзида кўришни истамайдиган хислатларни фош қилиб қўйишдан қўрқишдир. Одамларнинг «ташлаб кетилишдан» қўрқиши ҳам шу билан боғлиқ (ўзини борлиғини ошкора қилиб қўйганингдан сўнг сен жуфтинг учун қизиқарли бўлмай қоласан, у сени барча хислатларингни билиб, кўриб бўлганидан сўнг, сэнга қизиқмай қўяди ва сени ташлаб кетиши мумкин), «жиддий танбеҳлар»дан қўрқиш (бунақа еркин, ошкора, очиқ мулоқотда ўзинг ҳақингда шеригинг ёки бирор-бир муҳимроқ масала ҳақида бирор-бир ножўя гапни «гапириб», «лақиллаб» қўйишинг мумкин). Булардан ташқари мулоқотларнинг интимлигидан (яқин бўлишидан) кўпинча ўзининг ажратувчи (деструктив), бузувчи импулсларидан қўрқиш ҳам ушлаб қолиши мумкин. Интим мулоқотларда биз хулқнинг ижтимоий меъёрлари, ижтимоий тақиқларга энг кам даражада боғлиқ бўламиз ва шунинг

учун ўзимизга энг яқин одамга нисбатан бўлган муносабатларимизда биз ўзимизни шундай тутишимиз мумкинки, бошқа ҳеч бир одамга нисбатан ўзимизни бунақа тута олмаймиз. Ниҳоят, мулоқотларнинг интим бўлишидан, айрим одамларни бошқа одамнинг индивидуаллигига ҳаддан ташқари ортиқча киришиб, қўшилиб кетиш, бошқа одамга «аралашиб», сингиб кетиш туфайли ўзининг индивидуаллигини йўқотиб қўйишдан қўрқиш ҳам ушлаб туради. Шунинг учун «бирлашишдан олдин ва бирлашиш учун дастлаб чегарани, алоқаларни яхшилаб белгилаб, аниқлаб олиш» ўз индивидуаллиги ва шахсини мустаҳкамлаб олиш лозим. Эр-хотинларнинг оиладаги мулоқотининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у маълум даражада кундалик, маиший прозаик фонда амалга ошишидир. Бошқа одамлар, бошқа эркаклар ва аёллар билан бўлган мулоқотда биз кўтаринкиликни, уйда эса унинг ошхонасини кўрамиз. Булар эса бир-бирларидан жуда узоқ ва одамларга турлича талабларни қўядиган тушунчалардир. Психологлар мулоқотнинг ўзига хос уч хил коммуникатив позициясини фарқлайдилар. Булар: «ота ёки она» «катта одам», «бола». Уларнинг ҳаммаси бир одамда мужассам бўлиши мумкин.

«Ота ёки она» позициясида бўлиш, бу ўзининг бошқалардан устунлигини англаш, рағбатлантириш ва жазолаш ҳуқуқига эгаликни ҳис қилиш демакдир. «Ота ёки она» нинг мурожаати одатда панд-насиҳатли, еътирозга ўрин қолдирмайдиган, узил-кесил бўлади, у ўзи буни доимо намоён қилавермасада, бироқ ўзига ҳурматни талаб қилади. У тартибни назорат қилишни ва одамларни бошқаришни, жуфтига, «оталарча» («оналарча») унга ҳомийлик қилиб, худди заифроқ одамга ёндашгандек ёндашишни ёқтиради.

«Катта одам» позицияси одамнинг атрофидагилар билан тэнг даражада мулоқотда бўла олишни билдиради. Атрофдагиларга ўз ҳукмронлигини ҳам ўтказмайди ёки ўзига нисбатан маъқулловчи» муносабатни ҳам кутмайди.

«Бола» позициясида одам хафагарчиликка юқори сезгирликни, кўнгли бўшлик, осон ишонувчанлик, ўйинқароқлик, инжиқлик, бошқалардан меҳр олишни исташ, сезишни, кучлироқ одам томонидан паноҳ тутишни ва шу кабиларни намоён қилади. Агар шу позициялар ўзаро мувофиқ келса ва ўзаро мос бўлса, масалан кимдир жуфтига нисбатан бўлган муносабатда «оталик» ёки «оналик» позициясини туца-ю, иккинчи томон эса бажонидил «болалик»ни намойиш еца — бу яхши, агар иккита «катта одам» позицияси ўзаро тўқнаш келса, бу ҳам яхши, бироқ оилада иккита «ота» («она») дуч келиб қолинса, унда уларнинг мулоқотида зўриқиш, низоли вазиятларнинг юзага келиши муқаррар.

Низоли вазиятлар одатда узоқ вақтлар давомида этилади, шунинг учун оқил ва тажрибали одамлар уларнинг дастлабки аломатларини ўз вақтида пайқаб, уларга лозим даражада муносабат билдириб, уларни бартараф қилиши ёки мумкин қадар заифлаштириши мумкин.

2. ЭР-ХОТИНЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Биз юқорида оилада шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологиясига тегишли масалаларга қисман тўхталиб ўтдик. Энди эса мазкур масалада ёш оила мезонлари ҳақида фикр юрицак. Психолог ва социологларнинг фикрича, келин-куёвларнинг ёши 30 дан ошмаган биринчи никоҳдагилар ёш оила ҳисобланади. Одатда ёш оила тушунчаси оилавий ҳаётнинг дастлабки 10 йилини ўз ичига олади. Никоҳдан ўтиб, оила қурилгандан сўнг у бир неча босқичларни босиб

ўтади. Шулардан энг кўп кузатиладигани социал ва психологик жиҳатдан катта аҳамият касб этадиган ҳам айнан шу ёш оила босқичига тўғри келади. Бу босқичда эр-хотинларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланади, фарзандлар дунёга келади, уларни тарбиялаш, вояга етказиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар амалга оширилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан ёш оилалар, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ва уларда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлаш янги оиланинг барқарорлигини таъминлашга имкониятлар яратиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳокама учун саволлар:

1. Оилада мулоқот ҳақида нималарни биласиз?
2. Оилавий муносабатлар психологияси дэганда нимани тушунасиз?
3. Одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнини кўрсатинг.

А) Меҳнат. В) Таълим. С) Муносабат. Д) Ўйин. Е) Малака.

4. Муносабатнинг қуйидаги учта жиҳатини кўрсатинг, номланг ва улар моҳиятини очиб беринг.
5. Педагог ва Ўқувчилар жамоаси ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мазмунан ахборот айрибошлашдан ўқув-тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатлиликни ташкил этишдан иборат системаси усуллари ва малакалари қандай номланади?
6. Муносабат ва фаолиятининг бирлиги нимадан намоён бўлади?
7. Муомала турларини таснифланг. Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг. Инсон ҳаёт фаолиятидаги аҳамиятини айтинг.
8. Муомала воситаси нима? Унга боғлиқ равишда халқ мақол ва топишмоқларидан намуналар келтиринг.

Уйга вазифа бериш: «Оилада мулоқот. Оилавий муносабатлар психологияси» мавзуси юзасидан турли хил кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва мавзуни такрорлаш орқали мустаҳкамлаш.

8-МАВЗУ: ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ. АЖРАЛИШ, УНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Фанни ўқитиш технологияси: Оилавий низолар психологияси. ажралиш, унинг сабаб ва оқибатлари мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Оилавий низолар психологияси тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** Оилавий низолар психологияси ҳақида тушунча бериш орқали ўқувчилардаги аҳлоқ-одоб тарбиясини	**Ўқитувчи**

	шакллантириш, низоли вазиятлардан чиқиш йўлларини ўргатиш. ***Ривожлантирувчи:*** Оилавий низолар психологияси таъсири тўғрисидаги тасаввурларини ривожлантириш ***Дарснинг тури:*** Назарий маълумот бериш. ***Дарс жихози:***Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Низо, конфликт, одоб-ахлоқ. Қайнона-келин, овсинлар, эр-хотин. 1.4.**Дарс шакли:** Амалий машғулот, гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** - Оилавий низолар сабабчиси ҳамиша аёллар дейишади. Ушбу фикрни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: *1.* Низо бу нима? *2.* Оилавий низолар сабабини кўсатинг ва таҳлил қилинг. *3.* Оилавий низолар сабабини санаб беринг. *4.* Оилавий низолар сабабчиси деб кўпроқ кимни кўрсатиш мумкин? **4.2.** Фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Оилавий низолар психологияси тўғрисида тушунча.
2. эр-хотин низоларининг келиб чиқиш сабаблари.
3. Оилавий низолар турлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Низо, конфликт, одоб-ахлоқ. Қайнона-келин, овсинлар, эр-хотин.

1-савол. Оилавий низолар психологияси тўғрисида тушунча.

Мавзунинг баёни.

Оилавий низоларнинг энг характерлиларидан бири бу эр ва хотин ўртасидаги низолардир. Хўш, енг езгу ниятлар билан бир-бирларини севиб оила қурган ёшлар нега оила қуришгандан кейин уларнинг ўзаро муносабатларида низо-жанжаллар рўй беради? Улар нима учун урушадилар? Умуман эр-хотинлик ҳаётида низоларсиз, уруш-жанжалларсиз ҳам яшаса бўладими? Бу каби саволларни яна кўп давом еттириш мумкин. Халқимизда бир гап бор: ошсиз уй бўлиши мумкин, лекин низосиз уй бўлмайди. Фақат, низонинг низодан фарқи бор. Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз. Ҳақиқатдан ҳам илк болаликданоқ кўплаб эртаклар ешитиб, кейинчалик ўзлари ҳам уларни турли китоблардан ўқиб ўсган ёшлар ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётларини адекват тасаввур ета олишлари мушкул. Чунки эртакларда ҳам, кинофилмларда ҳам қаҳрамонлар бир-бирларига йетишгунларига қадар не-не машаққатларни, заҳматларни бошларидан кечириб, бу йўлда дуч келган қора кучларни енгиб, охир-оқибатда висолга еришадилар, ел-у юртга «қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй бериб, мурод-мақсадларига еришадилар». Деярли барча эртаклар, филмлар, айниқса, бизнинг ёшларимиз, қизларимиз севиб томоша қиладиган ҳинд филмлари, аксарият ҳолларда шу тариқа якунланади. Бунга сизлар ҳам кўп марталаб гувоҳ бўлгансизлар. Бундан ташқари аксарият муваффақиятли оилаларда тарбия топган йигит-қизлар ўз ота-онаси оиласини, уларнинг турмуш тарзини, бир-бирларга нисбатан бўлган ўзаро муносабатларини ва қатор шу кабиларни ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун идеал деб олишади ва улар ҳам оила қуришганларидан сўнг ўғил болалар худди ўз отасидек ва қизларимиз ўз оналаридек «ота», «она», «ер», «хотин» бўлишни орзу қиладилар. Чунки улар ўз ота-оналари мисолида, бир-бирларига нисбатан салбий муносабатда бўлувчи, бир-бирлари билан низолашиб турувчи эр-хотинларни кўрмаганлар. Мабодо бундай вазиятлар ва низолар юзага келиб қолгудек бўлса ҳам уларнинг ота-оналари бу ҳолатни фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали намунавий аҳил, бахтли оилалар ҳақида бериб бориладиган материалларда ҳам аксарият ҳолларда эр-хотинлик муносабатларини бир ёқлама, фақат яхши томондан кўрсатиш анъаналари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ёшларда оилавий ҳаёт ҳақида бир ёқлама ижобий тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлади. Шундай эртакмонанд тасаввурлар, орзулар оғушида оила қурган ёшлар, ўзларининг оилавий ҳаётларида дастлабки муаммоларга дуч келишлари биланоқ, уларнинг оилавий ҳаётлари ўзлари кутганларидек бўлмаётганлиги, турмуш ўртоғини танлашда «хато қилганлиги», улар олдинги (тўйдан олдинги) ҳолатига нисбатан маълум даражада (албатта) «салбий» томонга ўзгариб қолганлиги кабиларни «тушуна» бошлайдилар. Шунингдек, ёш оилада эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишининг ўзига хос қонуниятлари, айниқса, ёш ўзбек оиласида унинг етник, ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёш келин ва куёвнинг янги

ижтимоий шароитларга мослашиши жараёни билан боғлиқ қийинчиликлар эр-хотин муносабатларида низоли вазиятлар ва низоларни юзага келтириши мумкин. Афсуски, бундай жараёнлар деярли ҳар бир оила учун муқаррар бўлган ва аксарият ёшлар оила қуриш арафасида ўз никоҳларидан кутмаган жараёнлардир. Хўш бу жараёнлар, яъни эр-хотин низолари керакми? Улар эр-хотиннинг ўзаро муносабатларига қай даражада таъсир етади? Ўтмиш донишмандаридан бири ҳақли равишда эр-хотин низоларини гармдорига қиёслаган екан. Гармдори аччиқ, лекин у меъёрда бўлса иштаҳани очади, меъёридан ортиб кетса, оғиз, лаб, тилни куйдириши, нохуш ҳиссиётларни юзага келтириши мумкин. Низоли вазиятлар ҳар қандай оилада у ёки бу даражада юзага келади. Оила қандай бўлишидан қатъи назар низолардан мутлақо холи (ҳимояланган, кафолатланган) бўла олмайди.

Чунки оиладаги шахслараро муносабатлар одатда низосиз бўлмайди. Бу низолар маълум даражада эр-хотин муносабатларини ривожлантирувчи катализатор вазифасини ўтайди. Лекин низонинг низодан фарқи бор. Улар келиб чиқиши, ташқи ифодаланиши, такрорланиб туриш тезлиги (сони) ва ниҳоят оқибатларига кўра бир-бирларидан фарқланади. Бирор-бир махсус мезон йўқки, шунга асосан низоларнинг қайталаниши, кучи, даражаси ва бошқа маълумотлари (кўрсаткичлари)ни аниқ белгилаб бериш (олиш) мумкин бўлса. Бунда ҳамма нарса субйектнинг ўзига, унинг шахсий, психологик хусусиятларига, ёшига, жинсига, унинг қўйилишига, низонинг қандай идрок қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Маълумки, бир-бирларига айнан ўхшаш, мос икки одамнинг бўлиши мумкин эмас, чунки шахс ва унинг индивидуаллиги

такрорланмасдир. Шундай екан икки ва ундан ортиқ шахсдан (индивид)дан ташкил топган оила ҳам икки, уч карра такрорланмасдир. Бир оила учун меъёрида бўлган шахслараро муносабатлар тизими, иккинчи бир оилага мутлақо мос келмаслиги, ёки бирон-бир оила учун у қадар аҳамиятга ега бўлмаган низо ва унинг сабаби бошқа оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида жиддий оқибатлар олиб келиши мумкин ва ҳоказо. Шундай екан жамики оилаларга хос бўлган низолар ва уларнинг сабабларини ягона бир ўлчам ёки характеристика Билан кўрсатиб бериш масаласи ҳам мантиққа тўғри келмайдиган ишдир. Лекин турли тоифадаги оилаларни ўрганиш, улар аъзоларининг ўзаро муносабатларини таққослаш ва шу кабилар асосида айрим нисбий хулосаларга, мулоҳазаларга келиш мумкинки, шу нисбийликдан ҳар бир одам ўзи учун нисбатан «тегишли» хулосалар чиқариб олиши лозим бўлади. Шунинг учун, биз қуйида оилавий муносабатлар, оиладаги низолар ҳақида фикр юритар эканмиз, уларнинг барча оилаларга мутлақ тегишли бўлишлигини (эканлигини) даъво қилолмаймиз. Қуйидагилар ҳам бизнинг нисбий мулоҳазаларимиздир.

Оилавий низолар турлари

1. Эр-хотин ўртасидаги.
2. Қайнона-келин ўртасидаги.
3. Қайнона-куёв ўртасидаги.
4. Овсинлар ўртасидаги.
5. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги.

Оилада юзага келиш эҳтимоли бўлган низо-жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларини ижобий ҳал қилиш учун биринчи

навбатда уларни кимлар ўртасида юз бераётганлигини фарқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Оилавий низоларда кимлар иштирок етаётганига кўра уларни қуйидагича асосий турларга ажратиш мумкин:

- эр-хотин ўртасидаги низолар;
- қайнона-келин ўртасидаги низолар;
- қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- овсинлар ўртасидаги низолар;
- ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.

Албатта, бу рўйхатни янада давом еттиравериш мумкин, лекин биз ҳозирча шу юқорида келтирилганлар билангина кифояланиб, оилавий ҳаётда рўй бериш эҳтимоли нисбатан юқори бўлган низоларнинг енг асосийси бўлмиш эр-хотин ўртасидаги низоларнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Умуман оилада эр-хотин ўртасидаги низоларнинг юзага келиши ва ривожланиши тахминан қуйида келтирилган схемадагидек бўлиши мумкин. Схемадан кўриниб турибдики, ҳар қандай оилада эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида низоли вазиятларнинг юзага келиши муқаррар. Лекин шу низоларнинг характери, уларнинг оқибатларига кўра турли оилалар ва улардаги оилавий муносабатлар бир-бирларидан фарқланади. Шундай екан биз даставвал муваффақиятли ва муваффақияциз оилаларда рўй берадиган низоларни кўриб чиқайлик. Схемада кўриниб турганидек муваффақиятли оилалардаги низолар бириктирувчи ва муваффақияциз оилалардаги низолар еса ажратувчи характерга ега. Шунинг учун ҳам психологик адабиётларда низолар шартли равишда «конструктив» («бириктирувчи») ва «деструктив» («ажратувчи») низоларга фарқланади.

Улар, ўзларининг юзага келишига асос бўлган муаммолар, бу муаммоларнинг ҳал етилиши, кечиниши, иштирокчилари, оқибатлари ва бошқаларнинг характерига кўра бир-бирларидан фарқланади. Бириктирувчи низоларнинг юзага келишига асос бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши ҳам ернинг, ҳам хотиннинг, бутун оиланинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар ҳал этилса, бунинг оқибатида оиланинг умумий манфаатларига оид муаммолар ўз йечимини топади. Бундай низоларга оиладаги тартиб, интизом, озодалик, оила буджетини юритиш, саранжомлик, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бола тарбияси ва бошқа шу каби тоифадаги низолар мисол бўла олади. Улар асосан эр-хотин ўртасидагина юзага келади, уларнинг иштирокчилари ҳам фақат эр-хотинларнинг ўзларигина ҳисобланадилар.

Бундай низоларнинг муваффақиятли ҳал етилишида эр-хотинларнинг бир-бирларини янада яқинроқ билиб, тушуниб, бир-бирларининг салбий ва ижобий хусусиятларини ўрганиб бориш, бир-бирларига мослашиш, муаммоларни ҳал етиш борасида ҳамкорлик қилиш каби оилавий ҳаёт мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилувчи жараёнлар амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, бундай низолар «эр-хотинннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши » каби низолар тоифасига киради. «Дока рўмолнинг қуриши» эр-хотин ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиради. Ажратувчи низоларда уларнинг юзага келишига асос бўлган муаммо ва унинг йечими эр-хотинлардан бирининг манфаатига қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир томон манфаатининг ҳал этилиши кўпинча, иккинчи томон манфаатининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Масалан,

ерни ёки хотинни шахсан ўзи учун бирон нима харид қилиши, ернинг ёки хотиннинг иши туфайли, ўзбек оиласи учун характерли бўлган низолардан бўлмиш ер ёки хотиннинг қариндош-уруғлари билан бўладиган муносабатлар туфайли юзага келадиган низолар шулар жумласига киради. Бундай низоларнинг ҳал қилиниши, яъни бир томон манфаатларининг қондирилиши кўпчилик ҳолатларда иккинчи томон манфаатларининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Бундай вазиятларда манфаати бой берилган томонда норозилик, еътироз сақланиб қолади ва бу кейинчалик яна кучайиб навбатдаги низони юзага келишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ажратувчи низоларда, низо ҳал етилгани билан, низоли вазият сақланиб қолаверади. Шунингдек, ажратувчи низолар уларни юзага келтирган сабаблар бевосита эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари доирасидан ташқаридаги омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Уларнинг сабабчилари ва иштирокчилари ҳам баъзан эр-хотиндан ташқари учинчи одам бўлиши мумкин, уларнинг ҳал етилиши ҳам ерхотинларнинг ўзларигагина эмас, балки шу учинчи (бошқа) одамга боғлиқ бўлади. Буларнинг оқибатида низоларни янада кучайиши, сонининг ортиши кузатилади Ажратувчи низолар, аксарият ҳолларда «чегараланмаган» низолар бўлиб, ўз характери, иштирокчилари, ҳал етилиши ва оқибатларига кўра эр-хотин муносабатлари доирасидан четга чиқади. Бундай эр-хотин низоларига оиланинг бошқа аъзолари: қайнона, қайнсингил, овсинлар ва бошқалар ҳам аралашади. Ижтимоий психологияда гап, сўз, низо ҳақидаги маълумот бир оғиздан чиқиб, кишиларнинг кенг томонига қараб ҳаракатлана бошлайди. Унинг кўлами маълумот манбайидан узоқлашиб, ундан хабардор бўлган ва унга жалб етилган иштирокчилар сони ортиб борган сари кенгайиб бораверади. Ер ёки хотин бир-бирлари билан уришиб қолганларидан сўнг бу ҳақда учинчи бир одамга гапирадиган бўлса, имкон қадар шу низода ўзини айбсиз, ҳақ қилиб кўрсатишга, шу учинчи одамни унинг манфаатларини ҳимоя қилишига оғдириб олиш мақсадида бир ёқлама гапиради. Бунда субйект фойдаланадиган гап-сўзлар, оҳанг, имо-ишора, мимика, урғу ва бошқалар деярли барча вербал ва новербал воситалар рўй бериб ўтган ҳодиса (низо-жанжал)нинг асл ҳолатига қараганда бўрттириброқ идрок етилишини таъминлайди. Низо ҳақида қанчалик кўп одамга гапириб бераверилган сайин, у аянчли тус олган ҳолда авж олиб бораверади ва оқибатда фожиали натижаларга ҳам олиб келиши мумкин Шундай екан, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган низоларга бирдек салбий жиҳатдан қарайвериш ҳам, ёки уларни бирдек оқлаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ёшларимиз оилавий ҳаётда рўй берадиган бириктирувчи низоларга тайёр бўлишлари, уларни бириктирувчилик, эр-хотинни бир-бирларига мослашувларига, уларнинг ўзаро муносабатларининг ривожланишини таъминловчи, уларнинг ҳар иккаловининг ҳам, яъни «биз»нинг манфаатига қаратилган низоларнинг бириктирувчанлик имкониятларидан самарали фойдаланишга, уларни салбий оқибатларга олиб келувчи низоларга айлантириб юбормасликка ўрганишлари лозим. Албатта ажратувчи «мен» характеридаги «чегараланмаган» низоларни олдини олиш, унинг оқибатларидан воқиф бўлишлари ҳам мақсадга мувофиқ. Схемада кўриниб турганидек эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида юзага келадиган конструктив низолар аксарият ҳолларда эр-хотин ўртасида юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларнинг ҳал етилиши, уларнинг ўртасида ҳамкорликнинг юзага келиши ва охир-оқибат эр-

хотин муносабатларининг мустаҳкамланишига олиб боради. Ажратувчи низоларда юқорида айтиб ўтганимиздек, бир низонинг ҳал етилиши (яъни эр-хотинлардан бирининг манфаатининг қондирилиши) навбатдаги низонинг юзага келишига асос яратар екан, ўз навбатида бундай «мен» характеридаги, «чегараланмаган» низолар туфайли эр-хотин муносабатларида низолар «эсколацияси » шаклланиб қолади ва оилавий ҳаёт эр-хотин учун «узлуксиз жанг майдони»га айланиб қолади. Бундай низоли муҳит нафақат шу оиладаги эр-хотиннинг руҳий оламига, уларнинг асаби, соғлиғи, ижтимоий ҳолатигагина эмас, балки шу оилаларда дунёга келиб шундай муҳитда тарбияланаётган фарзандларнинг руҳий оламига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бундай оилаларда ҳукм сурган низоли вазият, доимий жанжаллар меҳр-оқибатизлик, ўз асоратини фақат шу оилаларнинг ўзидагина қолдирмай, балки шу оила фарзандлари томонидан тузилажак кейинги авлод оилаларига ҳам ўз асоратини олиб ўтиши мумкин. Эр-хотин муносабатларида низоларнинг ривожланиш йўли тасвири берилган схемадан кўриниб турибдики, янги юзага келган оилаларда эр-хотин муносабатларининг у ёки бу тарзда ривожланиши оқибатида шартли равишда тўрт хил оилалар шаклланиб боради. Булар: ўзаро муносабатлари мустаҳкамланган оилалар; муносабатлари вақтинча мустаҳкамланган оилалар; янги низолар юзага келиб ва такрорланиб турадиган (низоли) оилалар; ва ниҳоят муносабатлар узил-кесил бузилиб ажралишиб кетган оилалар. Буларнинг орасида энг мақбули — 1-тоифа оилалар. Ёшларимизнинг ҳар бири шундай мустаҳкам оила қуришга интилишлари лозим. 2-тоифа оилалар муносабатлари вақтинча мустаҳкамланган оилалар. Бундай оилаларда бўлиб ўтган низолардан сўнг эр-хотинлар ўз вақтида бўлиб ўтган низолар, зиддиятлардан тўғри хулоса чиқаришиб, ўз хатоларини вақтида англаб етиб, бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилсалар, уларда ҳам ўзаро ҳамкорлик юзага келиши мумкин. Агарда қулай шарт-шароитлар юзага келмаса, эр-хотинлар ўз хатоларини тушуниб етиш ва уларни тузатиш борасида йетарлича билим, тажрибага эга бўлмасалар, ёки бу хатоларни бартараф қилишни хоҳламасалар, шунингдек, уларнинг катта ёшдаги қариндош-уруғлари, яқинлари ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларга умумий йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бермасалар, ва аксинча ёш оила ҳаётига ноўрин аралашгудек бўлсалар (афсуски бундай ҳолатлар ўзбек оилаларида тез-тез учраб туради), бундай ҳолларда вақтинчалик эришилган зўриқишларнинг пасайиши кейинчалик яна янги низоларнинг юзага келиши билан авж олиб кетиши мумкин. Учинчи тоифа оилалар низодан кейинги вазият характерига кўра: «низолар қисман ҳал қилинадиган зўриқишларнинг кучайиши янги низонинг юзага келиши _ улар яна қисман ҳал қилиниши» занжиридаги оилалар бу тўрт тур оилалар ичида энг характерлиси ва жиддий эътибор талаб қилинадиганидир. Чунки айрим оилалар (4-тоифа) эр-хотин муносабатлари ёмонлиги, низолар чуқурлашуви, зўриқишлар кескинлашуви (ҳатто айрим ҳолларда арзимаган нарсалар) туфайли бузилиб кетиши мумкин. Албатта, ажралиш ҳодисаси бу никоҳ оила муносабатлари учун аянчли. Айниқса, бундай ҳолларда оилада фарзандлар бўлса, улар отасиз ёки онасиз қолишади. Ажралишдан сўнг ҳар икки томоннинг ижтимоий аҳволи кескинлашади. Лекин биринчи маротаба оиласи бузилган одам келгуси сафар ўз хатоларини тузатиши, балким кейинчалик «ўз тенгини топиб» бахтли ҳаёт кечириб кетиши ҳам мумкиндир. Бироқ 3-тоифа оилаларнинг ўзбек етноси учун

характерли яна бир жиҳати шуки, ўзбекларда, шунингдек, тожик, қирғиз, қозоқларда ҳам оилаларнинг бузилиб кетиш ҳолларига бошқа, йевропа халқларида бўлганига нисбатан салбий муносабатларда бўлиш анъаналари кучли. Яъни ажралиш жамоатчилик фикрига кўра қораланади. Бунинг устига ўзбек оилаларида қариндош - уруғ чилик никоҳлари бошқа қардош миллатлар оилаларига қараганда кўпроқ учрайди. Мабодо бундай оилаларда эр-хотин муносабатлари кутилган тарзда ривожланмаса, яъни улар низожанжалли, бир-бирларини тушунмайдиган, бир-бирларига мос тушмайдиган, психологик қовуша олмайдиган бўлсалар ҳам «оила бузилмасин», «қариндош-уруғчилик узилмасин» қабилида иш тутиб, қандай қилиб бўлмасин оилаларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

Ҳозирги вақтда никоҳ-оила муносабатлари заминида юзага келадиган нохуш ҳодисалар, ҳар хил асаб бузилишлар касалликларнинг келиб чиқиши, ҳар хил жиноятлар, қотилликлар, ўз жонига қасд қилиш, хиёнат, болалар тарбиясининг бузилиши ва шу каби қатор кўнгилсизликларнинг аксарияти шу 3-тоифа оилаларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам нафақат ёшларимиз балки фаолияти бевосита никоҳ-оила муаммолари билан боғлиқ бўлган мутасадди ходимлар, маҳалла, ҳокимият вакиллари, катта ёшдагилар ҳам ҳозирги замон оиласининг ижтимоий психологик хусуиятлари, эр-хотин низолари, оилавий низолар психологияси ҳақида тегишли маълумотларга ега бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Ёшларимиз еса эр-хотин низоларини жиддий, аянчли оқибатларга олиб келувчи: ажратувчи «мен» характеридаги «чегараланмаган» турларидан огоҳ бўлиши, ўз ҳаётларида шу тоифа низоларнинг юзага келтирмаслик, уларнинг олдини олиш ва бартараф етиш борасида зарур бўлган билим ва маълумотларга эга бўлишлари лозим.

ОТА-ОНАЛАР ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАР

Бундай келишмовчиликлар учун замин бўлиб қуйидагилар хизмат қилади.

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқнинг ҳисобга олинмаслиги.
2. Ёшларнинг бўш вақтини мустақил ташкил етиши, дўстлар танлашдаги мустақиллиги, ҳиссиёт соҳасидаги мустақиллиги, модага, бугунги кун талабига мос кийиниши, касб танлашдаги мустақиллиги, умр йўлдоши танлашда мустақиллик учун отаоналари билан баъзан кураш олиб боришнинг хуш келмаслиги.
3. Ота-оналар ичкиликка ружу қўйиши ёки ор-номусни йиғиштириб қўйиб, бузуқчилик қилиши.
4. Баъзи болаларни меҳнат қилишга ўргатилмаганлиги ва бунинг оқибатида енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиши.
5. Айрим ёшларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши ва ҳоказо.
6. Ота-оналарнинг психологик-педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Ота-оналар ва болалар муносабатига оид юқоридаги каби камчиликлар натижасида оиладан ҳаловат йўқолади, ўртага совуқчилик тушади. Фарзандлик бурчини бажармаслик у ёқда турсин, ҳатто, ичиб келиб, ота-онасига қўл кўтарадиган фарзандлар, ота-онасини шарманда қилаётган суюқоёқ фахшпарастлар борлигига нима дейсиз?

Баъзи ота-оналар болаларда 3, 6, 13—14 ёшларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган кризисларни билмайдилар. Бу ёш босқичларида бола руҳиятида янги психологик қўшилмалар юзага келади. Бу еса уларнинг катталар, жумладан ота-оналар билан бўлган муносабатларида кўзга ташланади. Буни сезмаган баъзи ота-оналар «болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди», деб ўйлайдилар ва шикоят қилишга тушадилар. Бунга қарши ўзларича чора-тадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмай қоладилар. Боланинг ота-онадан безиш ҳоллари кузатилади.

ҚАЙНОНА-КЕЛИН ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАР

Оилага янги тушган келинларнинг кўпчилиги юзага келадиган баъзи қийинчиликларни осонлик билан йенгиб, келинлик вазифаларини кўнгилдагидай еплаб кетадилар, қайноналарини рўзғор ташвишларидан халос қиладилар, тезда уларнинг меҳрига сазовор бўладилар. Қайноналар ҳам бундай келинни «қизим» деб бағриларига оладилар, билмаганини ўргатадилар, қийналганида ёрдам берадилар, ҳаётий йўл-йўриқ кўрсатадилар. Уларга уй-рўзғор ишларида ва болалар тарбиясида яқин кўмакдошга айланадилар. Бироқ ҳаётда қайнона-келин орасида турли тўқнашувлар ҳам содир бўлиб туради. Гап қайнона-келин ўртасида борар екан, шуни айтиб ўтишимиз лозимки, бу масала азалазалдан одамларнинг, инсониятнинг атоқли намояндаларининг диққат эътиборида бўлиб келган муаммолардан биридир.

Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шарқ мутафаккирларидан бири Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул-вақ » (Нодир воқеалар) номли китобда қайнона-келин низолари ҳақида ёзар екан шундай дейди: «Қайнона-келин низолари бундан олдинги оилаларда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Улар доимо уришаверадилар. Улар нима учун уришадилар? Чунки улар нима учун уришишаётганликларини ўзлари ҳам билмайдилар. Шунинг учун уришадилар». Демак бу ўринда қайнона-келин низолари, сабабларини аниқлаш, уларни бартараф етиш алоҳида аҳамиятга молик масала еканлиги кўриниб турибди. Бундай келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан айримларини кўриб чиқамиз.

1. Баъзи қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввур шаклланган бўлади. Айниқса, ёшлар қайнонани олдиндан фақат салбий қиёфа сифатида тасаввур қиладилар. Кейин еса оила қуриб, тасаввуридаги эмас, балки ҳаётдаги қайнона билан яшай бошлайдилар. Оқибатда улар ўз тасаввуридаги қайнонага хос бўлган камчилик ва иллатларни ҳаётдаги қайнонадан ахтара бошлайдилар. Борини-ку топишлари аниқ, ҳатто йўғини ҳам топишга ҳаракат қиладилар. Чунки тасаввурлари уларни алдаганини тан олишни истамайдилар. Ҳаётда камчиликсиз одам бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Идеал қайнона, идеал келин ҳам бўлиши мумкин эмас. Келинлар ўзлари тушган янги оила аъзоларига илк таассурот асосида баҳо беришга ошиқмасликлари лозим. Акс ҳолда, пашшадан фил ясаш ҳам ҳеч гап эмас. Келинлар оғирбосиқ, сабр-тоқатли бўлишлари, иложи борича ўзлари тушган хонадон аъзоларининг яхши томонларини кўришга интилишлари,

ери шу хонадон аъзоси еканлигини унутмаслиги лозим. Ана шунда бу оила тинч-тотув бўлади. Зотан, келин бу хонадонга беш кунлик меҳмон эмас, балки бир умрлик аъзо бўлиб келганлигини унутмаслиги керак.

2. Қайнона-келиннинг дунёқарашлари ва уй-рўзғор тутишлари орасида келишмовчилик пайдо бўлади ва кескинлашади. Икки авлоднинг дунёқараши, ҳаётий тамойиллари ўртасида тафовут бўлиши табиий ҳолдир. Аммо аксарият ҳолларда қайнона-келинлар кўп жиҳатдан бир-бирининг акси бўладилар. Айрим ҳолларда еса қайнона-келин андишани йиғиштириб қўйиб, ҳар бирлари ўз гапларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай келишмовчиликларнинг олдини олиш учун катталар ёшларни кийиниши, соч турмаклаши, ёқтирган куй ва ашулаларини тинглаши ва шу каби бошқа масалаларда уларни ўз ҳолига қўйишлари лозим. Ёшлар ҳам ўз навбатида иложи борича ота-оналарини тушунишга интилишлари, уларни ғашига тегадиган ноўрин қилиқ ва одатлардан қайнонага хуш келмайдиган салбий «ҳоюҳаваслардан» ўзларини тийишлари керак.

3. Баъзи келинлар келинлик ва оналик вазифаларини бажаришга тайёр бўлмайдилар. Шундай келинлар бўладики, улар на овқат пиширишни, на кир ювишни, на катталар билан муомала қилишни биладилар. Келин келинлигининг биринчи куниданоқ ҳамма нарсани кераклигича
билиши ва катта тажрибага ега бўлган қайнонаси даражасида туриши жуда қийин. У даражада билмаса ҳам майли-я, лекин билишни истамаса қийин. Шунинг учун никоҳгача оналар қизларига ош-овқат пиширишни, мева-сабзавотлардан қишга шарбат, тузлама, мурабболар тайёрлашни, уй-жойни саранмжон сариштa тутишни, дид билан меҳмон кутишни, тежамкорликни, оила буджетини иқтисод қилишни, уй анжомлари, жиҳозларидан асрабавайлаб
фойдаланишни ва шу каби уй-рўзғор ишларини ўргатишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Чунки ел орасида «қиз бировнинг хасми, бошқа оилага тушиши бор» деган ҳикмат бор. Шунга қараб қизларни пухта тайёрлаш керак. Қайноналар ҳам келинлардан ҳадеб камчилик ва қусур ахтармасдан, уни ўз фарзандидай кўриб, билмаганини сабр-тоқат билан ўргатиб бориши лозим. Камчиликларини юзига солавермасдан, яхши томонларини гапириб туришлари керак. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Қайноналар келинларида ҳосил қилинган кўникма ва малакаларнинг ўз ўғли учун ва келажакда ўз набиралари учун хизмат қилишини эсда тутишлари керак.

4. Айрим ҳолларда қайнона-келин болалар тарбияси масаласида келиша олмай қоладилар. Айрим оилаларда болалар ё бобобувилар ёки ота-оналар томонидан меъёридан ортиқча еркалатиб юборилади. Натижада, ота-оналар билан бобо-бувилар ўртасида «болага ким тарбия бериши керак» деган масалада келишмовчилик келиб чиқади. Аслида улар ҳам, булар ҳам болаларни келажакда яхши кишилар бўлиб етишишини истайдилар,танлаган йўллари еса турлича, бироқ улар бир битимга келиб олишмаса бола тарбиясининг ҳолига вой деяверинг. Бунинг учун улар боладан ҳали жойда бир муросага, якдил қарорга келиб олишлари лозим. Ана шунда бобо-бувилар ҳам, ота-оналар ҳам аҳиллик билан бола тарбияси борасида ўзаро мос чора-тарбирларни белгилаб олишлари лозим. Бунда бола қандай муҳит ва шарт-шароитда, даврда ўсаётганини, мижози турини ҳисобга олиш зарур.

5. Баъзан катта хонадонда овсинлар қайнона илтифотини қозониш йўлида бир-бириларидан рашк қилишлари асосида келишмовчиликлар келиб чиқади. Оилада

икки ва ундан ортиқ келин бўлса, қайнона уларнинг ҳаммасига бир хилда қарай олмаслиги табиий ҳолдир. Келинлардан
биронтаси қайнонанинг дидига яқинроқ, баъзиси узоқроқ бўлади. Аёллар ўта руҳий сезгирликлари туфайли буни тезда сезадилар. Натижада «ўгай» келин билан қайнона ўртасида келишмовчилик бошланади. Бундай ҳолнинг олдини олиш ва овсинлар орасига совуқчилик туширмаслик учун қайнона ўз келинларига мумкин қадар бир хилда муносабатда бўлиши (аммо бу йерда ҳар бир келинннинг муомаласи, муносабатини, қайнонага бўлган меҳрини ҳисобга олиш инкор етилмайди) рашк қилишларига имкон яратиб қўйишдан еҳтиёт бўлишлари керак. Бу ўринда шахсан келинлардан ҳам ақл-идрок, мулоҳазалилик ва сабр-тоқат талаб қилинади.
6. Баъзи ҳолларда қайнона-келиннинг ёш хусусиятларини, қизиқишини, орзу-ҳавасларини, ишлаши ёки ўқишини ҳисобга олмайди. Қайноналар орасида умр бўйи уй бекаси бўлганлари ҳам бор. Улар ишлаш билан уй-рўзғор ишларини баровар олиб боришни ўз бошидан ўтказмаган. Ана шундай қайноналар ёшлигида ўзларини рисоладагидай келин бўлганман деб биладилар, Қайнота-қайноналарини қандай иззат қилганликларини «уларнинг сояларига кўрпача солганларини» (ростми-ёлғонми, барибир) тез-тез еслашни яхши кўрадилар ва келинларининг ҳам «ўзларидай » бўлишини истайдилар. Баъзан еса уни ўғли орқали очиқдан очиқ талаб қиладилар. Бунга келинларининг имкони борми, йўқми, ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай қайноналар «эҳтиёжини » қондириш имкониятига ега бўлмаган келинлар уларнинг ғазабига учрайдилар. Келини ҳақида бўлар-бўлмас гапларни ўғилларининг қулоғига қуядилар. «Ўғлимга айтиб сени қўйдириб юбормасам, юрган еканман», дея дўқ-пўписа қиладилар. Баъзи ҳолларда мақсадларига еришадилар ҳам. Бундай қайноналар ўғиллари, набиралари бахтидан кўра ўз ҳузур-ҳаловатларини кўпроқ ўйлайдилар. Бунинг олдини олиш учун ўғилдан ғоят тадбиркорлик талаб қилинади.
7. Айрим келинларнинг янги оилага мослашиши қийин бўлади, оқибатда, қайнона-келин орасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Ҳар бир оиланинг ўзига хос муҳити, қонун-қоидалари, анъаналари, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳо мезонлари, ҳатто фақат шу хонадон аъзолари тушунадиган, шартли равишда қабул қилинган сўз, иборалари бўлади. Янги тушган келин ўзи билан ўз туғилиб ўсган уйининг муҳитини, одат-кўникмаларини ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда келин билан қайнонанинг оилавий муҳитлари мос келмай қолади.Ота-оналар иқтисодий, моддий, ижтимоий савияси орасидаги тафовут ҳам аксарият келин-куёв орасидаги муносабатларни кескинлашувига таъсир қилиши мумкин. Бунда иқтисодий омил шу билан ифодаланадики, келин янги тушган хонадонда қизлик хонадонидаги иқтисодий мўл-кўлчиликни кўрмасдан, ўз турмушидан совиши мумкин. Шунинг учун ҳам донолар «Қиз берсанг ўзингдан бир поғона баландга бер, сенинг хонадонингда кўрмаганини янги хонадонида кўриб, янги хонадонга кўникиши осон кечади. Қиз олсанг ўзингдан бир поғона пастдан ол. Шунда келин ўз уйида кўрмаган мўл-кўлчиликни сенинг хонадонингда кўриб, бу муҳитга тез кўникади» деганлар. Маданий ижтимоий омил. Куёв маълумотли, маданиятли оиладан бўлиб, келин аксинча деҳҳон, ишчи ёки савдогар оиладан бўлса ёки эр-хотиндан бири шаҳардан, иккинчиси қишлоқдан бўлса бу ижтимоий-маданий тафовутлар ҳам эр-

хотин ўртасидаги ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин. Келинкуёвлар ижтимоий келиб чиқишида ҳам, иқтисодий таъминланганликда ҳам бир-бирига муштарак бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Борди-ю келин бошқа миллатга мансуб бўлса, унинг янги оилага мослашиши янада қийин бўлади. Масалан, ўзбек халқида кекириш тўйганлик — шукроналик белгиси ҳисобланиб келган.Рус халқида еса бу одат ўта одобсизлик ҳисобланади. Шу сабабли янги оилага мослашиш ҳам осонликча кечавермайди. Бунинг устига келин учун бу оила янги, айни пайтда «бегона »дек туюлади. Келиннинг янги оилага мослашиши унинг мижози турига ҳам боғлиқ. Масалан, кўпроқ холерик мижозга мансуб бўлганлар тез мослашадилар. Бироқ йенгилроқ, тезроқ ва андишасиз келинларни янги оилага мослашиши қийинроқ кечади. Янги шароитга осон мослашадиган ҳамда уни осонгина ўзлаштиришга тайёр бўлганлар сангвиник мижоздир. Флегматик мижоз еса вазмин, оғир карвон бўлгани учун янги оила шароитига секинлик билан мослашади. Бир мослашиб олганидан кейин еса уни ўзгартиришни сира-сира истамайди, унча-мунча гап-сўзга парво қилмайди. Меланхолик мижозлар ҳам шунга яқин. Аммо сал нарсадан уларнинг руҳи тушиб кетади, бўлар-бўлмасга хафа бўлаверади. Руҳий жиҳатдан еса ниҳоятда сезгир бўлишади. Ҳар бир мижоз турининг юқорида берилган қисқача шартли характеристикасини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олган қайнона-келинларнинг тил топишиб кетишлари осон кўчади. Баъзи қайноналар ўғлини келинидан қизғанади ва оқибатда келини билан келишолмасдан қолади. Бундай низолар, одатда камфарзанд ёки ёлғиз ўғил отасиз оилада ўсган тақдирда кўпроқ учрайди.

Муҳокама учун саволлар:

5. Низо бу нима?
6. Оилавий низолар сабабини кўсатинг ва таҳлил қилинг.
7. Оилавий низолар сабабини санаб беринг.
8. Оилавий низолар сабабчиси деб кўпроқ кимни кўрсатиш мумкин?

Уйга вазифа бериш: «Оилавий низолар» мавзуси юзасидан турли хил газета журналлардан маълумотлар тўплаш.

9-МАВЗУ: РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ – ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ (СОҒЛОМ ОИЛАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ)

Фанни ўқитиш технологияси: Репродуктив саломатликнинг ижтимоий – психологик жиҳатлари (соғлом оилани режалаштириш усуллари) мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Репродуктив саломатликнинг ижтимоий – психологик жиҳатлари тўғрисида тушунча бериш	**Ўқитувчи**

	Тарбиявий: Репродуктив саломатликнинг ижтимоий – психологик жиҳатлари ҳақида тушунча бериш орқали ўқувчилардаги шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, репродуктив саломатликнинг сақлаш каби хусусиятларни шакллантириш. ***Ривожлантирувчи:*** Репродуктив саломатликнинг ижтимоий –психологик жиҳатлари тўғрисидаги тасаввурларини ривожлантириш ***Дарснинг тури:*** Назарий маълумот бериш. ***Дарс жихози:***Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** репродуктив. Гормонал воситалар, контрацепция, презерватив, хомиладорлик даври, сексуал абститенсия, ҳайз цикли, лактация. 1.4.**Дарс шакли:** Амалий машғулот, гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** - Репродуктив саломатлик ҳар бир шахснинг ўз қўлида. Ушбу фикрни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Оилани режалаштириш қандай ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий аҳамиятларга эга? 2. Муқаддас китоблар ва ўтмиш мутафаккирлари асарларидан, оилани режалаштириш масалаларига оид билдирилган қандай фикр-мулоҳазаларни биласиз? 3. Оилани режалаштириш деганда нимани назарда тутилади?	**Ўқитувчи, 15 минут**

	4. Нима учун ҳомиладорликнинг олдини олиш керак? 5. Ҳомиладорликнинг олдини олишнинг анъанавий усулларига нималар киради? Уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари нималардан иборат? 6. Ҳомиладорликнинг олдини олишнинг яна қандай воситалари мавжуд? 7. Гормонал сақланиш воситаларига нималар киради ва уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари нималардан иборат? **4.2.** Фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

Асосий саволлар:

1. Контратцептив маданиятни шакллантириш.
2. Даврий сексуал абститенсия (ҳайз циклини назорат қилиш, оилани режалаштириш усуллари)
3. Гормонал сақланиш воситалари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: репродуктив. Гормонал воситалар, контрацепция, презерватив, хомиладорлик даври, сексуал абститенсия, ҳайз цикли, лактация.

1-саволнинг баёни. Контратцептив маданиятни шакллантириш.

Эркаклар ташвиқот қилди тинмасдан, Ҳар хил мақолалар йиғаверишди. Газета ўқишга қўли тегмасдан Хотинлар йилига туғаверишди. Журналистларга-ку мавзу топилди, Ҳамма туғаверса ким қилар ишни?! Пилла топширилди, Ғўза чопилди. Аёллар йилига туғаверишди. Олимлар ўйланди, Ўйларга толиб, Китоблар титишди чўк тушиб олиб. Қўймоқчи бўлишди режага солиб... Аёллар йилига туғаверишди. Кимдир ваҳима қилди қай куни ёниб: Бола босиб кетди бутун дунёни!.. Барибир минг азоб ичра тўлғониб, Аёллар йилига туғаверишди. Ағёр тўлди, қўйни тошга, дейишди, Тили бошқа, кўнгли бошқа, дейишди. Ўнта бўлса — ўрни бошқа дейишди, Аёллар йилига туғаверишди. Чирқираб Шокирлар дунёга келди, Барнолар, Ботирлар дунёга келди. Шу мўмин юрт учун керак бўлганда Ўлмоққа қодирлар дунёга келди.

Келишди кимгадир ёқса-ёқмаса, Ҳали тили чиқмай пахта теришди. Кучук боқишсинми, бола боқмаса?! Аёллар йилига туғаверишди.... Балки сен осмондан тушгандирсан ҳам, Майли, билма қадрин, етма додига. Фақат бир илтимос, ей азиз одам, Қўйгил, қанча туғса ўзи билар, сен Туғишни ўргатма АЁЛ зотига! Муҳаммад Юсуф Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф юқорида келтириб ўтилган шеърида аёлларимизнинг газета, журнал, китоб ўқишга қўли тегмасада йилига туғаверишганлари ва шу билан бирга пиллаларни топшириб, ғўзаларни чопиб, бошқа ҳамма ишларни бажариб улгурганликлари, олимлар оилани режалаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиққанларига ва кимларнингдир «ҳаммаёқни бола босиб кетди» — деганига қарамай, «Ўнта бўлса — ўрни бошқа» — деб йилига туғаверишганини, бунинг оқибатида «шу юрт учун керак бўлганда

ўлмоққа қодирларнинг» дунёга келишлигини такидлаганлар. Бунда Аёл зотини бежиз бош ҳарфлар билан ёзмаган. Дарҳақиқат, Аёл зоти муқаддасдир. Шунинг учун ҳам инсоният ўзи учун муқаддас бўлган ҳар бир нарсани аёл номи билан атаган: Она — Ватан, Она — тил, Она — халқ! Дунёдаги барча гўзалликлар ва тугалликлар, халқ санъатининг енг ноёб дурдоналари аёлларга аталган. Ҳаётнинг мазмуни ҳам, лаззати ҳам аёл номи билан боғлиқ. Аёл мўтабар зот. У фарзандга ҳаёт бағишловчи она сифатида беназир ардоқда. «Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай ўзини фидо қилишни ҳам билади». Ҳазрат Навоий айтганларидек: «Уйнинг оройиши андин, уйликнинг осойиши ондин». Аёл беназир ҳилқат. Унинг латофати, унинг меҳри олдида тош ҳам ерийди. Тошбағир одамлар ҳам аёлга шафқат қилади. Агар у аёллик ўрнида турса. Хўш ҳозирги вақтда барча аёлларимизни ҳам «ўз ўрнида» — деб айта олишимиз мумкинми? Улар ўзларининг маънавий, ахлоқий, руҳий ва тиббий саломатликлари, соғломлиги нуқтайи назаридан «Шу мўмин юрт учун керак бўлганда ўлмоққа қодир», унинг истиқболи, равнақи, хавфсизлигини таъминлашга тайёр муносиб ўғлонларни, соғлом авлодни дунёга келтириш ва уларни комил инсонлар қилиб тарбиялашга тайёрмилар? Ҳозирги туғаётган аёлларнинг ва туғилаётган болаларнинг ҳаммаси ҳам соғломми? Албатта, бу каби масалалар, саволлар бугунги кунларимизда, айниқса, бизнинг етнос мисолида жуда муҳим бўлган муаммолардан ҳисобланади. Чунки ўзбек оилалари кўп болалилиги, кўп авлодлилиги ва авлодлараро муносабатларнинг мустаҳкамлиги билан фарқланиб туради. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида, одамлар кундалик ҳаёти кундан кунга урбанизациялашиб бораётган айни даврда, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан кенг фойдаланиб борилаётган бир пайтда, оналар хасталиклари, болалар ўлими, заиф ногирон болаларнинг туғилиши миқдорининг ортиб бораётганлиги, оналар ва болалар саломатлигининг ёмонлашуви каби қатор нохушликларнинг ҳам кузатилаётганлиги бевосита оила масалаларига, оналар ва болалар саломатлигига, оилани режалаштириш масалаларига алоҳида эътибор беришни, ёшларни, ҳали оила қуриб улгурмаслариданоқ уларни оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш билан бир қаторда, уларга оилани оқилона режалаштириш масалаларига оид илмий асосланган билимларни ўз вақтида ва юқори савияда беришни тақозо етади. Гап оилани режалаштириш ҳақида борганда, айрим одамлар уни оилада туғилиши лозим бўлган болалар сонини режалаштириб, чеклаб қўйишни тушуниши ҳам мумкин. Оилани режалаштириш дегани бу «Аёл кишига қачон ва қанча бола туғишни белгилаб, кўрсатиб бериш, ўргатиш» — дегани эмас. Қачон ва қанча фарзанд кўриш масаласини ҳал қилиш бу биринчи навбатда аёлнинг ўзига ҳавола, бу аёлнинг ҳуқуқи, уни аёлнинг ўзи ҳал қилиши керак ва унга ҳеч ким ўргатиши, аёл учун уни белгилаб, чегаралаб бериши керак эмас. Шоир айтганларидек бу масалада аёлга ўргатиш керак эмас. Лекин аёлларимиз бу масалани оқилона ҳал ета оладиларми, уларнинг ҳаммаси ҳам фарзандни дунёга келтиришдек, фақат аёлнинггина қўлидан келадиган ўта нозик масалани мақсадга мувофиқ ҳал ета олиш борасида йетарли билимларга егами? Бу билимлардан хабардор бўлиш, уларни ўзлаштириш, бу борадаги махсус адабиётлар, газета, журналлар ўқиш учун аёлларимиз вақт топа оладиларми? Бу каби саволларнинг ўринлилиги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил қилишда, уларга оилани режалаштириш масалаларига оид билимларни бериб боришни янада

долзарблаштириб юборади. Шу каби муаммоларни назарда тутган ҳолда биз мазкур мавзуда ёшларимиз эътиборини оилани режалаштиришнинг ижтимоий-психологик жиҳатларига қаратишни лозим топдик. Оилани режалаштириш масаласи юқорида тўхталиб ўтганимиздек фақат оилада туғилажак болалар сонини чеклаш кабиларнигина эмас, балки ўз ичига кенгроқ масалаларни қамраб олади. Бунда асосий эътибор оилада оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларнинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш кабилар назарда тутилади. Маълумки, онанинг фарзанд кўриш ёши, уни фарзандларининг сони, болаларни туғилиши орасидаги муддат ҳамда аёл ва бола саломатлиги ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. Албатта, 16—18 ёшларда аёл киши организми соғлом фарзанд кўриш учун ҳали тўла йетилган бўлмайди. Эрта фарзанд кўриш ёш она саломатлигига ҳам ва ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин.

Ҳомиладор бўлиш, ҳомилани етилтириб ва болани дунёга келтириш билан боғлиқ жараёнларда она организми ўзидан жуда кўп миқдорда қувват сарфлайди, «толиқади». Кўзи ёриган аёл организми ўзини яна тўлиқ тиклаб олиши учун, яъни у навбатдаги фарзанд кўришга тўла тайёр бўлиши учун, унга камида 3—4 йил вақт зарур бўлади. Демак, ҳар 3—4 йил оралиғи билан фарзанд кўриш она организми учун ҳам, туғилажак фарзанд учун ҳам нормал муддат ҳисобланади. Олдинги вақтларда (бу ҳақда бувиларимиз, мўтабар онахонларимиз гувоҳлик беришлари мумкин) оналар болаларини 3—4 ёшга киргунларига қадар кўкрак сути билан боққанлар. Бу еса, бир томондан болаларнинг она сутига емин-еркин тўйиб ўсишларини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан бола емизаётган аёлни навбатдаги ҳомиладорликдан сақлаган. Она сутининг бола шахси шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамияти беқиёсдир. Она сути таркибида, айниқса, оғиз сути таркибида махсус иммунитив гармонлар бўлиб, улар бола организмини ҳар хил касалликларга қарши кураша оладиган, болани ўз ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ соғлом, бақувват бўлиб ўсишини таъминловчи ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланган. Она сутининг яна бир бебаҳо хислати шундан иборатки, у болани ақлий имкониятларининг ортишида, яъни бола интеллектуал коеффициентининг юқори бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Агар аёллар «йилига туғаверишса», яъни бола 3—4 ойлик бўлмасиданоқ она ҳомиладор бўлиб қолгундек бўлса, ҳомиладор аёлнинг сути ўз хусусиятини йўқотади. У бола учун зарарли бўлиб қолади. Бундай вазиятларда аксарият оналар боласини кўкрак сути билан озиқлантиришни тўхтатадилар. Оқибатда болалар ўзларининг саломатлиги ва ақлий ривожланиши учун енг муҳим неъмат бўлмиш «ОНА СУТИ» дан бебаҳра қоладилар. Бу ўринда нафақат онанинг, балки боланинг ҳам манфаатини, унинг саломатлигини кўзлаган ҳолда оилани режалаштириш, туғилишлар ўртасидаги муддатни узайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзининг бор имкониятларини олдинги боласига «сарфлаб бўлган» она организми, бир-бир ярим йил ичида дунёга келадиган навбатдаги боланинг ҳомилада ривожлантириши, унинг дунёга келиши ва ҳаётининг дастлабки кунлари, ойларида олиши лозим бўлган физиологик, жисмоний, эмоционал-психологик қувватни бера олмайди. Бундан ташқари ҳали ёшига йетмаган болани парвариш қилиш ҳам оналардан кўп вақт, куч, эътибор, эмоционал зўриқишларни талаб

қилади. Ёш бола тарбияси Билан боғлиқ равишда она кечинадиган салбий руҳий эмоционал ҳолатлар, асабийлик, эмоционал зўриқишлар, шубҳасиз ҳомиладаги боланинг ривожланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ҳали тўла тикланиб улгурмаган оналардан «йилига туғилаверган» болалар аксарият ҳолларда нимжон, нозик, ҳар хил касалликларга осон бериладиган бўлиб бораверади. Бундай оилаларда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари ҳам туғилишлар оралиғидаги фарқ 3—4 йил бўлган оилалардагига қараганда кўпчиликни ташкил қилади. Юқорида келтириб ўтилган каби фактларнинг мавжудлиги шубҳасиз оилани режалаштириш масалаларини тўғри йўлга қўйиш, бу борада аёлларнигина эмас балки эркакларни, айниқса, никоҳ қуриш ёшидаги, ёшларни оилавий ҳаётга махсус тайёрлаш, уларни оилани режалаштириш масалалари борасидаги тегишли илмий асосланган билимлар билан ўз вақтида қуроллантиришни тақозо етади. Умуман олганда оилани режалаштириш масаласи бу кеча ёки бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Оилани режалаштириш масаласи инсоният тарихи, никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиш тарихи билан боғлиқ бўлган кўҳна муаммолардан биридир. Никоҳ-оила муносабатлари тарихига оид адабиётларда қайд етилишича, илк ибтидоий жамоа тузумлари даврларидаёқ оилани режалаштиришнинг, унда жинсий ҳаётнинг психогигийеник қоидаларга амал қилишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлган. Масалан, ушбу қўлланманинг никоҳ-оила муносабатлари еволуцияси масалаларига бағишланган иккинчи мавзусида қисман тўхталиб ўтганимиздек, оилавий муносабатларнинг ижтимоий бошқарила бошланишининг маълум бир босқичларида, турлича табулар (тақиқлашлар) мавжуд бўлган. Бундан бир неча ўн минглаб йиллар муқаддам, полигам оилаларда ҳукм сурган шундай табулардан бири, қабиланинг аъзоси бўлмиш емизикли аёл билан жинсий ҳаёт кечиришни тақиқлашга қаратилган табудир. Бунинг боиси шундан иборат бўлганки, у даврларда қабила аъзоларининг асосий тирикчилик манбайи овчилик бўлган, эркаклар асосан овчилик билан шуғулланиб ўз ўлжалари билан қабила аъзоларини боқишганлар. У давр одамининг тушунишича, агар эркак киши овга чиқишдан олдин емизикли аёл билан жинсий ҳаёт кечирса, унга сут ҳиди юқиб қолади, сут ҳиди еса ов вақтида шу овчи ва унинг шериклари турган жойга бошқа йиртқичларни «чақириши» мумкин, оқибатда овга чиққан эркакларнинг ўзлари бошқа бир йиртқичроқ ҳайвонга ўлжа бўлиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ибтидоий даврларда емизикли аёллар билан жинсий ҳаёт кечириш тақиқланган. Бу еса ўз навбатида оилани режалаштиришнинг ўша даврларнинг ўзига хос қонунлари «Табиий танланиш» ва «Яшаш учун кураш» таъсири остида шаклланган усулларидан бўлган. Бу ҳақиқатан ҳам илк ибтидоий одамларнинг авлоддан авлодга, наслдан наслга ривожланиб, такомиллашиб боришини таъминловчи асосий омил бўлиб хизмат қилган. Чунки шу табулар туфайли оналар болаларини улар то 3—4 ёшларга кириб, ўзлари мустақил озиқа топиб яшаб (яшаш учун курашиб) кетгунларига қадар кўкрак сути (ОНА СУТИ) билан озиқлантиришга «мажбур бўлганлар». Бу еса оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам авлоддан авлодга соғломлашиб, такомиллашиб боришларини таъминлаган илк ижтимоий омиллардан бири бўлган. Кейинчалик инсоният жамияти тараққиёти, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, турли инсоний хулқ-атвор меъёриларнинг юзага келиши ва шаклланиши билан бирга, оилани режалаштиришга оид талаблар,

меъёрлар, уларга нисбатан бўлган муносабатлар ҳам такомиллашиб борилаверди. Шунингдек, бу масала Қуръонда ҳам ўз ифодасини топган. Яъни, 2-сура 233-оятда ёзилишича «Она фарзандини икки йилдан кам бўлмаган муддатда кўкрак билан боқиши шарт». Бу еса бир томондан она организмининг ҳомиладорликлар орасида тўлиқ тикланиш имконини берса, иккинчи томондан болани кўпгина касалликлардан сақланишини таъминлаган. Бу еса оилани режалаштиришнинг жамият тараққиётида қандай ижтимоий, иқтисодий аҳамиятга ега еканлигини кўрсатиб турибди. Албатта, ҳозирги вақтга келиб оилани режалаштириш, болаларнинг туғилиши ва улар орасидаги даврни шу туғилажак боланинг ота-онаси, биринчи навбатда онаси, аёл киши хоҳлаганидек ташкил қилишнинг ўзига хос ижтимоий қабул қилинган анъанавий ва замонавий усуллари, воситалари мавжудки, улар унё миқёсида кенг қўлланилиб келинмоқда. Оилани режалаштиришда, яъни унинг енг асосий йўналишлари бўлмиш болаларнинг туғилишини режалаштириш, кутилмаган ҳомиладорликдан сақланишда фойдаланиладиган воситалар контрацептив воситалар дейилади. Уларнинг анъанавий ва замонавиюсуллари фарқланади. Ҳозирги вақтда турли оммавий ахборот воситалари, кенг оммага мўлжалланган кўплаб илмий оммабоп, илмий услубий қўлланмалар, рисолаларда, тиббий адабиётларда оилани режалаштиришнинг бу усул, воситалари ҳақида мунтазам материаллар бериб борилмоқда. Уларни янада кенгроқ тарғиб қилиш учун «Қизил олма» каби реклама-тарғибот хизматлар кенг йўлга қўйилган. Кутилмаган ҳомиладорликдан сақланишнинг анъанавий усулларига ҳайз сиклини назорат қилиш (даврий сексуал абстенсия), бола емизиш (лактация), жинсий алоқани олдиндан тўхтатиш кабилар киради. Замонавий усулларга презерватив лар, диафрагма ва сервикал қалпоқчалар, спремацит воситалар ва гормонал сақланиш воситалари киради. Бу усулларнинг ҳар бирини ўзига хос афзалликлари ва нуқсонлари мавжуд. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида маълумот бериб кетамиз.

ДАВРИЙ СЕКСУАЛ АБСТИТЕНСИЯ (ҲАЙЗ ЦИКЛИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, ОИЛАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ)

Аксарият мамлакатларда (масалан, Япония, Маврикия, Перу, Филиппин ороллари да) аҳолининг оз қисми — 15—20% га яқин эр-хотинлар турли анъанавий ва замонавий абститенсия усулларини қўллайдилар ёки жинсий алоқани вақтидан илгари тўхтатадилар. Таъсир қилиш механизми: Тақвим усули ҳайз сиклининг давомийлигини ҳамда ҳомиладор бўлиш эҳтимоли юқори даражада бўлган даврни аниқлаш билан биргаликда айни шу кунлар жинсий алоқа қилмаслик усулидир. Сервикал шиллиқ ва овулация вақтини белгилаш усули еса (Беллингсов усули) уруғланиш кунини, сервикал шиллиқ миқдори ва консистенсиясини назорат қилиш билан аниқлашдан иборат. Базал ҳароратни ўлчаб боришда ҳароратни ҳар куни ўлчаб, ҳарорат кўрсаткичларини мунтазам қайд қилиб бориш ва уруғланиш вақтини белгилаш учун ҳароратнинг кўтарилиши аниқланади. Симпато-терминал усулга ҳароратни ўлчаш усули билан бирга бир неча табиий усулларни биргаликда қўллаш киради. Самараси ва афзалликлари: Мазкур усуллар ҳомиладорликдан сақланиш учун жуда ишончли ҳисобланмасада, бироқ бошқа йўллардан фойдаланишни истамаган эр-хотинлар учун қулай ҳисобланади. Бу усулнинг афзаллиги — организмнинг бошқа тизимларига умуман таъсир қилмайди. Камчиликлари: Эр-хотин ҳар бир ҳайз сикли мобайнида

ками билан 14 кун жинсий алоқадан тийилиши керак. Бундан ташқари, юқоридаги усулларни тўла егаллаб олиш учун улар бир неча ой давомида ўз устида ишлаши ҳамда тажриба қилиб кўриши зарур. Емизиш, қин инфекциялари, иситма чиқиши каби ҳоллар сервикал симптомларни ўзгаришига сабаб бўлади. Бу еса ўз навбатида, уруғланиш эҳтимоли юқори бўлган кунларни қайтадан ҳисоб-китоб қилиб, аниқлаш кераклигини тақозо етади. Текширишлар анъанавий усуллар замонавий усулларга нисбатан ишончсиз эканлигини кўрсатди. Шуни эътиборга олган ҳолда юқори самарага еришмоқ учун оилада эр-хотинларнинг биргаликда даврий равишда жинсий алоқадан воз кечиб туриши лозим бўлади. Бу ҳолат еса инсондан ўта талабчан ва руҳий турғун бўлишини талаб этади.
Тавсиялар: Юқорида келтирилган усуллардан аёлларнинг тўғри фойдаланишлари учун уларга тўғри маслаҳат бериш лозим. Бу усулни то аёллар ўзларида овулация, яъни уруғланиш эҳтимоли юқори бўлган кунларни адашмай ҳисоблай олгунларига қадар самара бермайди. Ҳомиладорликдан сақланишнинг анъанавий усулларининг самарасини ошириш учун аралаш усуллардан фойдаланиш, яъни бир вақтнинг ўзида эркак ва аёллар учун мўлжалланган механик воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бола емизиш (лактация) Бола емизиш ҳозиргача туғруқлар орасидаги танаффусларни чўзишда муҳим аҳамиятга ега бўлиб келмоқда. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда бу усуллар бошқа усуллардан кўра муҳимроқдир. Таъсир қилиш механизми: Болани емизиш физиологияси тухумдонлар вазифасининг нисбатан камайиши ва ановуляция содир бўлиши билан боғлиқдир. Ановуляция туғруқдан кейинги 4—21 ойдан то 24 ойгача давом етади. Самараси ва афзалликлари: Болани емизиш туғилишни назорат қилишнинг енг муҳим самарали усулларидан бирига айланиши мумкин. Емизиш даврида ҳомиладор бўлиб қолиш ҳар 100 та аёлдан фақат 2—12 тасидагина кузатилганлиги бу усулнинг бошқа усулларга самараси жиҳатидан тенглашишига далил бўла олади. Камчиликлари ва самарасизлиги: Баъзи аёллар кўкрак сути билан емизишда тажрибаси бўлмаганлиги сабабли ушбу усулнинг самарасиз чиқиши ҳоллари содир бўлади. Кўкракда аҳёнаҳёнда емизиш, қўшимча овқатлантириш каби омиллар ҳайз сиклининг қайта тикланишига олиб келади. Натижада аёлнинг ҳомиладор бўлиб қолиш хавфи туғилади. Тавсиялар: Емизикли давр аменореясини тез-тез ва қисқа ёки узоқ муддатли емизиш билан сақлаб қолиш мумкин. Жинсий алоқани олдиндан тўхтатиш Тараққий етган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган усул. Таъсир қилиш механизми: Жинсий олат шаҳват тўкилишидан олдин чиқариб олинади. Самараси ва афзалликлари: Бу усулнинг самараси паст ҳисобланади. Аммо эркак ўзини бошқара олсагина, бу усулнинг самараси бирмунча ортади. Нохуш таъсирлари: Юқорида келтирилган усул ҳеч қандай кўнгилсиз тиббий оқибатларга олиб келмайди-ю лекин эр-хотин орасида жинсий қониқмаслик ҳолларига сабаб бўлиши мумкин.Тавсиялар: Ҳомиладорликдан сақланишнинг бошқа усулларидан фойдаланиш имкони бўлмаган ҳоллардагина бу усулдан фойдаланиш маъқулдир. Презерватив Презерватив фақат бир мартагина ишлатилиши шарт. Жинсий алоқа вақтида презерватив йиртилиб кеца, аёл дарҳол қин ичини кучсиз кислотали еритма (ачиган сут, сирка, лимон кислоталари) билан ювиб ташлаши лозим. Ушбу усулнинг самараси спермицидлар билан биргаликда қўлланганда ортади. Ҳозирги вақтда ишончли ва самарали бўлиб ҳисобланган ҳомиладорликдан сақланиш

усулларидан яна бири — бу эркак ва аёллар учун мўлжалланган презерватив лардир. Улардан кўпроқ ривожланган мамлакатларда фойдаланишади. Айниқса, ОИТС (СПИД) касаллигининг бутун дунё миқёсида кенг тарқалганлиги натижасида бу усулдан фойдаланувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Таъсир қилиш механизми: Аёл қинига сперматозоиднинг киришига тўсқинлик қилиш унинг асосий механизми бўлиб ҳисобланади. Презерватив лар латексдан ишланган бўлиб, кўпчилиги спермицид билан (шаҳватни ўлдирадиган модда) шимдирилган бўлади. Улар эркакларнинг олати таранглашганидан кейин кийгизилади. Аёлларга ишлатиладиган презерватив лар еса бевосита жинсий алоқадан олдин қин ичига тиқиб қўйилади. Самараси ва афзалликлари: Ҳомиладорликдан сақланишдан ташқари, жинсий алоқа орқали юқадиган турли касалликлар, хусусан, ОИТСдан ҳимоя воситаси ҳам бўлиб, у йетарли даражада ишончли ва афзал усулдир. Улар арзон, ишлатиш учун қулай, организмга зарарли таъсири бўлмайди. Камчиликлари: Презерватив лар жинсий фаолликни ўзгартириб, жинсий қониқиш ҳиссини камайтириши мумкин. Ишлатилган презерватив дан қайта фойдаланиш асло мумкин эмас. Нохуш таъсирлари: Қин шиллиқ деворининг яллиғланиш эҳтимоли бўлиши мумкин. Тавсиялар: Ҳар қайси аёл ва эркак, бирон-бир таносил касаллигига дучор бўлган бўлса, ёхуд биттадан ортиқ жинсий алоқада бўлиб турса, унда латексдан қилинган юқори сифатли презерватив лардан фойдаланиши керак.

Диафрагма ва сервикал қалпоқчалар Диафрагма — резинадан тайёрланган гумбазсимон, тевараги егилувчан ҳалқадан иборат бўлиб, жинсий яқинлашувдан олдин қинга киритилади. Сервикал қалпоқча бачадон бўйнига кийгизилиб, спрематозоидларнинг бачадон бўйнига ўтишига тўсқинлик қилади. Таъсир қилиш механизми: Диафрагма ва қалпоқча бачадон бўшлиғи ҳамда шаҳват-сперма орасида тўсиқ вазифасини ўтайди. Диафрагма ва қалпоқча билан биргаликда спремацидларни қўллаш ҳам шаҳват фаоллигининг ниҳоятда пасайишига сабаб бўлади. Самараси ва афзалликлари: Диафрагма ва сервикал қалпоқчаларнинг самараси бошқа турдаги тўсиқли усуллар каби ишончли ва афзалдир. Ушбу усулдан ҳам туғиш ёшидаги аёллар ва номунтазам равишда жинсий алоқада бўладиган аёлларнинг доимий равишда фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Бу организмнинг бошқа системаларига таъсир етмайди. Эркаклар презерватив дан кўра қулайроқ ва устунроқ томонларидан бири, алоқа пайтида ўз-ўзини бошқариш ва жинсий яқинлашувдан анча олдин қинга киритиб қўйиш имкониятига егалигидир. Камчиликлари: Диафрагма ва қалпоқчалар мутахассис врач томонидан, ҳар бир аёл бачадонининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унга тегишли катта-кичикликда танланиши, ундан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўргатилиши керак. Бу усул айниқса, анъанага кўра жинсий органларга қўл билан тегиш ман етилган гуруҳларга тааллуқлидир. Нохуш таъсирлари: Жинсий алоқадан сўнг диафрагма қин ичига 6 соат, қалпоқча еса 24 соат давомида қолиши мумкин. Агар бундан кўпроқ вақт қолиб кетадиган бўлса, кўнгилсиз асоратлар қолдиради: аллергик реаксиялар, микротравмалар ва баъзида инфексион токсик шокни келтириб чиқариши мумкин. Тавсиялар: Туғруқдан сўнг, бола тушиши ёки сунъий олдириш ва кичик тос соҳасида ўтказилган ҳар хил жарроҳлик муолажалари, бачадон ўлчамининг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунинг

учун диафрагма ва сервикал қалпоқчаларнинг ўлчамлари юқоридаги каби ҳолатлардан сўнг, албатта қайта тикланиши даркор. Шунингдек, бу усулдан қуйидаги сабабларда: спермицид ёки диафрагма ва қалпоқчаларга нисбатан шахсий сезгирлик кучайганда, қин автономияси ўзгарганда, жинсий яқинлик пайтида оғриқ ҳисси пайдо бўлганида, анамнездаги инфексионтоксик шок ҳолати кузатилганда ҳамда туғриқдан сўнг дастлабки 12 ҳафта давомида фойдаланиш ман этилади. Бачадон ичи спирали Бачадон ичи спирали — атрофида мис сим ўралган кичкина пластмасса мосламадир. У врач томонидан аёлнинг бачадонига ўрнатилади. Бачадон ичи спирали ҳозирги вақтда енг кенг тарқалган, кўпчилик аёллар томонидан фойдаланилинаётган восита ҳисобланади.Унинг афзаллигишундаки: у узоқ муддат давомида ҳомиладор бўлиб қолишдан сақланиш имкониятини беради. Камчилиги: у бачадон яллиғланиш хавфини ошириши мумкин. Ундан фойдаланадиган баъзи аёлларда ҳайз қони одатдагидан кўпроқ ва узоқроқ бўлади. Тери-таносил касалликлари, жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликлардан ҳимоя қилмайди. Инйексияли контрацептивлар Инйексия (укол қилдириш) усули ҳар 2—3 ёки ҳар ойда укол қилдириш орқали амалга оширилади. Бу усул одатда 35 ёшдан катта аёлларга тавсия этилади.

Бу усулнинг самараси шундан иборатки, укол қилдирилгандан кейин, кўрсатилган муддат ичида кутилмаган ҳомиладорликдан сақланишнинг бошқа усулларидан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Уколни, албатта медицина ходими қилиши керак. Салбий асоратлари: Инйексия ҳайз мунтазамлигининг бузилишига олиб келиши мумкин. ОИТС, ЖАБЙКлардан ҳимоя қилмайди.

Спермацид воситалар Замонавий спермацидлар қатор мамлакатларда ишлатилади. Улар крем, ғалвирак, кўпик ҳосил қилувчи таблеткалар, тампонлар, желе, еритмалар кўринишида маълум ва турли презервативларга қўшимча мослама сифатида ишлаб чиқарилади. Таъсир қилиш механизми: Маълумки, қин ичида доимий махсус муҳит мавжуд. Жинсий яқинлашувдан 10—15 дақиқа олдинроқ қинга юборилган спремацидлар, айнан шу муҳитни ўзгартириш ҳисобига шаҳват фаолиятини тўхтатади. Ғалвирак ўз таркибида замонавий спермацид — ноноксинол — 9 ни тутиб, бевосита спермазоид мембранасини бузади ва натижада унинг фаолиятини заифлаштиради. Мазкур восита қинга киритилиб, бачадон бўйнига бириктирилишидан аввал, спермацид фаоллигини ошириш мақсадида сувда ҳўлланади. Самараси ва афзалликлари: Келтирилган бу усул, айниқса катта ёшдаги аёллар ёки номунтазам жинсий яқинликда бўладиган аёллар учун жуда қулай ва енг мувофиқ усулдир. Бу усул организмнинг бошқа системаларига таъсир қилмаслиги, тиббиёт ходимларига мурожаат қилмасдан фойдаланиш мумкинлиги билан афзал ҳисобланади. Ғалвирак қин ичида 24 соат давомида сақланиши мумкин бўлиб, таркибида спермацид бўлиши таносил касалликларидан муҳофаза қилиш таъсирига егадир. Камчиликлари: Жинсий алоқа вақтида турли ноқулайликлар туғдириши мумкин. Ғалвирак бошқа воситаларга нисбатан қимматроқ. Шунинг учун бу воситадан истаганча фойдаланиш чекланган. Бу усулнинг оз самара бериши уни бошқа хил тўсиқли усуллар билан биргаликда қўллашга мажбур етади. Нохуш таъсирлари: Қин девори яллиғланиши ёки умуман аллергик реаксиялар кўринишида асоратлар кузатилиши мумкин.

Тавсиялар: Юқорида таърифланган бу усулнинг самарасини ошириш мақсадида уни презерватив, диафрагма, сервикал қалпоқчалар билан биргаликда қўллаш мумкин. Ғалвирак ҳар бир жинсий яқинлашувда қайта ишлатилади. Ва қин ичида 24 соатгина туриши мумкин, холос. Спермацидлардан туғруқдан кейинги дастлабки 6 ой давомида, ҳомила олдириш, ҳомиланинг тушиши ва ҳайз кўриш вақтида фойдаланиш қатъиян ман этилади.

ГОРМОНАЛ САҚЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ

Мураккаб гормонал сақланиш воситалари (МГСВ). Гормонал сақланиш воситалари таркибига аёллар тухумдонида ишлаб чиқариладиган гормонларнинг, яъни эстроген ва прогестероннинг, синтетик аналоглари киради. Ҳозирги даврда гормонал воситалар таркибини асосан кам дозали эстрогенлар (ЕЕ), яъни етинилестрадиол ва гестагенлар — 19 — нортестостеронлар, яъни норетинодрел (И авлод), норетистерон, етинодиол диацетат, ленестренол, левоноргестрел норгестрел (ИИ авлод), дезогестрел, гестоден, норгестимат (ИИИ авлод) ва 17 — гидрокспрогестерон, медроксипрогестеронсетат ва бошқалардан ташкил топган. Улар бир қатор хусусиятлари билан бошқа воситалардан афзалроқдир. Учинчи авлод гестагенлари прогестерон рецепторларига оз миқдорида ҳам кучли таъсир қилиб, овуляцияни тўхтатиш хусусиятига ега бўлиши билан И ва ИИ авлод гестагенларидан фарқ қилади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу воситаларнинг аҳамияти сўнгги ўн йиллик ичида юқори поғонага кўтарилди. Сабаби, бу воситалар кўпгина ижобий хусусиятларга ега. Аввало бу воситалар микрограммларда қўлланади, липид модда алмашинувини бузмайди, андроген фаоллиги ниҳоятда кам бўлади ва қолаверса, юрак-қон томири систэмасида патологик ўзгаришларни келтириб чиқармайди. Бўйида бўлишдан сақловчи гормонал воситаларнинг турлари жуда кўп. Улар таркибидаги гормонларнинг нисбати ва дозасига кўра бир, икки ва уч фазали воситаларга бўлинади. Бир фазали воситаларнинг ҳар бир таблеткаси бир хил нисбатда эстроген ва гестагендан ташкил топган, улар: марвелон (ЕЕ 0Й030 мг ва 150 мг дезогестрел), ригевидон (ЕЕ 0Й030 мг ва 0,150 мг левоноргестрел), микрогинон-28 (ЕЕ 0,30 ва 0,150 мг левоноергесрел) киради. Икки фазали воситаларнинг биринчи ўнта таблеткаси фақат эстрогенлардан иборат бўлиб, қолган 11 дона таблетканинг таркиби еса ҳам эстроген, ҳам гестагенлардан ташкил топган. Бунга антеовин киради. Уч фазали воситалардаги таблеткалар таркибида эстроген ва гэстрогенлар миқдори ва нисбати ҳайз сиклининг фазаларига муносиб бўлади. Баъзи МГСВ лар 28 та таблеткадан ташкил топган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда сўнгги 7 та таблеткалар таркибида гормон бўлмай, уларда темир моддаси, витаминлар бўлади ҳамда организмни умумий қувватлантириш мақсадидади қўлланилади. Бундай воситалар қаторига триквилар, трирегол, тризистон киради.

Таъсир қилиш механизми: Гормонал воситаларнинг таъсирида бутун ҳайз сикли давомида тухумдонлардан ишлаб чиқариладиган эстрогенларнинг миқдори ниҳоятда кам бўлиб эрта фолликул фазасига тўғри келади, натижада овулация рўй бермайди. Бунинг оқибатида бачадон бўйни шиллиғининг зичлашуви ва қуюқлашуви юз бериб, спрематозоиднинг бачадон ичига ўтишини чеклайди. Шунингдек, ендометрийнинг функсионал ва морфологик ўзгариши имплантация жараёнига тўсқинлик қилади. Гормонал ўзгаришлар таъсирида бачадон найининг ҳаракатланиши ва бачадон танасининг қисқариши нотабиий тус олади, шунингдек

сперматозоид ҳамда тухум ҳужайраларининг тўғри йўналиши бузилади. Самараси ва афзалликлари: Гормонал сақланиш воситаларини мунтазам тўғри қабул қилиш усулнинг самарадорлигини таъминлайди. Гормонал воситалар юқори самарадорлиги, қабул қилишнинг қулайлиги, организмнинг олдинги ҳолатини тиклаш мумкинлиги ва ниҳоят хавфсизлиги билан ажралиб туради. 35 ёшгача бўлган аёллар организмига воситаларнинг таъсири уларнинг ҳомиладорлиги ва ўтишига қараганда анча хавфсиз ҳисобланади. Ҳомиладорликни олдини олувчи орал контрацептивлар бир қатор контрацептив бўлмаган хусусиятларга ҳам егадир. Гормонал воситалар кутилмаган ҳомиладорликдан фоиз сақловчи усулгина бўлиб қолмай, балки ягона даволаш хусусиятларига ега бўлган асосий восита ҳамдир. Ушбу воситалардан фойдаланишда: ҳайз ва ҳайз ўртасидаги оғриқларнинг камайиши, ички жинсий аъзоларнинг ўткир яллиғланиш касалликларига чалиниш эҳтимолини, хусусан тухумдон ва ендометрий хавфли ўсмаларининг (рак 50%гача) қисқариши, хавфсиз ўсмаларнинг, хусусан киста ва сут безларининг фиброаденомаси касалликларининг камайиши ҳамда ҳайз сиклининг тўғри тартибга солиниши, темир йетишмовчилиги анемиясининг кескин камайиши кузатилади.

Камчиликлари: Ҳомиладорликдан сақланиш учун мўлжалланган барча воситалар сингари, гормонал таблетка — препаратлар ҳам ўз камчиликларига ега. Уларга: гормонал препаратларни олдиндан эҳтиёждан кўпроқ миқдорда жамғариб олиш, уларни сақлаш, мазкур препаратларнинг қимматлиги, уларни ҳар куни мунтазам равишда қабул қилиб туриш шарти, қабулдан сўнг баъзан қўшимча нохуш таъсирларнинг пайдо бўлиши, ОИТСдан ҳимоя қилмаслиги ва депрессия ҳолатлари келиб чиқиши киради. Гормонал воситаларни қўллашда бир неча қарши кўрсатмалар мавжуд бўлиб, бу воситалардан 35 ёшдан ўтган аёллар, кашандалар, оғир қандли диабет, гипертония касалликларига дучор бўлган аёллар фойдаланишлари асло мумкин эмас.

Нохуш таъсирлари: Гормонал воситаларнинг қўшимча таъсирларини келтириб чиқариш хусусияти аёл организмида жинсий гормонларнинг камайиши ёхуд кўпайиши билан изоҳланади. Энг кўп учрайдиган асоратлар таркибига сут безларининг қаттиқлашуви, кўнгил озиши, бош айланиши, қусиш, тана вазни- 211 нинг ортиши, жинсий иштиёқнинг сўниши ёки кучайиши, баъзида депрессия, бош оғриғи, тери қичиши аломатлари, ҳайз ўртасида қонли ажралмаларнинг пайдо бўлиши киради. Тавсиялар: Замонавий 3-авлод гормонал воситаларидан фойдаланишда уларнинг таркибидаги гормонлар миқдорининг камлиги сабабли, кўпгина аёлларга манзур бўлмоқда. Бу усулни илк бор қўлламоқчи бўлган ҳар бир аёл унинг таърифномаси ҳақида маълумотларга тўла ега бўлмоғи лозим. Шу билан бир қаторда, мутахассис врач томонидан бу усулни қўлланиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида текширилиши ҳамда бу усулдан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқлари ўргатилиши, аёлга мос келадиган хили танланиб берилиши керак.

Биринчи марта гормонал препарат ҳайз сиклининг 1-кунидан бошлаб 21 кун давомида, кунига 1 таблеткадан бир хил вақтда истеъмол қилиб борилади. Мабодо, баъзи сабабларга кўра бирон кун таблетка ичилмай қолса, дарҳол қўш доза қабул қилиниши лозим бўлади. Воситани қўллаш давомида, дастлабки уч ой

мобайнида аёл мутахассис врач назорати остида бўлиши, кейинчалик, шахсий эҳтиёжга қараб шифокор қабулига бориб туриши керак.

Муҳокама учун саволлар:

1. Оилани режалаштириш қандай ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий аҳамиятларга эга?
2. Муқаддас китоблар ва ўтмиш мутафаккирлари асарларидан, оилани режалаштириш масалаларига оид билдирилган қандай фикр-мулоҳазаларни биласиз?
3. Оилани режалаштириш деганда нимани назарда тутилади?
4. Нима учун ҳомиладорликнинг олдини олиш керак?
5. Ҳомиладорликнинг олдини олишнинг анъанавий усулларига нималар киради? Уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари нималардан иборат?
6. Ҳомиладорликнинг олдини олишнинг яна қандай воситалари мавжуд?
7. Гормонал сақланиш воситаларига нималар киради ва уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари нималардан иборат?

10-МАВЗУ: ОИТС (СПИД) ВА ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Фанни ўқитиш технологияси: Оитс (спид) ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларнинг ечимлари мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Оитс (спид) ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларнинг ечимлари тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** Оитс (спид) ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида тушунча бериш орқали ўқувчиларда бу касалликларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш. ***Ривожлантирувчи:*** Оитс (спид) ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларнинг ечимлари тўғрисида тўғри фикр ва тасаввурларини ривожлантириш ***Дарснинг тури:*** Назарий маълумот бериш. ***Дарс жихози:***Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** оитс, жинсий	**Ўқитувчи**

	касалликлар,енгилоёқлар, такасалтанглар, алкоголизм, наркоманлар, фохиша. Фоҳишабозлар, венерологик касалликлар. 1.4.**Дарс шакли:** Амалий машғулот, гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** - Репродуктив саломатлик ҳар бир шахснинг ўз қўлида. Ушбу фикрни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Таносил касалликлари қандай юқади? 2. Бу касалликлар тури ҳозирда нечта? 3. Тарқалганлик ҳолати ҳозирги кунда қандай? 4. Нима сабабдан бу касалликлар ўсиб туради? 5. Олдини олиш учун асосан нималарга амал қилиш лозим? 6. Бирламчи профилактика нима? 7. Таносил касалликларининг олдини олишда қандай омилларга мурожаат қилиш керак? 8. Иккиламчи профилактика нима? 9. Шахсий гигйена нима? 10. Ҳозирда таносил касалликларининг тарқалиш ҳолати қандай? 11. Ёшлар орасида таносил касалликлари қай аҳволда? 12. Қишлоқ ва шаҳар ёшлари орасида таносил касалликларининг фарқи? 13. Ёшлар орасида таносил касалликлари ҳақидаги билимлар қандай? 14. Тўйгача бўладиган жинсий алоқага қандай қарайсиз? **4.2.** Фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**	**Ўқитувчи,**

	5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**10 минут**

Асосий саволлар:

1. Оитс (спид) ва жинсий йўл билан йуқадиган касалликларни билишнинг зарурлиги.
2. Жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг тарқалиши ва унга сабаб бўладиган омиллар.
3. Жинсий алоқа орқали йуқадиган касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари.
4. Ёшларда жинсий хулқ ва таносил касалликлари**.**

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: оитс, жинсий касалликлар,енгилоёқлар, такасалтанглар, алкоголизм, наркоманлар, фохиша. Фоҳишабозлар, венерологик касалликлар, тери-таносил касалликлар.

1-саволнинг баёни. Оитс (спид) ва жинсий йўл билан йуқадиган касалликларни билишнинг зарурлиги.

Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳозирги даврда ўта жиддий ижтимоий ва психологик муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай касалликлар ўз ижтимоий моҳиятига кўра муайян бир мамлакатда кенг тарқалгач, шу мамлакат аҳолиси соғлиғига етказадиган зарари, уларнинг асоратларини йўқотишга кетадиган куч ва маблағлар, жамиятга етадиган маънавий зарарлар ва унинг энг ашаддий оқибатларидан бири янги авлодни дунёга келтирадиган жараёнларга салбий таъсири билан ўлчанади. Таносил касалликларининг ижтимоий муаммолар туркумига мансублигини ва бу касалликларни тарқалиш сабабларини кўриб чиқиш уларга йечим топишни осонлаштиради. Бу борада бир қатор фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бунда бир-бири билан боғлиқ бир қанча сабабларни айтиб ўтиш жоиздир. Бундай сабабларнинг энг аҳамиятга моликларидан бири демографик ўзгаришлар бўлиб, бунда аҳоли сонининг ортиши, жинсий мойилликнинг эрта юзага келиши, болаларни, ёшларни кўпайиши ва улар ўртасида жинсий таълим-тарбиянинг суст қўйилганлигидир. Яна бир муҳим сабаб хулқ ва ахлоқдаги ўзгаришлар ҳисобланади.Бунга меъёрдаги жинсий талаб ва шартларнинг сусайиши, тақиқларнинг камайиши, эр-хотин ўртасидаги ўзаро ишончнинг бузилиши, жинсий муносабатда аёллар устунликларининг ошиши киради. Жинсий тарбияни тўғри ва оқилона йўлга қўйилмаганлиги ҳам муҳим сабаблардан бири ҳисобланади. Бунда ота-оналарнинг болаларга таъсирининг сусайиши, жинсий алоқа тўғрисидаги тушунчаларнинг ўзгариши, ёшлар ўртасида алкоголизм, наркомания, фоҳишабозликни авж олиши, оилаларнинг ажралиши ва юқорида баён етилганидек, оналарни бир ўзи яшашни афзал деб билишлари ва ёшлар ўртасида гомосексуализм (бесоқолбозлик)ни, орогенитал жинсий алоқаларнинг кўпайиши, турли-туман миллий ахлоқий тушунчаларга зид видеофилмларни ёшлар ичига кириб келиши ҳисобланади. «Соғлом танда соғ ақл», — деган халқ ҳикмати жуда ўринли ва топиб айтилган. Дарҳақиқат, соғлом инсон тўғри фикрлайди, ўзи ва жамият учун муносиб хаттиҳаракатлар қилади, натижада бундан шахснинг ўзи ҳам, оиласи ҳам, жамият ҳам катта манфаат кўради. Агар инсон носоғлом бўлса, унинг маънавий, ахлоқий

фикрлашлари ҳам мантиқсиз, шуурсиз, бемаъни бўлишидан ташқари, унинг иш қобилияти (ҳатто фикрлаш қобилияти ҳам) сусаяди. Оилага ва жамиятга келтирадиган фойдасидан зиёни кўпроқ бўлади. Табиийки, юқорида баён қилинганларнинг барчаси ижтимоий муаммо бўлиб, бундан жамиятга, шахснинг ўзига ва оиласига манфаат келмайди. Айни пайтда юқоридагидек Давлат ва жамият талаби ва руҳига зид келадиган хатти-ҳаракатлар, ахлоқсизликлар, беномусликлар, мунофиқликлар содир бўладики, буларнинг барчаси юқоридаги касалликнинг келиб чиқиши, илдиз отишига олиб келади. Ҳозирда таносил касалликлардан захм ва сўзак давлат томонидан текин даволанади. Уларнинг овқати, дори-дармонлари ҳам касалхонадаги ўринлари, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳаммаси бепул бўлиб, давлат буджети ҳисобидан беморлар касалдан (санация) «тозаланишади». Агар касаллик илк даврда аниқланса, уларнинг асоратларидан инсон холи қолади, даволаниш сифатли кечади. Аммо касалликлар кеч аниқланса ёки авлодларга ўца, албатта бу ҳолатларда беморни буткул ва асорациз даволашни шубҳа остига қўяди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодига, одамлар руҳиятига катта зарар йетказади. Масалан, бундай касалликка чалинган одамлардан дунёга келган бола туғма захм билан туғилса, у келажакда жамиятга фойда келтириш ўрнига, аксинча фақат зиён йетказиши мумкин, холос. Уни даволаш, келажакда соғлиғини назорат қилиниши учун мамалакатнинг кўплаб маблағи сарф қилинади. Беморларнинг ўзи касал бўлишидан кўра бошқаларни зарарлашлари енг ашаддий ижтимоий муаммодир. Касалликка чалинганлар кўпинча ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам соғлиғи ҳақида қайғуришмай тартибсиз жинсий алоқа билан шуғулланишади, бу еса ўз вақтида жамият тараққиётига путур йетказади. Баъзи бир шахслар 2 ва ундан ортиқ таносил касалликларига чалиниб, уларни умр бўйи ўзи билан олиб юриши ва бошқаларга ҳам юқтириши мумкин. Шундай беморлар борки, жинсий алоқаларда тартибсизлик туфайли бир вақтнинг ўзида уларда 2—3 та таносил касалликлар аниқланади. Бу еса жамиятга жуда катта зиёндир, касаллик сони қанча кўп бўлса, уларнинг салбий асоратлари ҳам шунчалик аянчли бўлади ва жамият учун жиддий ижтимоий муаммоларни туғдиради. Бундан келиб чиқадиган амалий хулоса шуки, жинсий касалликни ўзига юқтириб олганлар енг аввало давлат ва жамиятга, иккинчидан оиласига, атрофидаги одамларга, енг мудҳиши, ўзидан кейин соғлом насл қолдиришни хавф остига қўядилар. Шу боисдан ҳам жойларда фуқаролар, маҳалла жамоатчилиги, ўқув муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, соғлом оилалар ўз сайъ-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда енгилоёқлар, такасалтанглар, алкоголизм, наркоманлар, фоҳишабозлар, қўшмачилар, айниқса, жинсий касалликларни ташувчи кишиларни давлат ва жамият манфаатларига ёт унсурлар сифатида уларга қарши кескин курашмоқлари керак. Зотан бундай қилишни динимиз ва еътиқодимиз манфаатлари ҳам талаб қилади.

Жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг тарқалиши ва унга сабаб бўладиган омиллар.

Таносил касалликларига турли-туман омиллар, ўз белги ва хусусиятлари билан кечувчи юқумлилик жараёнлари киритилган. Бу касаллик табиатини диққат билан ўрганилса унда битта умумийлик борлигини кўрамиз. Яъни бу касалликлар асосан юқиш орқали кўпаяди. Бошқача қилиб айтганда, соғлом кишининг касалликка чалинган киши билан лоақал бир марта кечган жинсий алоқаси муқаррар тарзда

касалликнинг юқишига олиб келади. Ҳозирда «венерология» фанида («венера» — севги тожи демакдир) 20 дан ортиқ шу гуруҳга кирувчи турли касалликлар маълум ва улар асосан жинсий алоқа орқали юқади. Шу туркум касалликларига венерологияда захм (сифилис), сўзак (гонорея), трихамониаз, юмшоқ шанкер, венерик линфагрануломатоз, донованоз хламидиоз, ликомлазмаз, гарднереллиоз, генитал учуқ (герпес), ўткир учли кондилималар, кандидозлар, гепатит В, қўтир, битлилик, гиардиаз, амердиаз, амебиаз, юқумли (кантагиоз) моллюск, ситемелегалия ва ОИТС (одамда иммунтанқислик синдроми СПИД) киритилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш жамиятининг маълумотига кўра захм, сўзак, трихамониаз, хламидиоз дунёда енг кўп тарқалган таносил касалликлари ҳисобланиб, епидемик жиҳатдан фақат грипп ва безгакдан сўнгги ўринда туради. Шу жамиятнинг хабарига кўра ҳар йили дунё бўйича 200 млн одамда сўзак, 250 млн трихаминоз, 200—250 млн ида хламидиоз, 100 млн микоплазмоз ва 50 млн аҳолида захм касалликлари қайд етилган. Таносил касалликлари бир ўсиб, бир камайиб туради. Биз захм ва сўзакнинг 50 йил ичида юртимизда қандай тарқалганлиги ҳолатини таҳлил қилганимизда, шу касалликларни бир хил шароитда, ёнма-ён тарзда 5 марта ўсгани ва камайганлигининг гувоҳи бўлдик. Лекин уларнинг ўсиб ва камайиб бориш жараёнига турли вақтларда турлича омиллар сабаб бўлган. Масалан, 1947—1953 йиллардаги ўсишда иккинчи жаҳон урушидан сўнгги жинсий алоқаларнинг тартибсизлиги сабаб бўлган. Бу вақтда эркакларнинг камлиги ва аёлларнинг кўплиги ҳам аҳамиятга ега бўлган.

Яна шундай мисолларга 1966-йилдан кейинги «Тошкент зилзиласидан сўнгги ўсишдаги ҳолатга келсак, бунда 1972-йилда шу ўсишнинг чўққиси кузатилган, яъни захмнинг ўсиши 100 минг аҳолига 44ни ташкил қилган, буни тиббиётда интенсив кўрсаткич дейилади. Бу пайтда ҳам зилзила оқибатларини бартараф етиш мақсадида ҳашарга келган одамларнинг миграцион жараёни кучайганлиги сабаб бўлган. Бу вақт турли-турли жойдан келган ишчи-қурувчилар орасидаги «еркинлик», яъни жинсий бетартибликлар, уларнинг орасида еса тушунтириш ишларининг йетарли даражада олиб борилмаганлиги ва улар келган вақтларида турли тиббий текширувлардан ўтказилмаганлиги ёки текширувнинг тўлиқ бўлмаганлиги касаллик тарқалишининг асосий сабабларидан бўлган. Захм ва сўзакнинг республикамиздаги ҳозирги 5-чўққиси аввалгиларига ўхшаш бўлмаган ўзига хос сабабларга боғлиқлиги аниқланди. Бу 5-ўсиш захм бўйиша асосан 1991йилдан бошланган бўлиб, бу вақт юқоридаги интенсив кўрсаткич (ҳар 100 минг аҳолига) 1,8 ни ташкил етган. Шу вақт ичида 1997-йил шу кўрсаткич 47,3 га йетди. Лекин 1998-йил ҳисобига бу кўрсаткич 45,5 гача камайди. Аммо бу пасайиш ҳеч кимни хотиржам қилмаслиги керак. Агар сўзак бўйича юқоридаги кўрсаткични таҳлил қилсак, 1997-йилда юртимизда 100 минг аҳолига 26,7 касаллик, 1998-йилда еса бу кўрсаткич 27,5 тага ўсган.

Республикамизда юқорида қайд қилганимиздек, трихомониаз ҳам ўсган. Агар 1997-йили ҳар 100 минг аҳолига 85,5 бўлган бўлса, 1998-йилда бу кўрсаткич 100 тагача ўсган. Бу касаллик ҳам ўзининг ашаддий асоратлари билан жинсий алоқа билан юқувчи касалликлар туркумига киради. Ҳозирда республикада асосан мана шу касалликлар юқори даражада учрайди. Кўпинча шу туркумга кирувчи касалликлар, яъни венерология фанига маълум бўлган касалликларни барчаси ҳам юртимизда учрамайди. Юртимизда хламидиоз, микоплазмоз ва гарднереллиоз

касалликларининг диагностикаси кам йўлга қўйилган, лекин аниқланган касалликлар миқдори камчиликни ташкил қилган. XX аср «вабо»си деб юритиладиган жинсий йўл билан юқувчи касалликлардан бири ОИТС катта ижтимоий муаммони ташкил етади. Аввалари бу касаллик 1995-йилгача йилига биттадан қайд етилган бўлса, 1996-йилда 3 та, 1997-йилда еса 8 та иммунитет танқислиги вируси мавжуд бўлган одамлар топилди. Ҳозирда қўшни МДҲ давлатлари тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, агар захмнинг ҳар 100 минг аҳолига бўлган кўрсаткичи 150 дан ўсса, унда ОИТСни кўпайиш эҳтимоли ошади. Бу ҳозирда ўзига хос индикаторлик вазифасини бажараяпти. Шу боисдан юқорида қайд етиб ўтганимиздек, ҳар бир
ўсишнинг ўзига хос сабаблари бўлади. Бу ўсишда жинсий алоқа орқали юқувчи касалликлар учун енг асосий сабаблардан бири миграцион жараёндир. Шу билан бирга касаллик ўсишида янги омиллар пайдо бўлди. Булар майда, ўрта бизнес билан шуғулланувчилар, олибсотарлар ва уларнинг хотинлари ҳисобланади. Яъни бунда уй бекалари бўлган ўйнаш ва фоҳишаларнинг ролини алоҳида таъкидлаш керак. Буни қуйидаги рақамлар кўрсатади. Масалан, 15—17 ёшли беморларни Тошкент шаҳри бўйича 1998-йилда 44 таси захм билан касалланишган. Улар орасида 37 таси қизлардир. 18—20 ёшли касалларнинг 68%ини аёллар ташкил қилади, 21—50 ёшлиларнинг еса 53%и аёллардир. Ҳозирда касалликларнинг аниқланиши, асосан кеч амалга оширилмоқда. Бу еса ўз вақтида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг суст олиб борилаётганлигидан далолат беради. Масалан, захмнинг 67,4% (1998-йилда) республикада кеч аниқланган. Юқоридаги фикрларни тасдиқловчи мисоллардан яна шуни таъкидлаш жоизки, аввалари касалликлар асосан шаҳарликлар орасида кўп учраган бўлса, ҳозирда еса қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам кўпайган. 1998-йилда захм билан қишлоқ аҳолиси орасида 34% дан ортиқроғи касалланган. Аҳолининг шу қатламида сўзак 30%ни ташкил етган, лекин булар орасида аёлларнинг касалланиши эркакларга нисбатан камчиликни ташкил етади. Ҳозирда жинсий алоқа орқали юқувчи касалликларнинг тарқалиши авж олиб турган бир вақтда ҳар бир инсон ўзининг қадамини ўйлаб босса, ўринли бўлади. Шундагина бу ихтимоний касалликлар тарқалишининг олди олинади.

Жинсий алоқа орқали йуқадиган касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари

Кейинги йилларда таносил касалликларининг олдини олиш борасида кўпгина ишлар қилинганлигига қарамасдан, уларнинг йил сайин ошиб бориши бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Касалликлар паст кўрсаткичга ега бўлган пайтда уларнинг олдини олиш юзасидан туркум ишлар сусайганлиги сабабли касаллик кучайганда бу соҳадаги фаолият таъсирчанлигини кенг таҳлил қилишни ошириш, бу соҳада янги илғор чора-тадбирларни қўллаш зарур бўлиб қолади. Ҳозирда таносил касалликларининг ўсиши бошқа вақтдагилардан фарқ қилганлиги сабабли тушунтириш ишларини, касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларининг янги йўналишларида изланиш ва тахминлар асосида ташкил етишни тақозо қилади. Кундалик ҳаётда учрайдиган ҳар хил вазиятлар, порнография, ота-оналарнинг ўзаро муносабатларининг ёмонлиги, ёшлар ўртасида наркомания, алкоголизм ва фоҳишабозликнинг

ривожи, ёшлар ўртасидаги гомосексуализмни авж олиши, албатта шуларга қарши чора-тадбирларни янги йўналишларини ишлаб топишга ундайди. Юқоридаги сабаблар, албатта болаларнинг руҳий ҳолатига таъсир етади ва ўқув муассасаларида бу борадаги таълим-тарбия
ишларини тўлақонли олиб борилишига халақит беради. Айни пайтда булар миллий удумларга риоя қилиш чегарасидан чиқаради. Буларнинг ҳаммаси таносил касалликлари бўйича бирламчи
профилактиканинг сустлигидан далолат беради ва бу касалликларнинг тарқалишидаги асосий омиллардан бири эканлиги исбот этилади. Шунинг учун ҳозирда ҳеч нарсани аямасдан, аҳолини таносил касалликлари ҳақидаги ахборотлар билан тўлиқ таъминлаш зарур. Бунда ҳар хил ёшга ва унинг жинсига мос адабиётлар билан таъминлаш керак. Уларда касалликларни белгилари ҳақида, уларнинг юқиш йўллари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрсатилиши ҳамда одам енг аввало ўзини ва атрофидагиларнинг соғлиғи учун қайғуриши лозимлигини тушунтириш зарур. Бирламчи профилактикани ҳозирда юртимизда паст даражада ҳисоблашади. Лекин республикада кейинги пайтларда газета ва журналларда мақолалар, радио ва телевиденийеда чиқишлар бироз авж олмоқда, аммо ёшлар ўртасида ҳар хил таносил касалликлари ҳақида махсус ешиттиришлар ҳозирча кам. Бирламчи профилактика учун ёшларга, ҳатто ўқувчи ва талабалар учун мос адабиётлар чоп етиш ва тарқатиш фойдадан холи бўлмас еди. Адабиётларнинг йетишмовчилиги, албатта, ёшларни бошқа номуносиб адабиётларга порнография ва беҳаё видеофилмларга мурожаат етишларига мажбур қилади. Булар, албатта, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилиб, ёшларни эрта жинсий алоқага берилишига сабаб бўлади. «Кейинги пушаймон ўзингга душман», деганларидек, агар ёшлар бу жинсий хулқ билан ҳаёт саҳнасига чиқсалар албатта кеч бўлади. Шунинг учун бу борада жиддий ишлар олиб бориш шарт. Ҳозирги вақтда таносил касалликларининг олдини олиш учун
барча кучларни бирлаштириш тўғри бўлади, булар ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Буларга қуйидаги йўналишлар киритилади: касалликларни тарқатиш ҳолатининг тарғиботи, иқтисодий омилларни излаш ва ижтимоий ҳолатларни таҳлил етиш ва бошқалар бирлашиб таносил касалликларига қарши кураш самарадорлигини оширади.Таносил касалликларининг олдини олишда ҳар бир инсон онгида шахсий гигийена қоидаларига риоя қилиш ҳақида тушунчаларни кенгайтириш ҳам ўзига хос омиллар ҳисобланади. Агар шу қоидаларга амал қилинса, таносил касалликларининг олдини олишда шахдам қадам қўйилган бўлар еди. Бунинг учун ҳар бир инсон бегоналар билан жинсий алоқада бўлгач, жинсий органларини тозалаб, хўжалик совуни билан яхшилаб ювгач, маргансовкали суюқ еритма билан жинсий органларини ювиб, қуритиб, тоза ички кийим кийиши шахсий гигийена қоидаларига киришини тушунтириш лозим. Ҳозирда бутун жаҳонда барча ёшдагилар орасида «хавфсиз секс» тарғиботи кенг авж олган. Бунда ҳар бир жинсий алоқа олдидан енг қулай олдини олиш йўли — бу презерватив лардан кенг фойдаланиш тарғиботидир. Албатта, тарғибот билан бирга улар кенг савдо тизимида еркин бўлиши ва уларнинг баҳолари арзон бўлиши лозим.

Ёшларда жинсий хулқ ва таносил касалликлари

Жинсий алоқа орқали юқувчи касалликларнинг болалар ва ўсмирлар ўртасида йил сайин ўсиб бориши уларнинг ижтимоийпсихологик ҳолатлари қай аҳволда еканлигидан далолат беради десак хато қилмаган бўламиз. Республикамизда ҳозирги вақтда аҳолининг 40%идан кўпини 17 ёшгача бўлган болалар ташкил етади. Бу еса ўз вақтида таносил касалликлари тарқалишининг олдини олиш борасида янгидан янги йўл-йўриқлар излаб топишни талаб қилади. Шулардан асосийси, ёшлар орасида жинсий хулқ тарбиясини йўлга қўйиш ҳисобланади. Бу еса барчанинг иши бўлиб, ҳозирда бу ишда бир қанча камчиликлар мавжуд. Ёшлар орасида ахлоқ нормаларининг талқини, авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий тарбиямиз талабларининг эътибордан четда қолаётганлиги, уларга амал қилмаслик, ота-оналар орасидаги муносабатлар, оиладаги муҳит, турли ташқи таъсирлар, табиийки, болалар ва ёшлар орасида таносил касалликларининг ўсишига сабаб бўлади. Охирги пайтларда болалар ва ўсмирлар орасида жинсий алоқалар йўли билан тарқалган касалликлар ҳолатини кўриб чиқсак, жуда ачинарли ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Агар 1994-йилда 14 ёшли болалар ичида 15 та захм касали қайд қилинган бўлса, 1995-йил 20 та, 1996-йил 40 та ва 1997-йилда еса бу кўрсаткич 61 тага йетган. 61 тадан 37 таси 14 ёшгача бўлган қизларда қайд қилинган бўлса, шулардан 72,5% ини қизлар ташкил етиши янада ачинарли ҳолдир. 1998-йилда 18—20 ёшлилар орасида захмнинг тарқалганлигини кўрсак, бунда яна «ёқа ушлашга» мажбур бўламиз. Бу гуруҳ ёшларнинг 62,7% и аёл-қизлар еканлиги жинсий тарбиянинг оилада, жамоатчилик орасида қанчалик оқсаётганлигидан далолат беради.Шундай қилиб, 1998-йилда захм билан касалланганлар орасида 14 ёшгача бўлганлар 0,5% ни, 15—17 ёшлилар 1,7% ни ва 18—20 ёшлилар еса 77% ни ташкил қилади. Агар захм касаллигини қишлоқ аҳолиси орасида тарқалганлигини кўрсак, бошқача кўрсаткичларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, захм 14 ёшгача бўлганларда барча касалликларнинг 0,7% ини, 15—17 ёшларнинг 1,5%ини ва 18—20 ёшлиларнинг 6,5%ини ташкил қилади. Агар шуларни жинсий томондан кўриб чиқсак, 14 ёшгача бўлган ёшларда захмнинг 65,5%ини қизларда кўрамиз. 15—17 ёшлилар орасида 62,2% ини ва 18—20 ёшлилар ичида еса 57,7% ни қизлар ташкил қилади. Захмни уч гуруҳ болалар ва ёшлар ўртасида тарқалганлик ҳолатини кузацак, шу нарса кўриниб турибдики, асосан жинсий мойилликнинг эрта уйғониши ва фоҳишабозликнинг авж олиши омил вазифасини ўтаса, асосий сабаб бу касалликлар ва уларнинг олдини олиш ҳақидаги елементар тасаввурларнинг ёшларда йўқлигидир.Сўзакни болалар ва ёшлар ўртасида тарқалиш даражасини кузацак, юқорида айтиб ўтилган фикрлар ўз тасдиғини топади. Сўзак 1998-йили ҳар 100 минг аҳолига нисбатан бироз ўсди (1997-йилда 26,7%) ва 27,5% ни ташкил қилди. Сўзак умумий касалланганлар орасида 14 ёшгача бўлган болаларда 1,1% ни, 15—17 ёшлилар орасида 4,9% ни ва 19—20 ёшлиларнинг 10,4% ини ташкил қилади. 14 ёшлилар орасидаги касалланганларнинг 84,7% ини, 15—17 ёшлиларнинг 50,5% ини ва 18—20 ёшлиларнинг 48,4% ини қизлар ташкил қилган. Бунда шуни қайд етиш лозимки, аёлларда сўзак диагностикаси бироз қийин, яъни уларда кўпинча яширин, сурункали сўзаклар учрайди. Қишлоқ аҳолиси орасида сўзак 1998-йилда барча венерик касалликларнинг 33,8%ини ташкил қилган бўлиб, 14 ёшгача бўлган болалар орасида 0,9%ни, 15—17 ёшлиларда 1,3% ни ва 18—20 ёшлилар орасида 8,3% ни ташкил қилган. 14 ёшгача бўлган болаларнинг 81,8% ини қизлар ташкил

қилган. 15—17 ёшли болалар ичида сўзак ўғил болаларда кўпроқ қайд етилган, яъни 66,6%ни ташкил қилган. 18—20 ёшли ўғил болалар орасида ҳам сўзак кўп аниқланган, яъни 57,6% ни ташкил қилган. Бу ҳолат қишлоқ аҳолиси орасида сўзакнинг қизлар орасида кам аниқланиши асосан у йерларда жинсий хулқнинг, қиз ва ўғил болаларнинг ўзаро яқин муносабатларининг чекланганлилиги дан, катталар томонидан қаттиқ назорат остида еканлиги билан белгиланади. Шу ёшдагилар орасида жинсий йўл билан юқувчи касалликлар ҳақидаги билимлари кўриб чиқилганда, қизиқ натижалар олинди. Таносил касалликлари ҳақидаги билимларни синаш шуни кўрсатдики, ҳар хил касаллик ҳақида ўқувчилар турлича билимга ега еканлар. Енг яхши билим шаҳар ва қишлоқ ёшлари орасида одамлар иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) тўғрисидаги билимлар еканлиги аниқланди. Захм ва сўзак ҳақида мактаб ўқувчилари ўртасида билимлар паст даражада бўлиб, шаҳар болалари орасида қишлоқдаги ёшларникидан ҳам пастлиги исбот етилди. Бу еса шаҳарда мактаб ёшлари орасида шу нарсалар ҳақида ахборотлар олиш паст даражада еканлигидан далолат беради. Никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига ега бўлиш-бўлмаслиги ҳақида ўзига хос натижалар олинган. ЮНЕСКО лойиҳаси асосида қўлланма муаллифлари томонидан махсус ўтказилган илмий тадқиқот натижаларига кўра қишлоқ мактабларидаги 9-синф қизларидан 30%га яқини никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига ега бўлишликка қарши эмаслигини билдирган. Шаҳарда бу кўрсаткич 38%ни ташкил етган. Шу рақамлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур ёшда жинсий ҳаётни рад етмаган ва шу билан бирга жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш воситалари ҳақида билимларнинг ўта саёзлиги мазкур муаммони бугунги кунда нафақат ўзга давлатлар, балки Ўзбекистонда ҳам ниҳоятда долзарблигини кўрсатади.Шу сабабли ҳам таълим ва тиббиёт ходимлари ёшлар орасида зарур бўлган билимларни бериб боришлари ва тушунтириш ишларини кенг тармоқда олиб боришлари ҳозирги кунда улар олдида турган енг муҳим вазифалардан биридир. Бундан ташқари болаларни шу тариқа билимларини оширишда ҳар хил жамиятлар, жамоат туркумлари кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришлари керак. Шундай қилинганда бу касалликлар сони камайтирилиб, инсон саломатлигига путур йетказишнинг олдини олган бўлар эдик.

Муҳокама учун саволлар?

1. Таносил касалликлари қандай юқади?
2. Бу касалликлар тури ҳозирда нечта?
3. Тарқалганлик ҳолати ҳозирги кунда қандай?
4. Нима сабабдан бу касалликлар ўсиб туради?
5. Олдини олиш учун асосан нималарга амал қилиш лозим?
6. Бирламчи профилактика нима?
7. Таносил касалликларининг олдини олишда қандай омилларга мурожаат қилиш керак?
8. Иккиламчи профилактика нима?
9. Шахсий гигйена нима?
10. Ҳозирда таносил касалликларининг тарқалиш ҳолати қандай?
11. Ёшлар орасида таносил касалликлари қай аҳволда?
12. Қишлоқ ва шаҳар ёшлари орасида таносил касалликларининг фарқи?
13. Ёшлар орасида таносил касалликлари ҳақидаги билимлар қандай?

14. Тўйгача бўладиган жинсий алоқага қандай қарайсиз?

11-МАВЗУ: ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ОИД ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТЛАР.

Фанни ўқитиш технологияси: Оилавий муносабатларни ўрганишга оид психодиагностик тестлар мавзусидаги машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** ***Дарснинг мақсади:*** ***Таълимий:*** Оилавий муносабатларни ўрганишга оид психодиагностик тестлар тўғрисида тушунча бериш ***Тарбиявий:*** Оилавий муносабатларни ўрганишга оид психодиагностик тестлар ечиш орқали ўқувчиларда оилага, оилавий муносабатларга нисбатан жиддийлик, масъулиятлиликни шакллантириш. ***Ривожлантирувчи:*** Оилавий муносабатларни ўрганишга оид психодиагностик тестлар тўғрисида тўғри фикр ва жиддий ёндошувни тасаввурларини ривожлантириш ***Дарснинг тури:*** Назарий маълумот бериш. ***Дарс жихози:*** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, психологик тестлар жамланмаси, методикалар, жадваллар, буклетлар, тарқатма материаллар ва ҳоказо. ***Дарснинг боғланиши:*** Педагогика, психология, оилашунослик, тарих **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** оитс, жинсий касалликлар,енгилоёқлар, такасалтанглар, алкоголизм, наркоманлар, фохиша. Фоҳишабозлар, венерологик касалликлар. 1.4.**Дарс шакли:** Амалий машғулот, гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Дарслик, дарсга оид турли хил кўргазмалар, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу эълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** - Психологик тестлар шахснинг ўзини англашига ёрдам	**Ўқитувчи-талаба, 40 минут**

	беради. Ушбу фикрни асосланг. **3.2.** Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун саволлар берилади. **4.2.** Фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 минут**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 минут**

ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТЕСТЛАР

1- ТЕСТ. «СЕВГИ ВА ЁҚТИРИШ МАЙЛИ ШКАЛАСИ» ТЕСТИ

Оила қуриш мотивларидан бири севги-муҳаббат ҳисобланади. Оилавий муносабатларнинг қай даражада кечиши кўпинча шу мотивга боғлиқ. Лекин ҳар қандай инсон ўз ҳис-туйғуларининг севги обекти, яъни танлаган кишисига нисбатан қандай эканлигини билиб олиши керак. Қуйида келтириладиган тест шахсдаги ҳис-туйғуларидан севги ва ёқтиришнинг даражасини аниқлашга ёрдам беради. Бунинг учун шу 14 та тасдиқларнинг ушбу жавоб вариантларидан бирини белгилайсиз: а) ҳа, бу шундай; б) еҳтимол шундайдир; д) у қадар бўлмаса керак; е) бутунлай ундай эмас. Бунда иложи борича тез ишлашга ҳаракат қилинг. Бу тасдиқларнинг тоқ ва жуфт ўринда турганларининг балларини суммасини ҳисоблаш орқали ўзингиздаги ҳиссиёт турини аниқлашингиз мумкин. Бунинг учун тоқ ва жуфт тасдиқлар бўйича олган балларингизни ҳисоблаб чиқинг. Яъни тоқ сондаги тасдиқлар орқали севги даражасини, жуфт сондаги тасдиқлар эса ёқтириш (майли) даражасини билдиради. Қайси шкала бўйича балларингизнинг кўп эканлиги, сизнинг муносабатингизда шу ҳис-туйғу турининг устунлигини кўрсатади. Муҳаббат энг қадимий ва навқирон тушунча. У шу кунгача қариган эмас, бундан кейин ҳам қаримайди. У ҳамиша — Оила психологияси

Т а с д и қ л а р

1. Мен унга мутлақо ҳамма нарсани ишонишим мумкин. 4 3 2 1
2. Бирга бўлган вақтларимизда бизнинг кайфиятимиз доимо мос тушади. 4 3 2 1
3. У фақат меникидир деб айта оламан. 4 3 2 1
4. У жуда ақлли киши. 4 3 2 1
5. Унинг учун мен мутлақо ҳамма нарсага тайёрман. 4 3 2 1
6. Кўпчилик ҳолларда, у одамлар билан танишган вақтларимизда уларга ёқа бошлайди. 4 3 2 1
7. Ўзимни нохуш (ёмон) ҳис қилган вақтларимда фақат у билан суҳбатлашгим, ҳасратлашгим келади. 4 3 2 1
8. Биз у билан қалбан ўхшашмиз деб ўйлайман. 4 3 2 1

9. Агар, усиз яшашга тўғри келиб қолса, унда менга жуда оғир (қийин) бўлар эди. 4 3 2 1
10. Мен унга ўхшаган бўлишни хоҳлар эдим. 4 3 2 1
11. Унга доимо яхши бўлиши учун мен ўзимни жавобгар деб ҳис қиламан. 4 3 2 1
12. У менга нисбатан яхши муносабатда эканлигига ишончим комил. 4 3 2 1
13. Унинг бошқалардан кўра, менга кўпроқ ишонишини ҳис қилиш менга ёқади. 4 3 2 1
14. У мен билган қизлар (йигитлар) орасида энг жозибали (ёқимлидир). 4 3 2 1

2-ТЕСТ. «БУ КАТТА СЕВГИМИ ЁКИ ЭНГИЛ-ЕЛПИ ЁҚТИРИШМИ?» ТЕСТИ

Қуйида бериладиган саволли вазиятларга мос келган жавобни танласангиз, у ҳолда сиздаги ҳисларингизнинг қандай эканлигини билиб олиш имкони туғилади. Жавоб намунасининг ўзингизга маъқулини танлаётганингизда миянгизга биринчи бўлиб келган фикрни танлаш мақсадга мувофиқ эканлигини унутманг.
1. Учрашувга кета туриб, Сиз:
а) ўзингиз ёқтирган кўйлагингизни киясиз;
б) у ёқтирган кўйлакни киясиз;
д) кўйлакларингиз орасида энг янгисини киясиз.
2. Сиз севгилингизнинг ота-оналарига рўбарў келиб қолсангиз:
а) Сиз бундан жуда хижолат бўласиз;
б) бу сиз учун ёқимли ва қизиқарли;
д) уларга дуч келмасам бўларди, деб ўйлайсиз.
3. Агар Сизнинг севгилингиз Сизга китоб тақдим еца:
а) Сиз бошқа китобга алмаштиришга тайёрсиз;
б) шундай китобни орзу қилардим, дейсиз;
д) бехосдан «Менда бу китобдан бор!», — дейсиз.
4. Агар у сизга қўнғироқ қиламан деб ваъда берган бўлса-да, лекин нечундир қилмаса:
а) Сиз йиғлайсиз;
б) кун бўйи телефон олдида ўтирасиз;
д) дугонангиз (дўстингиз) билан айлангани чиқиб кэтасиз.
5. Агар Сиз унинг онасига ёқмасангиз, яъни унинг онаси Сизни ёқтирмаса:
а) Сиз унинг онаси талаблари билан ҳисоблашасиз;
б) унинг онасига ёқиш учун астойдил ҳаракат қиласиз (гул берасиз, яхши сўзлашасиз);
д) онасидан ёқтирмаслик сабабини сўрайсиз.
6. Агар Сизга у бирор жойга боришни таклиф этса-ю сиз унинг моддий аҳволи танг эканлигини билсангиз, у ҳолда Сиз:
а) харажатларни биргалашиб тўлашни таклиф этасиз;
б) шунчаки сайр қилишни таклиф этасиз;
д) бирор-бир мавзуда суҳбат уюштирасиз (янги филмлар, томошалар ҳақида).
7. Жанжаллашиб қолсангиз, жанжалдан кейин Сиз ўзингизни айбдор эканлигингизни ҳис қилсангиз ҳам, Сиз:
а) унинг қўнғироқ қилишини, у биринчи бўлиб келишини кутасиз;

б) ундан сиз кечирим сўрайсиз;
д) ўртоқларингизга (дугонангизга) бўлган жанжални ўзингизни айбдор кўрсатмай сўзлаб берасиз.
8. Агар сизнинг севгилингиз спортни севса, Сиз:
а) у билан мусобақалар томоша қилгани борасиз;
б) унинг «хобби»сини, қизиқишини маъқуллайсиз;
д) уйда ёлғиз қолишни афзал кўрасиз, гоҳида унинг хоббиси устидан куласиз.
9. Сиз тасодифан илгари ёқтирган кишингиз билан кўчада
учрашиб қолсангиз, Сиз:
а) у билан учрашишдан воз кечасиз;
б) унга, енди бошқа кишини севишингизни айтасиз;
д) ўтган дамларингизни еслаб, у билан учрашувга рози бўласиз.
10. Севганингиз билан узоқ айриликдан Сиз:
а) ёлғизликдан қийналмаслик учун, дугона ёки дўстларингиз билан бирга вақт ўтказасиз;
б) ёлғизликда ўзингиз вақт ўтказасиз ва доимо (севганингизга) мактублар ёзасиз.
д) ундан олдинги ёқтирган одамингиз билан учрашишга ҳаракат қиласиз ва унга ўзингизни билдирасиз.

Тест натижаларини баҳолаш:

	А	Б	Д		А	Б	Д
1.	2	3	1	**6.**	2	3	1
2.	2	3	1	**7.**	2	3	1
3.	2	3	1	**8.**	2	3	1
4.	2	3	1	**9.**	2	3	1
5.	2	3	1	**10.**	2	3	1

Тест натижалари таҳлили:
15 баллдан кам: Ўзингизни ва уни алдашингиз беҳуда, сиз уни севмайсиз.
15—28 балл: Сизнинг ўйлашингизча, Сиз уни севиб қолгансиз, лекин буни аниқ ишонч билан айтиш асосли эмас.
28 баллдан юқори: Сиз ҳақиқатан ҳам уни севасиз.
Агар севсанг, муҳаббатингга арзийдиганни сев. Севилган одам Птоломей ёки Афлотун даражасида бўлиши шарт эмас, лекин оз бўлса-да, идрок эгаси бўлмоғи керак. «Қобуснома»дан.

3-ТЕСТ. «СИЗ УНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА СЕВАСИЗ?» ТЕСТИ

Қуйидаги тест орқали севги обектингизга нисбатан сиздаги ҳисссиёт даражасини билиб олиш мумкин бўлади. Бунинг учун қўйилган саволга жавобларнинг учтасидан бирини танлашингиз зарурдир ва танлаш жараёнида узоқ ўйламаслик керак бўлади.
1. Сиз одамни бир марта кўрибоқ, шу оннинг ўзида севиб қолиш мумкинлигига ишонасизми?
а) нимага бўлмас экан, аслида шунинг ўзи ҳақиқий севги;
б) бунақаси бўлмайди, бу севги эмас;
д) баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради.

2. Агар Сизнинг дўстларингиз унга шубҳа, нафратли муносабатда бўлишса, сиз уни севган бўлармидингиз?
а) сўзсиз;
б) ўйлайманки, ҳа.
д) ҳеч қачон.

3. Сиз у билан олдин кўрган филмингизни яна қайтадан кўргани борармидингиз?
а) агар у буни илтимос қилса (сўраса) борган бўлардим.
б) буни қилишдан бахтиёр бўлардим.
д) Сиз кинодан сўнг ҳам учрашишингиз мумкин.

4. Агар у сизнинг дўстларингизга ёқмаса, унда Сиз нима қилган бўлардингиз?
а) дўстларим билан муносабатларимни аниқлаб олган
бўлардим;
б) тўғри танлаганлигимдан шубҳаланардим;
д) бунақасини тасаввур қила олмайман.

5. У ҳақда гапираётган вақтингизда даставвал нимани эслайсиз?
а) қадди-қоматини, ёқимли юзини, баъзан чиройли сочини;
б) ақлини, маълумотлилигини, тарбияланганлигини, ўзини тута билишлигини, гаплашганликдаги тетик манерасини, баъзан самимийлигини.
д) нима тўғри келса шуни, чунки ўзим танлаганлигимнинг барча афзалликларини мен санаб ўтишга қодир эмасман.
6. Сизлар бирга бўлмаган вақтларингизда, у нима билан машғул бўлишлигини биласизми?
а) ҳозирча Сиз ўзингизнинг рақибингиз (рақибангиз) йўқлигига ишонасиз, шунинг учун бунақа арзимаган нарсалар билан бошингизни қотириб ўтирмайсиз;
б) ҳа, чунки биз доимо охирги учрашувимиздан сўнг ўтган вақтларда ҳар биримиз билан нима ҳодиса рўй берганлигини бир-биримизга гапириб берамиз;
д) биз иккаламиз ҳам еркинмиз, шунинг учун у нима хоҳласа шуни қилиши мумкин.
7. Бир кунмас бир кун Сизларнинг муносабатларингизга якун ясалишини тасаввур қила оласизми?
а) мен бу ҳақда ўйлашга журъат эта олмайман;
б) эрта ми кечми, бу, албатта рўй беради.
д) биз бир-биримизга шу қадар боғланиб қолганмизки, бундай бўлиши мумкин эмас.
8. Ҳаёт сўзсиз гўзал, фақат икковлон бўлса?
а) агар одам севган бўлса, акс ҳолда у буни тасаввур ҳам қила олмайди;
б) ҳа, ёлғизликда зерикарли бўлади;
д) биргаликдаги ҳаёт, фақат бир-бирини ҳақиқатан севувчи икки қалб учун гўзал.
9. Агар Сизлар икковингиз ёлғиз қолган бўлсангиз, ҳаётнинг «буюк» масалалари ҳақида гаплашасизларми?
а) бунга деярли вақт етмайди;
б) нимага керак?

д) ҳа, кўп гаплашамиз.
10. Сизда у билан танишган вақтингиздагига қараганда бошқа одам бўлиб қолганлиги ҳақидаги тасаввур борми?
а) Сиз уни қандай тасаввур қилганигизча қолди;
б) у бошқача одам бўлиб чиқди, бироқ у шундайлигича сизга яна ҳам кўпроқ ёқади;
д) албатта, у дастлабки дақиқаларда тасаввур этилганидан идеал эмас.
Тест натижаларини баҳолаш: а б д . а б д

	А	**Б**	**Д**		**А**	**Б**	**Д**
1.	10	8	7	**6.**	4	7	0
2.	7	3	1	**7.**	9	4	7
3.	6	7	3	**8.**	9	1	7
4.	10	2	7	**9.**	2	1	7
5.	2	7	10	**10.**	10	7	5

Тест натижалари таҳлили:
30 баллдан кам бўлса: балким сиз учун дўстона муносабатлар унинг шахсидан муҳимроқдир.Балким сиз уни етарли даражада билмасдирсиз, аниқроқи унинг ташқи кўринишидан қониқасиз холос. «Мана қандай ғалабага еришдим, кимни ўзимга ром қилиб олдим!», — дэгандек. Баъзан бундай ҳолат ёқимли ҳамдир, бироқ еҳтиёт бўлинг, ахир Сиз бировлар учун эмас, балки ўзингиз учун жуфт танлаяпсиз!
31 дан 65 баллгача: Идеал севги шунақа: Сиз ўз танлаганингизнинг ташқи кўринишини ҳам, характерини ҳам севасиз, унинг нафақат афзалликларини, яхши хислатларини қадрлаб қолмай, балки яхлитлигича қабул қиласиз. Сиз уни билишга ва тушунишга интиласиз. Албатта, сизга ўз ҳаётингизни бажонидил баҳам кўришни истаган одамингиз билан қизиқмасангиз, яна бошқа ким билан қизиқасиз. Сиз икковингиз ҳамма нарсага қодир эканлигингизни ҳис қиласиз.
65 баллдан кўпи: Севги — ажойиб нарса! Фақат у агар икковлон севгининг ўзини эмас, балки бир-бирлари севса узоқ давом этиши мумкин. Сиз ўз предметингиз билан шу қадар машғул бўлиб кэтгансизки, одамнинг ўзини кўрмайсиз, балким у ҳақидаги ўз тасаввурингизга асосланасиз. Балким сиз ўз севгилингизда, агар уни ўз фантазиянгизда яратилган идеал образгагина асосланиб қолмай, уни яқиндан билишга интилсангиз пушаймон бўлмайсиз. Севги барча туйғулар ичида энг қудратлисидир, шунинг учун ҳам у ақл-у хаёлни, қалб ва вужудни эгаллаб олади. Ф.Волтер.
4-ТЕСТ. «СЕВГИ-МУҲАББАТГА ЛОЙИҚМИСИЗ?» ТЕСТИ.
Ўзбекистоннинг таниқли ёзувчиларидан бўлган Пиримқул Қодиров таъкидлаганидек «Севги — бу шундай бир улуғ ва илоҳий сўздирки, кимдир бу сўзни бир гап билан, кимдир кўп гап билан, ва яна кимдир айтолмай қолади». Қуйида таклиф етилаётган тест биз оилавий ҳаёт кечиши ёки кимгадир кераклилик ҳисси бўлиши учун шахснинг ўзи бу ҳисга лойиқлигини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун сиз қуйидаги гапларни «ҳа» ёки «йўқ» сўзлари билан тасдиқлашингиз керак бўлади.
1. Эркак киши, менимча, ҳамиша аёлга нисбатан фаолроқ бўлиши керак.
2. Мен севимли кишимга ҳатто арзимас сабабга кўра ҳам шодлик бағишлашни яхши кўраман.

3. Бегона кишилар орасида севимли, мулойим бўлишдан ўзимни йўқотиб қўяман.
4. Севимли кишимга ўзимни ниҳоятда зарур, деб ҳисоблайман.
5. Ҳамкорликдаги ҳаётнинг 15 йилидан кейин хислатлар асосий нарсага айланади.
6. Мен осонлик билан ўз ҳис-туйғуларимни намоён етаман ва улар ҳақида бамайлихотир гапира оламан.
7. Фарзандларим, уйим, хислатларим бўлмаганида ҳаётимни ўзгартирардим.
8. Тақдирим билан боғлиқ бўлган киши мен учун энг азиз ва меҳрибон инсон саналади.
9. Очиғини айтганда, севги нима эканини айтишга қийналаман.
10. Мен севадиган инсон билан орамизда юз бераётган нарсалар жуда муҳим ва асосан ўзим учун.
11. Мен севгилимни соғинишдан кўра, уни кўпроқ рашк қиламан.
12. Тақдир мени боғлаган инсонни жуда севаман.
13. Айрим пайтлари севган инсондан чарчаб кетаман.
14. Ҳар доим суюкли кишини шод этишга ҳаракат қиламан.
15. Баъзи ҳолларда бир-биримизни тушунмаётгандек ва турмушимизни турлича тасаввур етаётгандек туюлади.
16. Оилавий ҳаёт муваффақиятли бўлиши учун муҳим қарорларни эр-хотиндан бири қабул қилиши лозим.

Тест натижаларини баҳолаш:

2,4,6,8,10,12,14,16 — саволлардаги «ҳа» ва

1,3,5,7,9,11,13,15 — саволлардаги «йўқ»

жавобига 10 баллдан, ҳар бир савол белгисига 5 баллдан қўшинг.

Тест натижалари таҳлили:

100—160 балл. Сиз ҳис-ҳаяжонга бериладиган одамлар турига мансубдирсиз. Чуқур севиш хислатига эгасиз ва вафодор бўла оласиз, ўз муҳаббатингиздан тортинмайсиз ва уни намоён ета биласиз. Аммо баъзи бир ҳолатларда муҳаббатингиз Сиз учун қайғу-алам манбайига айланиши, яқин кишингиз билан муносабатдаги қийинчиликлар ҳақиқий фожиага сабаб бўлиши мумкин. Севгининг мураккаб санъатини ўрганиб олиш учун барча кўрсаткичларга эгасиз, чунки сизда севиш ва шундай жавоб ҳис-туйғуларини уйғотиш қобилияти мужассам.

50—99 балл. Сиз таъсирчан инсонсиз. Ҳис-туйғу масаласи ҳаёт унинг ҳамма вақт ҳам биринчи ўринда турмаслигини исботлаб берган бўлса-да, сиз учун муҳим аҳамият касб этади. Шундай ҳолатлар бўлганки, туйғу бутунлай сизни қамраб олган, бироқ бу вазиятларда ўзингизни йўқотиш хавфи сиздан йироқ. Реализм, сабр-бардош, айрим пайтларда ғурур — айнан шулар сизнинг хатти-ҳаракатингизни бошқариб туради. Ўзгариб туриш хусусиятингиз севгилингиз томонидан унга нисбатан совуқлик ёки эркатойлик, деб қабул қилиниши мумкин.

“ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ” ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Оила психологиясининг вазифаси қуйидагилардан қайси бирида кўрсатилган?

А) Оила бюджети, оила ишлаб чиқариши, оилавий истеъмоли, меҳнат тақсимоти

В) Никоҳнинг физиологик жиҳатларини ва уларнинг оқибатларини

С) Аҳолининг асосий бўғинини

D) Никоҳ-оила муносабатларида намоён бўладиган ҳиссиёт, тасаввур, урфғодатларни руҳий ҳодисаларнинг ижтимоий табиий манбаларини

Е) Оиланинг болаларга кўрсатадиган таъсирини оиладаги тарбия қонуниятлари

2. Никоҳ нима?

А) Йигит ва қиз ўртасидаги муносабат

Б) Эркак ва аёл ўртасидаги муайян иттифоқни ва бу иттифоқнинг жамият, давлат томонидан тан олиниши

В) Икки киши орасидаги келишув, шартнома

Г) Икки қарама-қарши жинс орасидаги муносабат

3. Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” қачон тасдиқланган?

А) 1995 йил 30 май

Б) 1998 йил 30 апрель

В) 1989 йил 9 апрель

Г) 1990 йил 29 май

4. “Никоҳ” сўзи қайси миллат тилидан келиб чиққан?

А) Грекча

Б) Юнонча

В) Арабча

Г) Туркча

5. “Никоҳ” сўзи қандай маънони англатади?

А) Шартнома

Б) Муносабат

В) Келишув

Г) Қушилиш

6. Никоҳдан ўтувчи шахсларнинг ўзаро розилиги Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”нинг нечанчи моддасида кўрсатиб ўтилган?

А) 17

Б) 16

В) 14

Г) 12

7. Республикамизда “Оила йили” деб эълон қилинган йил?

А) 1992

Б) 1994

В) 1996

Г) 1998

8. «Аёллар йили» деб нечанчи йил эълон қилинган?

А) 1989

Б) 1898

В) 1999

Г) 1990

9. “Эструс” – деб нимага айтилади?

А) Шартнома тузи

Б) Ўзаро келишув

В) Қушилишга мойиллик

Г) Мулоқотга киришиш

10. “Табу” – деб нимага айтилади?

А) Қовушиш

Б) Суҳбатлашиш

В) Қаттиқ таъқиқ

Г) Ўзаро муносабатга киришиш

Оила психологияда мулоқотнинг қандай тузилишлари мавжуд?	улоқотнинг интерактив, перцептив томони.	Мулоқотда ахборот алмашиниш	улоқотнинг коммуникатив, интерактив, перцептив томони	Мулоқотнинг коммуникатив, ахборот алмашиниш томони
Мулоқотнинг коммуникатив томони –	Бу шахслараро ахборотлар, билимлар, ғоялар, фикрлар алмашинуви.	Кишиларнинг биргалакдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан таъсир этишлари.	Мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушинишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён.	Шахсларнинг бир-бирларини тушиниш жараёни
Мулоқотнинг интерактив томони –	Бу шахслараро ахборотлар, билимлар, ғоялар, фикрлар алмашинуви.	Кишиларнинг биргалакдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан таъсир	Мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушинишлари	Шахсларнинг бир-бирларини тушиниш жараёни.

		этишлари.	билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён.	
Мулоқотнинг перцептив томони –	Бу шахслараро ахборотлар, билимлар, ғоялар, фикрлар алмашинуви.	Кишиларнинг биргалакдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан таъсир этишлари.	Мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушинишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён.	Шахсларнинг бир-бирларини тушиниш жараёни
Этнопсихология нимани ўрганади?	Айрим миллатлар психологиясидан ташқари турли халқлар психологиясини, кичик миллий гурухларни ҳам ўрганади	Халқ психологиясини ўрганувчи фан.	Этник гуруҳлар психологиясини ўрганувчи фан.	Омма психологиясини ўрганувчи фан.
Референт гуруҳ тушунчасини биринчи бўлиб фанга ким киритган? Нечанчи йилда?	1979 йил В.Мёде.	1942 йил Г.Хаймен.	1908 йил Э. Россе.	1908 йил В. Макдугалл
Оила психологиясининг вазифаси қуйидагилардан қайси бирида кўрсатилган?	Оила бюджети, оила ишлаб чиқариши, оилавий истеъмоли, меҳнат тақсимоти	Оила бюджети, оила ишлаб чиқариши, оилавий истеъмоли, меҳнат тақсимоти	Никоҳнинг физиологик жиҳатларини ва уларнинг оқибатларини	Никоҳ-оила муносабатларида номоён бўладиган ҳиссиёт, тасаввур, урф-одатларни руҳий ҳодисаларнинг ижтимоий табиий манбаларини
Никоҳ нима?	Йигит ва қиз ўртасидаги муносабат	Эркак ва аёл ўртасидаги муайян иттифоқни ва бу иттифоқнинг жамият, давлат томонидан тан олиниши	Йигит ва қиз ўртасидаги муносабат	Эркак ва аёл ўртасидаги муайян иттифоқни ва бу иттифоқнинг жамият, давлат томонидан тан олиниши

Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” қачон тасдиқланган?	1995 йил 30 май	1995 йил 30 май	1998 йил 30 апрель	1998 йил 30 апрель
“Никоҳ” сўзи қайси миллат тилидан келиб чиққан?	Грекча	Юнонча	Юнонча	Арабча
“Никоҳ” сўзи қандай маънони англатади?	Шартнома	Муносабат	Муносабат	Қушилиш
Никоҳдан ўтувчи шахсларнинг ўзаро розилиги Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”нинг нечанчи моддасида кўрсатиб ўтилган?	17-модда	18-модда	14-модда	16-модда
Республикамизда “Оила йили” деб эълон қилинган йил?	1992 йил	1992 йил	1994 йил	1998 йил
«Аёллар йили» деб нечанчи йил эълон қилинган?	1989 йил	1898 йил	1898 йил	1999 йил
.“Эструс” – деб нимага айтилади?	Шартнома тузиш	Ўзаро келишув	Қўшилишга мойиллик	Мулоқотга киришиш
“Табу” – деб нимага айтилади?	Қовушиш	Суҳбатлашиш	Қаттиқ таъқиқ	Ўзаро муносабатга киришиш
Экзогам никоҳ - нима?	Шартнома асосида тузилган никоҳ.	Уруғлараро, қабилалараро никоҳ	Манфаат кўзланган никоҳ	Ноқонуний никоҳ
Жуфт никоҳлар қачон ташкил топган	23-22 йил илгари	25-24 йил илгари	20-23 йил илгари	25-26 йил илгари
Ҳозирги замон оилаи қанлай оиладан иборат?	Экзогем	Жуфт никоҳ	Гуруҳли никоҳ	Моногам никоҳ
Оила неча турга бўлинади?	33 турга	34 турга	13 турга	31 турга
Ҳозирги замон оиласининг нечта асосий функциялари мавжуд?	9 та	6 та	11 та	8 та
Психологик муҳит нима?	Шахслараро зиддиятлар	Иқтисодий этишмовчилик	Коллективдан кишиларнинг психологик ҳолати,	Манфаатдорликни кўзлаб иш тутиш

			кайфияти, муносабатларининг йиғиндиси	
Мувофиқликнинг нечта тури мавжуд?	3 та	6 та	8 та	9 та
.Аёл билан эркакнинг оилавий муносабатларида тэнг ҳуқуқлиги “Оила кодекси”нинг нечанчи бўлимида кўрсатиб ўтилган?	3 бўлим 2 модда	1 бўлим 2 модда	4 бўлим 2 модда	5 бўлим 3 модда
Ибн Сино дўстликни неча йўналишга ажратган?	3 та	2 та	1 та	6 та
Қадимги юнонлар севги-муҳаббатни неча турга бўлишган?	8 та	9 та	4 та	3 та
Севги-муҳаббат туйғуларини Д.А. Ли неча турга бўлган?	8 та	9 та	6 та	7 та
Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг нечта йўналиши мавжуд?	2 та	6 та	4 та	7 та
Никоҳдан ташқари жинсий муносабатларнинг нечта асосий омиллари мавжуд?	12 та	16 та	21 та	14 та
Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг нечта сабаблари мавжуд?	8 та	6 та	4 та	11 та
Республикасизда оила бўйича шуғулланган тадқиқотчилар	Леоньтев	К. Фабри	Г. Шоумаров, А. Соғинов	А. Соғинов
Оила кодексининг 26-бобидаги «Никоҳдан ажралишни қайд этиш” қачон тасдиқланган?	1998 йил 30-май	1989 йил 30-июнь	1998 йил 30-прел	1998 йил 20-апрел
“Ўсимрлик автономияси” неча турдан иборат?	6 турдан	8 турдан	3 турдан	4 турдан
Жинсий балоғатга этиш неча босқичдан иборат?	4 босқичдан	6 босқичдан	3 босқичдан	2 босқичдан
“Никоҳ мотивлари” неча турдан иборат?	6 турдан	4 турдан	2 турдан	3 турдан
Машҳур ривоятда Хориснинг қизи Асмо келин бўлиб куёв уйига кетаётганида онаси томонидан берилган	12 та ўгит	13 та ўгит	10 та ўгит	11 та ўгит

ўгитлар сони?				
Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги низолар неча босқичдан иборат?	8 босқичдан	7 босқичдан	6 босқичдан	5 босқичдан
Қайнона-келин ўртасидаги низоларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар нечта?	10 та	8 та	7 та	9 та
Хиёнатни юзага келтирувчи омиллар нечта?	8 та	9 та	7 та	6 та
“XXI аср вабоси” дэганда қандай касаллик назарда тутилган?	СПИД	Захм	Гонорея	Барча жавоблар тўғри
Ҳаётда ажралишларнинг асосий сабаблари нечта?	4 та	2 та	2 та	5 та
Оила мустаҳкамлигига рахна солувчи зиддиятлар, келишмовчиликларнинг асосий сабаблари нечта?	16 та	18 та	13 та	11 та
Ҳозирги кунда кўп ажралишларга сабаб бўлувчи омиллар?	Эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик	Қайнота-келин ўртасидаги низолар	Қайнота-келин ўртасидаги низолар	Барча жавоблар тўғри
Тери таносил касалликларини келиб чиқиш сабаблари?	Никоҳдан ташқари муносабат	Гигиенага риоя қилмаслик	Ҳиёнат	Бошқа сабаблар
Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда...	асосан қизларга ўгит-насиҳатлар бериш	асосан қизларга ўгит-насиҳатлар бериш	йигитларга ота томонидан алоҳида оилавий ҳаётга тайёргарлик ишларини олиб борилиши	Фақат қизларгагина оила, турмуш, ҳаёт ҳақида насиҳатлар қилиш.
Абу Али Ибн Сино ўз асарларининг бирида “Муҳаббат”ни қандай таърифлайди?	Ажойиб туйғу	Хирсга берилиш	Касаллик	Ҳис-туйғуларга берилиш
Ҳозирги замон оиласининг нечта асосий функциялари мавжуд?	9 та	6 та	11 та	8 та
Психологик муҳит нима?	Шахслараро зиддиятлар	Коллективда кишиларнинг психологик ҳолати, кайфияти, муносабатлар	Коллективда кишиларнинг психологик ҳолати, кайфияти, муносабатла	Манфаатдорликни кўзлаб иш тутиш

		ининг йиғиндиси	рининг йиғиндиси	
Мувофиқликниг нечта тури мавжуд?	3 та	6 та	8 та	9 та
Аёл билан эркакнинг оилавий муносабатларида тэнг ҳуқуқлиги “Оила кодекси”нинг нечанчи бўлимида кўрсатиб ўтилган?	3 бўлим 2 модда	* 1 бўлим 2 модда	4 бўлим 2 модда	бўлим 3 модда
Ибн Сино дўстликни неча йўналишга ажратган?	3 та	2 та	1 та	6 та
Қадимги юнонлар севги-муҳаббатни неча турга бўлишган?	8 та	9 та	4 та	* 3 та
Севги-муҳаббат туйғуларини Д.А. Ли неча турга бўлган?	8 та	9 та	* 6 та	7 та
Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг нечта йўналиши мавжуд?	* 2 та	6 та	4 та	7 та
Никоҳдан ташқари жинсий муносабатларнинг нечта асосий омиллари мавжуд?	12 та	* 16 та	21 та	14 та *
Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг нечта сабаблари мавжуд?	8 та	6 та	4 та	11 та

ГЛОССАРИЙ

1. ***ПСИХОЛОГИЯ*** — одамнинг объектив борликни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-хиссиёт ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.
2. ***ФАОЛЛИК*** - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб,теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш қобилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.
3. ***АНАЛИЗАТОР***— мураккаб нейрофизиологик тизим бўлиб, одамга таъсир этувчи қўзғалишларни идрок этиш ва уни таҳлил қилишни таъминлайди. Анализатор рецептор, нерв йўллари, мия билан боғланадиган қисми ва миянинг махсус специфик бўлимларини ўз ичига олади (И.П. Павлов).
4. ***ПСИХИКА*** - юксак даражада ташкил топган материя (мия)-нинг объектив борлиқни акс эттириш ва шунинг асосида шаклланган психик образлар орқали мақсадга мувофиқ субъектнинг фаолияти ва унинг хатти-ҳаракатларини бошқаришдан иборатдир.
5. ***РЕФЛЕКСИЯ*** - киши билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилишидир.
6. ***СТИМУЛ*** - рецепторларда қўзғалишни вужудга келтирадиган ташқи ички таъсирдир.
7. ***ФАОЛЛИК*** - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш қибилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.
8. ***АНКЕТА***— олдиндан тайерланган саволлар асосида жавоб олиш учун тайёрланган варака.
9. ***АУТОГЕН МАШҚ***— ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган

психотерапевтик усул.

10. ***БИОГРАФИК МЕТОД*** — кишини унинг таржимаи ҳоли билан боғлик, бўлган хужжатлар орқали ўрганиш усули.
11. ***ВАЛИДЛИК*** - психологик тадқиқотда олинган натижаларнинг объектив ташқи мезонларга мос келиши.
12. ***ГЕНЕТИК МЕТОД*** — психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қуйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.
13. ***ДЕТЕРМИНИЗМ*** — табиатдаги барча нарсалар, шу жумладан психик ҳодисаларнинг рўй бериши объектив сабаблар ва қонунлар билан белгиланади деб қараш.
14. ***ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ*** — пеихология фани тармокларидан бўлиб, турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ўрганади.
15. ***КУЗАТИШ*** — психология методларидан бўлиб, кишининг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.
16. ***ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ*** - психология методларидан бўлиб, текширувчига таъсир этадиган барча омиллар катъий назорат килган ҳолда сунъий шароитда олиб борилади.
17. ***СОЦИОМЕТРИЯ*** - Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат психологик тадқиқот методи.
18. ***СУНЪИЙ АҚЛ***— биронта одам ёки бир гурух кишилар бажара оладиган мураккаб ақлий функцияларни бажарадиган сунъий яратилган қурилма.
19. ***ПСИХОЛОГИЯ*** — одамнинг объектив борликни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-хиссиёт ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.
20. ***ФАОЛЛИК*** - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб,теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш қобилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.
21. ***ҲАРАКАТ АКЦЕПТОРИ*** — марказий нерв системасииинг бўла диган ҳаракатлар натижасини белгилаб берувчи нейродинамик моделидир. Бу модел ҳаракатларнинг асосий характеристикасини ўз ичига олиб,ҳаракатларни бошқаришда иштирок этади П.К. нохин).
22. ***АНАЛИЗАТОР***— мураккаб нейрофизиологик тизим бўлиб, одамга таъсир этувчи қўзғалишларни идрок этиш ва уни таҳлил қилишни таъминлайди. Анализатор рецептор, нерв йўллари, мия билан боғланадиган қисми ва миянинг махсус специфик бўлимларини ўз ичига олади (И.П. Павлов).
23. ***АССОЦИАЦИЯ*** — психик ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши бўлиб, маълум қонунлар бўйича таркиб топади (жумладан, фазодаги ёндошлик, хронологик, ўхшашлик, қарама - қаршилик ва бошқа ассоциациялар).
24. ***ПСИХИКА*** - юксак даражада ташкил топган материя (мия)-нинг объектив борлиқни акс эттириш ва шунинг асосида шаклланган психик образлар орқали мақсадга мувофиқ субъектнинг фаолияти ва унинг хатти-ҳаракатларини бошқаришдан иборатдир.
25. ***РЕФЛЕКСИЯ*** - киши билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилишидир.
26. ***СТИМУЛ*** - рецепторларда қўзғалишни вужудга келтирадиган ташқи ички таъсирдир.
27. ***ФАОЛЛИК*** - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш қибилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.
28. ***АНКЕТА***— олдиндан тайерланган саволлар асосида жавоб олиш учун тайёрланган варака.
29. ***АУТОГЕН МАШҚ***— ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.
30. ***БИОГРАФИК МЕТОД*** — кишини унинг таржимаи ҳоли билан боғлик, бўлган хужжатлар орқали ўрганиш усули.
31. ***ВАЛИДЛИК*** - психологик тадқиқотда олинган натижаларнинг объектив ташқи

мезонларга мос келиши.

32. ***ГЕНЕТИК МЕТОД*** — психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қуйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.
33. ***ДЕТЕРМИНИЗМ*** — табиатдаги барча нарсалар, шу жумладан психик ҳодисаларнинг рўй бериши объектив сабаблар ва қонунлар билан белгиланади деб қараш.
34. ***ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ*** — пеихология фани тармокларидан бўлиб, турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ўрганади.
35. ***КУЗАТИШ*** — психология методларидан бўлиб, кишининг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.
36. ***ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ*** - психология методларидан бўлиб, текширувчига таъсир этадиган барча омиллар катъий назорат килган ҳолда сунъий шароитда олиб борилади.
37. ***СОЦИОМЕТРИЯ*** - Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат психологик тадқиқот методи.
38. ***СУНЪИЙ АҚЛ***— биронта одам ёки бир гурух кишилар бажара оладиган мураккаб ақлий функцияларни бажарадиган сунъий яратилган қурилма.
39. ***ЎЗ-ЎЗИНИ КУЗАТИШ*** - бунда субъектнинг ўз психик ҳолатлари билан ўз хатти-ҳаракатларини ўрганишдан иборат метод.
40. ***ШАХСИЙ МУНОСАБАТ*** — психология коидаларидан бўлиб, одамга шахс тариқасида, унинг
41. воқеликни акс эттирувчи ва барча психик ҳодисаларни белгилаб берувчи система эканлигини
42. тушунган холда яқиндан ёндашиш.
43. ***МЕҲНАТ*** — одамнинг маълум максадга, ўз эҳтиёжларини кондириш учун борлиқни билиш ва уни қайта кўришга, моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаоллият.
44. ***ОДАТЛАР*** — бажарилиши кишининг эҳтиёжига айланиб қолган хатти-ҳаракатлар ёки хулқ-атвор.
45. ***ЎЙИН*** — фаолият турларидан бири бўлиб, бу болаларнинг катталар фаолиятини, уларнинг иш-ҳаракатларини, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиришда ифодаланадиган ва теварак-атрофдаги борлиқни билишга қаратилган фаолият.
46. ***ЎҚИБ - ЎРГАНИШ*** — шахснинг билим ва фаоллият усулларини эгаплаш ҳамда уни мустаҳкам эсда саклаб колиш жараёни. Ўкиш — ҳар кандай фаолиятнинг зарурий қисмларидан бўлиб, субъектни ўзгартириш жараёни ҳамдир.
47. ***ФАОЛИЯТ***— инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган, эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишига, уни қайта кўришга йўналтирилган фаоллиги.
48. ***ДЕПРЕССИЯ*** — тушкунлик кайфияти бўлиб, бу кишида интилишларнинг сусайиши, ҳаракатларнинг тормозланиши билан боғлиқ равишда юзага келадиган руқий ҳолат.
49. ***ИРОНИЯ*** — кишига нисбатан мутлақо ижобий, ҳатто маъқулловчи ҳарактерга эга бўлган истехзо аралаш нозик муносабати.
50. ***КАЙФИЯТ*** - бирорта эмоциянинг барқарор кечиши.
51. ***АФФЕКТ*** (лот. руҳий ҳис-ҳаяжон) — иродавий назоратни йўқотган ҳолда тез ва кучли пайдо бўлиб, шиддат билан ўтадиган қисқа муддатли эмопионал ҳолат.
52. ***ЁШ ДАВРИ ИНҚИРОЗЛАРИ*** (грекча - бурилиш пайти) -бир ёш давридан иккинчи ёш даврига ўтишдаги тўқнашувли вазият.
53. ***ЗЕҲН*** — шахес махсус қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш учун асос бўладиган анатомик-физиологик имконият.
54. ***ИРСИЯТ*** - организм хусусиятларининг ота-онада таркиб топиб, мустаҳ.камланиб, кейинги авлодга ўтиш жараёни.
55. ***ИНДИВИДУАЛЛИК***- ҳар бир инсонни бошқа инсондан фарқлаб турувчи хусусиятлар йиғиндиси, шахснинг ўзига хос хусусиятлари.
56. ***КАСБ-ҲУНАР КОНСУЛЬТАЦИЯСИ*** - жамият эҳтиёжи ва ёшларнинг қизиқиш ва истеъдодларига қараб турли касблар ҳақида илмий ташкил этилган маълумотларни бериш.
57. ***КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛИШ БЕРИШ***- ёшларнинг ишга жойлашишда хохиши, қизиқиши, шаклланган қобилияти, лаёқатига қараб психологик, педагогик ва тиббий

тадбирларни ўтказиш.

58. ***ҚИЗИКИШ*** (аҳамиятга эга бўлиб - кишининг билиш эҳтиёжларини эмоционал намоён ўлиши билан боғлиқ мотив.

59. ***ҲАЁЛ*** - мавжуд тасаввурларимизга асосланиб, аввал идрок қилинмаган, турмуш тажрибамизда учрамаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат бўлган онгли фаолият. Ҳаёл инсон ижодий фаолиятининг асосидир.

60. ***ХАРАКАТ*** - мақсадга мунофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси, онгли фаолият таркибий қисмлари ва мотивларидан бири.

61. ***ИҚТИСОДИЙ*** - уй хўжалигини юритиш, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини самарали қондирилишини таъминлаш. Фарзандни дунёга келтириш ва вояга етказиш жараёнида оиланинг жамиятга келтирадиган иқтисодий фойдаси.

62. ***РЕПРОДУКТИВ*** - жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш.

63. ***ТАРБИЯВИЙ*** - маданий мэросни авлоддан авлодга узатиш, ёш авлодни тарбиялаш жамиятнинг маданий мэросини сақлаб туриш.

64. ***КОММУНИКАТИВ*** - оила аъзоларининг мулоқотга ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондириш.

65. ***РЕАКТИВ*** - ўзаро жисмоний, моддий,маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила-аъзоларининг дам олишини ташкил этиш вазифаси.

66. ***ФЕЛИЦИТОЛОГИК*** - шахсий бахтга эришишга интилиш (фелицито- италянча бахт). Инсоннинг том маънодаги бахтга эришишида оиланинг тутган ўрни.

67. ***РЕГУЛЯТИВ*** - бошқарув, ёш авлодни ижтимоий назорат қилиш ва катталарнинг маънавий-аҳлоқий, сексуал ҳулқини назорат қилиш ва бошқариш.

68. ***РЕЛАКСАЦИЯ ВА ПСИХОТЕРАПЕВТИК*** - касб фаолиятида сарфлаган куч қувватини оилада қайта тиклаш ва эмоционал зўриқишлар, руҳий танглик, стрессларнинг олдини олиш. Руҳий зўриқишларни бартараф этиш.

69. ***ЭРОС*** — кучли севги-муҳаббат ҳислари бўлиб, бу ҳислар асосида ётган мотив муҳаббат обектига жисмоний эга бўлиш. Бунда жинсий интилиш етакчилик қилади.

70. ***ЛЮДУС*** — севги ҳисларини унчалик чуқур бўлмаган муҳаббат ўйини сифатида идрок қилинадиган, севги ҳислари обекти осон алмашиши мумкин бўлган тури.

71. ***СТОРГЕ*** — ташқи кўринишидан кучли ифодаланмаган, аммо ишончли муҳаббат — дўстлик тури.

72. ***ПРАГМА (Л+С)*** — людус ва сторгелардан иборат доимо онг назоратида бўлган, севган шахсининг манфаатларини кўзлаган мақсадлари асосида юзага келган севги ҳисларидир.

73. ***МАНИЯ (Е+Л)*** — эрос ва людусдан иборат бўлиб, севган киши севги обектидан тобелиги билан характерланади. Аммо эрос ва людусдан бу турнинг фарқи севган шахсда ўзига ишонч ҳислари етарли бўлмайди.

74. ***АГАПЕ (Е+С)*** — эрос ва сторгелар йиғиндисидан иборат кучли ифодаланадиган севган киши муҳаббат обектига ҳамма нарсасини ва ҳатто ўзини ҳам бағишлашга тайёр бўлган ҳислар тури ва ҳоказо. Кузатишларга

кўра эркакларнинг севги муҳаббат ҳисларида кўпроқ қисмини эрос ва людус, аёлларда эса прагма, сторге ва мания турлари ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. -Т.:, “Ўзбекистон”, 1998. –683 б.
2. Каримов И.А. “Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида”. Т.:, “Ўзбекистон”, 1998. –431 б.
3. “Баркамол авло орзуси”. –Т.:, “Шарқ”, 1999. –182 б.
4. 1998 йил оила йили-1998 год семьи. –Т.:, “Ўзбекистон”, 1998. –128 б.
5. Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27-январь 45-сон қарори.
6. Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2-февраль 57-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. -Т.:, «Адолат», 1998. –300 б.
8. Каримов И.А. “Баркамол авлод давлат дастури” 2010 йил.....
9. Авлоний А. Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ. –Т.:, «Ўқитувчи», 1992. –160 б.
10. Аминов Б. Ўсмирлар жинсий тарбияси. -Т.:, «Ўқитувчи», 1979.
11. Амир Темур ўгитлари. –Т.:, «Наврўз», 1992. –64 б.
12. Буриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Т.:, 1997. -182 б
13. Бухорий-Ал Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. VI жилд. АЛ-Жомиъ Ас-Саҳиҳ(Ишонарли тўплам). –Т.:, «қомус», 1992. –527 б.
14. Исаев Д.Н., Каган В.Е. Половое воспитание и психогигиена пола у детей. –Л.:, 1979. –184 с.
15. Исаев Д.Н., Каган В.Е. Психогигиена пола у детей: руководство для врачей. –М.:, 1986. –336 с.
16. Исаев Д.Н, Каган В.Е. Половое воспитание детей. –Л.:, 1988. –160 с.
17. Исмаилов М.Н. Ўқувчи гигиенаси. –Т.:, 1977.
18. Кайковус. қобуснома. –Т.:, “Мэрос”, 1992. –176 б.
19. Кленицкая Е.М. қиз бола тарбияси. –Т.:, “Мэдицина”, 1971.
20. Ковалев С.В. Психология современной семьи. –М.:, 1988.
21. Ковалев С.В. Подготовка старшекласников к семейной жизни. –М.:,Ю 1991. –143 с.
22. Кон И.С. Психология юношеской дружбў. –М.:, 1973. –92 с.
23. Кон И.С. Введение в сексологию. –М.:, 1988. –320 с.
24. Корик Г.Г. Никоҳ ва саломатлик. –Т.:, “Мэдицина”, 1976.
25. Лисотский В.Г. Любовь и нравственность. -Л.:, 1985. –224 с.
26. Маркосян А.А. Ёш физиологияси масалалари. –Т.:, 1977. –256 б.
27. Мир детства. Подросток. /Под. ред. А.Г.Хрипковой: отв. ред. Г.Н.Филонов. –М.:, “Педагогика”. 1982. –432 с.
28. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. (ЮНЕСКО, ЮНПФА лойиҳаси асосида). –Т.:, «Меҳнат», 2000. –192 б.
29. Муртазаев М.Я. Таносил касалликлари. –Т.:, Мэдицина, -1981.

30. Нумонова Ё. Этнопсихологические особенности репродуктивного поведения у узбеков. Дис. канд. психол. наук. –Т.:, 1996. –181 с.
31. Оилани ўрганиш психодиагностика методикалари. Тузувчилар: Н.А.Соғинов, Ф./.Ҳабибуллаев. –Т.,: 1996. –38 б.
32. Оила психологияси. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун. //.Б.Шоумаров таҳрири остида. –Т.:, «Шарқ», 2000. –272 б.
33. Саматов Г. Қалтис саволларга нозик жавоблар. (Жинсий муносабатларга бағишланган илмий-оммабоп рисола). –Т.:, 1992. –48 б.
34. Санюкевич Л.И. Половое воспитание детей и подростков. –Минск: 1979. –256 с.
35. Сатир В. Как строить себя и свою семью: Пер. с англ. –М.:, 1992. –192 с.
36. Семейное воспитание: Краткий словарь. /Сост.: И.В.Гребенников, Л.В.Ковинько. –М.:, 1990. 319 с.
37. Семья. Социально-психологические и эстетические проблемы: Справочник. /В.И.Зацерин, П.М.Бучинская, Н.Гавриленко и др. –Киев: Политиздат Украинў, 1990. –225 с.
38. Содиқов К., Собирова Р., /овсиддинов. Жинсий тарбия. –Т.:, Мэдицина, 1982.
39. СогиновН.А. Социально-психологическое особенности удовлетворенности браком в узбекской семье. Дисс. канд. психолог. наук. –Киев.:, 1990. –213 с.
40. Станков А.Г. Что надо знать до брака и после браке. –Т.:, Мэдицина, 1981. –351 с.
41. «Сунани Термизий». Ҳадислар тўплами. VI жилдлик. I жилд. Таржимон М.Кенжабек(Кенжабоев М.Т.). –Т.:, 1999. –668 б.
42. Супружеская жизны гармония и конфлекты. /Сост. Л.А.Богданович. –М.:, 1990. –176 с.
43. Тесты для супругов. –Минск, 1998. –32 с.
44. Толстўх А.В. Взрослые и дети: парадоксы общения. –М.:, 1988. –128с.
45. Турсунов Н.Т., Голосовкер А.М. Венерик касалликлар ҳақида нималарни билиш керак. –Т.:, Мэдицина, 1973.
46. Умаров Б.М. Ўсмирлар суицидал хулқининг ёш психологик хусусиятлари. Психол. фан. номзод. дис. –Т.:, 1993. –154 б.
47. Усмонов Э.Ш. Ўзбек хотин-қизлари суицидал хулқининг (ўз-ўзини ёндириш) ёш психологик хусусиятлари. Психол. фан. номзод. дис. –Т.:, –160 б.
48. Учителям и родителям о психологии подростка. /Под ред. проф. Г.Г.Аракелова, -М.:, 1990. –304 с.
49. Фаробий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. –Т.:, “А.қодирий” номидаги халқ мэроси нашриёти, 1993. –223 б.
50. Фахр ул Банот Сибғатуллоҳ қизи. Оила сабоқлари. –Т.:, 1992. –96 б.
51. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Т.:, Маънавият, 1998. –112 б.
52. Фромм Э. Искусство любить: Исследование природы любви. /Пер. с англ. –М.:, 1990. –160 с.
53. Ходаков Н.М. Ёш келин-куёвларга. 3-нашр. –Т.:, 1990. –173 б.
54. Ҳомиладорликни олдини олишнинг замонавий усуллари. Оилани оқилона режалаштиринг. –Т.:, 1998. –34 б.

55. Хрипкова А.Г., Колесов Д.В. Гигиена ва саломатлик. –Т.:, 1986.
56. Ҳусайн Воиз Кошифий. Фатувватномаий Султоний: ёҳуд жавонмардлик тариқати. –Т.:, 1994. –111 б.
57. Шарипова Д.Ж., Семёнова А. Ўқувчиларга гигиеник таълим-тарбия бериш. –Т.:, “Ўқитувчи”, 1983.
58. Шахс инқироз ҳолатининг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш. -Т.:, 1997. – 39 б.
59. Ғ.Б.Шоумаров, И.О.Ҳайдаров “Оила психологияси” ўқув қўл. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун. 2008 й. “Шарқ” нашриёти. 294 б.
60. Шоумаров Ш.Б., Шоумаров /.Б. Муҳаббат ва оилавий ҳаёт. –Т.:, “Ибн Сино”, 1996. –96 б.
61. Шоумаров /.Б., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. –Т.:, “Ибн Сино”, 1994. –120 б.
62. Ғофуров А.Т., Содиқов В.С. Мактаб билан оиладаги гигиеник ва жинсий тарбия. –Т.:, 1987. –184 б.
63. Яссавий А. Девони ҳикмат. –Т.:, “Ғ.Ғулом”, 1992. –208 б.